

## ИҚБОЛ МИРЗОНИНГ “БОНУ” РОМАНИ ҲАҚИДА

Иқбол Мирзонинг “Бону” деб номланган романининг компьютер нусхасини ўқиб чиқдим. Роман шу яқин кунлар, “бозор иқтисоди”, “глобаллашув” даври ҳаёти ва бу ҳаётнинг серпўртана, сертахлика, сералдов, серрўё воқеалари ва бу доғули воқеаларни ҳаракатга солган, уларни “характерли” қилган одамларни саҳнага олиб чиққан.

Роман шитоб билан ёзилган ва ўқувчи ҳам табиий шитоб билан воқеалар ичига, қаҳрамонларнинг тақдир дунёсига кириб боради.

Роман шу “бозор” замонида кўп фожиали дамлар, фожиали шўришлар, айрилиқлар, хиёнатлар, шармандаликлар, разолатларни ўз бошидан кечирган Бону деган гўзал қиз – муаллиманинг тилидан мактублар, кундаликлар, хотиралар тарзи-усулида битилган. Бу жуда интим, ўта интим ҳикояки, унга “битик” сўзи жуда мос, айти бадий-психологик ҳодисани тўғри ифодалайди. Бону битиклари ўз ҳаёти тарихига мисоли гирдоб, мисоли саҳро қучоғи каби олиб кириб кетади. Бир инсонга берган ҳаёт, жон, тириклик эвазига Худо уни шунчалар кўп, чигал, оғирдан оғир, мушкулдан мушкул синовларга ташлайдики, “ахир бунинг маъноси нима?” – деб, киши яна энг қадим “Айюб нидоси”, Айюб сабрини эслайди ва Одам Атодан қолган эканда бу дарду синовлар, деб ўйга толади. Гўзал Бону Айюбдан ҳам кўпроқ енгиш, чидаш, кўтариш, қарийб иложсиз синов-синоатларга дуч келади. Енгиб ўтиш, омон қолиш имконсиз бўлиб кўринган ҳолатларда у фавқулодда матонат кўрсатади. Биз “Чол ва денгиз”, “Оқ кема”, “Қиёмат”да ҳам шундай фавқулодда руҳоний қудрат касб этган матонат – эпик шоирона матонат ҳодисасига дуч келганмиз. Бону тимсоли бу инсоний матонатни яна бошқа бир улуғ ҳаракатлантирувчи куч – Орият фавқулодда қувватлантириб, фавқулодда инсоний ҳодисага айлантириб туради.

Инсон жозибаси нима эканлиги, моҳият-мазмуни нимада эканлигини биз Бону битиклари орқали юрак-онгимиз алам-номусдан хинадек эзилиб, у билан бирга доду фарёд кўтариб, у билан бирга доду фарёдимизга етолмай, кузатиб борамиз.

Гирдоб нақадар даҳшатли эканини Бону билан бирга бошдан ўтказамиз: вой-ей! Суф бу дунё – бу дунга, деб ҳайқирамиз. Бонудаги умуминсоний куч ва салиқа касб этган Орият! Номус! – миллат,

инсоният миқёсида тарбияланса, ижтимоий зарурий кучга – ҳаракат ва интилишдаги кучга айланса, қанийди, деймиз. Бонунинг табиий самимияти, табиий орияти ўқувчини ром этади ва бизга ҳаракатдаги курашчанлик намунаси бўлиб туюлади.

Бу табиий жозиб асар билан Иқбол Мирзони табриклаймиз.

**Иброҳим ҒАФУРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,  
5 июнь 2018 йил.**

## БОНУ

*Роман*

\* \* \*

*4 август*

Ассалому алайкум! Хайрли оқшом!

Мен Сизни узо-оқ изладим... ва ниҳоят энди топдим, шекилли.

Адашмасам, мен излаган инсон Сизсиз.

Албатта, аёл кишининг бундай чўрт иқрори унинг қадр-қиммати ерга уриб, суҳбатдошини дарров сергаклантиради.

Фақат жавоб ёзишга, хулосага шошилмай туринг.

Мен тамагир эмасман, ёрдам-пордам керакмас, бировнинг устидан ёзиш ниятим ҳам йўқ. Адолат истаб Сизни безовта қилмаяпман. Ёшим ўттизни қоралаб, бу дунёда ҳар ким ўз муаммосини фақатгина ўзи ҳал қилиши мумкин деган қатъий хулосага келиб бўлганман. Қолаверса, адолат ва ҳақиқат тушунчаларини турмуш талотўплари қуюни шу қадар биздан йироқлаштириб, осмону фалакка олиб чиқиб кетдики, энди бу мезонлар фақат арши аълода мавжуддек кўринади.

Йўқ, мен аламзада ҳам эмасман. Тўғри, ҳаёт менгинани минг хил услубда ўйнаб эрмак қилди, гоҳо туғилганимга пушаймонлар едим, лекин атрофга шундоққина назар солсам, мен каби бахтсизлару мендан баттар бадбахтлар тўлиб-тошиб ётганлигини кўриб, ёқамни тутаман-да, яна лабларим шукрона айтиб шивирлай бошлайди.

Шошманг, кулманг, ҳукм чиқармай туринг!

Кўнглингизга оғир ботмасин-у, Сиздан кўра машҳурроқ ва истеъдодлироқ адиблар кўп, улар орасида ҳамсуҳбат бўлганларим,

дастхат олганларим, бирга суратга тушганларим ҳам бор. Фейсбукда кунда-шунда қаламкашлар билан дўстлик ришталарини боғлаб, ўзимни миллат ойдинлари сафида юргандек санаган пайтларим ҳам бўлган. Айниқса, муҳит тақозосига кўра юртдан айро тушиб, дилимни соғинч изтиробни эзган вақтларда бу тезкор восита жонимга ора киргани рост. Аммо кейинчалик баъзи сабабларга кўра “ҳавойи” муносабатларни узил-кесил узиб-кесишга аҳд қилдим. Бунинг сабабини кейинча айтирман.

Сизни “танлаганим”га келсак, дастлабки китобчангиз бизнинг янгиликка ўч синфдошлар “чиғириғи”дан ўтгани, бизга ошно айрим қўшиқларнинг муаллифи Сиз бўлиб чиққанингиздир, эҳтимол. Яна, дияқинлик уйғонишига сабаб, қон-қонимизга сингиб кетган юртдошлик туйғуси бўлиши ҳам мумкин. “Ҳар ким ўз кўмочига қўр тортади”, деймиз-ку.

Менга суҳбатдош керак. Янаям тўғрироғи, мени тинглай оладиган, дардларимни ҳис қиладиган, уни баҳолаб биладиган... ва ниҳоят, маслаҳат берадиган инсон зарур, холос. Назаримда, Сиз шундай одамсиз.

Биламан, бош оғриғига сабаб бўладиган масалаларни қалаштириб ташлайдиган танишу нотанишларингиз керагидан кўп. Вақтингиз ҳам жуда тизгиз бўлса керак – менинг қўнғироқларимга жавоб қилмадингиз. Мана, телеграм орқали хат ёзишга мажбур бўлдим. Бир ҳисобда шуниси яхши: ёзаётган одам мақбул сўз қидиради, фикрини чиройлироқ ифодалашга уринади, кечмишини таҳлил қилади, қолаверса, суҳбатда айта олмайдиганларини хатда бемалол ифодалаш имкони яралади -- бу жуда соз!

Агар ҳамсуҳбат бўлишга розилик берсангиз, кўрган-кечирганларимни бир дўстдек, бир сингилдек тўкиб солмоқчиман.

Муддаони суҳбатимиз поёнида айтаман.

Жавобингизни интизорлик билан кутиб қолувчи:

*Бону.*

*Москва.*

\* \* \*

**6 август**

Акажон (шундай мурожаат қилсам, Сизга малол келмайдими?), раҳмат, илтимосимни ерда қолдирмай, суҳбатдош бўлишга розилик берганингиз учун миннатдорман.

Лекин “бухороликмасман”, деганингизга ҳайронлар қолдим, биз ҳаммамиз Сизни ўзимиз томондан деб ҳисоблар эканмиз. Балки, Ситораи Моҳи Хосага бағишланган шеърингиз бизда шундай содда таассурот уйғотгандир. Айтгандай, хоразмлик Шакаржон опа Сизни боғотлик деб мен билан рўмолини михга илиб қўйиб тортишганди. Барибир бизга нозик боғлиқ жойингиз бор экан, юз фоиз адашмабман-ку: “Домоди ман – омади ман”<sup>\*</sup> дейди тожик.

\* \* \*

Армон тошдек зил бўлгани учун ҳам дил тубига чўкади дейдилар... Тошлари тоғдек қалашиб кетган юракни нима деб аташ мумкин? Тошюрак деймизми? Инсон шу тариқа бағритошга айланадими?

Бу метин кўнгилни нечук тафт, ҳарорат эритади? Қандай куч унга қайта жон бағишлайди? Қайси қудрат бу тошларда гул ундира олади? Билмадим, билмайман...

Сизга дил ёришим учун ана шу тошюракдан зарра-зарра, ушоқ-ушоқ учуриб-кўчиришим керак. Яна ўша тошлар оғриғини ҳис қилишим, ғанимга ҳам раво кўрмайдиган кунларни қайтадан яшаб ўтишимга тўғри келади. Қўрқаманки, бировнинг изтироблари тез бадингизга уриб, кўнгил дарчангизни тарақлатиб ёпиб олмасмикансиз, танаси бошқа дардингни билмаганидек, андуҳларимни тушунмасдан зада бўлиб, мени “қора рўйхат”га қўшиб қўймасмикансиз?

Майли, нима бўлганда ҳам олисларда мени тинглайдиган яқиним борлиги, у билан кўринмас ришталар боғлаб тургани... ёқимли, жуда ёқимли...

Мен ҳаётимни бир бошдан ҳикоя қилиб бераман. Бунга ойлар, балки йиллар керак бўлар.

Акажон, сизга сабр тилайман. Бир-икки кун нафас ростлаб олай, зўрға топган дўстимни бездириб қўймаслик учун айтажак гапларимни бир тарозига солиб, тортиб олай...

Аллоҳнинг паноҳига...

\* \* \*

## 7 август

Сахро деганда кўпчилик қип-қизил яйдоқ кенгликни, қоракўлдай мавжланган барханларни, олисларга кўз тикиб лоқайд кавш қайтараётган туяларни, шувоқ соясида бир оёғини кўтарганча қотиб қолган эчкиэмари, саксовул айрисига ўралиб, “ҳазми таом” қилаётган чипор бўғма илонни тасаввурига келтиради. Мана шу қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўл бағрида қанчадан-қанча хазина яшириниб ётгани, минг-минглаб турга мансуб жониворлар турғун маскан тутгани, кўпдан-кўп мўъжизавий манзилгоҳлар, мўътабар қадамжолар, не-не азизларнинг муборак дахмалари борлиги аксариятнинг хаёлига ҳам келмайди.

Ҳа, одам боласи кўзлари илғаган нарсанигина мавжуд деб ўйлайди, қўллари тутган жисмининггина борлигига ишонади.

*...эшитар – тингламас, кўрар – англамас...*

Биз ўз ҳолимизча воситасиз фалакка кўтарила олмаганимиздек, ўлмай туриб замин бағрига ҳам буткул киролмаймиз. Юзадамиз... юзакимиз...

Мен Қизилқум чўлларига ёндош оддий қишлоқ хонадонида олтинчи фарзанд бўлиб дунёга келдим. Олдимда тўрт опам ва бир акам бор, мен кенжатой, “дадасининг эркаси” эдим.

Дадам мактабда тил ва адабиётдан дарс берган, онам эса қишлоқ кутубхоначиси бўлиб ишлаганди.

Тинч, салқин, бироз моғор ҳиди босган икки хонали кутубхонага камдан-кам одам келар, шу боис ҳаддидан ошган сичқончалар бурчак-бурчакларда югургилаб, менинг завқимни тоширарди. Мен оёқ учида уларга яқинлашсам, чийиллашиб пол ковагидаги инларига уриб кетишар, бир муддатдан сўнг седанадай қоп-қора кўзчаларини ялтиратиб, мўралаб қарашарди.

Бир куни юзлари чекич урилгандай чўтир киши “ҳорманглар”, деб кириб келиб, бўсағадаги ҳўл латтага оёғини арта-арта ҳол-аҳвол сўрагани, онам сичқонлардан нолиб, маргимуш зарурлигини айтгани

ва мен бирдан йиғлаб юборганим, “Керакмас, уларга тегманглар, улар мени дўстларим”, деб ғишава қилганим эсимда. Онам менинг бу хархашамни кўп эслар, “Бонунинг майда-чуйда дўстлари кўп”, деб кулиб қўярди. Эҳтимол, тез-тез эсга олиниб тургани учун ҳам ушбу воқеа ҳалигача ёдда қолгандир...

Бобом, ўз таъбири билан айтганда, Мир Араб мадрасаси тупроғини ўн йил ялаб, илми комил бўлган мўмин эди. Уйимизда қизлар кўплигиданми ёки бобомга дастёр кераклигиданми, хуллас, мен бобомга биркитилган эдим. Мактабдан қайтдим дегунча чой-пойимни апил-тапил ичиб, бобоҳовлига чопқиллардим. Бора-бора ўқишдан нари тўғри ўша ёққа ўтадиган, кейинчалик ҳафталаб ётиб қоладиган бўлдим.

Ёшлигида ўйнаб-қувнаб ўсган тенгдошларимдан фарқли ўлароқ, хонтахтага тирсак санчиб, Аллоҳнинг каломини ва ҳадиси шарифни тинглаб, гоҳи Хожамназар Ҳувайдо ғазалларини ўқиб-ёдлаб, уларнинг сеҳри-жозибаси билан ўсдим.

Бобом мадрасада водиллик бир толиби илм билан ҳужрадош тушган, у Ҳувайдонинг шажара силсиласига мансуб бўлиб, ўша даврда тахаллусига зид равишда элга ноаён бўлган\* сўфий ошиқнинг девонини қўлдан қўймас экан.

*“Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо”\*\**, дегандай, йиллар мобайнида бобомизнинг қалбига ҳам бу риндона ғазаллар нақш каби муҳрланиб бораверади. Мен авайлаб варақлайдиган ипакқоғоз китобни ҳам бобом ўз қўли билан кўчириб, муқовалатиб олган экан.

Тўғри, болалик зеҳним билан шеърлар маъносини тўлиқ англаёлмасдим, лекин айна ана шу номаълумлик ортида аллақандай сирли олам, қудратли куч пинҳон бўлиб, тўлқин-тўлқин оҳанглар замирида мўъжизалар яратишга қодир Зот борлигини ҳис қилиб турардим:

*Сифотингни на тил бирла баён айлай, Худовандо,  
Эрур ожиз сифотинг айғоли бу куллийи ашё.\*\*\**

\*\*\*

**10 август**

7

Сираси, ҳаётимнинг асосий мазмуни мутолаа эди.

Ҳали-ҳануз униққан муқовали, ҳилвиноқ китобга кўзим тушса, лойўчоқда вишиллаб кўпик чиқазиб ёнаётган ғўзапоя, бўғотда бўйнини ичига тортиб ғўғулаётган мусича, хонтахтадаги яшил пиёла ичида аксланган тилла тангадек қуёш ҳилпир-ҳилпир жонланиб, арузнинг баҳрлари тўлқинида тебранган салобатли овоз жаранг сочаверади.

Менинг фарҳунда болалигим бошига кутилмаганда бало тоши келиб тушди. Бобом бир фурсат бетоб ётиб қолди ва тез кунда... Тангри раҳматига борди...

Ҳовлига йиғилган хеш-ақрабо имкон қадар овозсиз ҳаракатланар, марҳум руҳига озор етказмаслик учун паст товушда сўзлашар, рўмолини танғиб ўраб олган аёллар пиқ-пиқ йиғлашар, кейин дафн билан боғлиқ икир-чикирларни пичирлашиб муҳокама қилишарди.

Жанозага келган оломон намозга саф тортаркан, мен совуқ маъракадан кўра бобомсиз хонадон ваҳмидан таҳликага тушиб, даҳлиз деворига суянганимча тош қотиб, юрак ютиб турарканман, маросим тезроқ тугасаю, ўзимизнинг уйга чошиб борсам деб орзиқардим. Мулланинг тиловати ҳам қўрқувимни оширарди, ҳолбуки, мени оятлар аллалаб ухлатиб-уйғотган, бобомнинг вазмин қироати қон-қонимга сингиб кетган эди.

Тобутни елкалаб дарвозадан чиқишгач, мен лаш-лушларимни кўтариб акамнинг етовида ҳовлимизга қайтиб келдим. Аммо бу дунёда бобожоним йўқлигини, уни йўқотганимизни тасаввуримга ҳечам сиғдирилмасдим. Мактабдан қайтаётиб оёқларим ўз-ўзидан бобоуимга тортиб кетар, “беш” баҳомни кўрсатиб мақтанишни, у кишидан алқов эшитишни истаб шошиб борарканман, бирдан қўш табақали ёғоч дарвоза зулфинида каттакон қора қулфни кўриб тиззамдан мадор қочарди.

Дарвозага суюниб ўтирганча юм-юм йиғлардим-да, балки бобом ичкарида юргандир, кўрганларим тушдир деган хаёлда тирқишдан термулиб турардим. Бир неча марта мени бобомнинг қўшнилари уйимизга элтиб қўйган, агар ҳаяллаб қолсам, ота-онам шу жойдан топадиган бўлганди.

Кейин бобом тушларимга кўчди...

Мен бобомни маҳкам қучиб, “Тирик экансиз-ку, алдашган экан-ку!” деганча қувончдан юрагим қинидан чиқар даражада урар, шу зарблар шовқинидан уйғониб, тонггача унсиз кўзёш тўкиб ётардим.

Аста-секин ҳамма марҳумлар қатори бобомни маърака муносабати билан эслайдиган бўлишди, мен эса бир лаҳза ҳам ёдимдан чиқаролмадим.

Ота уйимга кўникишим қийин бўлди, бора-бора одамови тортиб, ҳеч ким билан гаплашмай қўйдим, сал нарсага ҳиқиллаб йиғлаб, аразлаб олардим. Дадам дўхтирга олиб борди, у “Бола руҳий инқирозда, тез ўтиб кетади, иложи борича бобосининг ҳовлисига бормай турсин, у билан боғлиқ нимаики бўлса, йироқроқ тутиш керак”, деб тайинлади.

Опаларим менга қўриқчи бўлди.

Энди мен бобоуим жойлашган маҳаллага яқин ҳам боролмасдим. Акамга ялиниб-ёлвориб, қадрдон китобларимни олиб келтирдим. Олиб келтирдиму жоним тинчиди, шу билан мутолаага шўнғиб кетдим. Уйдагилар “Хайрият, қизгина чалғиди, машғулот топди”, деб севинишди, аслида мен Ҳувайдо воситасида бобом билан суҳбат қурардим:

*Ўлимдан беҳабар бўлма, бўлур ногаҳ санга пайдо,  
Яқонгдан олса қўймас, айласанг сад бор вовайло\*.*

\*\*\*

## **11 август**

Шу тариқа кунлар имиллаб, ойлар судралиб, йиллар чошиб ўтаверди.

Гулшан опамни турмушга узатганда мен ўн яшар қизча эдим. Тўйга ҳозирлик кўриб ҳамма ясан-тусан, пардоз-андоз қилар, ўртанча опам қошлиқ тортаркан, менга кўзгудан қараб:

– Кел, сениям қошингни қарайтириб қўяй, дадасини эркаси, – деди.

Мен уялиб, ўзимни эшик ортига тортдим. Ортимдан холамнинг қизи Марзия:

– Худони қудрати! Муштдаккина-ю, ҳалитдан чиройи ақлни шоширади-я! Бунингга қошлиқ шарт эмас, қара қош-кўзни, сурма

тортилгандай, какликнинг худди ўзи! Қўшиқда айтилади-ку:

*Кўзларингиз сурмага муҳтож эмас,  
Қошларингиз ўсмани қилмас ҳавас\**, – деб хиргойисидан ўзи завқланиб хандон ташлади.

Мен ётоқхонага кириб, илк бор бошқача кўз билан кўзгуга қарадим: менга катта-катта кўзлар ҳадик билан боқиб турарди...

\* \* \*

Тўғриси, синфдошларим баъзида чиройимга ҳавас қилиб гапиришган, бировлари ҳасадда сўз қистирган пайтлари кўп бўлган. Мактаб ҳаваскорлик тўгарагида бош роллар менга ишониб топширилганда синфдошим Адибанинг ғайирлигига жавобан адабиёт ўқитувчимиз Жаннат опа “Бонунинг кўриниши ҳам мос келади”, деб оғзига ургани ҳам бор гап.

Кейинчалик коллежга ўтиб ўқий бошлагач, Тангри таоло мени беҳад сийлаб марҳамат кўргузганини англаб етдим.

Мен бўй етиб улғайганим сайин чиройим очилиб, гўзаллашиб бораётганимни ўзим ҳам билиб турар, кўча-кўйда суҳбатлашиб турганлар мен ўтганимда бирдан жимиб қолишларидан, автобусга чиқсам беихтиёр ҳамма мен томон қайрилиб олишидан, ўқитувчиларим баҳоларимни биров ошириб қўйишларидан... ич-ичимдан қувонар... бир сўз билан айтганда, ҳаётдан мамнун эдим.

Онам кўз тегмасин деб етти пирни айлантриб дам солдирар, туморлар тақиб, кўзмунчоқлар боғларди.

Энг яқин ўртоғим – кўзгу доим ёнимда, у билан дийдорлашиб тўймасдим, қараган сари баҳри дилим очилиб, яйраб борардим. Чунки у ғўрлик пайтим қиз боланинг ҳусни ҳам бахти, ҳам фожиаси бўлиши мумкинлиги хаёлимнинг кўчасига келмас эди.

Мактабдагидек, коллежда ҳам барча йигитлар ошиқу шайдо, мени таллашиб ёқалашганлари қанча бўлса, мактуб йўллаганлари, совчи қўйган “чилги”лари ҳам шунча эди.

Абитуриентлигимда бир воқеа рўй бердики, бу менинг чиройим шуҳрати овозасини янада оширди.

Ҳужжат топшириш ҳам ўсмир ҳаётининг ҳаяжонли айёми... Мен

эгнимга янги атлас кўйлак кийиб, ўзимга ишончим барқарор, Арк ёнидан учиб-қўниб ўтиб бораётсам, бошига тўр қалпоқ бостириб, бурнига зангор шишали кўзойнак қўндирган бир амаки “Тўхта, қизим, бир дақиқа!” деб қолди.

Қарасам, у бўйнига осигли фотоаппаратини созлаб, мени мўлжалга оляпти. Вақтим зиқлиги учун у билан ортиқча тортишиб ўтирмадим, шу билан бирга, шайтонлик ҳам қилгим кеп қолди: шоира қизларнинг газетларда чиқадиган бир хил суратларига тақлидан кўрсаткич бармоғимни иягимга қўйиб жилмайдим: “Марҳамат, олаверинг!”

Суратчи беш-олти марта аппаратини чирқиллатиб, мамнун илжайди. Сўнг абитуриентлигимни эшитиб, яна қувониб кетди: “Йўғ-е, буни қара-я, роса мен қидирган қаҳрамон экансан-ку!”

Шу заҳоти рўй берган воқеани унутиб, дорилфунуннинг қабул бўлимига равона бўлдим.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас Тошкентда чиқадиган рангли журнал муқовасида кўйлагим ва юзим лов-лов ёниб, кулиб турган суратим босилиб чиқди. Ҳамма ёқда шов-шув: “Нима дейсан, ўзимизнинг Бонунни Тошкентдаям танишаркан, илтимос қилиб суратга туширишибди”, “Чиройли бўлсанг шу-да”, “Чиройи учунми ё аълочилиги сабабми?”, “Уяммас, буяммас, дадаси Тошкентда ўқиган-ку, танишларини ишга солган-да...”

Консультацияга кирсам, ўзаро суҳбатлашиб ўтирган муаллимлар менга бир қараб, кўз узолмай қолишди. Улардан бири – сочлари жингала, ёшроқ домла:

– Журналда расми чиққан қиз сиз-а? – деб сўради.

– Ҳа, – дедим сал тортиниб.

– Жуда соз, – деди қоратўридан келган тўлароқ ўқитувчи, – бизда сиздай қизлар ўқиши керак, ички гўзаллик яхши, агар ташқи гўзаллик ҳам вобаста бўлса, бу – аъло!

Кейинроқ дорилфунунга кириб, шанба кунлари қишлоққа қайтсам, бирваракайига уч-тўрт совчи ичкари-ташқарида мунтазир навбат кутар, бу ҳол мен учун оддий воқеага айланиб улгурган, меҳмон бор-йўқлигига парво қилмай, ўз юмушларим билан андармон бўлардим. Чунки... улар орасида мен кутган йигитдан элчи йўқ эди...

\* \* \*

## 12 август

Акажон, зериктириб қўймаяпманми? Адабиётчи бўлганим учунми ё сизга ақллироқ кўринмоқчиманми, ҳаётимни бадий бўёқларда тасвирлашга уриниб ёзаяпман.

Балки, бу ёзмишим сизга бачкана, кулгили туйилаётгандир, лекин зарра ёлғони йўқ. Баъзан ўша пайтдаги ҳиссиётларим таърифига сифат тополмай ожиз қоляпман. Ўйлайманки, айтмоқчи бўлган гапларимни бус-бутун англаб, ҳолатимни тўла-тўкис тасаввур этиб боряпсиз.

Москвада тун бўйи ёмғир қуйиб чиқди. Ҳа, бу ерда ёмғир ёғмайди, айнан челақлаб қуяди. Гоҳ мусаффо осмонга, об-ҳаво башоратига ишониб кўчага чиқсанг, бирдан булут йиғилиб, уст-бошингни шалаббо қилиб ташлайди. Ногоҳ бошга тушган фалокатдан қочолмагандай, “оби раҳмат”дан ҳам беркиниб улгурмайсан.

Август бошидаёқ ёз тугаб, “бабье лето” – сунбула бошланди.

Тошкентда ҳалиям жазирама бўлса керак. “Отёги” шафтолилар пишгандир...

Ҳикоямга қайтаман.

Ўқишга кириб олганимдан дадамдан бошқа ҳамма хурсанд кўринарди. Ҳужжат топшириш учун елиб-югурганимда кўлидан келганча кўмаклашган дадам (барибир ўз кучи билан синовлардан ўтолмайди деб ўйлаган, чамамда) хушxabарни эшитиб, “Қиз бола тўрт йил ўқиши шартми? Совчилар орасида тагли-тугли, бамаънилари ҳам кўп, уларни ранжитиш яхшимас, тенги чиқса текин бер, деган гап бор”, деб қовоқ уйиб олди. Тағинам мен тўлов-шартномага зўрға илашганимни уларга айтмагандим. Шундоқ ҳам серчиқим оиламиз бу харажатни кўтара олмаслигини билардим.

Бахтимни кўринг, коллежда амалиёт ўтаб бир муддат тарихдан дарс бериб кетган ўқитувчим Шоира опа билан тасодифан учрашиб қолдим муаммони айтсам, “Болаларимга қараб, уй ишларига кўмаклашиб бизникида яшасанг, хўжайинимга айтиб тўловингни ёптириб бераман”, деб мушкулимни осон қилди. Шу тариқа мен отбозордан баттар ётоқхона ғалвасидан ва тўлов ташвишидан биратўла қутулдим.

Бу ёқда онам ва Зебо опам жонимга ора кириб, “Бону ўқийдиган қиз, келажакда олима бўлади, биздан ҳам битта чиқсин-да”, деб дадажоним кўнглини юмшатишди. Асли дадам ҳам мени жонидан ортиқ яхши кўрар, кўнглимга қарар, ўқишимга мойиллиги бор эди-ю, оталарга хос “қиз хавотири” туфайли сиёсат қилаётганди.

\* \* \*

Икки ҳафта ўқигач, пахта ҳашарига отланишга буйруқ бўлди. Тайёргарлик учун икки кун муҳлат беришди. Ашқол-дашқолларимизни олиб Қоровулбозорга карвон бўлиб йўл олдик...

У даврни ўзингиз яхши биласиз-ку, халқнинг онгу шуурига пахта муқаддас деб сингдирилиб, ғўза илоҳ даражасига олиб чиқиб қўйилган эди. Ҳали шўравий чучвара қалпоғини ечмаган раҳбарлар пахта сўнги мисқолигача терилмай қолиб кетса қиёмат кўпади, давлатнинг бели синади, уммон ортидаги бизни кўролмайдиган ёт унсурлар тиш қайраб, қўштиғига питра босиб пайт пойлаб турибди, деб ишонар, бизни ҳам ишонишга мажбурлашарди...

\* \* \*

Ҳашарга кетиш арафасида қўл телефонимга пул тушираман деб бошқа уйқаш рақамга беш минг сўм ташлаб юборибман. Бир кун кутдим, телефоним жонланмади, компанияга бориб суриштираман, пулим бошқага ўтиб кетганини аниқлаб беришди. Рақамни олиб, қўнғироқ қилдим, биров кўтарди, бўлган воқеани айтсам, “Ҳа, тушган эди”, деди. Икки-уч кунда қайтаришини, ўзи ҳам талаба эканини, ёнида унча пули йўқлигини айтиб, узр сўради.

Кейин қарзини қайтарди. Аввал пул тушдими-йўқми деб сим қоқди, кейин ҳол-аҳвол сўраб қўнғироқ қилди... Бу сўзлашувлар СМСларга, СМСлар узоқ суҳбатларга уланиб, бир-биримизга беихтёр боғланиб қолдик...

Ҳа, бизни кўринмас ришталар боғлади...

\* \* \*

Олмос тиббиёт институти талабаси экан.

Гапимиз гапимизга тўғри келганининг асосий боиси, у кўп китоб кўрган, мумтоз адабиёт ошиғи бўлиб чиқди, севган шоири – Лутфийдан ҳолатга мос иқтибослар келтириб, завқимга шавқ қўшди, ана шу лутф бизни зарофат билан ўраб олдию, суҳбатдан-суҳбатга дил майли зўрайиб бораверди.

– Ўзингиз ҳам шеър ёзасиз-а? Шоирсиз, биламан... – дедим тусмол камонидан тийр отиб.

– Ҳа, сизни топгандан бери шоирман...

– Ашъорингиздан баҳра олиш бахти қачон насиб этаркан?

– Сизнинг назарингизга муносиб байт битган куним...

У айтдики, асли журналист бўлмоқчи экан-у, аммо падарининг қарорига қарши боролмай, буюк ҳамқишлоғи Синога издош тушибди.

“Журналист табиб бўлолмайди, вале табиб қаламкаш бўлиши ҳам мумкин. Сен ҳам танани, ҳам қалбни даволайсан...” – Отанинг амри вожиб...

У яна айтдики, “Энди дадамиздан хурсандман, ўшанда қаттиқ турмаганида ҳозир Тошкенти азимда унга урилиб, бунга қоқилиб юрган бўлармидим. Ва... сиз менинг борлигимдан, мен сизнинг борлигингиздан ғофил ўтиб кетармидик... Умуман олганда, ғафлат одамзоднинг бахтику-я...”

\* \* \*

### *13 август*

Сал ўтмай улар ҳам қўшни туманга пахта йиғимига келишди.

Биласизми... ҳа, албатта биласиз, қишлоқда ўсгансиз-ку, ҳашарнинг ўзгача гашти бўлади, а?

Мен пахта ҳидини болалигимдан яхши кўрардим. Айниқса, ёз тугаб улгурмай, куз бошланмай туриб очиладиган нишона пахта бўлади-ку, унинг аллақандай момик исини туйгандирсиз, балки бу қуёш куйдирган тола ҳидидир, балки шонагул тароватидир, хуллас, юмшоқ-қуруқ бир ҳиди бўлади-да...

Тўғри, ноябрларга бориб терим азобга айланади. Ёғингарчилик, лойгарчилик, кўзбўямачилик мавсуми бошланади. Қиз бечораларнинг боши касалдан чиқмайди. Кимнинг оёғи қақшаган, ким тумов-пучқоқ,

кимнинг жигари шишган, ким бошоғриқ...

Лекин сентябрь пахтаси – романтиканинг худди ўзгинаси. Бу вақтда кечалар ҳам сафоли, чўл осмонида юлдузлар ғўзапоя чўғидек бозиллайди, илиқ шабада димоғингга юлғун ва янтоқнинг ачимсиқ ҳавосини кўтариб келади...

Тўп-тўп қизлар курсдош “эшик оғалари” кузатувида дала йўлларини оҳиста кезиб, паст овозда ўланлар куйлаб борарканмиз, номаълум бетийиқ ёввойи шодлик туфайли тўсатдан юрак қинидан чиққудай талваса қилади-да, юлдузлар шуъласидан чароғон осмонга қараб ҳаёт қандай гўзал, яшаш қандай яхши, деб ҳайқиргинг келади ва айни пайт кўзларингга маржондай йирик ёшлар йиғилади. Фақат бу ҳол яқиндагина севиб қолган, бу туйғудан ҳам хавотирда, ҳам умидвор, ҳам сархуш ўсмирларда бўлса керак.

Ана шундай эртакнамо оқшомлардан бирида кўкдан юлдуз тушгандай у пайдо бўлди. Юзма-юз лолу гунг турибмизу, бирдан қўл телефонимга жон кирди. Қарасам, ундан қўнғироқ бўляпти. Мен янада ҳайрон бўлиб унга боқдим, у зўраки жилмайди, кейин билсам, қаршисида турган қиз менми, бошқами, аниқлаш учун тугмани босган экан.

Билмадим қанча вақт, қанча замонлар гоҳ кўз тўқнашиб, гоҳ нигоҳ қочиб шийпон ёнида телбавор қолиб кетдик. Унинг овози жудаям олислардан келарди.

– Салом, мен келдим! – деди у ниҳоят тилга кириб.

– Сиз... Қайдан топдингиз мени? – вожаб, менинг-да товушим қулоғимга бегона эшитилди.

– Хатда ёзгандингиз-ку манзилингизни... – у ўзини қўлга олиб, лутф этди. – Кейин, сизни топиш жуда осон экан. Мен қайдаки чиройли дарахтларни, гулларни, қушларни, капалакларни кўрсам сизни сўраб-сўраб келавердим...

– Нима деб сўрадингиз?

– Дунёдаги энг чиройли қиз қайда? Кўрмаган бўлсаларинг ҳам эшитгандирсизлар, дедим.

– Улар ҳам сизга ўхшаган шоир экан-да? – “шоир” ўрнига “ёлғончи” демоқчи бўлувдим, қарасам, қўполроқ чиқадиган.

– Сизни кўрган ҳамма шоир бўлади...

*Эй санам, васлингни излаб дарбадар солдим сўроғ,  
Барча айди: “Ул санга жондин яқиндур, сан – йироғ...”\**

*\* \* \**

У ортига қарай-қарай кетди. Кўз илғамас манзилга етиб, қайрилиб тўхтади, шунда ҳам мен унинг чақноқ нигоҳларини аниқ-аён кўрдим.

Ажаб, илк учрашувдаёқ у менга кўҳна қадрдондек, минг йиллар дилдош, йўлдош бўлгандек, туғилганману кўзларим унинг кўзига тушган, қулоқларим унинг товушидан очилгандек туюлди.

Мени ҳайратга солгани шу бўлдики, бобом раҳматли хонтахтага мук тушиб Ҳувайдони қироат қилган чоғлари кўз олдимга... у келар, йўқ, йўқ, тушларимдами, хаёлларимдами, билмайман, ҳарқалай, қачондир мен уни кўрганим рост эди.

Унга қарадим у мен қачондир йўқотган, эҳтимол, унутган, лекин унутганим эсимдан чиқиб яна соғинган... инсоним, қадрдоним, азизим шу эканини дил-дилимдан англадим.

Унинг маънос кўзлари, ҳазин қарашлари, сийрак, аммо тим қора киприклари, учқур заковатини кўрсатиб турган синиқ сиёҳ қошлари, турмуш машаққатини чеккан толиби кутубларда учрайдиган рангпар чеҳраси... бу менга жон қадар яқин эди.

Мен шу кундан бошлаб ишқ оташига тушдим, кечаю кундуз уни ўйлардим, хаёлан суҳбатлар қураддим, кўнглида нелар борлигини аниқ билгим келарди ва шу истак мени баттарроқ оловларга ташларди.

*Ишқ – роҳатми, азобми? Лаззатми, изтиробми?  
Телбаликми, хорликми? Жонга харидорликми?*

*\* \* \**

**14 август**

Мен энди ишқ дунёсига ҳижрат қилдим.

Ундан бошқа ҳамма хилқат бачкана, ҳамма гап майда, ҳамма иш кераксиз, ҳамма қайғу кулгили эди. Қўлларим бешпанжа чаноқлар

чангалидан момиқ пахтани беихтиёр юлиб, белимга боғланган этакка шитоб ташлаб борардию, бошим узра асаларидек бир байт айлангани айланган эди:

*Сани ишқингдин, эй дилбар, ажаб девоналар бўлдум,  
Халойиқға бўлуб кулгу, баса афсоналар бўлдум...\**

У замонларда бир кун келиб мазкур байт пешонамга тақдир муҳри бўлиб босилишини билмасдим, Зуҳро юлдузидек лўппи пахталарни чаққон теримчи қўллар этакларга қамаб борган сари эгатлар шумшайиб, кўланка тушгандай хира тортиб қолгани каби бу оқ-ойдин кунларим омонат экани хаёлимнинг бир четида ҳам йўқ эди.

\* \* \*

“Дил ба ёр-у, даст ба кор”, деганларидек, қўлим ишдаю, дилим ишқда эди...

Мен энди пахтани янада кўпроқ терадиган бўлдим. Ўзим билан ўзим қолишим, хаёл эркинлигидан баҳра олишим учун тезроқ бошқалардан илгарилаб-ажраб, холи бўлишим керак эди.

Тушлиқдаги оби-ёвғонни шоша-пиша ютиб, яна пайкалга ошиқардим. Бу жиҳатим муаллимларимга маъқул тушса-да, талабаларнинг ғашига тегар, атай менга тегизиб биттаси: “Иби, художоним, ордона, ишқилиб жўялани арасига йиқилиб қомасам гўргайди”, деса, бошқаси “Пулни деб томдан ташлайдигонларни жони сўлкавойдан қаттиқ бўлади”, деб пичинг отарди. Кейинги кинояда пича жон бор: аzza-базза “оқ олтин” теришимнинг яна бир сабаби – ҳарна, ота-онамга уч-тўрт сўм ёрдам бўлар, дердим.

Пахтада хулқим, меҳнаткашлигим ва фидойилигим учун гуруҳ сардори қилиб қўйишди...

...

Гапларим пойинтар-сойинтарлиги ва бадхатлигим учун кечирим сўрайман.

\* \* \*

**17 август**

Акажон, сафардамиз, вақт топиб бафуржа ёзарман...

\*\*\*

## 21 август

Теримнинг иссиқ кунлари челак кўтариб, ҳашарчиларни “суғориб” юрадиган мешкобчи талаба бўлади. Одатда бундай “мансаб”га шаҳарлик такасалтанг йигитлар қўйилади.

Курсдошларим биринчи эгатнинг ярмига бормай, мен иккинчисидан қайтаётган пайтим қатор бошидан пахтамини тўкиб-чайиб Шариф мешкобчи келаверди. Жиғибийроним чиқиб, қўлим билан эгатдан қоч, деб ишора қилсам, у қўлини карнай қилиб “Суюнчи! Уйдагиларинг кўргани келишибди, мингга қўй!” деди.

Ярим тўлган этагимни апил-тапил эгатга ташлаб, ҳаллослаганча ғўзаси ўрилган пайкал бошига ошиғич чиқсам, Шоира опа турмуш ўртоғи ва болалари билан чарақлаб турибди. Аввалига ҳайрон бўлдим – коллеждаги расмий муносабатимизни демаса, еттиёт бегона бўлсак, ҳали уларнинг уйларига кўчиб бориб яшаб, меҳр уйғотмаган бўлсам...

Лекин барибир хурсанд бўлиб кетдим. Шоира опа қучоқлашиб кўришаркан, хўжайинига қараб:

----- Икромиддин ака, мен сизга айтган Бону мана шу, ўзимизни биринчи фарзандимиз, қизимиз, болаларимизни опаси, – деди ярашиқли кулиб.

Икромиддин ака хушсурат, маданиятли инсон экан. Қаранг, мен ҳашарга жўнабману булар оилам билан танишиш учун қишлоққа боришиб, онам қўлидан қора қумғон чойини ичиб, менга янада кўнгиллари илибди.

Дугоналарининг ота-оналари кўришга келса, бизнинг қизимиз ажралиб, ўксиб қолмасин деган ўй-фикр билан шунча йўл босиб келишибди.

Гап орасида Шоира опам “Уйдагиларингга кўнғироқ қилиб, овора бўлиб юрманглар, биз ўзимиз ҳар ҳафта хабар олиб турамиз дедим”, деб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам сўзида турди: ҳар якшанба бир тоғора тансиқ таом кўтариб келарди. “Ҳеч бўлмаса ўн беш кунда бир келинглари,

мени ноқулай аҳволга соляпсизлар”, деганимга қулоқ солмасди. Эҳтимол, тўрт мучаси соғ, топиш-тутиши рисоладагидай эр-хотин мени кўриш баҳонасида талабалик йилларини эслаб, яна бир бор ҳашар гаштининг ҳавосини олиб, чигил ёзиб кетармиди...

Мен-ку, етишмовчиликка кўниб яшашга ўрганганман, бобом раҳматли шундай тарбия берган... “Бойлик тилло-зарда эмас, қаноатда, қизим, кўзи оч одам ҳеч қачон тўймайди, кўзи тўқ одамнинг кўнгли тўқ бўлади”, деб кўп такрорларди.

Мени кўпчилик ёқтирарди, аксарияти яхши кўрадиганга ўхшарди. Назаримда, энди Тангри ҳам севиб, сийлаётгандай эди.

Буларнинг барчаси қаноату сабрим... ва, очиғи, гўзаллигим учун деб ҳисоблардим.

\* \* \*

## *22 август*

Акажон, сизга шу хотираларни ёзяману, деразага ёз ёмғири урилгандек телефоним ойнасига кўзёшларим дона-дона тўкиляпти.

Ўз армонларим, фожиаларим билан сизнинг дилингизни сиёҳ қилиш ниятим йўқ. Аммо қисматим битикларига қизиқиб қолганингиз, “Бонужон, ҳикояларинг ўта қадрдон, худди ёнингда юргандайман, димоғимга пахта ҳиди урилгандай бўляпти, ёз, ёзавер...” деган илиқ гапларингиз тезроқ кечинма-туйғуларимни тўкиб солишга ундаяпти.

Ҳай, майли, ҳали қайғуларгача анча бор. Ҳозирча яхши гаплардан гаплашамиз...

Юқори курс йигитларининг деярли барчаси атрофимда гирдикапалак, тарози маҳали зил-замбил чойшаб-этагим талаш, бирови номимга шеър бағишлаган, бошқаси қўшиқ куйлаган, бу ёқдаги қизларнинг қовоқ-тумшуғини демаса... тугал бахтиёр эдим.

Фақат ота-онам, акам ва... унинг соғинчидан ташқари хўрсинтирадиган сабаб йўқ.

Пахтани тугатиб шаҳарга қайтдик.

Ўқиш, сессия... Баҳо олишда қийинчилик йўқ, биринчидан, хотирам яхши – бир варақлаган китобим муҳрланиб қолади, имтиҳонга кирганда саволга қараб ўша китобни хаёлан варақлайман. Иккинчидан, хоҳлаймизми-йўқми, худо берган чиройга маҳлиё

бўлмайдиган, ўзи ҳам яхши кўрингиси келмайдиган одам топилмаса керак.

Олмос СМСларидан дастлабкида шундай ёзганди: “Парвардигори олам инсониятга аталган ҳуснни яхлит олиб, унинг бир фоизини ажратибди. Ўша фоизни яна юз бўлакка бўлибди-да, тўқсон тўққизини Ҳазрати Юсуфга, қолган бирини бани одамга ҳадя қилибди... Юсуф алайҳиссалом андоғ гўзал инсон эканларки, Зулайҳо у кишини сабзи тўғраб ўтирган қиз-жувонлар чодирига таклиф этганда, бечора аёллар у кишининг ҳуснларига маҳлиё бўлиб, ўз бармоқларини тўғраётганларини сезмай қолишган экан...

Гўзалликда шундай сеҳр, жоду бор, Бону.

Ўрта аср Европасида инквизиция ҳукми билан гўзал аёлларни жодугарликда айблаб, тириклай ёндиришган. Ҳозир эса бир соҳибчирой гуриллаб осмонга ўрлаб, булутларни пароканда қилган ишқ оловида каминани ёндириб-куйдирадир.

Мен сизни кўргандан бери ҳажрингиз юрагимни паррон-паррон тўғрайди, не ажабки, бу қийноқ, бу оғриқ, бу жафо менинг жон-жонимга ҳузур ва лаззат бағишлайди:

*Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун  
Жафо тугарса, нетарсен, жафо керак бўлса?*

*Кишики ўз жониға қасд этар, сени севсун,  
Дағи эшикинга келсун, бало керак бўлса\*.*

\* \* \*

### **23 август**

Мендан олдин партадошим Сарвиноз телефонимга қараб:

– Бону, Олмосингдан хат келди! – деб суюнчилади. –

Қулоқларимга ишонмай, унинг қўлидан телефонни олиб, беихтиёр овоз чиқариб ўқидим: “Ас.ал.! Сизнинг туғилган кунингиз менинг бахтим таваллуд топган кундир. Тун бўйи муносиб тухфа қидирдим, кўз ўнгимдан дунёнинг бор дурри акбарлари, лаълу забаржадлари, олтину кумушлари... ўтди. Ниҳояда, Сиз учун энг арзимас, мен учун яккаю ягона бўлган... жонимни ҳадя қилишга

қарор қилдим. Бу – йўл четида ётган оддий тош қатори беқадр бўлса-да, Сизнинг бармоқларингизда Кўҳинур бўлиб жило топишига зарра гумоним йўқ. Шу тош – Олмос бутунлай сизники:

*Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма!\**

Қизларнинг қийқириқ аралаш табрикларидан қулоққинам қоматга келди. Эҳ-е, туғилган кунда бундан ҳам ортиқ совға, бундан ҳам оташин табрик бўлиши мумкинми? Еттинчи осмонга учиб кетдим: “Ассалому алайкум! Раҳмат эътибор, ҳурмат ва табрик-шеър учун, ўзингизга ҳам Жума айёми муборак бўлсин”, деб хат юбордим. “Бу ўзбек филологиясида ўқийдиган толибанинг жавоби эмас”, деган нома қайтди. Сал ўтиб қўнғироқ қилиб яна қутлади. Пешиндан кейин университетга келишини айтиб, “Унгача СМСимга жавоб кутаман”, деб таъкидлади.

Чиройли шеърый жавоб топиш мақсадида курсдошларнинг ён дафтарию телефон хотирасини титкилаб чиқдик. Ва ниҳоят ҳаммамизга бир шеър маъқул бўлди:

*О, илк муҳаббатим, илиқ муҳаббат,  
Тотли туйғуларга тўлиқ муҳаббат!  
Баҳор қуёшидай иссиқ бўлгин-у,  
Баҳор ҳавосидай ўзгарма фақат!\*\**

\* \* \*

Дарс тугагини интизор кутдим. Назаримда, бир ярим соатлик сабоқ юз эллик йил чўзилгандек туйилди.

Ниҳоят, дорилфунун чорраҳасида учрашдик. У минг андиша билан:

– Табрик орқали сиздан розилик олмоқчийдим, қўлингизни сўрагандим, – деди. Мен кулиб:

– Жавобимни ёзиб юбордим, – дедим.

У эса эшитилар-эшитилмас товушда:

– Розимисиз? – деб пичирлади. Мен елка қисдим. Олмос, – Сиз иккиланиб тураверинг, мен эса бугун юрагимни совға қиламан сизга,

уни асраб-авайлаб юра оласизми? – деб чўнтагидан битта узукчани олиб қўлимга тутди.

Каҳрабодай тўқ-сарик тилла узукча... Ўртасида майин яшил рангли кўзчаси нурланиб турибди.

Узукка қараб кулиб туравердим.

– Олмасангиз хафа бўламан, мендан эсдалик, – деди.

Ҳар қандай қиз юрак ҳовучлаб кутадиган изҳори дил воқеаси бунчалик тез содир бўлади деб ўйламагандим, довдираб қолдим.

– Қўрқяпман, – дедим шивирлаб. Негадир кўзимга ёш келди. Олмос ҳайрон бўлиб:

– Нимадан? – деб сўради.

– Билмайман, – елка қисдим...

– Олинг, ҳеч нимадан қўрқманг, мен ўлгунча, умрбод, абадий ёнингизда бўламан, – деди у ҳаяжондан қўллари қалтираб...

Узукни олдим. Бироқ тақишга ҳаддим сиғмади. У:

– Тақинг, – деб оёқ тираб туриб олди.

– Кейинроқ, – дедим оҳиста...

– Ҳозирча шу, камига қарздорман, қолгани тўйда, – деди у овози бўғилиб.

– Раҳмат, – дедим. Лекин, менимча, овозим чиқмади...

Шу турганча иккаламиз ҳам жим бўлиб қолдик.

Бироз айланган бўлдигу Олмос ётоқхонага, мен Шоира опамникига қайтдим.

Шу кун, шу тун фақатгина жисмим ерда эди. Руҳим эса самоларда нурларга чулғаниб парвоз қилиб юрарди.

Сиз ҳам тушингизда учганмисиз? Нималар деяпман, албатта, учгансиз. Ўшанда аллақандай чароғон қувонч бутун вужудингизни чулғаб олади-ку, пардай енгил бўлиб қоласиз-ку, илоҳий нигоҳни ҳис қилиб сархуш бўласиз-ку... Барибир аллақандай ингичка бир хавотир – кўкдан қулаш хавфи ё номаълумлик қутқуси онг остида чатнаб тураверади. Билмадим, менда шунақа...

Эртаси ўқишга келсам, қизлар Олмос нима совға берганига қизиқди. Узукни кўрсатдим. Кимдир “Ярашибди, муборак бўлсин, сизларга ҳавасим келяпти, бахтли бўлинглар”, деса, кимдир “Йигитингиз қаттиқ экан, дур кўзлигидан олиб берса асакаси кетардими?” деб лаб бурди. Бироқ ҳеч қандай эътироз кайфиятимни

буза олмади. Ўшанда келажаким ҳеч бир суюк бандасига насиб этмаган айрича бахт саройида иккимизни интизор кутаётганига ишончим комил эди.

Қулоқларимда Олмоснинг "...мен ўлгунча, умрбод, абадий ёнингизда бўламан", деган сўзлари қайта-қайта жарангларди.

\* \* \*

## *24 август*

Шоира опамнинг уйида Сужи деган корейлик қиз ижарада яшарди. Феълимиз рост тушдими, бир ой ўтмай яқин дугона бўлиб қолдик. Мен унга ўзбекчани, у эса менга корейс тилини ўргата бошлади.

Ҳар куни ўқишга бирга қатнардик. Мен уни бир неча бор қишлоққа, уйимизга меҳмонга олиб бордим.

Кейинча Сужининг онаси келди, танишдик, шаҳар айландик... Аллақандай самимий, содда ва ўта қизиқувчан бу аёлга, айниқса, Арк маъқул тушди. Унинг айтишича, қадим даврларда уларнинг бобокалонлари бизнинг тупроғимизда истиқомат қилган, ёдгорликлари ҳали-ҳамон Сурхондарёдаги обидалардан топилиб турар, яқинда Будданинг ноёб ҳайкалчаси чиқиб қолиб, роса шовшувга сабаб бўлган экан.

– Қаранг-а, минг йиллар давомида “худо” деганингиз ер тагида ёнинг демай ётганига қойил! Биз бандаи ожизлар икки дақиқага лифтда қамалиб қолсак, осмонни бузгудай сурон кўтарамиз. Ишқилиб, ўзларингда ундан бошқа захирадаги “худо”ларинг бормиди? – деб ҳазиллашмоқчи бўлдим. У:

– Худо битта, моҳият битта, банда битта, қисмат битта, – деб кўрсатгич бармоғи билан кўкка ниқтаб қўйди.

Шу тариқа тилни пухта ўзлаштириб, Қурияда ўқишни давом эттириш фикри туғилди.

Саралаш синовидида иккинчи ўринни қўлга киритиб, имтиҳон топшириш учун йўлланма олдим.

Сужи муҳаббат қиссамдан хабардор эди. Лекин у севги йўқ деб ҳисоблар, кўнгил – одамнинг энг хавфли душмани, дерди. У Олмос иккимизни корейс ресторанига олиб бориб, тавозе аралаш миллий

ошхонаси билан таништираркан, таклиф қилинган емакларга қўл урмай божрайиб турганимизни кўриб “Бу ҳалол, мол гўшти, “вов-вов” эмас”, деб жилмайиб, ўзи бошлаб берганини кула-кула кўп эслаганмиз.

Биз ҳам уни “Лаби Ҳовуз” ва бошқа миллий ресторанларда меҳмон қилганмиз, Сужи юзларини буриштириб, “Сизда гўшт ва ёғ кўп ейилади, бу захар, захар!” дегани ҳам эсда қоларли бўлган.

Бу меҳмоннавозликларда Олмос базўр ўтирар, дугонаминг очиқлиги ғашини келтираётгани кўриниб турар, яхшики, Сужи ўзбекча кесатиқ ва тагдор гапларни унчалик тушунавермасди.

Бир куни туш маҳали “Дур” емакхонасига кирдик. Мулозим буюртмага кўра кўзашўрва келтирди. Олдимиздаги ликопларга кўзачаларни қўйиб ўгрилган ҳам эдики, бирдан Олмосга аталган сопол кўза “тарс” этиб синиб кетса бўладими! Бу кутилмаган ҳодисадан хабар топган емакхона хўжайини югуриб кириб келдию узр сўрай кетди. Биз карахт ҳолда эдик. Яхшики, тагида чуқур ликоп борлигидан шўрванинг забти сусайиб, кийимларимизга тегмади. Бир зумдан сўнг Сужи муқаллидлик санъатини намоён қилди – ҳолатга кириб, ҳар иккимизнинг юз ифодамизни кўрсатиб бериб ичагимизни узаёзди...

\* \* \*

## ***26 август***

Мен Тошкентдаги имтиҳонга Олмоснинг қатъий тақиқи сабаб бора олмадим.

\* \* \*

...Дорилфунундаги синовларда мени кўпам қийнашмасди.

Менинг изтиробим боиси... ишқ имтиҳони саволлари оғир келаётганди.

Олмосдан дарак йўқ эди. Тўғрироғи, ҳар кун телефонда гаплашамизу, лекин бораман демасди, бу тутуми мени баттар шубҳа-хавотир гулханига ташлар, нега мени кўргиси келмайди, нега кўрингиси келмайди, деб заққум ютардим.

Ошиқ кўнгилнинг гумони ишончидан баландроқ келади. Қайси сўзим, қайси атворим билан кўнглига озор берган эканман, деган иштибоҳда у билан суҳбатларимни юз бор қайта таҳлил ва тадқиқ қилиб чиқаман. Танишганимиздан бери бир неча марта Икромиддин ака билан таништириб қўйишимни сўрагани. Мен бу сўровда куёвликка номзоднинг “яқинларингиз билан юзлаштиринг, мен қатъий қарор бердим”, деган ишорасини тушуниб, қиз бола истиҳоласи юзасидан ҳали эрта, деб пайсалга солиб келардим. Охирги учрашувдаги “Вақт-соати билан танишиб оларсизлар”, деган жавобимдан энсаси қотгандек туюлганди. Лекин бу гаплар орага совуқчилик соладиган, ўзини тортадиган даражада жиддий эмас-ку...

Ана шундай олақўланка кунларнинг бирида у қўнғироқ қилиб:

– Мен дорилфунунингиздаман, кўргони келдим соғиниб, – деди.

Ҳаётимга баҳор қайта келди, табиатга яна ранг-жило инди. Ҳарир булдуруқ боғлаган мажнунтоллар кўзимга қийғос гуллаган бодом бўлиб кўрина бошлади.

Очиғи, ўша куни нима ҳақида гаплашганимиз, ўлай агар, эсимда йўқ. Аммо суҳбат нашидаси, нашъаси, сурури эсимда – мен худди туш кўраётгандай, эртақлар оламида учиб юргандай, гўё пари ё ҳурман-у, у эса ғилмондай эди. Ва... ихтиёр бўлса, бу тушдан қиёмат қадар уйғонмасликни тилардим.

Унинг кўзлари тубига бир лаҳза боқиб, қорачиқларининг қуёш нуридай тарамларига жоним риштаси пайваста тушиб, масту мустағрақ эдим. Шунда ёдимда бир ҳол қолдики, воажаб, бир лаҳзада бирдан икки кўз билан ёрнинг икки кўзига айро боқиб бўлмас экан, нигоҳ нуқтаси фақат бир қорачиқда жамланаркан!

У ҳам бир умрлик орзусини тотли тушида кўраётгандек сархуш ва бу ширин рўёдан ажрагандан кўра жондан айрилишни авло билишини шивирлаб айтарди:

*Башардур ё пари, ё ҳуру ғилмондур, билиб бўлмас,  
Эрур турфа назокатлиғки андин айрилиб бўлмас... \**

\*\*\*

**30 август**

Эсингизда бўлса, ўша кезлар гўзаллик танловлари ўтказиш урф

бўлганди. Ғарб қизларнинг қадди-қомати бичимига кўпроқ эътибор қаратса, бизникилар табиий гўзаллиги, орасталиги, пазандалиги ва уқувини босқичма-босқич баҳолар, дастлабки кўрик ўқув юртларида ҳам ўтказилар эди.

Курс раҳбаримиз мени қўярда-қўймай шу танловга тайёрлай бошлади. Барибир “Мен ҳаммадан чиройлиман”, деб даъво қилиш, кимлар биландир бу борада баҳслашиш менга эриш туйилар, уйдагилар рухсат беришмаса керак, деб иккиланар эдим. Ажабки, бу гапни онам орқали эшитган дадам “Бунинг нимаси ёмон? Муносиб топиб таклиф қилишган экан, қатнашаверсин. Ҳарна билмаганларини билиб, кўрмаганларини кўриб олади. Асосийси, танлови шарқона экан-ку”, дебди. Энди ҳамма гап Олмосда қолганди.

У отаси ҳаддан зиёд қаттиққўллигини таъкидлаб, “таъби назми” ҳавас қилса арзигулик шоира синглиси етуклик шаҳодатномаси олган куннинг эртасига эрга бериб юборилганини афсусланиб эсларди.

Отаўғил бундай “хурмача” сайловга қатъий қарши чиқади, деб унга бироз юмшатиб, “Латофат танлови”га чақиришяпти”, десам, уям кутилмаганда чеҳраси ёришиб: “Сиз гўзал қалбингизни ўзга қизларга кўрсатиб, уларни мастура ва комилаликка чорлайсиз, биз мутаассиб эмасмиз, худо берган ҳусн ҳам тарбия воситасидир”, деб мени тонг қолдирди. Лекин вилоятда ғолиб бўлгач, пойтахтга боришим кераклигини айтганимда пешонаси тиришиб, “Шартмикан шу, эшитганлар қош-кўзини бозорга соляпти демасмикан”, деб феъли айниб, тўнини терс кийиб олди. Мен эса... бу феълдан хурсанд бўлдим. Рашк қиляпти, қизғаняпти, демак, туйғулари чин...

\* \* \*

### ***31 август***

Акажон, Истиқлол айёми муборак бўлсин!

Тақдир тақозоси билан кўп юртларда бўлдим, баъзан сафаримиз ҳар хил байрамларга тўғри келиб қолди.

Бирлашган Европанинг бағрикенг, эркин давлатлари озодлик билан боғлиқ кунларини энг улуғ айём деб нишонлашини шунда кўрдим. Улар ўз байроқларини шу қадар эъзозлашадики! Ҳар бир

хонадон, қўрғон, мактабу боғча пештоқида яловлари сарбаланд...  
Байроғимиз ҳамиша ҳилпираб турсин!

\* \* \*

### **3 сентябрь**

Онамнинг бир қўшиғи бўларди, гоҳида иш тикиб ўтириб ҳазин овозда хиргойи қилиб қоларди:

*Жондан севган ёримдан ўзим сабаб айрилдим,  
Ўз бахтимдан чиройли кўзим сабаб айрилдим...*

Атиргулни чиройи сабаб узишади, хонгулни кўзи боис овлашади деганларидек, ҳусним бошимга бало бўлди. Танловда қатнашаётганимнинг овозаси ёйилиб, шуҳратим тўрт томон таралиши баробарида ошиқи беқарорларим кўпайгандан-кўпайди. Уларнинг баъзиси шунчаки эрмакталаб хуштор, гўзаллик харидори бўлганидай, “Ўламан саттор, олсам ҳам оламан, олмасам ҳам!” деб қасам ичган ўта сурбет ва ашаддийлари ҳам бор эдики, мен на дорилфунунда, на кўча-кўйда, на автобусда хотиржам юра олар, бетийиқ кўзлару беҳаё нигоҳлардан безиб, безиллаб қолгандим.

Баъзи суюқроқ устозлар ҳам киши билмас гап ташлаши, бойваччалар ўқишдан чиқишимни пойлаб, қимматбаҳо машиналарини кўзкўзлаб йўл тўсиши ҳар куни бир можарога сабаб бўлар, дугоналарим бу машмашалардан қутулишнинг ягона йўли турмушга чиқиш, деб шаъма қилишарди.

Ўзим ҳам шу хулосага келиб бўлгандим, аммо начора, қизлик ғурурим бўлғуси Луқмони ҳакимга ишорат қилишга йўл бермас, “Уржуза”ни ҳижжалаб, чинор япроғидан ҳам малҳам олиб, инсоният жароҳатига эм бўлишни мўлжаллаб, илм осмонида ҳардамхаёл сайр қилиб юрган, заминга фақат мен туфайли боғланган бу толиби фан ўзи билиб кутилган мавзу кўчасига мундоқ қадам босай демасди.

\* \* \*

Аммо... кўришганда бу заминий можаролардан асар ҳам қолмас, биз ўзимизча бахтиёр, фақат илк севгининг илк кезларидагина рўй берадиган бетоқат сармастлик ила кейинги висол онларини кутардик.

Ҳа, биз бир-биримизни росмана топдик. Ҳар сешанба ва шанба кунлари учрашиб, гоҳ хаёлан келажагимизга сайр этар ва унда ўзимизни бахтиёр ва хуррам топар, хуллас, бахт тушунчаси бир-биримизнинг исмимизга айланиб улгурган эди.

У ўзини олижаноб ва мард, оқил йигит сифатида намоён этар, бебош туйғуларни жиловлай оларди. Неча бор ёлғиз қолдик, кимсасиз хиёбонларни кездик, аммо у бирор марта билагимни ушламади, одамий истакларга эрк бермади. Фақат бир марта... ҳа, майли, бу ҳақда кейинроқ...

Кўчада истироҳат қилсак, бир қадам олдинда юрар, шу тахлит менинг кўзимга ҳазрат Румийнинг чодиридан чиққану, адашиб бизнинг кунларга келиб қолган муршиди комилдай кўринарди. Унинг бор-йўқ “беадаблиги” – ҳали туғилмаган болаларимизга исм танлагани эди: бир ўғил, бир қиз бўлар, ўғил унга, қиз менга ўхшар, болага Ўктам деб, қизалоққа Севинч деб от қўярди. Чунки бу исмларда ҳам орзу-умид-тилак бор, яна бу номлар соф ўзбекча... Мен рози эдим.

Баъзан хаёлимда уларни эркалаб ўпардим, ҳидлаб-ҳидлаб тўймасдим, бешиklarини тебратиб, аллалар айтиб ухлаб қолардим... Ўғлим қуйиб қўйгандек унга ўхшар, қизим иккимиз икки томчи булоқ сувидек эдик. Фақат улар кичик, жуда кичик... жуда беғубор эди.

\* \* \*

### *7 сентябрь*

Бир йил шу тариқа ширин туш каби ўтди...

Биринчи курсни тугатиб, сессияни ёпиб уй-уйимизга қайтдик... Қишлоқда икки ҳафта совчилардан бешиб, ота-онамга турли-туман важ-корсонлар топиб тоза зериккан чоғим Шоира опам қўнғироқ қилиб, эри хитойликлар билан пиллани қайта ишлайдиган қўшма корхона ишга тушираётгани, менинг кўмагим зарурлигини айтиб чақириб олди. Мен уч ой “пиллачилик” қилиб, маошимга кийим-бошимни тўғрилаб олдим...

Иккинчи курс бошланди.

Яна пахта... яна ўқиш...

Ҳаёт жуда ширин ва завқли эди. Бу шавқ ким билан

боғлиқлигини яхши сезиб турибсиз, албатта.

\* \* \*

Бир куни одатдагидек, қишлоққа қайтиш учун автобусга ўтирдим. Жамоат уловида юришнинг ҳам ўзига яраша гашти бўлади, а?

*Автобус деразасидан қараб кетсанг...*

*Йироқ қочиб кетар ташвишлар...\**

Эсингиздами?

Бекатдан уйгача уч чақиримча пиёда юришга тўғри келарди. Бир ўзим йўл четида кетаётсам, оқ “Жигули” келиб тўхтади. Қарасам, акамнинг синфдоши Юсуф ака.

– Таниб қолиб машинани сақладим, – деди у ёнбошлаб эшикни очаркан.

Сўрашиб уловига миндим, суҳбатлашиб уйгача келдик. Акамга, дадамга салом айтиб қўйишимни тайинлади. Тушаётганимда тўхтатиб, қачон шаҳарга қайтишимни сўраб:

– Душанба эрталаб шу ерга келиб тўхта, олиб кетаман, – деди. Хўп деб, хайр-хўшлашиб уйга кирдим.

Душанба куни дорилфунунга келтириб қўйди.

Кейин ҳар кун келадиган одат чиқарди.

У уйланган, лекин кўнгилсиз бўлибми, уч ойга қолмай хотинига жавоб бериб юборганини эшитгандим. Ўзи “Жаҳон бозори”да дўкондор, топиш-тутиши яхши, хушбичим йигит бўлса-да, негадир тенгқурлари қаторга қўшмас, сабабини Мирхонд акамдан сўрасам, “Э, у девона, инс-жинслар билан гаплашиб юради”, деб кулганди.

Азбаройи акамнинг ўртоғи, ҳамқишлоқ деб хуш муомала қилардим.

Мени олиб кетиш учун ҳовлимизга дадил кириб, уйдагилар билан бемалол суҳбатлашганини кўриб, ҳартугул ёмон нияти йўққа ўхшайди деган хулосага келгандим...

\* \* \*

### **8 сентябрь**

Шанба куни қишлоққа отланиб шоҳбекатга келсам, беш дақиқа олдин охирги автобус жўнат кетган экан, ортимга қайтаман деб

турганимда қаердандир Юсуф пайдо бўлиб:

– Ҳа, Бону, яхшимисан, шу ердан ўтиб кетаётган эдим, кўриб тўхтадим. Юр, олиб кетаман, – деди. Негадир оёғим тортмади. Унамадим. У оёқ тираб, – қани, машинага мин, нега менга ишонмайсан, бирор вақт сенга ёмонлик қилганмидим? – деб туриб олди. Мен:

– Эртага автобусда бора қоламан, – десам, у:

– Даданг тузукми, қачон гаплашган эдинг? – деб кўнглимга ғулғула солиб қўйди.

– Кеча оқшом уйдагилар билан гаплашгандим, тинч эди, – дедим-у, дилим ғаш бўлди.

Аксига олиб шу тобда телефоним қуввати тугаб, ўчган эди...

\* \* \*

Шайтон васваса кўтарди.

Иккилана-иккилана машинага ўтирдим.

Шаҳардан чиқишимиз билан Юсуф рулни туйқус Газли томон бурди, қарасам, унинг авзойи чатоқ, бегона, кимсасиз йўлда машинасини шамолдек учириб боряпти. “Қаёққа кетяпмиз”, десам, “Ҳужжатларимни мелиса обқўйган, айланма йўл билан қишлоқ яқинидан чиқамиз, кўрқма”, деди пешойнадан қараб...

Вақт ўтгани сари билгисиз чўлу биёбон қаърини ёриб борарканмиз, аста-секин теварак зулмат оғушига сингиб, бепоён қоронғилик ҳайбати менда ваҳм уйғотар, кўрқувни яширишга қанча тиришсам ҳам ич-ичимдан тошқин қалтироқни беркитолмасдим.

Бу ёғи яна тушдек, иситма аралаш босинқи уйқудек кечди. Мен бақирдим, ёлвордим, машинадан ўзимни отмоқчи бўлдим, лекин Юсуф миқ этмай тош қотганча машинани тезлатиб бораверди...

Ниҳоят бир янтоқзорга етганда машина бир силтаниб тўхтади. Менинг кўрқув аралаш қарашимга жавобан у:

– Бензин тугади, кутамиз, битта-яримта машина ўтиб қолар, – деди атрофга аланглаб.

Одам зоти у ёқда турсин, бирорта жон асари кўринмайди...

Кутилмаганда у орқа томонга ўтиб, эшикни очмоқчи бўлганди, мен сапчиб наригисидан тушдим у жоним борича қочдим...

У икки ҳатлаб етиб олди, йиқитиб, тинчлангунимча икки

билагимни қумга босиб турди. У эркак, мен қиз бола, у кучли, мен ожиз эдим. Ҳар қанча типирчиламай, қаршилиқ кўрсатмай, чангалидан чиқолмадим...

Тинчланди, тақдирга кўнди деб ўйлаб мени кўтариб олаётганди, бўйнидан ғарчча тишладим. У жон аччиғида сўкинди, лекин шунда ҳам мени қўлидан қўймай, аста чўккалади. Бир кафти бўйнидалигидан фойдаланиб, типирчилаб силтанган пайтим бурним пешонасига қаттиқ урилдию қон тирқиради. У бир лаҳза гангиб, бўшашганидан фойдаланиб ўрнимдан туриб қочишга чоғландим.

Ҳар қадам босганимда оёғимга тикан ниш ураётгани “ғирт-ғирт” этган ички товуш билан миямга келар, лекин заррача оғриқни ҳис қилмасдим, ортимдан изма-из келаётган Юсуфнинг ҳансираган дами елкамни куйдирар, мен телбаларча номаълум томонга жон-жаҳдим билан югуриб борардим.

У чап қўлимни тутиб, илкис тортди, мувозанат кетдию қумга ёнбош йиқилдим. Шундагина ҳолдан тойганимни, бечора эканимни ва... чап оёқ кафтимни тешиб чиққан ҳўл чўкиртани пайқадим. Пайпаслаб, пойабзалим йўқлигини сездим...

Юсуф гап-сўзсиз чўкиртани суғуриб, қўлига илашган тиканларни терган бўлди. Сўнг рўмолчаси билан оёғимни танғиб боғлади. Мен оғриқдан, хўрликдан изиллаб йиғлар, кўз олдимдан Олмоснинг маҳзун кўзлари кетмасди.

Ранги қув оқариб кетган Юсуф чўккалаб ўтирган кўйи мени севишини, менсиз ҳаёт ҳаромлигини, менга уйланишини, ўзи ўқитишини, шаҳарда уйи борлигини аввал аччиқ билан бақариб, кейин мураса оҳангида ўксингандай айтди. Мен:

– Севган йигитим бор, – дейишим билан жинниларча тутатиб:

– Биладан, анави латтами? У менга ярим соатлик иш, бирпасда йўқ қиламан! Сен унга ишонма, унинг зоти паст, мен қишлоғига бориб суриштириб келганман! Ўзи билан ҳам гаплашганман! “Севаман, Бонуни тинч қўй”, десам, мушт отиш ўрнига “Унинг ихтиёри ўзида”, дейди даюс! – деб айқириб саҳрони бошига кўтардию яна ваҳимни кўзғатиб, ўз бошига мушт ура кетди. Унинг бирорта далилига ишонмадим. Фақат қўрқинч сабаб эътироз билдиролмадим. – Эсингдами, Азаматлар аканг билан сени қуршовга олгани? Ўшандан бери...

Кейин бирдан жимиб, ерга қараганча сукутга чўмди. Бироз ўтгач:

– Сахро табиати ёмон, кечаси қаттиқ совуқ бўлади, машинага чиқиб ухла, менга ишонмасанг ичидан қулфлаб ол, мен ташқарида ётаман, – деди ҳорғин овозда. Мен тиззамни қучоқлаб, жойимда ўтиравердим.

– Машинага чиқ, бу ерда қашқирлар изғийди...

– Мен қашқирдан қўрқмайман... – оқсаб бориб машинага чиқдим –да, тугмаларини босиб, ичкаридан қулфлаб олдим. У мен ўтирган эшикка суянганча яна ҳасрат қила кетди:

– Нега бундай чиройли бўлдинг-а, Бонужон? Мен нима қилай? Сендан бошқани кўзим кўрмайди... Ота-онам бўйнимдан боғлаб, холамнинг қизига уйлантириб қўйди. “Оқ қиламан, кўк қиламан”, деб бахтимни қора қилишди. Эшитганмисан, йўқми, хотиним номига хотин эди, ўртада ҳеч нарса бўлмаган. Униям ҳаёти расво бўлди. Лекин нима қилай? Қўли қўлимга тегса, илон ушлагандай бўлардим. Уйга сира боргим келмасди... Менга қара, нима десанг, ҳамма шартингга тайёрман, – унинг овозида йиғи пайдо бўлди, – мен ҳам одамман-ку, сени деб хотинимга талоқ бердим. Нега менга раҳминг келмайди? Сени ўн бешимдан бери севаман! Ўзимни ўлдирайми, уволимдан қўрқмайсанми?! Сенда ҳам юрак борми, Бонужон?!

Мен:

– Юсуф ака, мендаям юрак бор, фақат бу юрак аллақачон банд бўлган, айтдим-ку, яхши кўрган инсоним бор, мени бунча қийнайсиз? Менга сизнинг раҳмингиз келсин, акамдан – жўрангиздан уялмайсизми, унинг кўзларига қандай қарайсиз, – дедим йиғлаб-сиқтаб.

– Ё меники бўласан, ё ҳеч кимники! – деб машина эшигига тарсиллатиб шаппат урди.

\* \* \*

Кечаси бирдан ҳаво совиб, дағ-дағ қалтирай бошладим.

Мен-ку баҳарнав ичкаридаман, унинг ҳоли не кечдйкан деб ойнадан қарасам, ўша-ўша -- ғилдиракка суяниб, ойга қараганча ўй ўйлаб ўтирибди.

Бир зум раҳмим ҳам кепти.

Тонгга яқин қуш уйқуси ичида Олмосни кўрдим. У куйиниб ниманидир гапирар, лекин овози эшитилмас, мен уст-бошимдаги қонқусни кўрсатиб изоҳ бермоқчи бўлардим, мениям товушим ичимга кетарди.

Машриқ тараф кўкариб, сахро осмонида биргина Зухро қолди.

\* \* \*

### *10 сентябрь*

Юсуф мен ўйлагандан кўра маразроқ, тубанроқ, аблаҳроқ бўлиб чиқди.

Оқшом қилган хатти-ҳаракатлари ҳолва экан. Машинани ўзи ўчириб, бензин йўқ деб алдаганини, бу билан мени тонггача тутиб турмоқчи бўлганини саҳар билдим.

Оламни ёритган тонг унинг башарасини ҳам очиқ-ойдин кўрсатди. Қишлоққа кириб бораверишда уловини тўхтатиб, ишшайди:

– Бугуноқ пешиндан кейин совчи юбораман, розилик бер, бошқа йўлинг йўқ! Мен билан бир кеча бирга бўлдинг, ҳамма ёғинг қон! Сен меникисан, йўқ десанг, дунёга жар солиб бадном қиламан! Аканг нима, худойингданам қўрқмайман!

Унинг бошқа сўзлари қулоғимга кирмади, кўнглим озиб, ҳушимни йўқотдим.

\* \* \*

Душанба куни тушдан кейинларга ўзимга келибман.

Ҳамшира иссиғимни ўлчаб, сув берди-да, уёқ-буёқни тўғрилаб, бош шифокорни чақирди. Шифокор билан бирга дадам ҳам кирди...

Бирдан кўрқиб кетдим, уятдан “ҳозир худо даҳшатли зилзила солсаю ҳамма шу офат билан овора бўлиб, мени эсдан чиқарса”, деган фикр миямни чархлаб ўтди. Кўзимни юмиб, уришиб беради, уриши ҳам мумкин деб ўйлаб ётсам, у кутилмаганда бошимга эгилдию бир жуфт йирик-йирик илиқ томчи юзимга томди.

Дадамда фарзандга қўл кўтариш одати йўқ эди, сабабини бобом раҳматли шундай изоҳлагани эсимда:

– Ҳамма боласини белдан топган бўлса, сизларни ота-онанг

зиёратгоҳларда юриб-юриб, авлиёлардан тилаб олган...

Бўлиб ўтган воқеани дадамга рўй-рост айтиб бердим...

Шифокор дадамга, “Қизингизни текшириб кўрамиз, агар бирор гап бўлса, анавини қаматишга ҳаққингиз бор”, деб елкасига дўстона қўл қўйди.

Кейин ҳамшира билан аёллар бўлимига бордик, мени текширишди, шукурки, ҳаммаси жойида экан.

Лекин бу ҳақиқат мени турли ёлғонлардан, иснод ва маломатдан қутқариб қололмади...

\* \* \*

### *11 сентябрь*

Ҳушимдан кетганимни кўриб ўтакаси ёрилган Юсуф туман касалхонасига олиб келганидаги аҳволимни шу жойда даволанаётган ҳамқишлоқ хотин кўрган ва уйидагиларга ҳам етказган экан. Ўша хотин ҳар куни мен ётган хонага хабар олгани, янаям тўғрироғи, гап олгани кириб турарди...

Даволаниб чиққунимча бутун қишлоқ бўлиб ўтган воқеадан хабардор, табиийки, бу ҳикоя қўшимча тафсилотлар билан бойитилиб, “халқ оғзаки ижоди”нинг мулкига айланиб бўлган эди...

Ҳамманинг оғзида миш-миш...

Ахир кўпчилик кўзи билан эмас, қулоғи билан кўради-ку...

Хуллас, ихтиёрсиз этагига балчиқ теккан, номига доғ тушганлар рўйхатига тиркалдим...

\* \* \*

### *14 сентябрь*

Шифохонадан чиққач, кимдир кўргани келди, кимдир кулгани.

Айниқса, совчиси қайтган харидорларга худо бериб қолди.

Кейин икки оила ўртасида катта жанжал бошланди...

Акам, тоғамлар бориб Юсуфни шифохонага ётқизиб келишибди...

Унинг аймақлари ўз навбатида ўч олиш учун акамнинг йўлини тўсишиб, тафсилотни эшитгач, қўл силтаб қайтишибди.

– Айб юз фоиз Юсуфда экан, чиқса ўзимиз яна бир бор таъзирини берамиз, – деб ният қилишибди амакилари, – тағинам қизга раҳмат,

қаматишига ҳаққи бор эди...

Бироқ бу хулосалар лой чапланган номимни аввалгидай покиза ва бокира қила олмас, чунки гап урчиб бўлган, эл оғзига тутиладиган элакнинг тўри йўқ, мен асоссиз хўрликка чидашга, номард ҳаёт ҳузурида бош эгишга мажбур эдим...

\* \* \*

*18 сентябрь*

Юсуф такрор совчи қўяверди...

Онам дарвозани очмади...

Акам ҳайдаб солди...

Дадам дарвозахонада туриб уларга:

– Қизим бир умр ўтда куйиб, номард эр билан яшагунча тоқ ўтгани афзал, – деб тақа-тақ жавоб қилди...

\* \* \*

Олмосга уйдан қўнғироқ қилдим.

У менинг саломимни силтаб ташлаб, биринчи марта зарда қилиб, телефоним ўчиқлиги учун хавотир олганини, хатлар ёзганини, бугун ўқишимга бориб дараклаганини айтди.

Бўлган воқеани сўзлаб берганимдан кейин узоқ сукутга чўмди.

Мен қўрқув аралаш “Гапимга ишонмади, қинғир хаёлга борди, энди ташлаб кетади, балки, аллақачон ташлаб кетиб бўлди”, деб ўйладим.

Бизда фожианинг ўзидан кўра унинг гап-сўзи, миш-миши ёмонроқ эмасми, акажон?

Мени ҳаётда ушлаб турган ягона умид чироғим Олмос эди. Агар у ҳам мендан юз бурса, мен ҳаётдан юз ўгиришга тайёр эдим.

У менга ишонишини, яхши кўришини, келажagini мен билан боғлаб бўлганини, тез орада совчи юборишини айтди. Мен ҳайрат ва қувончдан эсимдан оғай дедим, ажаб, кутилмаган шодлик онгу шууримда қилич тиғидай серманиб, ёқимли оғриқ уйғотди, ҳамма кўргиликлар, тухматлар, пасткашликлар... барча-барчасининг сариқ чақачалик аҳамияти қолмади.

Мен яна ўзимни аввалгидай инсон ҳис қила бошладим.

Назаримда, оппоқ кўйлагимда кўринган қора доғ ўрнимдан туришим билан чўлнинг ғижирқумидек тўкилдию оқ атиргулга айландим-қолдим.

Шунча кундан бери биринчи бор кўзгуга боқиб, қовоқлари шишган, ранги синиққан, аммо кўзлари қувончдан пориллаб турган чеҳрани кўрдим...

\* \* \*

*20 сентябрь*

Энди ўқишга қайтмоқчи бўлиб турганимда дадамнинг соғлиғи ёмонлашиб, шифохонага тушиб қолди.

Дўхтирлар юрак хуружи дейишди...

Бу мен билан боғлиқ машмашанинг асорати эди...

Дадамни шифохонада ўзим олиб ётдим...

Кўргани келган қариндош борки, мени айбситар, очиқ айтмаса-да, “Ҳа, юрак масаласи нозик, буёғига эҳтиёт қиласан-да ўзинг”, қабилида писанда қилиб кетарди.

Дадам шифохонадан чиқдию, ичкиликка ружу қўйди. Энди оиламиз бошига бу ташвиш тушди. Ҳеч қачон ичмаган бообрў муаллим тўсатдан кўча-кўйда гандираклар юрса...

Тўғри, маст бўлиб жанжал-сурон кўтармас, ундан-да ёмонроғи, хонасига кириб ичкаридан беркитиб ётаверарди. Айни ана шу беозорлиги, одамовилиги менинг ич-этимни еб битирар, ўзимни қўйгани жой тополмас, назаримда, ҳамма мендан нафратланаётгандай, кўргани кўзи йўқдай туйиларди. Ҳа, ҳамманинг кўзига хунук кўриниб қолгандим. Айбсиз айбдор эдим.

Шу тариқа уйдан, уйдагилардан, қишлоқдан, ҳаммадан... безиб борардим.

Яхшики, ўқишим бор. Шаҳар бор, шаҳарда... Олмос бор...

\* \* \*

*22 сентябрь*

Мен энди Шоира опамга астойдил қарашар, сидқидилдан ўқир ва... интизор бўлиб Олмосдан совчи кутардим. Менга нажот йўли шу –

у билан бирга бўлиш, унга суяниб яшаш эди. Бироқ у ҳам негандир ўзини олиб қочаётгандай, кўришгиси, кўргиси келмаётгандай, тобора узоқлашиб бораётгандай туйиларди.

Бир куни Олмос ўқишдан чиқишимда қарши олиб, холаси гинеколог эканини ва текширишга олиб бормоқчилигини айтди. Кутилмаган бу таклифдан қарахт бўлиб қотиб қолдим.

– Орадан қанча вақт ўтиб кетди, сиз шу пайтгача шубҳа-гумонда юрибсизми? – десам:

– Мен ишонаман сизга, бироқ уйдагилар учун илтимос қиляпман, – деб четга қаради.

Сухбат орасида уйдагилар қишлоғимизга бориб оиламизни сўраб-суриштирганида кимдир мен ҳақимда “Бузилиб кетган”, деганини шунчаки гапдай қилиб айтди.

Нима қиларимни, нима деяримни, нима деб ўзимни оқларимни билмадим... Йиғлаб-йиғлаб уйга қайтдим...

Эрталаб яна телефонда илтимос қилди, шанба холасининг навбатчилик куни, тушдан кейин боришимиз кераклигини, бу иккаламининг келажагимиз учун шартлигини таъкидлади...

Хўрлигимни енгиб... рози бўлдим.

\* \* \*

### *23 сентябрь*

Икки кун қандай ўтди, билмадим, ич-этимни шубҳа-гумон тимдалаб, юмдалаб ташлади...

Хаёлимда фақат бир ўй чарх уради: Юсуф туман шифохонаси дўхтирларини сотиб олмаганмикан? Унда нима бўлади?..

Минг турли гумонларда адо бўлдим.

Мана, Олмос билан Моҳи Хоса ёнидаги тиббий бўлимга кириб боряпмиз...

У юзимга қаролмайди, мен сўз тополмайман. Иккимиз ҳам бўйнидан боғлангандек мажбур ва маҳкуммиз.

Холаси врачларга хос совуққонлик билан текшириб кўриб:

– Ҳаммаси жойида – қиз боласиз, – деди...

Ўша пайтдаги ҳолатимни сўз билан ифодалай олмайман.

Ўзимга келдим... Худойимга чексиз шукроналар айтдим. Мен

шармандаликдан ҳам кўра Олмосни йўқотишдан кўпроқ қўрқар эдим. Бирдан... кўнглим ўксиб, хўрлигим келиб кетди. Шунча ситам кўриб, адолатсизлик таёғини еб кўзимга ёш келмаган эди, шу жойда, ҳаёт-мамот хулосаси айтилган пайти ўзимни тутиб туrolмадим. Йиғлаб кўчага чиқиб кетдим.

\* \* \*

### *27 сентябрь*

Болалигимизда об-ҳаво маълумоти тусмоллиги туфайли кўп латифаларга сабаб бўларди.

Кеч куз ёки қиш аввалида эрталаб уйғонсак, кўзимиз дастлаб қўшнининг қор босган томига тушиб, севинчдан дик-дик сакраб, ҳовлига шошардик. Бу биз учун табиатнинг кутилмаган тухфаси бўлиб, қор катталар учун ташвиш, болалар учун байрам эди.

Шанба уйга қайтиб, наҳор уйғониб яна ўша болалик туйғусини бошдан кечирдим. Кўзимдан уйқу қочгач, ётган жойимда деразага қарасам, лопиллаб лайлакқор уряпти. Сакраб ўрнимдан турдим. Таассуфки, шодлигимга шерик бўладиган опаларим эр уйида, акам далада, дадам бемор, онам беҳол эди. Барибир бу оқлик тасодиф эмаслигига, бунда ҳам бир рамз борлигига пешинга яқин иқрор бўлдим: огоҳлантормасдан, кўнғироқ қилмасдан Олмос совчи юборибди. Бу унинг менга, менгина ғарибга марҳамати, кутилмаган армуғони эди.

Мен эҳтиёт шарт бир йилдан бери кичик опам орқали онамни пишиқлаб келардим, совчилар икки эркак бўлгани учун онам дадамга ётиғи билан тушунтириб, кейин меҳмонларга пешвоз чиқишибди. Зиёлинамо кишилар билан дадам роса мириқиб суҳбатлашибди, таомилга кўра, биринчи ташрифда нон ушатилмаган эса-да, умид ишораси берилиб, совчилар қайта келадиган бўлиб кузатилибди.

Сиз бахтнинг суратини қандай тасаввур этасиз? Мен ўша суратни кўзгуда кўриб турардим...

\* \* \*

### *28 сентябрь*

Орадан бир ҳафта ўтиб, совчилар яна келди. Бу сафаргиси шунчаки ўзбекона расмиятчилик юзасидан эди. Элчилар бемалол гурунглашиб ўтиришди. Тўй кунини ҳам ўзларича тахминан май ойларига тайин қилишди.

Оиламизда тўй кайфияти уйғонди. Дадам ҳам ичкиликни йиғиштириб, менга очиқ юз билан гапирадиган бўлди. Ҳамма тараддудда андармон, майда гапларнинг дами кесилган, мен шаҳар ва қишлоқ ўртасида қалдирғочдек чарх уриб бориб-келар, ҳар гал курсдош дугоналаримни уйга таклиф қилиб, сарполаримни ёйиб фикр сўрар, тезроқ камомадимни рисоладагидек битириш пайида эдим.

“Мен қиларман ўттиз, Эгам қилар тўққиз” деган нақл беҳуда тўқилмаган экан. Бандасининг тадбири манглайдаги битикни ўзгартиролмаслигини ким ҳам ўйлабди дейсиз?

Не-не ширин орзулар билан қайта-қайта сандиққа тахланган сарполар тахи бузилмай қолиб кетишини мен хом сут эмган банда қайданам билибман...

Одатдагидек шанба куни пешиндан кейин қишлоққа учиб-қўниб қайтсам, дадам, “Қизим, оёқларимни уқалаб қўй, негадир ўзимни ҳолсиз сезяпман”, деди. Уст-бошимни алмаштириб энди оёқларини уқалашга ўтирган эдимки, дадам гап бошлади:

– Қизим, ўзим билиб-билмай сенга кўп зулм ўтказдим, ичиб уйга қайтган пайтларим эзилганингни билатуриб, иродамни жиловлай олмадим. Мени кечир... Сениям жонингга тегдим-а... Ўқишга бормай тура тур, яна уч-тўрт кун... буёғи оз қолди, яқинда ҳаммаси тугайди, ————— деди.

Бу кутилмаган гапнинг зарбидан эсанкираб қолдим.

– Йўғ-е, дада, нималар деяпсиз? Ҳечам менга зулм ўтгани йўқ. Аксинча, мен сизни юзингизни ерга қаратдим. Умримни охиригача оёғингизни уқалаб, хизматингизни қилсам ҳам ўзимни кечирмайман. Ахир бу оёқлар мен учун қанча хизмат қилган, – дедим кўзларим ёшланиб.

– Раҳмат, қизим, яхшиям онанг сени туққан экан, кенжа қизнинг меҳри – фариштанинг сеҳри деган гап рост, – деб, енгил хўрсиниб олди-да, бугунги санани сўради.

– Тўққизинчи март, – дедим.

– Ҳа, туғилган кунингга икки кун қопти-да? Унгача кетиб

қолмасам бўлди эди, – деди...

– Дўхтир чақирайми?

– Керакмас, ўз уйимда тинч-хотиржам ўлмоқчиман, – юзини девор томон аста ўгирди-да, – мен ўлсам йиғлайсанми? – деб сўради.

– Дада! – овозимни кўтардим жаҳл қилиб. Кейин вазиятни юмшатиш учун, – жинни бўпманми йиғлаб, – дедим зўраки кулиб.

– Йиғлама, агар сен йиғласанг, мен чидай олмайман, кўзёшларингни кўтаролмайман, – деб ўзи йиғлаб юборди...

– Дадажон, кетишга қўймайман сизни, ҳаққингиз йўқ таслим бўлишга, ҳали тўйда фотиҳа беришингиз керак, – дедим яна гапни ҳазилга буриб.

– Айтганча, сенга бир омонат бор, тўйдан кейин бермоқчи эдим...

– Ўша омонатни менга бергунча кўксингиздаги омонатни топширмай туринг, – дедим сўз ўйини қилиб. Одатда бунақа гаплардан дадам завқланиб кетарди. Бу гал илгаригидек муносабат сезмадим.

– Кошкийди ажал бирортамиздан рухсат сўраса... афсуски, сўрамайди.

Қарасам, ҳақиқатан ҳам жиддий оляпти... –

– Дада, қаерингиз оғрияпти ўзи? – деб сўрадим.

Дадам чап кўксига кафтини қўйди:

– Манави жой...

Мен бирдан ожиз ва нотавонлигимни ҳис қилиб, дадажонимнинг ажал панжасида жўжадек типирчилаётган жонини, дарахт шохида зўрға илашиб турган олмадек ғанимат юрагини кўргандек бўлиб, ўксиб кетдим.

– Ҳали ўлмасимдан йиғлаяпсан-ку, мен сени кучли қизсан деб ўйлаб юрибман, – деди у жилмайишга уриниб.

– Чидолмайман, дада, ундай қилманг, илтимос, – дедим изиллаб.

– Бир келганнинг бир кетари бўлади, ҳаммани бошида бор бу кўргилик. Мендан кейин онангни, опаларингни сенга ишондим, – деди. – Акангни ажратиб қўйманглар, узоқлашиб кетманглар бир-бирларингиздан, мен тинч ётишим учун ҳаммасидан хабардор бўлиб тур, – деди...

Сув сўради, косада сув келтириб, тутдим. Кейин бироз дам олишини айтиб, менга рухсат берди.

Кечга қадар аза кайфиятида юрдим. Уйимизни дадамсиз тасаввур қилиб даҳшатга тушиб кетдим...

Оқшом амаким келиб, қишлоқдагилар Наврўзга тайёргарлик бошлаб юборишганини айтганди, дадам:

– Мен ҳам бораман, насиб бўлса, – деди.

Юрагим сал ёришгандай бўлди...

\* \* \*

### ***29 сентябрь***

Туғилган кунимни ҳам юрак ҳовучлаб ўтказдим...

\* \* \*

### ***1 октябрь***

Ҳар йил Наврўзда дадам бош бўлар, бу байрам одамларни бирлаштиради, меҳр-оқибатни тиклайди, болаларни тарбиялайди, деб ҳаммамизга уқтирарди. Яна айтардики, Наврўз фақат сумалак ва кўксомсаю емак-ичмақдан иборат эмас, санъат ва шеърият орқали мияга ҳам озуқа бериши шарт!

Кўргани келган ҳамкасб ўқитувчиларга қайта-қайта вазифа тайинларкан, мени кўрсатиб:

– Мана, Бону ҳам ўқишидан рухсат олиб келди, сизларга кўмакчи, – деди.

Қадрдон мактабимга кириб, юқори синфлар орасидан уқувли ўқувчиларни йиғдим. Ақлим ва билимим етганча байрам дастури тузиб, уларга шеър, қўшиқ ўргатдим. Баъзи ўқитувчиларим менинг аралашувимни малол олса-да, бир-бирларига кинояли қарашларини сезиб турсам-да, азбаройи дадамга бўлган меҳрим туфайли тишимни тишимга қўйиб ишладим.

Кўнглим алағда, хаёлим дадамда, ҳар икки соатда зув бориб хабар олиб келаман.

Кечқурун дадамнинг гапхалтаси очилиб, опаларим ва акам туғилган пайтларни эслаб ҳангома қилиб ўтирди. Мирхонд акам дунёга келганда жонимнинг вориси туғилди деб шукронасига халққа ош тортганини эслади.

– Боладан зериккан пайтингиз олтинчи бўлиб туғилган гўдак сизни унчалик хурсанд қилмагандир? – эркаланиб ўсмоқчиладим.

– Йўқ, мен сени ҳаммадан кўпроқ яхши кўраман, – деди қошларини кўтариб. – Бирорта боламнинг ортидан гап эшитган эмасдим. Сен туфайли отамдан шатта еганман. Эсингдами? – деди кулимсираб, – Шундаям, энг узоқ куттирган фарзанддан кўнгил совирмиди!

Эсимда, бундай воқеани унутиб бўлармиди!

Мактабда Наврўзга атаб тадбир бўлди. Иккита 3-синф беллашдик... Кейин ҳар иккала синфбошиларни даврага чақаришди. Рақиб синфбошиси Азамат берилган саволларнинг аксариятига дудуқланиб турганда, мен бурро-бурро жавоб бериб қўяқолдим. Биз голиб бўлиб, совринни қўлга киритдик.

Тадбир тугаб, ҳамма ўқувчилар уй-уйига йўл олди. Мен ҳам синфдошларим Бекжон ва Лазиз билан қайтаётсам, мағлуб бўлган ўқувчилар Азамат бошчилигида захкаш бўйида қарши олишди.

Ўртада ёлғизоёқ тахта кўприк. Улар билан кўприкнинг қоқ ўртасида юзма-юз келдик. Эртақдаги икки эчкига ўхшаб бир-биримизга йўл бериш ниятимиз йўқ. Азамат:

– Ҳалиги саволларнинг жавобини сенга даданг олдиндан бериб қўйган, шу учун биринчилиқни олдиларинг, – деб тўнғиллади. Мен:

– Дадам эмас, бобомдан ўрганганман, – дедим... У:

– Қайси бобонгдан, балки момонгдандир? – деб тилини чиқазиб кулди.

Унинг сурбетлиги жаҳлимни чиқарди, бобомни масхара қилганига чидаб туролмадим.

– Қоч йўлдан, “иккичи”, билмасвой! – дедим алам билан ва ёнидан ўтиб кетмоқчи эдим:

– Ҳозир туртиб юбораман, сувга тушиб оқиб кетасан, – деб қўлини кўтарган эди, қўрққанимдан ундан олдин кўксидан итариб юборибман, чинқирганча захкашнинг ўртасига шалоплаб тушди. Икки дўсти уни қутқариш учун қирғоққа югурди. Биз учаламиз кўприқдан амал-тақал ўтиб, энди қоча бошлаган пайтимиз болалардан бири етиб келиб елкамга осилган китобхалтамдан тортқилади. Халтам боғичи узилиб, ерга тушди. Қўл чўзиб энгашган эдим, халтани тепиб, сувсиз ариқчага тушириб юборди. Халтамни оламан деб ариқчага

тушсам, бир ҳовуч тупроқни юз-кўзим аралаш сочди. Буниси ошиб тушди. Халтамни судраб ариқчадан чиқдимۇ қовжираб ётган янтоқни жон-жаҳдим билан тортгандим, таг-томири билан қўпорилиб чиқди. Янтоқ билан боланинг юзига чунонам солдимки, турган жойида бир ирғиб, ўзини ерга ташлаб думалаганча увиллаб юборди. Атрофга қарасам, Бекжон билан Лазиздан ном-нишон йўқ, мени ташлаб қочиб қолишибди.

Тол илдизига тирмашиб чинқираётган Азаматни жўралари икки қўлтиғидан олиб, судраб қирғоққа олиб чиқишди. У дағ-дағ қалтирар, ҳар ўқчиганда оғзидан бўтана сув қайнаб чиқарди. Аянчли манзарадан менгаям муздек титроқ ўтди – уйга ура қочдим. Бобомникида беркингани жой йўқ деб ўйлаб ўзимизнинг ҳовлига бурилдим.

Уйда ҳеч ким йўқ: дадам ҳали мактабда, онам кутубхонада, опаларим одатдагидек сигир-бузоқлар учун ем-хашак ўргани далага кетишган.

Биринчи дадам келди. Тадбирдаги ютуғим учун энди мақтай бошлаган пайти йўлтўсар болаларнинг ота-онаси бир гала бўлиб кириб келишди. Янтоқ билан урганимда тиканлари ҳалиги боланинг қош ва кўзи ўртасига, юзига, қовоғига санчилиб, башараси кунжут сепилган патирга ўхшаб қопти. Бўлди қизил-қиёмат!.. Бечора боланинг онаси бобиллаб дадам билан уриша кетди:

– Бировларни фарзандини тарбиялагунча аввал ўзингизникини йўлга солинг! Боламни кўзи кўр бўлиб қолса нима бўларди?!

Дадамнинг жаҳли чиқди, тутақиб, менга қараб важоҳат билан кела бошлади. Мен паноҳ истаб жавдираб тургандим, эшикдан Хизрдек бўлиб бобом кириб келдию чопқиллаб унинг панасига ўтиб олдим. Воқеани эшитган бобом ғаблаб аввал болаларнинг ота-онаси билан, кейин дадам билан тортиша кетди.

– Сенинг қизингни тўртта бола ўртага олса, нима қиласан, индамай ўтир, дейсанми?! Билганини қилсин, бошингни эгиб туриб бер, дейсанми? – деб келганларнинг ота-онасини мулзам қилди. Кейин менга қараб, – Янаги сафар йўлингни тўсишса, уриб бошини ёр, жавобини мен бераман! – деди...

Масала бобомнинг раислигида менинг фойдамга ҳал бўлди, “меҳмон”лар шашти қайтиб, бўшашибгина кўчага йўналишди. Бироқ

дадам жаҳлидан тушмади. Аёлнинг гаплари қаттиқ теккан эканми, дағдаға кўтариб ёнимга келаётган ҳам эдики, бобом “Ҳе, сени қараю!” деб ирғай ҳассаси билан елкасига тушириб қолди. Дадам ёш боладек қўлларини кўтариб бошини яширганча боғ томонга қараб қочди. Уни биринчи бор шундай кулгили аҳволда кўришим эди...

Шуларни эслаб дадам:

– Ўғил бўлиб бирор маротаба отамдан калтак емаган эдим. Қирқни қоралаб, сенинг шарофатинг билан бобонгдан шатта еганман, – деб мириқиб кулди...

\* \* \*

### **5 октябрь**

...4-синфни тугатиб, ёзги таътилга чиқдик.

Маза! Мактаб йўқ, ягана, чопиқ даври ўтган, уйга вазифа деган бошоғриқдан қутулганмиз. Уйда вазифамиз ўт ўриш, тандирга олов ёқиш, даладан чўп-чўмак йиғиб келиш... Қолган пайт эркимиз ўзимизда: ўйнаймиз, чўмиламиз, китоб ўқиймиз.

Бир куни онам сурпа ёйиб, лаплаплатиб элак урар, тўрнинг майда кўзларидан тўкилаётган ун бархан бўлиб уйилар, гўё фалақдан бетиним қуюқ қор ёғиб, Қизилқумни босаётгандек кўринарди. Мен бу манзарага анқайиб қопман шекилли, онам ёнбош қараб бир кулиб олди-да:

– Бону, Барчинойни чақир, ўчоқбошига ўтин ташинглар, бирор соатлардан кейин тандирни оқартирасан...

Тандир билан ўчоқ оралиғидаги пастқамга бир боғ ғўзапоя ташлаб, энди ҳовли этагидаги ғарамга қайтаётсак, кўчадан аввал ғингшиб сирқовланган овоз эшитилди, кейин дарвозадан ҳамма ёғи қон, кўйлаги йиртилган, лаблари, қулоқлари шишиб кетган Мирхонд акам оқсоқланиб кириб келаркан, онамга кўзи тушиб, йиғини баралла қўйиб юборди. Онам “Вой ўлай!” деганча элакни супрага чангитганча ташлаб, ковушини ҳам оёғига илмай, дарвозахонага югурди. Акамнинг ҳиқиллаб берган маълумотига кўра, Азамат икки амакиваччаси билан менинг аламимни ундан опти. Бирга чўмилиб бўлишгач, Мирхонд уйга қайтаман деса, кийимларини беркитиб қўйиб, роса масхара қилишибди. Сўнгра атай уриш чиқариб, ўртага олиб

беармон дўппослашибди.

Онам остонага ўтириб йиғлаганча муштумзўрларни қарғади:

– Уйи куйсин номардларни! Ёмонни кучи япалоққа етади! Булар ҳам билишади кимни уришни! Буни сўроқлайдиган акаси йўқ-да! Уч киши бир болани-я!..

Онам айтиб-айтиб, дод солиб, ичкиб-ичкиб йиғлаб, уларни худога топширди.

Барчиной опам иккимиз нима қилишни билмай, карахт аҳволда қолдик.

Онам акамнинг юзини авайлаб ювиб, сочиқ босиб, сўрига балиқдай ётқизиб қўйди.

Оқшом дадам келгандан кейин бўлган гапни озгина “пардозлаб” айтиб берганди, дадам акамнинг иягидан кўтариб чироққа солиб қаради-да:

– Ўлмабди-ку, йигитчиликда бўлиб туради, қўй, сен ҳам оловга мой сепма, – деб онамни зўравонларнинг уйига боришдан қайтарди. Кейин акамга қараб, – сен эркаксан, ўзингни ҳимоя қилишни ўрган-да, қувватинг, жонинг борми, – деб уришди...

Онамнинг остонада ўтириб ожизона йиғлаганлари анчагача кўз олдимдан кетмай юрди...

\* \* \*

### **6 октябрь**

Акам ва бўлаларим билан ёбондан ўт-ўлан ўриб эшак аравада қайтаётсак, анҳорда чўмилиб чиқиб, бўзтупроқда тобланиб ётган Азаматни кўриб қолдик.

Акам иккимиз аравадан сакраб тушиб, мен этагимга, акам чўнтагига йўл ёқаларидаги шағаллардан йиғиб-териб, ғафлатда ётган Азаматни тошбўрон қила кетдик...

У кутилмаган ҳамладан ўзини йўқотиб, бошини кафти билан паналаганча “вой бибижон”лаб чинқириб, ариқ лабига ўзини ташлади. Биз “душман”ни узил-кесил тор-мор қилиш учун қирғоқ томон югурдик. Шу пайт “ҳий-юв!” деган қийқириқ янграб, акамни “копток” қилган тўда пайдо бўлиб, бизни қуршовга олди. Бўйи баланд олакўз бола сўрашмоқчидек қўл чўзиб келиб, бирдан Мирхонднинг қулоқ-

чаккасига тортиб юборганди, акам шўрлик қияликдан пастга думалаб тушиб кетди.

Навбат менга келди.

– Муқбил тошотар ўғил бола бўлганми, қиз болами? – деди олакўз шерикларига ишшайиб.

– Акасиям қиз бола бўлган...

Тевага тирмашиб чиқаётган акамга бармоқ ниқтаб, мириқиб масхаралаб кулишди. Мен этагимдаги тошлар орасидан йирикроғини ажратиб олдим-да, тўдабошига ўқталдим:

– Ҳозир кўзингни чиқараман, олхўри!

Олакўз ўзини қўрқиб кетгандай кўрсатиб, икки кафтини бирлаштириб, ҳиндча тавозе бажо келтирди:

– Муқбил хоним афанди, бир қошиқ қонимдан кечинг...

Қуриб кетгур авваллари ҳам машқ қилиб юрганми, ҳинди киноларидаги оқ иштонли қаҳрамонларнинг ўзи бўлди-қолди. Бирпас чалғидим шекилли, муғомбир қандай қилиб билагимга уриб тошни учуриб юборганини пайқамай қолдим. Этагимдагилари ҳам сочилиб кетди. Гангиб қолдим.

Акам йўлгача эмаклаб чиқдию ўрнидан туришга ҳоли етмадими ё қўрқибми, ўша жойда ҳансираб ўтираверди.

Бир маҳал бурқситиб чанг кўтарганча велосипедини ғизиллатиб акамнинг синфдоши Юсуф пайдо бўлди. Оғзида “ғий-йқ!” деб тормоз садосини чиқазиб тўхтаб, уловини толга суяди-да, икки муштини биқинига қўйди:

– Учта бўрдоқини кучи битта қизалоққа етдими? Ўғил бола бўлсанг битта-битта келавер!

Олакўз ҳарсиллаб ўтирган акамга, довдираб турган менга, баҳодирлик қиёфасидаги Юсуфга бир-бир синовчан назар ташлаб чиқди ва бирдан қаҳқаҳлаб тиззасига уриб кула бошлади. Гоҳида кулги дағдағадан ваҳималироқ бўлади.

Мирхонд даст ўрнидан туриб, аста-секин биз томон шахдам кела бошлади. Демак, ростмана жанг бўлади! Мен руҳланиб, ерда ётган қиррали кесакни секин қўлга олдим. Акам шошмасдан йўл бошигача чиқдию умидвор қараб турган Юсуфнинг ёнидан ўтиши билан “Қоч, Бону! Қоч!” деб оёғини қўлга олиб қишлоқ томон учди. Бунисини кутмагандим, эсанкираб қолдим, панжамдаги кесак уваланиб кетди.

Юсуфнинг ҳам бирдан попуги пасайди. Лекин сир бой бермай, аввалги гапини такрорлади:

– Қани, битта-битта келаверинглар!

Олакўз югургилаб бориб, бир сакраб Юсуфнинг бўйнига чирмашиб, гуппа йиқитди. Азамат билан шериги айланиб юриб, жойини топиб тепкилай бошлади. Мен нима қилишни билмай, жўжа олдирган товукдай уларнинг атрофида югурардим. Ҳол-беҳол тўда аъзоларининг елкаларига мушт урардим, зарбаларим чивин чаққанча таъсир қилмаётганидан аламим ошиб, хўрлигим келарди.

– Ким бо-ор?! Одамла-ар! – ўз чинқириғимдан ўзим чўчиб тушдим.

Тўда бош кўтариб атрофга аланглай-аланглай жуфтакни ростлади.

Юсуф моматалоқ юзини сийпалаб, ўрнидан турди-да, ювингани анҳор бўйига тушиб кетди.

Мен бир аччиқ гап айтиб тезроқ хумордан чиқиш учун акамнинг ортидан югурдим...

\* \* \*

### *7 октябрь*

Дадам йўқотган ўйинчоғи эсига тушган боладай бесаранжом, безовта. Ўрнидан турмасдан:

– Совқотдим, печкага ўтин қаланглар, – деди.

Акам ўтин қалаб, олов ёқди. Кейин дадам устидаги кўрпани суриб тушириб:

– Исиб кетяпман, эшикни очиб қўйинглар, – деб бетоқатланди.

Олдин мен, сўнг акам дадамнинг муздек оёқларини уқаладик.

– Бугун мени аканг бир чўмилтирсин, – деди дадам ўзига ўзи гапиргандай паст товушда.

– Хўп, – дедим-да, оҳорли ички кийимларини, сочиқларини ҳозирлаб қўйдим.

Оёғим тортиб-тортмай мактабга жўнадим. Байрам дастурини бирров кўздан кечирдим ортга қайтдим. Йўл-йўлакай хавотирим борган сари ошиб бораверди.

Келсам, дадам бир аҳволда, елкасидан нафас оляпти. Кўзлари катталашиб кетгандек, аланглаб ниманидир излаётгандек туйилди.

– Дада, нима қидиряпсиз? – деган саволим жавобсиз қолди.

– Иссиқладим, ойнани очиб қўй, – деди... Деразани очаётсам, – қара-я, бодом чиройли гуллабди, – деб ишора қилди. Ташқарига қарадим:

– Дада, бу йил баҳор кечикди, кўча совуқ ҳали, – дедим.

– Яхшилаб қара, Бону, ахир, ана, гуллаб ётибди-ку, ана, отам ҳам ўша ерда, – деди бошини ёстиқдан узиб...

Яна ҳовлига қарадим: қуп-қуруқ гилос шохидан бошқа ҳеч нима йўқ...

Онам:

– Отанг алаҳсираяпти, – деди.

Ҳовлиқиб қишлоғимиз врачига қўнғироқ қилдим. Келиб укол қилиб кетди. Дадам ухлаб қолди.

Ҳовлида айланиб юрганча опам Гулшанга қўнғироқ қилдим, у кела олмаслигини айтди.

Зебо опам:

– Бонужон, икки кун ҳам бўлмади уйларингдан келганимга, ҳар куни тўрт бола билан йўлга чиқолмайман-ку, – деди зорланиб.

Барчиной опамга қўнғироқ қилиб, эрталаб бўлган гапни айтиб бердим.

– Жиннимисан, кеча туғилган кунингда яхши ўтирган эдилар-ку, – деди.

– Ҳа, лекин бугун эрталабдан ўзгарди...

Мактабда сариқ касали тарқаганини, болаларининг кийимини қайнатиб ювиб, дазмоллаб, мактабга узатиши кераклигини... ва бошқа оилавий муаммоларини қалаштириб ташлади.

Жаҳлим чиқиб кетди:

– Эртага келганингизда дадам бўлмаса, ёқа йиртиб, ер муштламанг, – деб телефонни ўчирдим.

Тўртинчи опам – Розия бошқа туманга турмушга чиққан. Учта боласи бор. Поччам темирйўлда тунги навбатчиликда туради. Унга айтишнинг ҳам фойдаси йўқ.

Дадам ухлаб тургандан кейин бироз енгиллади. Кечга қараб Барчиной опам билан поччам келишди:

– Ваҳима кўтариб, аччиқ қилиб телефонни қўясан, дадам ҳали юз йил яшайди, – деди опам зарда аралаш.

– Келганингиз жонимга, сизларни соғинсам бир баҳона топаман-

да, – дедим.

Гурунглашиб турган эдикки, Наврўз дастурини назардан ўтказиш учун ўқувчиларим кириб келишди. Уйда меҳмон борлигини айтиб, холироқ жой топишни буюрдим. Маҳалла бошидаги ўқувчининг уйида тайёргарлик кўрадиган бўлдик. Опам:

– Мени ўшанча жойдан чақириб олдинг, энди кетмайсан ҳеч қаёққа, – деб йўлимни тўсди. Дадам опамга:

– Қўй, бораверсин, нима дейсан унга? Эрта байрамга келсанг кўрасан тадбирларини, – деди. Опам хоҳламайгина:

– Майли, бор, ҳай, лекин тез кел, – деди.

– Хўп, – деб қоғоз-қалам, дафтарларимни олиб кетдим...

Орадан ўн дақиқа ўтдимикан, акам телефон қилиб:

– Тез қайт, дадам оғирлашиб қолди, – деди қаттиқ шивирлаб.

Қандай қилиб югуриб уйга келганимни билмай қолдим. Акамнинг икки ўғли йўлакда йиғлаб туришибди.

– Ҳа, Файзулло, нима бўлди? – дедиму жавоб ҳам кутмай уйга кирдим.

Акам дадамнинг елкаларидан ушлаб турар, опам сочиқ билан елпир, онам эса орқароқда дадамдан паналаб йиғларди... Акам дадамга қараб:

– Дада, ана, Бону келди, – деди. Опам:

– Сени қайта-қайта сўраяпти, – деб пастки лабини қаттиқ тишлади.

– Дада, дадажон, мен келдим, нима дейсиз, нима қилай?

Сув сўради. Пиёлани ҳовучимда узатдим. Лабларининг икки ёнидан оқизиб ичди. Кейин юзимга узоқ термулиб қолди. Ниҳоят таниди.

– Хайрият, келдингми? Ёнимга ўтир, ҳеч қаёққа кетма...

Жуда чуқур ва тез-тез нафас ола бошлади. Икки-уч дақиқа ўтиб яна мени сўради.

– Дада, шу ердан, ёнингиздан, нима қилай?

Узоқ термилиб турди... Танимади. Атрофдагиларнинг ҳаммасига бир-бир қараб чиқди. Акамдан яна қайтиб:

– Бону қани? – деб сўради...

Ҳар қанча гапирмай, қўлларини ўпиб кўзимга сурмай, юзларига ҳўл юзимни босмай, мени танимади. Кейин шошилиб ҳамшира кириб

келди. Қон босимини ўлчаб, “Тез тушяпти”, деди саросималаниб.

Укол тайёрлаб, дадамнинг қўл томирига туша олмагач, шприцни бўйиндаги шакартомирга санчди. Томир данакдек бўртайиб шишиб чиқди. Ҳамшира бош чайқаб, игнани суғурди-да, ликопчага ташлади. Дадамнинг юзларидан қон қочиб, кўзлари тортилиб кета бошлади...

– Дадажон, “Ла илаҳа иллаллоҳ” денг, калима қайтаринг, – дедим.

– “Лаааа ила... ҳа илл... Аллоҳ, – деди товуши узилиб-юлқиниб...

Шошиб қолган ҳамшира билакнинг икки-уч жойига шприц уриб ҳам томирга туша олмади. Мен унга ёрдам бериб турган эдим. Дадам қўлимдан маҳкам ушлади. Қўл курашида олишадиганлар қандай тутишса, биз бир-биримизнинг панжамизни шундай маҳкам боғлаган эдик.

Ҳамширанинг “Кечикдик, улгурмадик, бефойда”, деган сўзидан ўзимга келиб:

– Ўлдими? – дебман.

Акам йиғи аралаш:

– Ҳа, Бонужон, қўлларини қўйиб юбор, ётқизиб қўяйлик, қийналмасинлар, – деди. Онам:

– Даданг ўлди, болам, ҳаммаси тамом, ҳаммаси тугади, – деди ҳўнграб...

Акам дадамни ётқизиб қўйгач, қўлларимизни ажратишга ҳаракат қилди. Бироқ мен бу илиқ, кучли ва меҳрибон қўлни қўйиб юборишни истамасдим...

Акам дод солиб йиғлади. Опам ҳам ҳўнгради... Онам, янгам ҳам... Фақат мен тошга ўхшаб қотиб қолган эдим...

Худди кутиб тургандек, бир зумда ҳовли одамга тўлиб кетди... Бирин-кетин опаларим “дадам”лаб, аммаю амакилар “акам”лаб келишди...

Қолганини сўз билан ифодалаб бўлмайди, акажон...

\* \* \*

### **11 октябрь**

Кеча телеграмда “Кун ҳикматлари”ни ўқиб турсам, “Бошқаларнинг қалбларидаги ғам-ташвишларини билганингда эди, кўнглингдаги ҳаловат учун Аллоҳга ҳамду санолар айтар эдинг”,

деган сатрларга кўзим тушиб қолди...

Биз одамлар шунақамиз, бировларни худбин деймиз-у, ўз манфаатимиз учун бошқаларни қурбон қилаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ўзимни шундай ҳис қиляпман... Чунки менинг тингловчимнинг ҳам юракларидаги оғриқли нуқталар меникидан кўп бўлса кўпки, кам эмасдир. Бекор қилдимми дейман Сизни безовта қилиб?

Малолим келмаяптими?

Ростини айтсам, дадамни соғиндим... Жудаям...

\* \* \*

Бир мўмин савдогарнинг гўзалликда тенги йўқ рафиқаси бор экан. Савдогар ўз жуфти ҳалолини беҳад севар, имкон қадар тижорат корвонини манзилдан-манзилга қистаб борар, тезроқ уйига қайтиб, маҳбубаси ёнида бўлишини хоҳларкан.

Шу тариқа кунларни қувиб ойлар, ойларни қувалаб йиллар ўтаверибди.

Бир куни Шом юртида савдо қилиб, тарқатган моллари даромадини буромадига чамалаб, ҳисоб-китоб қилаётса, изидан келган сарбон бир мактуб тутқазибди. Савдогарнинг опаси битган бу хатда тақдири азал ҳукми ила аёлининг юзига чечак тошиб, аввалги ҳуснидан нишон ҳам қолмагани, билъакс, “хунук” деган таъриф бечора хотинга мақтовдек сифат бўлиши битилган экан.

Бу шумхабардан ғуссага чўмган савдогар чун абри найсон кўзёши тўкиб, ёқа чок айлаб, қайтар йўл бошини тутибди...

Алқисса, уч ой тоғу тошдан ошиб, саҳрою кўлни кечиб хонадонига етиб келган савдогар чиммат ёпинган хотини билан довдираб кўришаркан, унинг ҳусни жамоли важҳидан қилган арзу шикоятига жавобан:

– Бас, йиғини тўхтатинг, хоним, обидийданинг зарар-касофати андоқким, камина хожангиз бу хабарни эшитгандан бери қароғимни кўзёшидан тиёлмадим, ўзимга, кўзимга зулм этдим, мана энди кўзларим ёруғ дунёни кўрмас сўқир бўлди. Зеро, минбаъд сизнинг чиройингиз ўз аҳамиятини йўқотди. Тасаввуримда ўша-ўша гўзалсиз! Бовужуд, кўнглингиз гўзаллиги зоҳирий ҳусндан минг чандон

улуғвордир! – деб ожизага таскин берибди.

Шундан сўнг савдогар касбини йиғиштириб, уйдан чиқмас бўпти. Аёли кечаю кундузи унинг хизматида экан.

Йиллар ўтиб қазо муддати етиб, хотин чин дунёга рихлат этибди. Уни сўнгги манзилига қўйиб, қабр бошида ғамбода ўтирган мўминга дўсти:

– Бўлди, қазо ва кадарга бўйин сунмоқ даркор, тур, эй биродар, уйингга етаклаб элтиб қўяй, – дебди.

Унга мўмин шундай деб жавоб қайтарган экан:

– Боравер, дўстим, мен яна озгина у билан ёлғиз қолмоқчиман. Уйга етиб олиш ташвишимни қилма. Менинг кўзларим сўқирмас, йигитлик давримдагидай ўткир ва басир. Азбаройи аёлим “Чечакдан бадбашара бўлдим, эримнинг кўзига қандоқ кўринаман”, деган истиҳоладан қутулиши учун ўзимни кўр бўлиб қолгандай, сўқир бандадай тутдим...

\* \* \*

### ***13 октябрь***

Дадам акамга “Кўриб кўрмаслик, билиб билмаслик санъатини эгалламаган эр оилада бахтли бўлолмайди”, деб юқоридаги ривоятни келтирган эди.

Раҳматли бу ҳикматни айтаркан, “корвон” деб атай таъкидлагани, Зебо опам “Карвон” бўлмайдами, дада, китобларда шундай ёзилади”, деб ақллилик қилганида, “Карвон” дейилса, карларнинг бошчиси тушунилади, аслида “корвон” – иш эгаси, битирувчиси дегани, қизим”, деб уқтирганди.

Кейинчалик, паст-баландни кўриб, баъзи ўринда “карвон” дейилса, моҳиятан тўғри бўларкан деган хаёлларга ҳам борганман.

\* \* \*

### ***15 октябрь***

...Ҳамма дафн маросимига тайёргарликка тушиб кетди...

Ким ғассолга чопган, ким гўрковга югурган, биров камчиликларни ростлагани бозорга ошиққан...

Бу шошма-шошарлик ва бетоқатликдан мен ёқа тутиб таажжубда эдим: “Шунча пайт сокин яшаган инсон нега бирдан ер юзига сиғмай қолди? Нега уни ер остига беркитишга шунчалик ошиқишади? Кимга халал беряпти у? Кимга ортиқчалик қияпти? Дадам-а, мўмингина дадам-а...”

Амаким онамга:

– Янга, акамни оҳорлироқ кийимларини тахлаб қўйинг, гўрковга берилади, – деганди, онам:

– Иби, садқаи жон! Лекин битта гўр қазганга шунчалик сийлов нега керак? – деб эътирозланди. Акам ҳам онамни қўллаб-қувватлади. Шунда умрим бино бўлиб, амакимдан бир марта ақлли гап чиққанини кўрдим:

– Мирхонд, мана, янги уйга неччи йилдан бери уриниб ётибсан. Қанча пул сарфлаганингни ўзинг биласан, худо билади. Янга, бу бир мисол-да, ўғлингиз нари борса эллик-олтмиш йил яшайдиган вақтинчалик уйга шунча харажату шунча вақт совуриб ётибди. Энди, янгажон, гап акамнинг қиёматгача бошпанаси, абадий уйи ҳақида кетяпти. Ўла қолсин кийилган қўйлак иштонун пошнаси қийшиқ эски бошмоқ!

Онам ҳам, акам ҳам бир зум лол қолишди.

Балки, амаким бу гапни бирор жойда эшитиб илиб олгандир, аммо менгаям жуда ибратли кўринди.

Дадамни бошқа уйга кўчиришди. Эртаси саҳар покшўй келгунча яқинлари майитни ювиб-тараб қўйиши керак экан.

Ҳовлида қолганлар аёл-эркакларга алоҳида жой тайёрлаш билан овора, мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди...

– Кимки оламдан ўтса, ортида қолганлар ўқиган дуою фотиҳаси у дунёда бакор келади, жаннат эшикларини очади, – дерди бобом.

Таҳорат олиб, икки ракаат намоз ўқидим. Дадам улгурмай қолган калималарини чарчаб, чанқаб қолгунимча қайтардим ва марҳумлар руҳига бағишладим...

\* \* \*

**16 октябрь**

– Акамни охирги маротаба кўриб қолинглар, тагин армон қилиб

юрманглар. Покшўй ювинтирганидан кейин аёлларга рухсат берилмайди, – деб амаким ҳовлига чиқиб кетди.

Зебо опам ва янгамдан ташқари ҳамма бир назардан кўриб чиқди. Навбат менга келди. Дадамга қара-аб турдим... Одам ҳам шундай чиройли бўладими? Эҳ, Зебо опажоним-а! Шундай одамдан ҳам кўрқадими киши? Дада-ку ахир! Юзлари оппоқ, қош ва киприklar узун-узун, тим қора. Бурни тик, қиррадор, лаблари қаттиқ қимтилгану, кулгига мойил...

Бобом раҳматли “Жон узилар чоғи мўмин одамга жаннат боғчалари кўрсатилади. Марҳумнинг табассуми шундан далолат”, дегани эсимга тушди. Илоё, жойингиз фирдавс чаманзорида бўлсин, дадажоним!..

Дадамнинг талабалик суратларини, альбомларини кўп кўрганман, ҳозир худди ўша ёшлигига қайтиб қолгандек ётибди. Тикилиб туриб:

– Дадажон, бемаврид кетиб қолдингиз, – деб юрагимдан ўтказиб турган эдим, акам:

– Кўп термулма, майит безовта бўлмасин, – деб юзларини ёпиб қўйди.

“Майит” деган сўз миямга оғриқ берди. Дадам... майит... марҳум...

Амаким қайтиб кириб, деворга суяниб ўтирди. Аҳён-аҳён “Ҳа, акажоним-а!” деб қўяр, бу нолиш озурда дилимни баттар вайрон қиларди.

Вақт ярим кечадан оған бўлса-да, дадамнинг синфдошлари, яқин ўртоқлари тўп-тўп бўлиб келаверди. Ўн чоғли одам хобгоҳга кириб видолашиб чиқди. Хонада амаким ва акам қолдик. Амаким:

– Бор, Бону, ётиб дамингни ол, эртага сенга кўп куч керак бўлади, дадангни ёнида биз қоламиз, – деди.

– Йўқ, дадам охири кун меҳмоним ахир, – деб унамадим.

Тонг оқариб кела бошлади.

Ғассол келгач, мени чиқариб юборишди. Дадамни охири бор кўрганим шу бўлди.

Таомилга кўра эркаклар овоз олишди... Иккинчи томондан аёллар... Бошим айланиб, кўзим тиниб кетди. Нима бўлганда ҳам келим-кетим вақтида одамлар орасида бўлиш керак экан.

Негалигини билмайману, ҳеч додлаб, бақариб йиғлай олмадим. Ичкиб, унсиз йиғлайман. Бу йиғи ҳисобга ўтмас экан. Қишлоқнинг

кайвониси келиб:

– Овоз олиб йиғланг, одамлар айб қилади, – деб қулоғимга пичирлаб кетди. Уриниб кўрдим. Эпложмадим. Аммам келиб:

– Нега овоз чиқармаяпсан? Акам сени ҳаммадан кўп яхши кўрарди, овоз қўйиб йиғла, – деди. Ҳеч нима демадим. Биқинимдан қаттиқ бураб чимчилаб олди, – овоз чиқариб йиғла-е, одамлар айб қилади!

Астафируллоҳ, жинни бўлганми булар, мени йиғимни кўриш учун келишганми нима бало! Эй художоним, фаросат бер бандаларингга, деб ичимда яна калима ўгиравердим.

Бир вақт деразадан тобутни олиб чиқишди. Олдинда акам... тўнни сириб белбоғ боғлаган, бошида дўппи, кўзлари қизариб, шишиб кетган... кейин амаки-тоғалар...

Тобутни ҳовлига қўйиб жаноза ўқишди.

Юрагим қон бўлиб оқиб тушди...

Атрофга қарадим, ҳовлида оёқ қўядиган жой йўқ... Тобутга етиб олиш иложсиз, елкалардан-елкаларга ўтиб, қайиқдек чайқалиб боряпти... Шунда телбаларча дод солиб, фарёд кўтарибман:

– Мен шўрликни кимга ишониб ташлаб кетяпсиз, дадажон!

\* \* \*

...Кўзимни очсам, тепамда онам, холамлар, опам, акам туришибди.

– Эртага дадамга бегойи жума, тур, Бонужон, бунча ухладинг, – деди опам.

– Дадамни қабрга ким қўйди? – сўрадим. Акам:

– Мен қўйдим, ўзим қўйдим, – деди...

Ҳа, ўғил ана шу кунга керак экан-да... Оталар шунинг учун ўғил фарзанд сўраркан-да, деб ўйладим.

– Ҳай, борингизга шукур, раҳмат сизга, – деб пичирладим.

– Нима учун раҳмат? Дадам мениям дадам-ку! Ўғилман менам, – деди акам елка қисиб...

\* \* \*

**19 октябрь**

Шундай қилиб, тўй номаълум муддатга сурилди. Бу ҳақда гапириш тугул ўйлаш ҳам кўнгилга сиғмасди.

Дадамни жойларига қўйганимиздан кейинги куни Олмос амакилари билан кўнгил сўрашга келди. Албатта, ёнига боролмадим. Узоқдан кўрдим, бошида дўппи, қадди эгик... Дарвозахонадаги ёғоч эшакда ўтириб узоқ тиловат қилишди.

У кунлар, назаримда, бировнинг ҳаётидан олинган парчадек, қайсидир асарда ўқиганим лавҳадек бегона туюлади. Ўша китобда: “Отаси ўлган эркак тўлақонли эркин ва мустақил бўлади, аёл эса баттар ожиз ва қарамга айланади”, деган аччиқ сўзлар ёзилгандек эди...

\* \* \*

## ***20 октябрь***

Учлик маърака берилди. Ундан кейин еттилик...

Йиғи оддий машғулотга айланиб, мотам моҳиятини йўқота борди. Энди эшикдан оёқ товуши келса, аёллар беихтиёр ўринларидан туриб, бириси тиззасига шапатлаб, бошқаси қўшқўллаб бошини тутганча йиғи-сиғини бошлаб юборар, ора-чора “Фалончи кўринмадимми, пистончининг кийиб олган кўйлагини қара!” каби мавзуларда гап ташлашиб олишарди.

Дадамнинг тобути ердан узилган куни мен учун ҳам ҳаёт тугагандай, қиёмат қойим бўлгандай туйилган, ҳовлида ивирсиб юрган одамлар ўта аҳамиятсиз, майда кўриниб қолган, ўтин ёриб, сув ташиётганларга қараб нега буларнинг кўнглига бу қадар икир-чикирлар сиғяпти, нега булар осмонни ёриб фарёд кўтаришмаяпти, деб ҳайрон бўлардим. Билсам, бу қайғу меники, бу андуҳ фақатгина менга қарашли экан.

Хонадон дадамнинг йўқлигига кўникиб бўлган, бир-бирини етаклаб келадиган маърака, расм-русум ўз маромида ўтиб борарди.

Ўлдинг – ўчдинг экан.

Кунлар захкашнинг сувидай ортига қайрилмай сокин кетаверди...

\* \* \*

– Бу йил Наврўз бўлмайди. Янаги йилга қолдирилди, – деди қишлоқ вакили. Амакию аммамлар:

– Акам тадбирларни, маъракаларни яхши кўрарди, ўтказаверинглар, – деб розилик беришди...

Йигирма биринчи март куни эрталаб бир челак ҳалим келтириб ташлаб кетишди...

Дадам ҳалимни яхши кўрарди. Қишлоқ вакилининг ўғли байрам учун солим пулига келганида:

– Эрта билан бориб бир коса ҳалиса еб, битта йўрғалаб ўйин тушиб келаман, – деб ҳаммани кулдирган эди...

Афсуски, насибаси қўшилмаган экан.

Ҳар Наврўзда чоллар билан вақтли бориб исми-расмини қилиб, ҳалим қозонини очдирар, аввал байрамга келолмайдиган қарияларга, дардмандларга, етим ва қаровчисини йўқотганларга бир коса-бир коса тарқаттириб, кейин тадбирни бошлашга фотиҳа бериб келарди. Биз шеър ва қўшиқ билан давом эттирардик...

Бу йил ҳалим тарқатилибди, холос...

\* \* \*

## *22 октябрь*

Дадамнинг йигирмасини ўтказиб, ўқишга қайтдим.

Эшитган, бошимдаги оқ рўмолимни кўрган таниш-билишлар кўнгил сўраб баттар кўнглимни эзишди.

Мен учун ягона таскин ва юпанч Олмос эди. У ҳар куни мендан хабар олар, қайта-қайта СМС йўллар, мени чалғитиш учун бўлса керак, китоблар совға қиларди. Аммо... китобдаги ҳар бир сурат, воқеа, ҳатто исмлар дадажонимни эслатаверар, Олмосга ўзимни қувноқроқ кўрсатишга уринсам-да, юрагим ҳилвираб борарди.

Гоҳида уйга қайтарканман, остона ҳатлаб ҳовлига киришим билан ичкаридан, “Келяпсанми, жон қизим, ўқишларинг яхшими, қийналиб қолмадингми?” деб дадам жилмайиб чиқиб, пешонамдан ўпадигандай туйилаверарди.

\* \* \*

Бир куни уйга қайтсам, остонада онам мунғайибгина ўтирибди...

Қийин-қийин – онагинамга қийин бўлди, ҳар ўқишдан келганимда дадам билан қарши олишарди, деб юрагимдан бир нима узилди. Билдирмаслик учун кулиб келиб:

– Ҳа, онажон, менга йўл қараб ўтирибсизми? – деб юзларидан битта ўпдим.

Онам тўлиб турган экан:

– Ҳа, сендан бошқа кимимни кутаман, болам, – деб йиғлаб юборди.

– Сизга нима бўлди?

– Бир гап айтаман, хафа бўлмайсан, хўпми?

– Хўп, нима гап?

Онам енгини мишжаларига босиб:

– Акангга пул зарил экан, бобонгни ҳовлисини савдога қўйибди, – деди.

Музлаб қолдим...

Бир вақт акам келди.

– Ҳовлини нима учун сотяпсиз? – деб гап бошлашим билан онамга бақирди:

– Дарров етказдингизми? Ўзим айтардим!

– Биринчидан, онамга бақирманг, айтган бўлса бегонага эмас, қизига айтди. Иккинчидан, барибир эшитардим. Учинчидан, ҳовли дадамники, сизники эмас, сотишга ҳаққингиз йўқ! Сотилмайди! Тамом, вассалом! – дедим.

– Дадамдан кейин мерос менга қолади, чунки мен ёлғиз ўғилман, – деб ғудиллади у.

– Меросхўрлигингизга қаршилигим йўқ. Лекин у... оддий ҳовлимас...

Акам ростмана ажабланди:

– Нимаси оддиймас? Хароблигимми?

– Бобом яшаган... Бобом...

Акам мажбуран кулди:

– Ҳозир яшамайди чоғи?

Нима дейишга сўз тополмай:

– Дадам, ўғлим бобомерос ерларимни сотсин деб қолдириб кетмаган. Ундан кўра ўзингизни ҳовлингизни сотинг!

– Янги ерни-я?! Бону, сенга ҳамма гапни ижикилаб айтиш керак, дадам шифохонада ётганида қайнакамдан қарз олгандим. Улар тўй бошлашяпти, пул керак экан. Қарзимни қайтаришим керакми, йўқми?

– Қанча қарзингиз бор? Нимага бизнинг хабаримиз йўқ?

– Анчагина!

– Унда озгина кутишсин, мен Шоира опамдан сўрайман, узамиз қарзингизни.

– Йўқ, менга кўп пул керак!

– Яна нимага?

– Бону, ҳаддингдан ошма, мен ота ўрнида отаман, сенга ҳисоб беришим шартмас!

– Мен ҳисоб сўрамадим, пул нимага кераклигиниям билишга ҳаққим йўқми?

– Керак бўлмаганда сотмасдим!

– Эркак ер сотмайди, ака!

– Мен лафз қилдим, гапимдан қайтсам иснодга қоламан.

– Дадам тўртта қиз чиқариб, ўғил уйлантириб ер сотмаган. Арвоҳдан кўрқмайсизми? – дедим аччиғимга аччиқ қўшилиб.

– У даврлар бошқа эди, – деди акам.

Янгам курк товуқдай ҳурпайиб келиб, можарога қўшилди:

– Акангни пули кераг-у, ўзи керак эмасми? Унинг обрўси-чи? Акамдан қарз олган, шуни бериш шарт! Маҳримга берган тилла занжири йўқолган, худо билади, биров олганми... Энди қалинроғидан тақмасам тўйда уят қилишади... Болаларни кийим-бошига ҳам қараб бўлмайди...

– Ҳа, энди тушунарли, хотинимга ваъда берганман денг, ака, – дедим ўпкам тўлиб. Яна акам ўрнига янгам жавоб берди:

– Эрим Россияга бориб ишлаб топганини даданга ишлатган, сенларга сарфлаган. Ҳамма пулни бошига сув қуйган ўзларинг...

Мен янгамга ҳеч нима деёлмадим. Яна кучим акамга етди:

– Янаги сафар пул керак бўлганда онангиз билан синглингизни ҳам сотинг!

Ўқ нишонга тегди – гапим акамнинг жон-жонидан ўтиб кетди. “Ҳе!” дедию юзимга бир шапалоқ тортиб юборди.

Шапалоқ зарбидан бетим бир жизиллаб ўтган бўлса, менга қўл кўтаргани юрак-юрагимни ўн бор шилиб ўтди.

Янгам акамга қараб:

– Қалай экан? Ана шунақа, синглинга сиғиниб, майдагап бўлиб юравер, – деди унияма сенсираб.

Акам янгамга ёпишиб, бир-икки тарсаки туширган бўлди. У аюҳаннос солганча кўчага чиқиб кетди. Онама:

– Агар ўша ҳовли билан ишинг битадиган бўлса, бор, сот! Московда ишлаган пуллариңғияма чиқариб ол! Бошқа сарфлама бизга! Нима бўлса, пешонамиздан кўраверамиз энди, – деб йиғларкан, менинг билагимдан тутиб, – бундан кейин акаңғи ишларига аралашма, билган бўтқасини есин! – деди...

\* \* \*

### *25 октябрь*

Бобоҳовли сотилди.

Акам “қарз”ларини тўлади.

Янгам янги занжирли бўлди.

Тўйга телевизўр қўшан қилишди.

Ҳовли можаросигача, шукур, акам бор, деб юрардим. Ўша кундан бошлаб акамни ҳам юрагимга кўмдим.

Мен дадамнинг хонасида “Роҳати дил”ни ўқиётсам, акамнинг икки ўғли дастурхонга таклиф қилиб, остонада туриб олишди. Кейин онама, ниҳоят акам овқатга чақириб келди.

– Мен миннатли ош емайман, – дедим.

Акам ёнимга коса кўтариб келиб, кечирим сўради.

– Йўқ, кечирмайман! – дедим жаҳл билан.

– Ол, овқатни е, Бонужон, мени эзма, мажбур бўлмасам қилмасдим шу ишни, – деди акам мурасасозлик билан.

Баттар жиним қўзиди. Деразани очдим у овқатни коса-посаси билан улоқтириб юбордим. Акам бир қалқиб тушди, ранги бўзарди:

– Кечирмайсанми? – деди хириллаб.

– Кечирмайманми? Нимани кечирай? Сиз ҳақ, мен ноҳақман-ку! Нега кечирим сўраяпсиз?

– Демак, сенга ака керак эмас, шундайми? – деди кўзлари олайиб.

– Йўқ! Агар ака дегани сиздай бўлса, керак эмас! Дадасиз

яшашга кўникдимми, акасииз ҳаётгаям чидайман! Бўлди, дадам билан бир кунда акамниям кўмдим! – дедим.

Акам шахд билан ташқари чиқиб, эшикни қарсиллатиб ёпди...

Онам дастурхондан қўл тортганини кўрган янгам жавраб-вайсаб, икки боласини диконглатиб уйига олиб чиқиб кетди.

Шу можаро сабаб акамнинг рўзғори бутунлай бошқа бўлди. Ҳовлида бир-биримизга суяниб онам билан қолдик...

\* \* \*

### *27 октябрь*

Бир кун ўқишдан қайтаётсам, ёнимга машина келиб тўхтади. Қарасам, акамнинг қайинакаси. Шаҳардан келаётган экан, саломлашиб, чиқиб олдим.

– Ака, сиздан Мирхонднинг қанча қарзи бор эди? – деб сўрадим мавридини топиб.

– Қанақа қарз? – таажжубланиб юзимга бир қараб қўйди акақариндош.

– Дадам шифохонада ётган пайтлари пулдан қанча ёрдам қилган эдингиз? – суриштирувни давом эттирдим.

У бироз ўйланиб турди-да:

– Мен домодга ҳеч қарз берганим йўқ, ҳазиллашгандир, – дедию ўйланиб қолди.

– Яқинда синглингизни тўйи арафасида қарзини қайтардимми ахир? – дедим ҳайрат аралаш.

– Йўқ, домод билан олди-бердим йўқ эди. Фақат қўшан учун юз доллар берди. Кейин... телевизўр ҳам... Эрта-индин жиянчаларни тўйида қайтарамиз насиб бўлса...

Тушунарли...

Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка аҳд қилдим...

Машина қабристон ёнига етганда секинлади, акақариндош магнитофон овозини пасайтирди. Юзимизга фотиҳа тортиб ўтдик.

Ана, дадамнинг қабри. Ҳали тупроғи нам. Энди-энди майсалари ниш уриб чиқяпти...

\* \* \*

## 1 ноябрь

Азадор одам бировга кўрингиси келмайди.

Балки, кимлардир ачиниб қарашидан безиб, эҳтимол, аза кийимидан ноқулай тортиб... билмайман... Бундай пайт одам марҳумни асраб қололмагани учун ўзини бошқалар олдида гуноҳкордек ҳис қиладими...

Мен ҳам дадамнинг руҳи қошида ўзимни айбдор сезардим.

\* \* \*

## 4 ноябрь

Бобоҳовлини сотиб олган қўшни мени кўриб анча хижолат чекди. Рухсат сўраб, бобом билан китобхонлик қилган даҳлизда ўтириб тиловат ўқидим. Ҳамма қадрдонларим – ўчоғу болоргача бирма-бир хайрлашиб келдим.

\* \* \*

Акам билан юзкўрмас бўлганимиз, ҳайҳотдай ҳовлида онамнинг ёлғиз қолиши мен учун зўр қайғу бўлиб кўринар, кўнглимга қил сиғмасди. Аммо фурсат ўтиб, бу кўргиликлар шахсий фожиамнинг бошланиши, яна тўғрироғи, ҳолваси эканини тушундим...

Олмос тўйни тезлатайлик, деб қистар, бирор дўкон ёнидан ўтиб қолсак мени ичкари тортиб, кийим-кечакми, уй жиҳозими чамалаб танлаб, фикримни сўрар, нархини суриштириб, ён дафтарчасига ёзиб оларди. Менинг оилавий аҳволим ўзимга маълум, ўлик чиқарганга ўн йил тегма деган гап бор, орзу-ҳавас ўз йўлига, келинкўйлакнинг нархи бойвуччани капалакдек қитиқласа, мендақаларни чаёндек чақиши тайин эди.

Олмоснинг раъйига қараб дўкон кезиб юргандик, рўпарамизда дўхтир холаси пайдо бўлди. Аслида, у бизни узоқдан кўриб атай йўлимизни кесиб чиққани аён: ичкари салқин бўлса-да, саратон егандай бўғриқиб кетганди. Салом-алиқдан кейин менга ёвқараш қилиб:

– Ҳа, пошша қиз, дадангизни қирқи чиқдимми? – деб писанда

қилди. Мен жавоб беришга улгурмай Олмос жонимга ора кирмоқчи бўлди:

– Бир оғайнимда омонат гап бор эди, шуни айтгани киргандик...

– Қачондан бери йигитни омонатини азадор қиз етагида етказадиган бўлдик? – деб унинг ҳам оғзига урди.

Кейин бирдан ҳушёр тортиб, лабларимга, қошларимга қаради. Мен қўрқиб кетдим. Чап қўлимни тутиб, айлантириб текширди. Бармоқларим учи пўст ташлаб оқаринқираб тургани шубҳалантирди шекилли, – бу қачондан бери? – деб сўради.

– Кеча қишлоққа борганимда гул эккандик, атиргул, ўшаники, – дедим қўлларимни ортимга тортиб.

Бирдан кўнглим ўксиб кетди. Шарт бурилиб дўкондан чиқдим у бекатга қараб кетавердим. Анча юргач тўхтаб, ортимга ўгирилдим.

Йўқ, Олмос кўринмади...

\* \* \*

### **5 ноябрь**

Очиғи, мотам сабаб ўзимга унча қарамай қўйгандим: азадор қиз-жувон пардоз қилса айб саналади. Шу боис кўзгуга ҳам анчадан бери ишим тушмаган, қараган бўлсам ҳам шунчаки нари-бери кўз ташлагандим.

Шоира опамнинг уйига келиб хонамга кира солиб дарҳол кўзгуга ёпишдим. Ҳа, қошларимнинг таги шамол ялагандай қуруқшаган, лабларим ёрилиб, пўст бойлагандай...

Бу хотин нима хаёлларга бордийкан, нимадан шубҳаландийкан?

Олмоснинг қўнғироқларига жавоб бермадим. Холаси валлакат бўлгандаям ортимдан келиши, мени юпатиши керак эди. СМС юборди: “Бунча тез кўздан ғойиб бўлдингиз? Холам билан хайрлашиб чиқсам, еру кўкда йўқсиз... Эртага ўқишингизга ўтаман”.

\* \* \*

### **7 ноябрь**

Лекин Олмос эртаси, индини ҳам келмади. Учинчи куни муюлишда кутиб олиб, узр сўраган бўлди. Айтишича, Самарқандда

доришунослар танловида қатнашиб, ғолиблар қаторига илашмабди, тўғрироғи, ташкилотчилар пора сўраган экан, жаҳл қилиб, соврин керакмас, деб уйга қайтибди.

Мен бу сўзларга ишонмадим. Кўнглим ғаш тортди. Ғашликка яна бир сабаб, у ора-чора менинг қошимга, лабимга, бармоқларимга син солиб қараётгани бўлди.

\* \* \*

### *14 ноябрь*

Мен темирлатки деб ўйлаган нарса, ҳайҳотки, бошқа бало бўлиб чиқди. Автобусда уйга қайтаётган чоғим бир таманно аёл юзимга ғалати қараганини пайқадим. Ҳамроҳига: “Тавба қилдим, гулдай қиз лабидан бузилибди-я”, деб шивирлагани қулоғимга чалиниб, ичимдан зил кетдим.

Хавотиримни онажонимга тўкиб солдим. Онам юзимни икки кафтига олиб ёруғликка тутиб, бирпас қарадию елкаси учиб йиғлаб юборди:

– Вой шўрим-а, шўрликкина бошим-а! Энди бу кўргилик ҳам бормиди! Жон болам, қошингга қошлиқми, ўсма-пўсма қўй, лабингга бўёғингни сур, оқариб қопти-я, етти уруғимизга йўламаган нарса-я! Худога нима ёмонлигинг бор эди-я, шунча ургани етмасмиди? Сендан бошқа ёмони йўқмикан-а? Вой болам-а!

Икки дунё зимистон бўлди.

Олмос нега тайсаллаб қолганини тушундим. Тонггача худога йиғлаб илтижо қилиб, жойнамоз устида ухлаб қолибман.

Тушимга олти ёшлик пайтим, боғчадан қизамиқ юқтириб келган кунларим кирди. Ўша-ўша манзара: бошимгача майда тошмачалар босиб кетгани сабаб сочим олиб ташланган, митти пуфакчалар сув ёриб ёйилмасин деб кўкдори теккизилганидан юзим ажи-бужи бўлиб кетган, ирим қилиб қип-қизил гулнор кўйлак кийгизиб қўйишганидан масхарабознинг ўзгинаси бўлиб қолганим, ойнага қарагани юрагим бетламай тошойнага дастурхон ёпиб қўйганим, юзимни сийпалаб лаб буриб йиғламсирасам онам қучоқлаб кулгани, акам “Олабўжини кўрмадингларми?” деб менга тегишгани, опаларим бир-бирларига қараб сирли кўз қисишгани, кўрпага бурканиб ўксиб ётганларим...

эшиқдан қучоқ ёйиб кириб келган дадажоним бошимни силамоқчи бўлса нари қочиб, тегинманг, сизгаям юқиб қолади, деганимда кўзларини катта-катта очиб қараб қолгани, бобом исириқ айлантриб дам солаётганида энди тuzалмайманми, деб баралла йиғлаб юбориб ҳаммани чўчитганим... барини кўзгудагидек аниқ-тиниқ кўрдим.

\* \* \*

Эртаси кўчага одам чиқмасдан, саҳарлаб шифохонага бордим.

Мени кўриқдан ўтказган врач кўнглимни кўтариб, бу ҳеч нарса эмас, жиддий касаллик ҳисобланмайди, фақатгина жигар фаолияти бузилган холос, деб дори ёзиб берди. Умидим учқунлади. Енгил тортдим. Онаминг ҳам чеҳраси ёришиб, шифокорни дуо қилди.

Парҳез тутдим, суртма малҳамларидан ниқоб чаплаб уйқуга ётадиган бўлдим.

\* \* \*

### *15 ноябрь*

Олмос энди ҳар ҳафтада бир бор, фақат жума куни СМС ёзадиган бўлди. Энди ўйлаб қарасам, бу йўқлов шунчаки мажбурият юзасидан, бир пайтлар ичилган қасаму, берилган ваъдалар уятидангина қилинган экан... Мен ҳам уни ортиқча безовта қилишни хоҳламасдим...

Табриклар қисқагина, беш сўздан иборат бўлиб: “Ассалому алайкум. Жума муборак бўлсин!” тарзида худди қолипдан чиққан ғиштдай келар, менинг ҳам жавобим: “Раҳмат, сизга ҳам! Борингизга шукур” қабилида эди...

\* \* \*

Сессия бошланиши арафасида ўқув хонамиз эшиги тақилладию устозимиз мени чақириб, бир аёл сўроқлаб келганини айтди. Ҳайрон бўлиб чиқдим, йўқловчи билан салом бериб сўрашдим... Аёл Олмоснинг онаси эканлигини, гаплашиб олишимиз зарурлигини айтиб, ташқарига етаклади.

Спорт майдончасидаги ўриндиқларнинг бирига бориб ўтирдик... Ўртага ноқулай, зил сукунат чўқди. Юрагим биринчи марта қафасга тушган каптар каби потирлар, қош-кўзимдаги нуқсонни яшириш учун ерга қараб, бармоқларимни мушт қилиб беркитиб ўтирардим.

Аёл биратўла муддаога кўчиб қўяқолди. Яқинда Олмосни уйлантиришларини, тагли-тугли, ўзларига муносиб хонадоннинг қизини сўраб қўйишганини, кеча тўй кунини белгилаб келишганини айтдию бошимдан бир челак муздай сув қуйгандай бўлди... Менинг қарашимдаги савол аломатини пайқаб, норози оҳангда бизникига борган эркак совчилар Олмоснинг домлалари эканини, бу ўзбошимчаликдан оила беҳабар ва норозилигини писанда қилди.

Мазам қочди, кўнглим беҳузур бўлиб, кўзим тинди, еру осмон чайқала бошлади. Энди аёлнинг овози булутлар ортидан, майсалар остидан келарди:

– Ҳа, қизий, ҳаётни ўйинчоқ билибмидинг? Ҳар кимнинг азалий қисмати бор, уни ўзгартиролмайсан. Ё чиройинг билан тақдир яратмоқчимидинг? Ҳусн ҳам омонат нарса, бугун бор, эрта – йўқ! Тўғри юрганингда юзингга доғ тушмасди, хўпми? Кўзгуга бир қара! Нималигинг эсингдан чиқмасин! Кўрпангга қараб оёқ узат!

Мени Шоира опамникига дугоналарим олиб келиб ташлашибди. Эртасига бор гапни опамга тўкиб-солдим. Опам ҳам бошимни қучоғига олиб мунчоқ-мунчоқ йиғлади. Шунда... дунёда мени ушлаб турган ягона илинжимдан, биттагина умидимдан ҳам ажралганимни ва... Шоира опамдек қиёматли жигарим борлигини англаб етдим...

\* \* \*

### **19 ноябрь**

Вақт ўтган сайин ҳолсизланиб бораётган эдим, асабийлашсам қўлларим қалтираб қоладиган бўлди. Аста-секин бармоқларим ва оёқларим панжалари оқариб кела бошлади...

Учинчи босқичда ўн кунча ўқиғач, Қоровулбозорга пахтага кетдик... Сал-пал юракка шамол теккандай бўлди... Кейин пахта чаноғи қўлимни тилган жойлари оқариб кетди. Сўнгра доғлар ёйилиб, аъзойи баданимга лахтак-лахтак бўлиб тарқалди...

Бир кун далага отланиб турсам, деканимиз ёнимга келиб:

– Нега бунақа бўляпти? Бу жиддий касаллик, ота-онангга айт, дўхтирга кўрсатишсин, – деди.

– Хўп, айтаман, – дедиму, кимга айтишимни, кимдан нажот кутишимни кўз олдимга келтиролмадим.

Аслида, яқинларимдан йироқ юриш менга маъқул эди, уларнинг ваҳимали куйинчаклиги, шафқати мени зада қилган, айниқса, тўзғиб бораётган чиройим билан онамни об-оташларга ташлашни истамасдим.

\* \* \*

### ***23 ноябрь***

Касаллик авж олгани сари одамови бўлиб борардим, сабаби аён, ҳамма устимдан кулаётгандек, раҳми келиб, ачиниб қараётганлар ҳам ич-ичидан мамнундек туйилар, хайрият, бу дардга мен чалинмаганман, деб кўксига туфлаётгандек кўринарди.

Декандан илтимос қилиб, штабда қоладиган, ош-овқатга қарайдиган, супур-сидир билан шуғулланадиган бўлдим. Ишимни талабалар даладан қайтгунча бажариб қўйиб, каравотим жой олган бурчакда китоб ўқиётгандай ўтирардим. Улар қий-чув қилиб кириб келишганида ўзимни уйқуга солиб ётган бўлардим. Аста-секин бу ҳолатга мен ҳам, бошқалар ҳам кўникди. Лекин юқори курс талабалари, айниқса, илгари менга севги изҳори қилиб, рад жавоби олган Аҳад деган бола “Бу пиширган овқатни биз емаймиз, таъбимиз тортмайди”, деб жанжал қилдию яна тинчим бузилди.

Эртаси куни ўз ихтиёрим билан индамай далага чиқиб кетдим.

\* \* \*

### ***26 ноябрь***

Ёзиш қийин бўляпти, акажон...

\* \* \*

### ***2 декабрь***

Сессия тугаб, таътил берилди.

Мен тўрт-беш кун университетда ушланиб қолдим. Имтиҳондан

кўнгилдагидек ўтолмаган даъвогар талабаларнинг баҳолари учун курашиб, журналларни тўлдириб, кейин қишлоққа қайтдим.

Шу кунлар ичида лабимнинг пастки қисмидан бўйнимгача оқариб кетди. Буни қандай яширишнинг йўлини тополмай, ақлдан озишимга оз қолди.

Энди мен кечаю кундуз ўзимни, тақдиримни, бутун дунёни қарғардим, ўзимга ўзим ўлим сўраб Парвардигорга илтижо қилардим: “Эй худо, дердим, аввало, мени яратмасанг нетарди? Баски, яратибсан, мурғаклигимда омонатингни олсанг бўлмасмиди? Ҳеч курса, шу бугун, шу дақиқада осон ўлим бериб, жон қушимни озод қилсангу мен ҳаммадан, ҳамма мендан қутула қолса, тез эсларидан чиқаришса... шу сенга қийинми? Мендан ҳазар қилмайдиган дадажонимнинг ҳузурларига борсам, юзтубан тушиб оёқларини ўпсам, айтсамки, жон дадажон, сиздан бошқа ҳеч ким мени яхши кўрмас экан...”

Кўзларимдан сел-селоб ёш тўкардим-да, яна бечора онаизорим ёдимга тушиб, тавбалар қилардим...

Таътил тугади. Мен ўқишга бормадим, тўғрироғи, боролмадим. Аввал курсдош дугоналарим, гуруҳ раҳбаримиз, кейин деканимиз ва шаҳардаги қиёматлик опам ҳаммалари телефон қилиб чақиришди, лекин зинҳор-базинҳор оёғим тортмади.

Деканимиз уйимизни излаб топиб келди. Аҳволимни кўриб кўзёшини тия олмади, охири тақдирга тан бериш керак, пешонада шу савдо бор экан-да, ўзингни тут, деб маслаҳат берди, сабр тилади, ўқишга ундади...

Аммаю холалар бирин-кетин кўришга, ҳол сўрашга келишди...

Беморни кўрганда ҳамма табиб, беморга кўринган ҳар ким табиб, деганларидай, ҳар бири минг хил маслаҳат берди, бу жонкуярликлар, бу дардкашликлар жонимни ҳиқилдоғимга кўтарди.

Бир пайт ҳуснимни кўролмай куйканаклик қиладиган опалариму холаларим келишди, негадир уларнинг кўзлари туб-тубида “йилт” этган қувонч, оғизларининг четида кулги кўргандай бўлдим. Ўйладимки, бу дард мени худбинлаштириб, тубанлаштириб боряпти шекилли, ҳамма нарсада ёмонлик кўрадиган, қидириб топадиган бўлиб қолдим.

Қўшнимиз Гулфом хола “Эй қизжоним, бу сенга худонинг

марҳамати, юзларингни, маҳрам жойларингни ёпиб юр, рўмол ўра, бетингни ёп дегани, демакки, сендан ибодату зуҳд сўраляпти”, деб тақвога чорлади. Шундоқ ҳам мен бомдод намозини имкон қадар канда қилмасдим, раҳматли бобомнинг художўй навараси эдим, бироқ кутилмаган бу шўриш эсимдан жудо қилиб... астағфируллоҳ, астағфируллоҳ... худойимдан ҳам ҳафсалам пир бўлганди...

\* \* \*

### ***3 декабрь***

Туман тери касалликлари шифохонасида ётиб чиқдим.

Бу ҳам мен учун ўта оғир ҳақорат бўлди. Оти хунук бу масканда аксарият енгилеёқлик оқибатида таносил касаллигига чалинган ахлоқи бузуқлар ётарди.

Кўргани келган Шоира опам зудлик билан шаҳарга олиб келди, пулнинг зўри билан таниш-билиш топиб, энг донғил дўхтирларга қаратди.

Шу тариқа қиш чиқди.

Муолажалардан фойда бўлмади...

Ҳеч нима ўзгармади...

\* \* \*

Бошқа ёзолмаяпман, акажон...

Кейинроқ ёзарман...

\* \* \*

### ***7 декабрь***

...Бечора онамнинг қистови билан эскича ирим-сирим қилиб, номи чиққанки мулла-бахши-парихонларга ихлос қилиб, эшикларида ҳафталаб ётиб юрдик.

Туркистонга машҳур Муҳаммаджон табибни қидириб бориб, товламачиларнинг қўлига тушиб, бор-будимиздан айрилдик.

Устюрт этагидаги Оқмозор бувага ит азобида етиб бориб, оқ қўй сўйиб, қонини баданга суриб, эҳсон қилиб келдик.

Зангиота бувам хилхонасида чилёсин ўқилди, бир отинчанинг жазавадидан юрагимиз тушиб, обдон қамчисини едик...

Бу гапларни кўпликда ёзаётганимни тушунаётгандирсиз, сафарларда онажоним мен билан баравар заҳмат чекиб, мандан кўпроқ умидвор бўлди. Лекин... бу расм-русумлар, ҳаракату харажатлар алаалоқибат бефойда бўлиб чиқди.

Яна уйга қайтиб, узлатга берилдим.

\* \* \*

### **8 декабрь**

Яна Гулфом хола маслаҳатгўй бўлди, эмишки, Қизилқумнинг одамтопмас бир ерида Хожа Уббон деган авлиёнинг мозори бор экан – ўша даргоҳда қирқ кун чилла ўтириб, муолажасини олган киши қирқ йиллик дарду ғуборидан фориғ бўларкан.

Негадир холанинг бу таклифи менга нажот йўли бўлиб кўринди. Қирқ кунда тузалиб келаман, деб қатъий ишондим, бу сафар ҳам онам ҳамроҳ бўлди. Бир ҳожатбарор ҳайдовчини топиб, мени ўша манзилга олиб борди.

\* \* \*

Бу мўъжизакор макон чўли биёбоннинг нақд ўртасида воқеъ бўлиб, масжидга ўхшаб қурилган хонақолар, катта-катта, кенг ва узун айвонлардан иборат эди.

Шифоталаблар ниҳоятда кўп: чоллар, кампирлар, эркаклар, аёллар, йигитлар, қизлар, ёш болалар – ҳамма тоифа бор... Бировига қараб англадимки, менинг дардим ҳолва, бошқасига боқиб, ўз ҳолимга раҳмим келди...

Онам мен билан уч кун ўтирди. Иссиққа юраклари дош бермади, акам келиб олиб кетди.

Биз битта ҳужрада етти киши яшардик, биримиз Андижондан, бошқамиз Чимкентдан, Ўшу Исфарадан ҳам бор...

Бировнинг биров билан иши йўқ, ҳамма ўз дарди-дунёси билан овора, умиди узилганлар ва узиладиганлар... шуларга кўникиб яшай бошладим...

Қиладиган ишимиз – нонуштадан кейин чўлга чиқиб кетамиз, эрталаб соат еттидан чошгоҳгача жазирама қуёш тиғида онадан туғилгандек белибос тобланиб ётамиз. Хужрада ҳар кун бир одам навбатчиликка қолади. У хонадошлар қайтиб келгунга қадар супуриб-сидириб, идиш-товоқларни ювиб, овқат тайёрлаб қўйиши керак.

Онам уйга кетганидан кейинги кун мен навбатчиликка тушдим. Ҳамма ишларни саранжом қилиб, сув олиб келгани қудуққа бордим.

Қудуқни хосиятли дейишар, унинг ёнига савобталаблар ун, гуруч, мой, туз каби заруратларни ташлаб кетишар, биров у инсонларни кўрса ҳам кўрмаганга олиши урф экан.

Жума кунлари қудуқ тубида ой ва юлдуз ёрқин кўринар, ким бунга гувоҳ бўлиб ниятини айтса, орзуси ушалади деган гапни ҳам эшитгандим. Шундан бери қудуққа ихлос уйғониб, бор илинжим шунга боғланган, жума бўлмасаям, қудуққа бош суқиб тилак айтардим. Мўъжиза рўй бериб сиҳат топсаму одамзод яшамайдиган бирор овлоққа тушиб, умримнинг охиригача ўша ерда яшаб қолишни чин дилдан истардим. Искандарнинг сартароши сирини қудуққа айтса, мен истак-орзуларимни унга тўкардим. Чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади-ку, тўғрими?

Сув олаётсам, бир қиз челақ кўтариб келди. Саломлашдик, танишдик. У менга бошдан оёқ бир қараб чиқиб:

– Биринчи йил келишингизми? – деб сўради.

Мен тасдиқ ишорасини бериб, сиз-чи, десам, у:

– Ҳа-а, мен эски песларданман, ўн икки йилдан бери қатнайман, – деди бамайлихотир.

Чаён чаққандай турган жойимда бир сакраб тушдим.

– Нима?! Ўн икки йил?! – қулоқларимга ишонмай, қайтиб сўрадим.

Аҳволимни кўриб елкамга уриб қўйдию:

– Ҳа, хафа бўлманг, ҳали кўникиб кетасиз, – деди маҳзун жилмайиб.

Сув тўла челагим қудуққа тушиб кетди, суҳбатдошим менга ёрдамлашиб, кейин ўзининг челақларини ҳам тўлдириб, жўнади.

Унинг гаплари миямда қовоғаридек бетиним ёнғилларди: “эски песлардан...” “ўн икки йил...”

Гангиб, ўтириб қолдим. Қанча қолиб кетганимни билмайман...

Хаёлимда биргина савол: мени ҳам пес деб аташадими энди?

Шу чоққача бу касалликни дард деб юраверибман-у, идрок этмаган эканман. Атрофимдагилар ҳам бу сўзни товуш чиқариб айтишмаган экан.

Номининг ўзи дарддан кўра даҳшатлироқ... Ҳайҳот!

Англаган ҳақиқатим – пес бўлган эканим ва бу дард тузалмас, бедаволиги... Дунёдан мутлақо узилиб қолганим, ҳаётим ҳайратланарли даражада арзимаслиги, ночорлигим, бечоралигим...

Саволлар юрак-бағримни тилка-пора қиларди.

Ҳужрага қайтиб, йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибман, хонадошлар келишсаки, овқат йўқ. Ҳаммаси хафа бўлишди, кейин эркалигимга, янгилигимга йўйишди. Ўзлари шавла пишириб, мени дастурхонга чақиришди, ўрнимдан турмадим. Қаеримга ейман овқатни, нима учун, қайси куним учун?

Тушдан кейин бир аёлдан ўрнимга навбатчилик қилишини сўрадим ва ўзим чиқиб кетдим, узо-оқ-узоқларга, ҳеч кими йўқ жойларга...

Кечга қадар шу аҳволда бесару сомон юрдим. Ҳужрага қайтишга оёғим тортмади...

\* \* \*

### ***9 декабрь***

Ассалому алайкум. Узр, акажон, кўзимнинг босими азоб беряпти, ёза олмаяпман. Озгина дам берай, кейин ёзаман...

\* \* \*

### ***15 декабрь***

Оқшом саргардонликдан қайтгач, мазор ёнига келиб ўтирдим...

Гаплашдим, дардлашдим...

Йиғлаб-йиғлаб қабрга бош қўйиб ухлаб қолибман.

Бир маҳал кимдир туртгандай бўлди, кўзимни очиб қарасам, бир мўйсафид чол:

– Жинмисан, шайтонмисан, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ! – деб юзимга қўлчироқ тутиб турибди. Хиждатдан сўз тополмай қолдим.

– Йиғлабсанми, йиғлабсан-а? – деди у энгашиб. Индамадим. – Қўрқмаяпсанми бир ўзинг бу ерда? Вақт алламаҳал...

– Кимдан қўрқай? Бу ерда қўрқадиган одам йўқ-ку, – дедим аламли йиғи аралаш.

– Нима, бу ерларда янгимисан? – сўради қизиқиб. Яна индамадим. – Ҳа, биринчи йил келишинг! Дастлаб шунақа бўлади, хафа бўлма, кўникиб кетасан. Ҳали бу ерга меҳринг уйғониб, кетгинг ҳам келмай қолади. Ҳа, болам-а, бу ердақа тинч жойни топиш амримаҳол. Ҳеч ким сенга тегмайди, озор бермайди, паст назар билан қарамайди, дастурхонидан ажратиб қўймайди. Бу ернинг асл хосияти ана шунда. Бунда ёмон одам йўқ, ҳаммасининг юраги яримта, озурда одамлар. Кеча-кундуз кўнглингга қараб гапиради, чунки булар дил оғриғини жуда яхши билишади. Хафа бўлма, шукур қил, сабрнинг таги раҳмон, – деб ўзи ҳам этаги билан қабоқларини артди.

– Яна қанча сабр керак? – деб баралла йиғлаб юбордим...

Чол ёнимга беҳол чўкди-да:

– Мана, мен, қирқ беш йилдан бери шу ердан, – деб ўзи ҳақида гапира кетди... қачонлардир бахтиёр яшагани, шакардан ширин фарзандлари даврасида шодумон кун кечиргани... ва худо қарғаган бир куни ишдан келса, хотини бегона эркак билан шармисор ўтиргани, ҳар икки бузуқни калтаклаб ерпарчин қилиб, уйдан чиқиб кетгани... бугун уч фарзанди уни тан олмаслигини айтиб, “Уйландиму, рўзғор топмадим, фарзанд кўрдим, ота бўлмадим, кўзим кўрди, қўлим тутмади, саксондан ошдим, яшаганим йўқ”, деганлари мен бўлсам керак, – деб қўшимча қилди. – Лекин навмид эмасман, Аллоҳнинг висолдан умидим бор, кўп қатори қудуқ ёнига сочилган ризқдан баҳрамандман, бировдан тамам йўқ, талашадиган нарсам йўқ, беғаразман, тўрт мучам соғ, дилимда қаноат ва сабр ҳоким... ҳа, болам-а, бу оламда минг йил Фиръавндек давр суриб яшасанг ҳам қаноатинг бўлмаса, бадбахтлигингча қулоғингни ушлаб кетаверасан...

“Бу ким бўлди? Хизрга учрадимми? Қушқўнмас бир манзилда қароғлари умид шамчироғини ёқиб турган бу зот ким бўлса экан?”

– Мен бугун Хожа Уббон мақбараси жорубкаши – супурувчисиман, – деди чол фикримни ўқиётгандай, – жаннатмакон Навоий ҳазратлари “Пири Ҳирот” – Хожа Абдулла Ансорий мазорига жорубкаш ўлсайдим деб сўрагани тарихдан баён... Мен ул малик-уш

шуаро, амир-ул умаро қошида ким бўпман? Аммо... мен ҳам дунё ташвишини супуриб, Хожамнинг жорубкаши мақомини тутганимдан хушбахтман.

Ўзини авлиёман, дунёга устунман деб билиб-билдириб, бандага қайишмай, элга бакор келмай юрган бибурд қанча... Менинг авлиёмнинг жонсиз тани, лойсувоқ мақбараси қанча-қанча дили куюкка эм бўляпти, умид беряпти, кўзини очяпти... Агар менга ўн қайта умр берилса, кўлимдаги супургимни зинҳор ташламаган бўлардим.

Мана, эгали қуш каби қорним тўқ, қайғум йўқ, тилим дуода, дилим худода... Мендан бахтли борми?

Мен аввалбош мўсафиднинг юз-кўзига қараб тааллуқли касаллик изини тополмай, балки кўзкўрмас жойларидадир, либоси ортида пинҳондир, деган ўйда эдим. Вожаб, шу фикр миямда қайта уйғонган пайт чол кўзларимга мулойим қараб яна гап бошлади:

– Ҳа, болам, менда тери асорати йўқ, вале мен ҳам аёлим туфайли эл ичра юролмай, халқ ичра туролмай қолганман. Ҳамма мени масхара қилар, кўрсаткич бармоғини тўппонча қилиб ўқталар, турмуш нелигини билмаган такаббур ўспиринлар жирканиб юз бурар, дўстларим аро тили қисик бир банда бўлдим. Кўп кентларни, қишлоғу овулларни кездим, водариғ, қайда бўлмай маломат тоши ортимдан етиб келиб бурнимни қонатаверди. Гўё гуноҳ қилган хотин эмас, мен, уч фарзанднинг шаънини ўйламай ўйнаш қидирган у эмас, мен, Яратганнинг нигоҳидан қўрқмай шайтоннинг қўйнига кирган осий анави эмас, мендек... – Шундан кейин чол қулочини ёйиб, зиёратгоҳни кўрсатди-да, сўзида давом этди, – ниҳоят, мана шу авлиёнинг паноҳига қочиб келдим, минг шукурки, шу ерда қирқ беш йилдан бери кўнглим ҳузур-ҳаловатда... Баъзан ўйлаб қоламан, эҳтимол, ростдан ҳам айб мендадир. Бирламчи, хотинга хиёнат учун имкон яратиб берганим, иккиламчи, маломатни ўзимга олганим... ҳолбуки, бундан бешбаттар шармандалар ҳеч нарса бўлмагандай ўйнаб-кулиб ўз уйида яшаб юрибди. Биров кулса, кўрмаганга, гап қилса эшитмаганга олиб...

Яна, ошкор бўлмаган шармандалар қанча!

Одамнинг олеси ичида, дегандай, инсон деган умумий ном остида умр суриб ўтаётганларнинг ҳисоби бормикан? Э-э, улар билан

энди ишим йўқ, ҳар кимнинг дори-сиртмоғи алоҳида, ҳар ким ўз қилмишига ўзи одил Пошшо олдида жавобини бераверади. Сен эса, қизим, таслим бўлма, ҳаётдан, бахтдан умидингни узма! Ҳали ёшсан, ҳаммаси олдинда...

Йўқолган нарса қайта топилса, қадр-қиймати аниқ билинади. Сен ҳам ўзингни йўқот, ўзингни йўқ деб ишон, тасаввур қил, ана шунда вақти соати етиб кимлигингни англайсану қадрингни ҳам, қимматингни ҳам билиб оласан.

Энди тур, ҳужрангга бор, ўзингни чалғит, одамнинг тафтини одам олади, шерикларинг билан дилдош бўл...

Мен бобомни қайта топгандай, йўқ, Ҳувайдо бобонинг ўзини кўргандай бўлдим.

\* \* \*

### ***16 декабрь***

Эртаси тонг саҳар қайтиб келиб яна Бобога салом бердим. У Хожа Уббон ҳикоятини сўзлаб берди.

Бу худонинг дўсти кофирларга қарши жиҳод эълон қилган, қанчадан-қанча ғайридинларни иймон қопқасидан ичкари тортган комил зот эди. Душмандан чиққан дўстлару дўстдан чиққан душманлар ҳар қанча ҳийла кўлламасин, найранг қилмасин, авлиёнинг бир тукига ҳам зарар етказа олмас, билъакс, уларнинг касофати ўзларига уриб, кўру шол, кару лол бўлиб, Арш Эгаси қаҳрига гирифтор бўларди.

Авлиёга фақат бир вазиятда – жойнамоз устидалигида – руҳи Маккатуллоҳда намоз ўқигани кетиб, жисми ҳимоясиз қолгандагина шикаст етказиш мумкин экан. Бу сирдан хабардор хотини ғанимга бир тизим садаф маржон эвазига бошпаноҳини сотибди.

Душманлари намоз вақтини пойлаб, бостириб кириб, саждага кетган қутлуғ бошга қилич сермашибди.

Қибла томонга думалаб бораётган бошдан қаёққа кетяпсан, деб сўрашса, “Каъбатуллоҳга, дўстимнинг уйига кетяпман”, деб жавоб бераркан.

Бетавфиқ хотин бўйнига таққан маржон бирдан илондай чирмаб, исканжага олибдию бўғиб-бўшатиб азоб бераверибди.

Авлиёнинг бошсиз танасини олиб келиб шу жойга дафн этмоқчи бўлишганида эргашиб келган оқ тулпори манави қудуқ ўрнида бош эгиб, кўзёш тўкаверибди-тўкаверибди. Шу зайл қудуқ бино бўлган экан.

Гумроҳ хотин бўйнидаги оқ занжирдан халос этишини сўраб эрининг қабрига бошларини уриб ёлбораркан, эмишки, тун ва тонг оралиғида бу бечораҳол афтода аёлни кўрганлар ҳам, оху фарёдини эшитганлар ҳам бормиш.

Эҳтимол, бу оддий, содда ҳикоядир. Бироқ ривоятларда сочма ҳақиқатлар яширинган бўлади. Бунга ишонай десангиз, бугунги даҳрий тафаккурга сиғдириб бўлмайди, ишонмай десангиз кенг ва бепоён саҳронинг ўртасидан сув чиқиб тургани бир мўъжиза бўлса, зиёратгоҳ гирди тупроғи унумдорлиги яна бир ҳайратангиз ҳолатдир...

Бобонинг ҳикояси мени тонг қолдирди: наҳотки қачонлардир кимдир қилган хиёнат учун тавқи лаънат менинг бошимга тушди? Ундан ҳам аччиғи, одамлар фақатгина дардимиз туфайли ирганмас экан, балки лаънатланганимиз учун ҳам бизни ажратишар экан-да? Бошимга биров тўқмоқ билан ургандай эс-ҳушим чайишди, ўзимга ўзим бегона бўлдим, силлам қуриб, яна қабр устига йиқилдим.

\* \* \*

### **17 декабрь**

Олмос билан энди учраша бошлаган кунларимизда бир тутам учи қирқиб текисланган зулфимга кўзи тушиб:

– Сочингизни бошқа қирқманг, аёлнинг ярим ҳусни сочида бўлади, – деган эди. Шундан кейин сочимга қайчи урмагандим...

Бугун эса бу ердаги “тиббий таомил”га кўра қирдириб ташлашга мажбурман, чунки сочимнинг ости ҳам оппоқ бўлиб улгурган эди...

Бошимни қиртишлаб, бир этак сочимни бирор дарахт тагига кўмиб келишни буюришди. Соч билан бирга ҳамма орзу-умидлар ҳам саксовул остига кўмилди...

Сездимки, аллақачонлар бахт қушимнинг қанотлари синиб, мажруҳ бўлибди...

Сездимки, энди менга осмон бегона, энди фақат тушларимда учишим мумкин.

Энди тақир бошимдан офтоб уриб, миям қайнаб, лоҳасу беҳол бўлиб гўё бировнинг ҳаётини яшаётгандек эдим.

Кунлар шу тарзда ит азобида ўтаверди...

Олмоснинг онаси билан бўлиб ўтган суҳбатдан кейин анча пайтгача телефон ишлатмадим... Бу ерга даволанишга келаётганимда Шоира опам хабарлашиб туришимиз учун қўярда-қўймай янги рақамли телефон тутқазган эди.

Қуёшда товланиб ётсам, телефон жиринглади, қарадим, нотаниш рақам, иккиланиб улансам... таниш товуш... Олмоснинг овози... Мен апил-тапил устимга кийимларимни тортиб, ўраниб олдим.

У тақдири азалдан, Яратганнинг иродасидан сўз бошлади. Лавҳул маҳфузда битилган қадар ҳақида узоқ гапирди. Мен жимгина уни тингладим, ёноқларимдан оқиб тушаётган кўзёшларим иягимда тўпланиб, саҳронинг донадор қумига битта-битта тўкилиб, марваридгулдай кулранг косачалар ҳосил қиларди.

Хуллас, унинг ихтиёрига кўра бир умрга қиёматлик дўст бўлишга, ака-сингил тутинишга аҳд қилдик...

Шу кундан бошлаб бурунги хатлардан тубдан фарқ қиладиган, ҳадису панд-насихатлар, чиройли тилаклардан иборат СМС юборадиган бўлди. Мен эса фақат миннатдорлик жавоби йўллардим, аммо барибир ундан келадиган СМСларни кутиб яшардим. Токи навбатдаги хат келгунига қадар олдинги СМСни нуқтаю вергулигача ёдлардим.

Ёзнинг жазирамасида қовжираётган гиёҳнинг тубига бир томчидан сув қуйгандек мадорбахш эди бу азиз битиклар. Лекин... нима дей, нима қилай – юлай десам сочим йўқ, йиғлай десам ёшим қолмади – шунча хат ёзарди-ю, қайдасан, ҳолинг не деб бир оғиз сўрамасди.

\* \* \*

Ўша пайт Олмос мени қидирибди, телефоним дарагини топибди деб кўнглим ўсибди-ю, янги рақамимни Шоира опамдан бошқа ҳеч ким билмаслигини ўйламабман. Куйинчак опагинам курсдош дугоналарим орқали Олмоснинг телефонини топиб: “Бонуга боғланинг, ҳозир у сизнинг бир оғиз сўзингизга муҳтож, майли, ёр

бўлмаса, дўст бўлиб гаплашинг, савоб учун суянч бўлинг”, деб илтимос қилиб, янги рақамимни берганини кўп йиллардан кейин билдим.

\* \* \*

## 20 декабрь

Атрофга қарасанг, живир-живир ҳовур кўтарилади. Осмонга туташ қумлоқнинг ниҳоясига син солсанг, олис-олисларда туман оралаб аллақандай ложувард кўлми, денгизми кўрингандек бўлади.

Саробми бу?

Ё тасаввур жилвасими?

Нега баъзан саробий манзаралар кўпчиликка бир хил кўринади? Ҳамма бирдек чанқагани, сув – оби ҳаётга айлангани, бужмайган ёнғоқ мағзидек мия талвасага тушиб, ўзини аврашга киришгани учунми?

Аммо ана шу алдоқчи саробга интилиб саҳронинг ўлим исканжасидан қутулиб қолган курашчан одамлар ҳам бор дейишади.

Уфққа термулганча, кўзларим тердан ачишиб хаёл қушига эрк бердим. У мени парқу елкасига олиб, болалигимга, пахта нишона берганда дадам бошчилигида қумга тушган кезларга элтиб қўйди.

Дадам тизза оғриғидан бобомга шикоят қилганди, у киши:

– Олдингда оққан сойнинг қадри йўқ. Дўхтирни дориси бир нави. Лекин ота-боболар топган эм яхши. Ана, қумга чиқ, ҳамма дардингни сўриб олади. Болалигингда борардик, эсингда йўқми? Ҳозир айти вақти, – деб туркана муолажа маслаҳатини берди. – Биласан-а, уч кун олдин кўк чойни, хом сувни, ҳўл мевани, хуллас, совуқлик нарсаларни тўхтатасан. Қумдан кейин ҳам бир ҳафта парҳез... Ел-шамолгаям ҳушёр бўласан. Юрак кўтарганда мен ҳам борардим...

“Сахро шифогоҳи”га оилавий қатнайдиган бўлдик. Мени кичкина санаб, қаторга қўшишмаётганди, “Мирхонд борса бораман, қолса қоламан”, деб терсайиб остонада ўтириб олдим. Акам ҳам баҳона излаб турган эканми, мен тарафга ўтаётганди, дадам:

– И-я, сен бормасанг мени ким кўмади? Майли, Бонучаям борсин, янтоқни соясида ўтирар... – деб қўлига чўлтоқ кетмон тутқазди.

Қорачой тўлатилган иккита термос, чойшаб, сочиқ кўтариб дадам гаплашиб келган киракашнинг автобусчасига миндик. Йўл-йўлакай

дадам тушиб, гузардаги қассобдан газетга ўралган гўшт олиб чиқди. Бир маҳал уловлар қаторлашган бархан ёнида тўхтаб, ҳайдовчига гўштга қўшиб шапалоқчадай қизил пул тутқазаркан:

– Ўзинг кўз-қулоқ бўлиб тур, шўрвага кирпи-мирпи, илон-пилон солмай пиширсин, – деб тайинлади.

– Эбе, ака Усмонбек, ҳамма шифо ўша жониворларда-ку, кушод иссиқлик... – ҳайдовчи негадир газет четини кўтариб гўштни ҳидлаб кўрди.

– Бировга ёқади, бировга йўқ. Ёш болалар ҳам ичади. Об-оташ деган жойи бор. Кучлилик қилиб кетмасин...

Онам бошчилигида опалар барханнинг сўл томонига йўл олишди. Қанча қисташса ҳам мен Мирхонд билан қоламан, деб оёқ тирадим.

– Мир билан бунинг киндиги бир, айрилса ўлади, – деди Гулшан опам аччиқланиб, – ҳой инсон, у томонда фақат эркаклар бўлади, қизларга мумкинмас, ай-яй-я, тушуняпсанми?

– Ҳа, хўш, Гулшан, бу ҳали мурғак нарса. Бунга уят йўқ, қолаверса, ҳаммани эгнида кийими бўлади, – деди дадам мени кўтариб оларкан.

Бархан ёнбошидан холироқ жой излаб борарканмиз, дадам ўтирган жойида танасига ёпишган қумни сочиқ билан қоқаётган чолга ишора қилиб:

– Мир, кўряпсанми, отахонга қара, тиззалари, тирсаклари, бўйни лой. Бошқа жойлари қум холос, – деб гапни муаллимларга хос саволга тақади, – бу нимани билдиради? Балли, лой бўпқолган жойларимиз, демак, шамоллаган бўлади.

– Неча кун тушилади ўзи, дада? – Мирхонднинг оҳангидан норозилик аломати сезилди.

– Уч кундан беш кунгача.

– Қаторасигами, оралатибми?

– Қаторасига.

– Уф-ф! – дедию Мирхонд дадамнинг назаридан чўчидими, – иссиғакан, – деб қўшиб қўйди.

Дадам иккита таёқ топиб, қумга ботириб ўрнаштирди-да, бошқалар билан орага девордай қилиб чойшабни тортиб боғлаб, мен учун кўланкамайдон ясади.

Бир муддат ўтиб соядаги оташ пасайдими ё мен кўникдимми, ўтирволиб терлаб-пишиб қумдан “тоғ” уйишга киришиб кетдим.

Ёнбош томонда дадам ҳарсиллаб қум тортиб, қатор чуқурчалар ҳозирлади. Сўнг:

– Бирпас кутайлик, қизиб олсин, – деди шиппаги орасидан қайноқ қум кирганиданми оёғини бетоқат қоқиб типирчилаётган акамга синовчан қараб.

Менинг ярим чодиримда бир муддат ўтиргач, “Бисмилло, банияти шифо”, деб дадам биринчи чуқурчага узала тушди-да, Мирхондга “Қани, бошла”, деб буюрди. Акам оғзидан нафас олганча бодроқ пиширгудай қумни дадажонимнинг устига астойдил торта бошлаганди ўтакам ёрилиб, югурганча бориб кетмонга ёпишдим:

– Унақа қилма, Мирхонд, дадамиз-ку, сенга дада керакмасми? – дедим тер аралаш кўзёш тўкиб.

Дадам ётган жойида хохолаб кулиб юборди:

– Ҳа, онаш! Ўзимни қизим-а! Ўзимни меҳрибоним-а! Ана, қара, бошқалар ҳам кўмилган. Ҳеч нарса қилмайди.

– Барибирам керакмас! Чиқинг, уйга кетамиз, – мени энди ҳеч қандай куч йиғидан тўхтатолмасди.

Дадам чор-ночор қумдан чиқиб, ёнимга келиб ўтирди. Лой қўллари билан маҳкам қучиб, пешонамдан ўпди. Кейин нигоҳи билан галалашиб кўмилиб ётган одамларнинг каллаларини кўрсатиб:

– Қарагин, ҳамма ётибди. Шундай қилиб одамлар опош бўлади. Мана шу қум одамни дардини олади. Тушундингми? – деди.

Ҳеч нарсага тушунмаган бўлсам ҳам:

– Тушундим, – деб бош ирғадиму, лекин бўйнидан қўлларимни олмадим.

Мирхонд бир зум каловланиб тургач, дадамга “Нима қилай?” дегандай қаради.

– Сен анави чуқурчага тушиб, ўтирган жойингда қувуғингга қум торт, фойдасини кейин биласан, қишда онанг кўрпангга хокандозда кул босиб юрмайди, – деб дадам кулимсираб термосга қўл чўзди.

\* \* \*

## **23 декабрь**

Сочим олинганидан кейин икки кўзим ости ҳам оппоқ доғ бўлди... ростдан соч қиз боланинг ярим ҳусни экан – айбларингни,

нуқсонларингни бир қадар ёпаркан.

Найлайки, одамзод ўзидан уялиши, ор қилиши, ҳатто нафратланиши мумкин, бироқ ташлаб кетолмас экан.

Умид ҳам қуёшга ўхшайди, ботар чоғи ҳаммаёқ зулматга чўмади, энди ҳаёт тугади деган ўй кўршапалакдай айланиб қолади. Аммо вақтики етиб умид яна уйғонади, саҳро осмонида беғам сузган увада булутлар қорнига заррин нурлар қадалиб, яна ҳаёт бошланади, қушлар тилга киради, қумга қулоқ боссанг, ер остидаги илдизлар шивирини илғай бошлайсан.

Биров айтдики, шаҳарда бир табиб қуритилган илон ва чаён талқонига гиёҳ қўшиб минг дардга даво “олакула” деган малҳам кашф этибди. Ўзимизнинг дардга оид жойи – терининг оқарган ерларига шу малҳамни суркасангиз, тери тушиб, янгиси чиқармиш... Бировга фарзанди солиҳи ўша доридан топиб келтирган экан, бир кеча-кундузда териси аввалгидай бир хил тилларанг тусга қайтибди. Бу хушxabар беморлар аро яшин тезлигида тарқалиб, шодиёна бўлиб кетди. Қувончдан кўзёши тўкиб шукрона айтган киму, яқинларига сим қоқиб, суюнчи сўраган ким...

Хуллас, барча умидвор бандалар фалон пулдан йиғиб, “Хувайдо” бобони шаҳарга йўлладик.

Елкасига икки халтани айри ташлаб олган Бобо эртаси оқшом қўшга қўшилган каби суроби тўғриланиб қайтиб келди. Малҳамни талашиб-тортишиб бўлиб олдигу, муолажани бошлаб юбордик.

Ўпичга тutilган юзга шапалоқ тушгандай, малҳам сурган жойимиз эрталабга сув бойлаб шишиб чиқди. Бунини яхшиликка йўйдик, мана, дарров таъсир қила бошлади! Энди тери кўчиб тушадию, қарабсизки, ойдаи одамга айланамиз.

Лекин зардоб йиғилган шиш чунонам азоблай бошладик, ёш болалар оғриққа чидаёлмай чинқиришга тушди. Табобатдан сал-пал хабардор беморлар ҳапачакни қайчи билан кесиб, зардобни ситиб чиқаришга тушди. Бу юмуш ўзингни тириклайин ўтда ёқиш билан баробар эди.

Мен навбат кутиб ўтирмай, ўзимга ўзим хизмат кўрсатдим: шунда азоб бир муддат пасайиб, кейин жароҳат ўрни жизиллаб ачиша бошлар, сизот ярага бир чимдим қум тегса борми, оғриқдан кўнгил беҳузур бўлар, арчилган танага ёпишган кўйлакни ечиш учун

бошингдан қайта-қайта сув қуйишга тўғри келарди.

Зиёратгоҳ фиғону нолаларга тўлди, яралари латта-путталар билан боғланган одамлар ғазаби қайнаб-тошди, лекин осмон йироқ, ердан имдод йўқ эди.

Эртароқ ўзига келган икки эркак “Ўувайдо” бобони етаклаб, “кашшофи азоб”, “табиби лаъин”ни қоралаб шаҳарга кетишди.

– Қўлга тушса, “олакула”сини оғзи-бурнидан чиққунча егизаман!

– Шу ерга судраб келиб, терисини шилиб, ўз малҳамини супурги билан баданига суриб томошасини кўрмасам... нима бўлсам бўлай!

Ғазабнок қасоскорлар шу кетганча уч кун йўқ бўлиб кетишди. Бетоқат қўнғироқларга ўзбек тилини чала ўзлаштирган бир ғалча “...хизмат доирасидан ташқарида”, деб тўтиқушдек такрорлаб чарчамади. Ниҳоят, тўртинчи кун деганда ўчкорлар бир-бирларига суяниб, кўзлари киртайиб, энглари шалвираб қайтиб келишди.

Эмишки, бундай малҳаму ундай табиб ер юзида йўқ экан. “Ўувайдо” бобо аввал учраган манзилда мутлақо ўзга одам яшаркан, ҳеч кимни танимас экан, танишни ҳам истамас экан. “Ё Раб! – дейди бобо иягини тутамлаб, – эшикни ўзи очди. Ёшгина йигит экан, бир пиёла чой тутди. Доруларни халтага ўзи санаб жойлади, қандай ва қачон қаерга суриш кераклигини яхшилаб тушунтирди. Вале пулни қўлига тутмади, санамади, майли, хонтахта устига қўйиб кетаверинг, деди. Чоғим, кўзи тўқ йигит эди. Таажжуб, наҳот инс-жинсга йўлиққан бўлсам?!”

– Биз уй эгасини сал қистовга олгандик, мелиса чақириб, тоза томоша кўрсатди...

– Каззоб одам экан! Ўзи бобони алдамаган бўлсаям, фирибгарга шериклиги аниқ! Кўзлари ола-кула...

– Илоё иловандо, биз кўрган азобларни дўзахда кўрсин!

– Дардмандларни алдаб орттирган бойлиги ёмон кунига ярасин!

– Табобатни тижоратга айлантирган ҳаромхўрларга боласидан қайтсин!

– Илоё кўр бўлсин!

– Илоё кар бўлсин!

– Илоё пес бўлсин!

– Оми-ин!

“Оми-ин!” – юзлаб оқ-оппоқ кабутарлар ҳавога кўтарилиб, айлана

-айлана самога чиқди. Сахро қуёшининг олтин толаларига чулғаниб, ярақлаб-ярақлаб фазога кўтарилди. Охири дафтардаги кўпнуқталардек нигоҳ илғар-илғамас даражага етди...

“Хувайдо” бобо ўзини айбдор санаб, бошини ҳам қилганча сўнгалари туртиб чиққан елкасини қудуққа бериб ўтирар, аҳёнда бош тебратиб-тебратиб қўяр, қуруқшаб, тарам-тарам ёрилган лабларидан аччиқ фарёди калом бўлиб қумга сочилар эди:

*Доду дод деб йиғласам, кимга етар додим менинг,  
Ким эшитгай бу замона оҳу фарёдим менинг?\**

Дард устига чипқон дегандек, зардоб силқиб кийим-боши доғ-дуғ бўлган афтодаҳол оломонга қараб ўтирган беморлардан бири:

– Песлигимиз устига моховни ҳам сотиб олдик шекилли, – деб заҳарханда қилди...

Олмосдан келган СМСлардан бирида “Одамзод ўз-ўзига зулм қилгувчидир”, дейилгани эсимга тушди.

Бир ҳафта-ўн кунлардан кейин яралар битиб, яна пес ҳолимизга қайта бошладик. Кўплар шунисига ҳам шукрона келтириб, тақдирга тан бериб, уйига қайтди.

\* \* \*

## **24 декабрь**

Бу ерда ҳеч ким ҳеч кимни хафа қилмайди, одам айириш йўқ, жирканиш, ирганиш бегона, чунки сен қандай абгор бўлсанг, қолганлар ҳам беҳ эмас, бир ибора билан айтганда, барчамиз худо қўшқўллаб урган ожиз бандалармиз. Жамоатда бир ёшли гўдақдан тортиб саксон яшар чолу кампиргача бор... Ёши улуғларга қараб ўз келажагингни аён тасаввур қилишинг мумкин.

Қирқ кун мобайнида тортган жисмоний азобларим руҳий мувозанатни бузди, тана касаллиги оқибатида телбалик дарди ғулув сола бошлади.

Бир кун азонда эркаклар томондан ғала-ғовур, доду фарёд кўтарилди. “Дўстим”, “акажоним”, “қадрдоним” деган ўкириклар зиёратгоҳни ларзага солди. Ташқарига чиқиб келган саҳархез бир

онахоннинг:

– Қизлар, турунлар, таъзия бўлибди, ухламанглар, оғирлашиб қоласизлар, – деган гапидан бошқалар ҳам сапчиб туришди...

“Ҳувайдо” бобо оламдан ўтибди...

\* \* \*

Энди “Ҳувайдо” бобомнинг номига ҳам “раҳматли” деб қўшиб айтамыз.

Энди у дунёда азизларим учта бўлди.

Бу дунёда нечта қолди? Санашга қўрқаман...

\* \* \*

### **25 декабрь**

Сешанба ва шанба кунлари эрталаб авлиёнинг боши дафн этилган жойга ҳаммамиз зиёратга бориб келардик.

– Бобо, – дедим бир куни йўлакай, – нега авлиёнинг боши алоҳида кўмилган?

Раҳматли “Ҳувайдо” бобо таққа тўхтади, бир жойида оғриқ тургандай юзлари буришиб кетди:

– Ҳа, болам-а, бош билан вужуд, ақл билан юрак доим мувофиқ келавермайди. Хожа ўлимидан аввал каромат ила васият қилган экан: “Магарким, кофирлар бошимни олсалар, жасадимдан айро дафн этинг. Чунки руҳим фазода бўлди, вужудим ердан жилмади, бошим саждада бўлди, жисмим дунёдан узилмади...”

Кета-кетгунча ҳар ким ўз билганича тиловат қилиб борса, бобо Ҳувайдо ғазалларидан додлаб-додлаб, алам ва изтиробда айтиб-айтиб борарди. Назаримда, бобонинг бошқалардан мутлақ ажраб турадиган муножоти арши аълога туташиб, Малики Явмиддинга етиб бораётгандай, тез кунларда бир мўъжиза рўй берадигандай, нафақат бизнинг, балки жумлаи жаҳоннинг ҳаёти ўзгариб кетадигандек туйиларди:

*Оҳ, мани дарду балоға мубтало қилғон фироқ,  
Тахти бахтимни бузиб охир гадо қилғон фироқ.*

*Ман заиф бечораким, доимо фурсат билан  
Куйдириб хокистаримни зери по қилғон фироқ...*<sup>–</sup>

\* \* \*

## **28 декабрь**

Зиёратдан қайтишда яна у кишига етиб олардим, изн сўраб, мен ҳам марҳум бобом ёдлатган ғазалларни оҳангга солиб айтардим. У Хувайдонинг сўз қудратига қойил қолиб, бале, бале деб ерга қараб бош чайқаб борар, шу лаҳзада кўнглимда алланечук ҳузур-ҳаловат туярканман, ўзимни “Худонинг дўсти” замонасига бориб қолгандай ҳис қилардим.

Зиёратгоҳда ким оламдан ўтибди, касал эканми, майит эгалари хабар топишибдими, олиб кетишарканми, деган савол айланиб қолди. Баъзилар уйидагилар келишсин, кутайлик, деса, бошқалар жазирамани рўкач қилиб, жасад бузилади, деб шошилтирарди. Фақат мен бу инсоннинг кимсасиз экани, “Ўлмай туриб ўлиб бўлгани”, ҳеч ким уни йўқламаслигини... билардим. Лекин бу ҳақда бировга оғиз очмадим.

Йигитлар қабр кавлашди, жаноза чақирилди... Аёлу эркак йиғи бошлади, асл исмини ҳеч қайсимиз билмайдиган бу беозор мўйсафид ҳаммага отадек бўлиб қолган экан.

Сахро кенгликлари дунёдан узилган, одамзодга бегона қавмнинг эмраниб-эмраниб кўтарган оҳу фарёди, нолаи афғонига чулғанди, жазирама барханлардан кўтарилган ҳовур гармселни уйғотдию қип-қизил биёбон тандирида қиёмат кўпгандай кўринди.

Тўрт томонинг қибла, қайси йўлдан хоҳласанг ўшандан бор, бироқ охирги манзилинг мана шу бўлади!

Бобони эркаклар лаҳад бошига элтган пайт бир нола осмонни чилпарчин қиладигандек, ерни икки порага ажратадигандек... майитни тирилтирадигандай... янгради.

Бу нима?!

Оломон Хожа Уббоннинг маржон сиртмоғи азобидан тонгла

---

<sup>–</sup> Хувайдодан

маҳшаргача афғон чекишга ҳукм қилинган аёлини хаёллади.

Ҳамма лолу ҳайрон бўлиб аланглаб турган пайт бир қизил машина қудуқ ёнида тўзон кўтариб тўхтади. Чанг босилгач, оқ рўмолли қотма кампир уловдан тушиб, худди бошқаларни кўрмаётгандай, дунёда бир ўзи ва қўлбола тобутда ётган марҳумдан ўзга одам қолмагандай товушини озод қўйиб бўзлаб, кўксига муштлаб-муштлаб, ёқаларини йиртиб-йиртиб, юзларини юлиб-юлиб, тиззалаб келаверди. “Вой тўрам-а, вой шерпанжам-а, вой султоним-а, вой тожисарим-а!” деб ўзини чолнинг кўксига ташлади. Узоқроқда турган аҳли аёл ўртасида “Завжаси экан, дарров хабар топибди, балки, худо кўнглига солиб, кўргани келаётганмикан”, деган шивир-шивир бошланди. Мен яна тилимни тишладим.

Кампирнинг икки ўғли “Ҳувайдо” бобони совуққонлик билан уловга ортиб, олиб кетишди.

\* \* \*

Армон нима, акажон?

Тўғри, бой берилган имкон...

Бобо ҳеч қачон ўлмайдигандай, мангу яшайдигандай кўринганмиди? Агар билганимда, кўп саволларимга жавоб сўраб олмасмидим? Ҳеч бўлмаса, доим бошимда айланган энг катта сўроқ: “Бобо, Мир Арабда ўқигансиз-а?” деган саволни бермасмидим?

Бошқа сабрим қолмади, уйдагиларга қўнғироқ қилиб, мени тез олиб кетишларини сўрадим...

\* \* \*

### ***30 декабрь***

Ҳаёт зерикарли, рангсиз, оҳангсиз...

Ҳатто Олмосдан келадиган хатлар ҳам юракка чироқ ёқмай қўйди. Менга йўллаётган СМСлар азбаройи шафқат юзасидан, одамгарчилик шартидан, озгина виждон сўроғи юзасидан.

Унинг ўз шахсий ҳаёти, хусусий бахти бор. Унга шу туришимда мутлақо керакмасман.

Айтганча, кимга керакман ўзи?!

Ўйлай-ўйлай ҳаммасига нуқта қўйишга қарор қилдим...

Бир кун онам, акам ва янгам Резакдаги қариндошимизникига тўйга кетишди. Уйда мен жиянларим билан кечки овқатни еб, телевизўр кўриб ўтирдик... Фурсат танлаб, болаларга ҳозир келаман деб уйдан чиқдим, оғилга кириб, ҳозирлаб қўйган арқонни олдим, уни тўсинга ташлаб дор ясадим... Ўтган кунларимни эсладим, кўз олдимда бобом, дадажоним, “Ҳувайдо” бобо... гавдаланди.

Энг азиз инсонларим у дунёда экан, мен нима қилдим бу ерда? Мендан кейин қоладиган онамнинг аҳволини ўйладим... Унинг ҳолига ҳар қанча ачинмай, яшашим учун бирор-бир ваз, сабаб топа олмадим... Онаизорим... опаларим, акам бор-ку, онам ёлғизланиб қолмас...

Бўйнимда сиртмоқ, бир тепинсам, оёқ остимдаги тўнгат думалайди, ҳаммадан, ҳаммасидан қутуламан. Кўзларимга негадир ёш келди. Ўзимга ачиндимми, билмайман, ё худо дедим, журъат бер, куч бер, кечир мени, деб ёлвордим.

Мени бандам деб яратдинг, ишончингни оқламадим, синовларга ташладинг, имтиҳондан ўтолмадим, бу дунёнинг дўзахидан зерикдим, майли, агар лаънатласанг, у дўзахингни ҳам кўрай, деб изилладим...

Қанча вақт ўтди, Ўзига аён, бирдан жияним Феруз “Апа-апажон!” деб бақириб-чақирганидан ўзимга келдим. Бошимни сиртмоқдан тортиб, у сезиб қолмасин деган мақсадда оғилдан югуриб чиқдим. Қарасам, қўлида телефон... Шоира опам қўнғироқ қилаётган экан... Айтишича, деканзимиз иккита қизни опамнинг уйига юбориб, ўқишга қайтишимни, имтиҳонларни топширсам тўртинчи курсга ўтишимни... айттириб юборибди.

Мен опамнинг сўзларини беун йиғлаб эшитдим. Ярим соат олдин – ўлим арафасида ҳаммани эслабман-у, мен ношукурнинг хаёлига тутинганим – афзалим келмабди. Шунга йиғладим...

\* \* \*

### ***31 декабрь***

Янги йилингиз янги омадлар олиб келсин, акажон! Қайғулар эски йилда қолиб кетсин!

\* \* \*

### **3 январь**

Бир маҳал онам ва акамлар тўйдан келишди.

Мен оғилга қайтиб кириб, дорни ечиб олишга улгурмадим. Ҳамминг ухлашини кутдим... Бу орада мол-қўйга хашак ташлагани кирган акам арқонни кўриб ҳаммасини тушунибди.

Онам иккови талвасага тушиб, ақлдан озгандай фақат битта гапни бетиним такрорлашарди: “Нега? Нима учун? Бизни ўйламадингми? Кейин булар қандай яшайди, бу иснодни қандай кўтаради, демадингми?” каби жавоби шарт бўлмаган саволлар беришар, онам бўйнимдан қучиб, тинмай “Балодан ҳазар-а, худойим ҳушдан айирмасин, ақлдан бегона қилмасин! Шайтон васвасасига учмасин болам”, деб дуо ўқирди...

\* \* \*

### **6 январь**

...Суиқасд воқеасини эшитиб ақлдан озай деган Шоира опам Икромиддин акадан рухсат сўраб, мени Тошкентга дерматолог кўригига олиб борди.

Анча овораю сарсонликлардан кейин Марказий шифохонага йўл топдик. Инсон саломатлиги эвазига бизнес қилиб, бола-чақа боқадиган корчалонлар таниқли шифокорларни ўраб олиб, биз каби жовдираб нажот истаб юрганларни қармоққа илинтираркан. Ана шундай ишбилармон учарлардан бири мўмайгина “қўл ҳақи” эвазига Расулов деган профессорга рўпара қилди. Сочлари ипақдек толим-толим нуроний биз билан самимий суҳбатлашди:

– Кўзинг кўрадими, қизим?

– Ҳа.

– Қулоғинг яхши эшитадими?

– Ҳа.

– Овқат еб биласанми, таъми ажрата оласанми, миянг ишлаб турибдими?

– Ҳа.

Яна савол берди:

– Қаеринг оғрияпти?

Жавоб беролмай бошим эгилди...

Профессор касаллик тарихим билан танишиб чиққач, Шоира опамга қараб:

– Бечорага кўп азоб берибсизлар-да, қуёшга солиш эскилик сарқити, отам замонидаги саводсиз, жоҳил одамларнинг йўриғи бу, – деб уқтирди. Айтишича, касалликни узоқ, босқичма-босқич даволаш керак экан.

– Шунда батамом тузалиб кетадими? – Шоира опамнинг кўзларида умид учқунлади.

Дўхтир қўлларини стол тагидан чиқариб:

– Мана, қаранг, агар бу дардни шифоси топилганида биринчи бўлиб ўзимни даволардим, – деди...

Не кўз билан кўрайки, у кишининг ҳам қўллари худди меникидек эди... Фарқи – унинг териси оқтоб бўлганидан эътибор бериб қарамасангиз унчалик кўзга ташланмайди...

Бу фақат медицина йўли билан тузалишини, тери оқариши модда етишмовчилигидан бўлиб, зарур фермент камайиб кетганда юзага келишини айтди. Жигар фаолиятини қайта тиклаб, доғларни ультранур билан куйдириб даволаш мумкинлигини, лекин барибир бу – кафолатланмаган муолажа эканини таъкидлади...

Ўн икки кун ётиб “кафолатланмаган муолажа” олдим. Яна бошимни қиришди, ҳар кун вакуумга солиб нур билан аввал уч, кейин беш... ва ниҳоят ўн дақиқагача нур билан куйдиришди...

Биринчи бор сочимни Хожа Уббонда олишганида уч кундан кейин оппоқ бўлиб чиққан эди, бу ерда эса киприкларимгача қиров боғлагандай оқариб кетди...

Беш-олти кун ўтгач, ҳеч қандай ўзгариш бўлмапти, деб шифокорга шикоят қилдим. У ҳамширага янада кўпроқ куйдиришни тайинлади... Ўн дақиқа нурда ўтириш қуёш тиғида куйишдан ҳам ёмонроқ экан... Одамзоднинг териси куйса, бундан ёқимсиз ҳид бўлмаскан дунёда. Униси ҳам майлику-я, тери оғриғидан ухлашнинг иложи йўқ. Баданинг тортишиб, гўё теринг шилиб олингандек ўз нафасинг тегсаям жизиллаб, жонинг бўғзингга тақалади...

Тортган азобларим “фойдага қолди”, нурнинг захми билан бадан қизил ранг олдию бир қават тери қуриб тушгандан кейин яна

аввалгидай оқ ва қора бўлиб қолаверди...

Тирранча тиндирмайди, деганларидек, на ўзим тиндим, на онамни ва на акаму опаларимни тинч яшагани қўйдим...

\* \* \*

### **10 январь**

Бизда байрамлар мавсуми авжида. Хонадон тўс-тўполон. Меҳмон кузатавериб ҳолдан тойганимдан ётоғимга зўрға судралиб кириб, тош қотиб қоляпман. Агар маҳтал қилаётган бўлсам, кечирим сўрайман.

\* \* \*

### **12 январь**

Таътилга чиқибоқ онам иккимиз Қашқадарёга гиёҳ билан даволайдиган Ҳаким бобони излаб йўлга отландик. Сўраб-сўраб, берилган манзил бўйича қидириб топдик.

Табиб бува беморларни ялпиз (хулбўй) билан даволар экан. Биздан ташқари ҳам бир қанча бемор шифо излаб келган, навбат турнақатор. Табиб билан гаплашиб, келишиб, бир уйга жойлашдик.

Ўн тўрт кун ётиб даволандик. Асосан оч қоринга наҳор бир коса малҳам ичиради. Эрталаб беморлар учун махсус ерга қурилган тандирларга ўтин қалаб ёқиб юборадию тандир қизигандан кейин сув сепиб оловни ўчиради. Сўнг бир одам сиғадиган жой қолдириб, тандирни ялпиз билан тўлдиради. Ана шу қайноқ “ҳаммомча”га кириб, тандир совигунча ётасиз...

Терисига тошма тошган, суяги оғриган, буйрак касаллигига чалинган беморлар анчаси шифо топди. Фақат менда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади... Яна уйга бош эгиб қайтдик.

Кейин Андижонга Тамара деган табиб аёлдан шифо излаб бордик. Опа ўз ҳовлисида балчиқ тайёрлаб, бемор баданга чаплаб, қуёш тиғига ётқизиб қўяркан. Лой қуригани сари тери тортишиб, чунонам қичишадики, уёқ-буёғи йўқ. Бир ҳафталик “лой базми”дан ҳам натижа кўрмадим.

Қозоққа бориб ўлан айттиришди... Кўк қўчқор сўйиб қон чиқаришди, хом терига мени ўраб, шомгача ётқизиб қўйишди...

Бефойда...

Эрлар шоҳи, мазлумлар халоскори ҳазрати Алининг Шоҳимардонига “Ё нажот!” деб йўлга тушдик. Бу қадамжога бориш учун қирғизларга тегишли ерларни босиб ўтиш керак экан. Роса тинкамиз қуриди, улардан кўра ўзимизникилар кўпроқ сарсон қилишди.

Кўли Қуббонга чиқдик, Ёрдон Азизни зиёрат қилдик, оқ эчки сўйиб расм-русумларини жойига қўйдик.

Жувонмард Ҳамза Ҳакимзоданинг қабри бошида тиловат қилиб, қаттол шўрога лаънатлар ёғдирдик. Шоирга тош отган нобакорлар ер билан яксон бўлсин деб дуо қилдик.

Ҳабибулло – худонинг дўсти Хожамназар Ҳувайдонинг қабри Чимён қишлоғида эканини эшитиб, йўлимизни шу томон бурдик.

Мозористонни бамисли гулистон дейсиз. Ҳазратнинг байтларидек анвойи райҳону чечак ажиб тартиб билан йўл четини яшнатиб турар, эшон буванинг солиҳ муридларидек саф тортган арчаю шамшодларни кўриб кўз қувнайди...

Атиргуллар тагини юмшатиб юрган хоксоргина очиқ юзли киши бизни кўриб, кетмонини ўрик шохига илиб, истиқболимизга шошди:

– И-е, келинлар-е, хуш кўрдик, йўл чарчатиб қўймадими? – худди бизни бир умр кутгандек қувонч билан қаршилади у.

Бир пайтлар оёғости қилинган лаҳад тепасида ҳашар йўли билан қўқонча услубда савлатдор мақбара бино қилинибди. Жорубкаш – ҳазратнинг кенжа вориси майин овозда Каломулло ўғираркан, мовий гумбазга тортилган нақши нигорлар аро муқаддас оҳанг жаранг сочар, бу мусиқий жилва ортидан шоирнинг ошиқона сатрлари ҳам садо бераётгандек туйиларди:

*Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо,  
Муҳаббатсиз кишидан қоч, Ҳувайдо!*

\* \* \*

“Бобожон, мени танидингиз-а?”

“Танидим, қизим, танидим...”

“Бир саволим бор эди...”

“Биламан, қизим. Ҳа, боболаринг мен билан, дадасини эркаси...”

\* \* \*

Бу зиёрат сафаридан кўнгилдан доғлар аригандай қалбимиз осойиш топди, руҳимиз Чимён райҳонидек дуркунлашди, баайни Ҳақ манзилига элтувчи рост йўлни кўргандек бўлдик. Зоҳирий иллатлар арзимасдек туйилиб кетди.

Сурхондарёнинг Шакарли ота деган зиёратгоҳига Гулшан опам билан бориб, қора мойидан баданга сурдик, мақбара ёнида етти кун ётиб, отадан имдод сўрадик. Йиғлаб-йиғлаб, ёлбориб-ёлбориб ўтиндик. Бу ёғи бояги-бояги...

Юрт кезганимиз фойдага қолди.

Хуллас, қулоқ эшитган умидбахш гапга эргашиб бормаган жойимиз, топинмаган тошимиз қолмади. Энди илинж узилиб, тарки дунё қилиш арафасига етганда кимдир тағин янги хушxabар келтирар, онам, опаларим ҳар гал мени ҳам, ўзларини ҳам мўъжиза рўй беришига ишонтиришар, қарз-қавола кўтариб, яна йўлга тушардик.

Ниҳоят, мўъжизадан кўнгил совиб, саргардонлик ва харажат ҳолдан тойдирган пайт акам тил учуда Тибет томондаги ламай-памайлар ҳақида гап очганида Зебо опам жеркиб ташлади:

– Бўлди-да энди, худонинг иродасига терс туриб бўладими?! Пешонаси шу экан, бастига яраша эр-пер топилса, ўзи қаратиб олар! Шунини деб ҳаммамиз хонавайрон бўлайликми?!

Айтилган сўз – отилган ўқ, деганлари шу жойда чин бўлди. Бу ўқ орзу-умидимни, оқибатимни ҳалок қилди... Зебо ҳам...

\* \* \*

### **15 январь**

...Жуда зерикарли, ўта шахсий гаплар...

Сизни ҳам зериктириб қўйдимми деб қўрқаман.

У кунларни юрагим қаърига кўмиб қўйиб, ҳеч қачон эсламасликка қасам ичган эдим...

Аслида, ўтмишим учун эмас, эртанги куним учун сизни қидирган эдим, маслаҳат сўрамоқчийдим...

Қимматли вақтингизни олаётганим учун минг бор узр...

\* \* \*

**16 январь**

Аммо, нетайки, опам ҳақ эди...

Албатта, худбин дилим ёмон оғриди, ҳалигача уни кўрсам илонни кўргандай бўламан.

Инсоф билан айтганда, жигарларимнинг ҳаёти менинг жаддимга издан чиқиши, ризқи қийилиши адолатга зид эди.

Хўш... шу тузалмас дард менинг чекимга тушган экан, нима ҳам қилардим?

Ҳар бир инсоннинг тақдирини Аллоҳ унинг сабрига, иродасига қараб битаркан, демак, чидашим, сабр қилишим ва албатта енгиб ўтишим керак! Лекин қандай қилиб? Қайси йўл билан?..

Ўйлай-ўйлай дорилфунунга қайтишга қарор қилдим.

Бироқ яна одамлар орасига қайтиш... Уларнинг паст назар билан ижирғаниб қарашларига ўзимда матонат топиб, жилмайиб дош бериш...

Олдинда жуда оғир йўл... Манзилга етгунча яна қанчадан-қанча доvon ошиб ўтиш керак... Агар шу йўлни босиб ўтмасам, шу машаққатларни енголмасам, келажакда мени бағрини кенг очиб... “Ҳувайдо” бобонинг қисмати кутиб турибди...

Устозим тўғри гап айтди: онамдан кейин ҳолим хароб бўлади...

Яна ҳаммасини бошидан бошлаш керак!

Бу аҳволда Шоира опамларникига бора олмайман, демак, ишни жой қидиришдан бошлайман.

Кўчама-кўча сўроқлаб, ниҳоят шаҳар марказидан, ўқишимга яқин жойдан уй топдим.

Энди бир йил кейинги курс билан ўқишни давом эттирадиган бўлдим... Эски курсдошларим кўргани келишди, баъзиси таниди, баъзиси танимади.

Биринчи синфга борганимда бўйим пастлиги учун олд партада ўтирардим. Бу менинг табиатимда одатга айланган эди: коллежда ҳам, дорилфунунда ҳам биринчи қатордан жой олардим. Бугун энг охирги ўриндиқ бир ўзимга насиб қилди.

Уч кун дарсга қатнадим. “Сувга ботмаган ўпка”, дейишармиди, шунга ўхшаб ўзимни жуда беҳузур ҳис қилдим.

Дарсдан кейин собиқ курсдошларимга қўшилиб кутубхонага бордим, лекин негадир уларга ҳам элика олмадим.

Йўғимда деканимиз мажлис ўтказиб, мени ёлғиз қўймасликни, бу касаллик юқумли эмаслигини ва ҳар қандай беморга руҳий ёрдам кераклигини уқтирибди.

*Танангда оғриқ ҳис этсанг, демакки сен тирик жонсан,  
Ўзгалар оғриғин сезсанг, демак, инсонсан, инсонсан!*

Бирдан ҳамма ўзгарди, атрофдагиларнинг муомаласи илиди. Мен ҳам аста-аста киришиб кетдим.

Аввалгидек “аъло” бўлмаса ҳам, “ўғил бола баҳо” билан ўқишни тугатиб, дипломни қўлга киритдим.

\* \* \*

### **17 январь**

Биринчи курслигимда дадам раҳматли дорилфунун домлаларини бирма-бир санаб, Баҳрулло Аҳмад ҳақиқий аллома, этагидан ушласанг одам бўласан, деган эди. Шу-шу, домлага ғойибона меҳрим тушиб қолган эди.

Аксига олиб, у киши бизга дарс бермас экан... Сўраб-суриштириб топдим. “Мени шогирдликка олинг”, деб икки-уч ёнига бордим. “Нега айнан мен?” деб сўраганида дадамнинг гапларини айтдим. “Унда сени эмас, отангни шогирдликка оламан”, деб қайирган эди ўшанда. Қовун тушириб қўйганим учун кечирим сўраб, яна келавердим. Тақиллатилган эшик очилмасдан қолмайди деганларидек, бир-икки суҳбатдан кейин менга китоб беришни бошлади, фикрлашиб, баҳслашиб-тортишиб устоз билан яқин бўлиб кетдик.

Иккинчи курсда дарсга кира бошлагач, яна ҳам меҳрим ошди. Ҳақиқатан риёга бегона, тақводор инсон, энг муҳими, камдан-кам учрайдиган ҳодиса – имонли олим эди.

Ўша даврларда Олмос билан шаҳар айланиш одатимиз бўларди. Бир куни суҳбатлаша-суҳбатлаша Минораи Калонга келиб қолибмиз.

Эсдалик учун аввал мени Олмос ўз телефонига суратга туширди. Мен уни минора соясида расмга олаётсам, негадир хижолат тортиб ер чизиб қолди, қарасам, Баҳрулло устоз шундоқ ёнгинамда жилмайиб турибди. Жиноят устида қўлга олинган ҳаваскор ўғридай тангу тор аҳволга тушиб қолдим. Қўрқа-писа салом бергандим, овозим бўлиниб -бўлиниб чиқди.

– Эй аҳли ушшоқ! Ишқ дайрида сайр этиб, дунёвий сабоқлар сабил қолмасин тағин, – деди домла ёлғон пўписа билан.

Барибир айбдорона бош эгдим.

Маълум бўлдики, устоз Олмосга ҳам дарс берар экан. Унга қараб: “Ҳа, толиби ишқ, “шифо тилаб борсам табибим бемор”, дегандай, мудом ҳардамхаёлсиз, десам, кўнгил шаҳбозининг човути дорилфунун андалиби қасдида экан-да”, деб сўрашгани қўл чўзди. Кейин қош чимириб, “Муносабатларинг жиддийми?” деб қадим лисонидан ўзимизнинг давр тилига ўтди. Иккаламиз ҳам ийманиб бош ирғаб тасдиқ ишорасини бердик.

– Унутманг, муҳаббатли оила инсоннинг олий бахтидир, уни Аллоҳ ўзи танлаган, муносиб кўрган бандаларига беради, – деди. – Аммо бировнинг қалбини, ҳис-туйғуларини топташ, эрмак қилиш, бозорга солиш гуноҳи азим, муҳаббат саройида садоқат ва ишонч сизларга посбон бўлғай, – деб қиблага қараб дуо қилиб, юзларига фотиҳа тортди.

Биз ҳам устозга қўшилиб юзимизга кафт сурдик.

Шундан сўнг домла қачон дарсга кирса, “Синолардан салом сизга”, деб сабоқни бошлайдиган бўлди.

Бошқа талабалар:

– Устоз, нега ҳар сафар шу гапни айтиб хонага кирасиз? – деб сўрашганида:

– Гап эгасини, бўталоқ теvasини топиб олади, – деб кулиб қўярди.

Олмос дорилфунунга келавергач, сиримиз ошкор бўлиб, оғизга тушганимиздан кейин “Гуруҳ амалдорига тиб аҳлидан салом келтирдим”, дейдиган бўлди.

Устоз мени қаерда кўрса, “Ҳа, аҳли дил, аҳволинг нечук?” деб мутойиба қиларди. Мен кулиб қўйиб, салом бериб ўтиб кетардим...

Шуларни эслаб турсам, хонага устоз кириб келди. Саломлашгач, ким йўқлигини сўради. Гуруҳ сардори талабалар биттага кўпайганини

айтди. Устоз:

– Қани янги талаба? – деб бўй чўзди.

Ўрнимдан турдим. Ёнимга келди:

– Қаердан келдингиз, Миллийданми?

– Йўқ, устоз, мен ўтган йил ҳам қўлингизда ўқиганман, – дедим ерга қараб.

Кўзойнагини тақиб, узоқ термилди:

– Гуруҳ амалдори? Аҳли дил?

– Ҳа, – дедим тўлқинланиб.

Яна бир оздан кейин хотираларига куч бериб:

– Минораи Кало-о-он... – деди. Мен кулиб, устознинг фикрларини тасдиқладим. – Тиб аҳли-и, – деди сўнг Олмосни назарга тутиб. Мен фикрларини давом эттириб:

– ...эди, – деб қўйдим. Устоз:

– ...эди? – дедию бирдан бўшашиб, жойига бориб ўтирди. Домланинг қалин кўзойнаги ортидан қорачиқлари “йилт-йилт” этдию бош эгганча сукутга чўмди. Сўнг аста туриб, вазмин қадамлар билан чиқиб кетди.

Ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, гуруҳбоши безовталаниб, ташқаридан хабар олиб қайтиб, устоз деразага термулганча ўйчан турганини айтди. Ҳамма ҳайрон: “Нима бўлди? Биз ҳеч нарсани тушунмадик...”

Гуруҳбоши менга юзланди:

– Илгаридан танишмисизлар, устоз билан яқинмисиз?

Ҳеч кимга ҳеч нима демадим. Нима ҳам дея олардим? Бир пайтлар устоз Олмос номидан уйимга совчи бўлиб борганди, дермидим?

Китоб-дафтарларимни йиғиб, ижаражойгача йиғлаб келдим...

\* \* \*

## ***21 январь***

Ўқув жиҳозлари сотиб олгани дўконга кирсам:

– Опажо-он, – деб бир қизча югуриб келяпти. Қарасам, Дилдора

– Шоира опамнинг кенжаси. Опам билан дўконга ҳарид учун киришган экан. Қучоқлашиб кўришдик. Ўқишга қайтганимни айтдим.

– Бир томондан хурсандман, лекин бизга билдирмай

келганингдан хафаман. Акангга айтсам, уям хафа бўлади, биз сенга бегона эмасмиз-ку, кетдик уйга, – деб қовоқ уйиб туриб олди.

– Боролмайман, опажон, менга ноқулай... аввалги ҳолатим бўлганидаям сўзингизни икки қилмасдим. Ҳозир боролмайман, болаларингиз катта бўлиб қолишди, буни устига ҳар куни уйингизда меҳмон. Биламан, сиз ҳам, акам ҳам ирганмайсизлар, бироқ... мен ҳам, сизлар ҳам ноқулай аҳволга тушамиз... Яхши бўлган куним бораман уйларингизга, – дедим ёлғон хушчақчақлик билан...

Опам кутилмаганда ўн минг пул сўраб қолди.

– Унча пулим йўқ эди, опажон, – дегандим, беш минг сўради. Яна тортиниб, – озроқ пул билан чиқувдим, – дедим.

– Қани, айт-чи, бу гапдан кейин мен уйимда қандай тинч ўтираман, қандай уйқум келади? Эркак тўқчиликдан ёмон йўлга юриб кетади, аёл эса йўқчиликдан... Даданг сени бизларга ишониб ўқишингга кўнган эди, – деб ёнчиғидан бир даста минг сўмлик чиқариб, қўлимга тутқазди. Олмадим, қайтардим:

– Сизларга фойдам тегмаяпти, зарарим ҳам тегмаслиги керак, – дедим.

– Мен билан сен бир кунлик одамлар эмасмиз, қиёматлик опасингиллармиз, биз бозоргачамас, мозоргачамиз... Укаларингни ўқитасан ҳали. Хижолат бўлма, – деб пулни чўнтагимга солиб қўйди...

Атай ижарауйимга келди, шароитимни кўриб қониқди шекилли, яшаса бўларкан, деб қўйди.

Қишлоққа икки-уч ҳафтада бир борар эдим. Шу кундан бошлаб Шоира опамнинг бир оёғи менинг ижара кулбамда бўлиб қолди. Ҳеч қурса кунора укаларим орқали егулик ва пул бериб юборар, шанба-якшанбада бир нимани баҳона қилиб уйларига чақирар эди.

Баъзан ҳасратга чўмиб:

– Ўшанда болаларимга қарайсан, деб уйимга олиб келмаганимда, қишлоққа қайтиб турмушга чиқиб кетган бўлардинг... Шунча азоб емасдинг, шу ўлиб кетгур дардга ҳам чалинмасдинг, – деб ўзини айбларди.

– Опажон, нега нуқул шу гапни такрорлайверасиз, буни қисмат дейдилар. Одамзоднинг тақдирига нима ёзилган бўлса, шуни кўради. Ундан кейин, сизнинг нима дахлингиз бор бу касалликка? – десам:

– Мен ўзимни айбдор ҳис қилишимни истамасанг, биздан

узоқлашиб кетма, чақирган вақтимда кел, – деб таъкидларди.

– Сўз бераман, сиз билан акамга бир умрлик сингил, укаларимга садоқатли опа бўламан, – дердим кулиб.

Шўр тақдир мени сийлаб, шундай олижаноб инсонларни тухфа этганига ич-ичимдан шукроналар айтардим.

Икром акам шартнома пулимни тўлаб турди.

Дарсдан кейин у кишининг ипак корхонасида бошқарувчи бўлиб ишлай бошладим. “Эпли бўлсанг, сепли бўласан”, деганга амал қилиб, акам бир марта кўрсатган ишни қайта ўргатишга эҳтиёж қолдирмасдим.

Дарсдан чиқиб тўғри шу ерга келаман, ишчиларни назорат қилиб, кирим-чиқим дафтаримни очаман. Ҳамма қоғоз ишлари менинг зиммамда, ишхонанинг икир-чикиригача ҳисобимда бор, чунки корхона менинг номимда эди...

Шундай қилиб, ҳаётим яна изга туша бошлади...

\* \* \*

### ***23 январь***

Мусофирлик бу – ўз ихтиёринг билан келиб, ўзгалар ихтиёри билан яшайсан дегани...

Ихтиёрим ўзимда, эркин бўлганимда Сизни бир дақиқа ҳам куттирмас эдим... кечиринг.

Хавотирга ўрин йўқ, безовта бўлманг.

Бўш вақт топдим дегунча ёзаман. Фақат юмуш кўпайиб кетган вақтлари узримни қабул қилиб турасиз...

\* \* \*

### ***25 январь***

Дадамнинг даъвати билан битирувчи синфга ўтиб кундалик тутадиган бўлганман:

“Ҳаётингни кунма-кун ёзиб, хулосаларингни битиб бораверсанг, бундан ортиқ сабоқ бўлмайди. Ҳар қандай одамда ҳар куни, албатта, эсда қоларли бирор воқеа ёки гап бўлади. Сен ёзаётиб ўз умрингни таҳлил қилиб борасан, энг муҳими, фикрлашга ўрганасан. Буюк

одамларнинг кўпи кундалик тутиб, шунинг орқасидан шараф топган”.

Шу йил баҳорда уйга қайтганимда дафтарларимдан бири қўлимга тушиб қолди. Бир варағини ўқиб кулиб қўйдим... (ўша вақтдаги дунёқарашимга...) иккинчи варағини ўқиб йиғлаб юбордим... (ўша вақтдаги дунёқарашимга...) Қолганини ўқишга журъатим етмади...

Кундаликни жойига қўйиб узо-оқ ўйладим... Одам ўз хотирасидан, ўтмишидан шунчалик қўрқиб, хадиксираши, қочиши мумкинми? Бугун сизга битаётганларимнинг кўпини қоғозга ўраб ёзяман...

\* \* \*

Сарой аъёнларининг сохта мулозаматларию лўттивозлигидан чарчаб, бешиб кетган подшоҳ бетама ва холис дўст қидириб бир ўзи дарвеш кийимида чўлу биёбонга чиқиб кетибди. Одамиятга ишончи қолмаган, вазир-вузароларию мушовирлари хиёнатидан юрак олдириб қўйган олийзот тилсиз дилдош истаб, Турон йўлбарсини топибди. Энди шарҳи дил қилмоқчи бўлиб оғиз очган экан, одамзод зулмидан озурда йўлбарс оғир бош чайқаб, ўзини қиёқлар аро уриб, кўздан ғойиб бўлибди. Подшоҳ яна йўл юриб, янтоқзор яқинида тортилган камондек турган хонгулни учратибди. Унга ҳам арзини айтишга оғиз жуфтлаши билан жонивор ер тепинибдию ўқдек учиб, уфққа сингиб кетибди. Шу тариқа ҳукмдор қайси жонзотга юз бурса, у кўздан ғойиб бўлаверар экан. Ниҳоят ҳориб-толиб ташландиқ қудуқ ёнига етиб келиб қараса, терскай тарафда ёввойи қовоқ ўсиб ётганмиш. Бор дарду аламларини калладек келадиган қовоққа айтиб солибдию ўзини енгил ҳис қилиб, саройга қайтибди...

Орадан маълум-номаълум вақт ўтиб, яна ўшандай сил аҳволга тушибди ва тағин ўша дардкаш қовоқ униб-ўсган жойга сир ва ҳасратларини айтмоқчи бўлиб келса, ҳалиги ҳамдард қовоқ зардобга айланиб, оқиб ётганини кўрибди. Алам ва изтироб тўкилган жой зардобга айланаркан-да, деб бошқа ҳеч кимга ҳеч нима демай, қайғуларини ичга ютишни одат қилибди. Аммо кундан-кунга озиб-тўзиб, узлат излайдиган одамови бўлиб бораверибди. Подшоҳдаги бу ҳолни сезган вазири аъзам:

– Шоҳим, сиздаги маълуллик сабаби нима? – деб сўраганида подшоҳ:

– Сир сақлашни уддалайдиган дўстимдан айрилиб қолдим, – деган экан...

Ўзим билан ўзим андармон бўлиб, жи-им юрганимда бу ривоятни дадам менга айтиб берганди...

– Сиз ҳам ошқовоққа ўхшаб қолманг тагин, – деб ҳазиллашсам:

– Мен вазирнинг жавобини айтмадим-ку ҳали, – деб бироз тин олиб қўшимча қилганди, – шоҳим, одамнинг тафтини одам олади, ўғлингизга эмас, қизингизга айтинг юрак дардларингизни, деган экан...

Дадам “Қани энди гапир-чи, дадасини эркаси, ичингда зардобга айланиб қолмасин”, – деса, ҳамма гапни айтиб қўяр эканим...

Негалигини билмайману, онамдан кўра дадам билан яхши чиқишардим. Иккаламиз ҳам бир касб эгаси бўлганимизданми ёки бобом қайтиш қилгандан кейин ҳаммавақт ёнларида юрганим учунми... Балки дунёқарашларнинг мутаносиблигидир... билмадим... сирларимни онамдан кўра дадамга кўпроқ ишонардим. Кўп ҳазиллашардим ҳам... малол олмасди, кўтарарди...

Беш йил бўпти дадам билан дардлашмаганимга. Ҳолбуки, ҳафтада бир уйга келсам:

– Қани, ол, гап қопингни боғичини еч, қани, шаҳрингда нима гаплар, – деб тиззасига кафт тираб, астойдил ўрнашиб ўтириб оларди...

Бетоблигида мактаб ўқувчиларини Наврўзга тайёрлаётган пайтим ҳар кунги гапни батафсил айтиб беришим одатга айланган эди...

Баъзан чарчаб келганимда, телевизўрни ўчириб қўйиб:

– Ҳай, гапир қани, бугун нималар бўлди, – деса:

– Э, чарчадим, дада, кейин айтиб берарман, – деб уй ишларига шўнғир ёки китоб варақлаб, куттириб қўярканим...

Қанийди ҳозирги ақлим ўшанда бўлганида... Қанийди дадам ғанимат эканини ва икки жаҳонда бундай меҳрибон, яқин одам топа олмаслигимни билганимда... Қанийди инсониятга қилган хатоларини тузатиш учун бир дақиқа бўлса ҳам имкон берилганида...

Баъзан узоқ ўйга толаман, дадамга мен айтадиган кун янгиликларининг қизиғи бормиди? Йўқ, аниқ биладанки, қизиғи ҳам, зарурати ҳам бўлмаган... Дадам дардимни ичимга ютиб, ошқовоқ

ҳолига тушиб қолмаслигим учун шундай йўл тутган... Буни яқиндагина англадим... Кеч, жуда кеч... Дадамдай тингловчимни йўқотиб бўлганимдан кейин тушуниб етдим...

Ҳай, майли, нима бўлганда ҳам бу охирги пушаймон...

\* \* \*

## *27 январь*

Шаҳарга қайтиб Шоира опамларникига келсам, кўнгилхонлик –ҳокимиятга шикоят тушган экан, корхонамизни ёпиб кетишибди...

Кечқурун Икромиддин ака бўлган воқеани гапириб берди. Маҳаллий корчалонлардан бири ишни шерикчилик асосида юритишни “яхшилиқча” таклиф қилган экан, акамиз қизишиб, “Бу қанақаси, сармоя меники, қанча одам ишли бўлди, солиқларни вақтида тўласам, ҳаммаси қонуний бўлса... Тайёр ошга баковулликми?” деб қўполроқ гапириб юборибди. Мулозим совуқ тиржайиб, “Ҳа, шунақами, ҳалолман, денг-а, билмаган эканмиз, фариштанинг қанотига нос тупуриб қўйибмиз-да, майли, боринг, ишингизни қилаверинг, узр лекин”, деб кесатиб, рухсат бериб юборибдию эртасига корхона ички эшикларини сурғучлаб, муҳрлаб, дарвозага калладек қулф урдириб қўйибди.

– Энди нима бўлади? – деди опам ингичка қошларини чимириб.

– Пойтахтга арз қиламан, ҳақиқат қилишар... – деб пешонасини уқалади акамиз.

Аммо ариза-шикоятлар, ёзув-чизувлар бесамар кетди. Бесамар кетгани майли-ку, акс натижа берди. Раҳбарнинг қўли ҳам, тили ҳам узун экан, ҳамма у тараф бўлди. Корхона менинг номимда бўлгани учун сўроқ-жавобларда асосан мен иштирок этдим. Ёўрлигим, тажрибасизлигимдан фойдаланиб, мени роса қўрқитиб, довдиратишди. Чўлпоннинг Зебиси кўйига тушдим-қолдим.

Ака мени эҳтиётлаб, ҳаммаси меники, мен бош-қошман, у қўғирчоқ, холос, еди-ичдиларига ўзим жавобгарман, деб имзо чекиб берди.

Марғилондан келтириладиган ипак ўрамлари “ўғирлик маҳсулот” бўлиб чиқди.

Сотган ашёларимиздан намуна топишиб, сифати паст деб

баҳолашдию харидорни алдаган, солиқдан даромад беркитган, ишчиларга вақтида маош бермаган, мансабини суиистеъмом қилган... каби айбномаларни ёпиштиришди.

Бу ҳам етмагандай, Эски шаҳардаги озиқ-овқат дўкони, сартарошхона хизмати ҳам эгри топилиб, жиноят иши қўзғатилди.

Бу кўргиликларнинг ҳаммаси шунчалик тез содир бўлдики, ярим тунда зилзила рўй бергандай эсанкираб, довдираб қолдик.

Икки ҳафта ичида акаму опам чўпдек озиб кетишди. Устига-устига, руҳий изтиробни айтмайсизми? Куни кеча меҳмон билан тўлиб-тошган, дастурхони йиғилмайдиган хонадонга биров қадам босмай қўйди. Ҳатто қариндошлар ҳам қўнғироқ қилсак бир балога гирифтор бўлиб кетмайлик деган қўрқувда тамом алоқани узишди.

Опам мени маҳкам қучиб, кўзёшларини ичига ютиб, “Қара-я, Бонужон, бирпасда яккамохов қилиб қўйишди-я! Ишқилиб, акангни қамашмаса бас”, дерди.

Ўчакишган ўт қўяр, деганларидек, ҳалиги раҳбар муштумига туфлаб, яниб, қасд қилиб қўйган экан, акамизни турмага тикиб, сўроқ-жавобга тортишди. Ана энди ҳақиқий шўриш бошланди: опам бечора кунда-кунора авахтага қатнайди, бу ёқда мол-мулк мусодарага тушиб, хатлов авжида, болалар ҳеч нарсани тушунмай чирқирайди, мен нотавоннинг қўлидан юпатишга уринишдан бошқа иш келмайди.

Икром акам ички терговда Отбозорда узоқ қолиб кетди...

Қарийб бир йил аччиқ ичакдек чўзилган терговдан сўнг ёпиқ суд бўлиб ўтди ва акамиз ўн битта модда асосида айбланиб, ўн уч йилга “кесилди”. Жазони ўташ муддати қатъий тартибда Жаслик авахтасига белгиланди...

Барча мол-мулк давлат ҳисобига мусодара қилинди. Машиналари “кимошди” савдосига қўйилиб, кепак баҳосига пуллаб юборилди. Битта “Мерс”ни ўзимиз сотиб, ҳақдорларнинг қарзларига тўладик. Бу “ҳисобли дўстлар”нинг ҳисоби йўқ эди. Бирови беш йил бурун минг доллар берганман, деса, бошқаси ўн минг сўмини ҳам қистаб, эшик турумини бузарди. Улар орасида яқин қариндошлар бўлгани каби, ҳеч ким кўрмаган, танимаган, эҳтимолки, товламачи-фирибгарлари ҳам йўқ эмасди...

Ўлаксахўрга ўхшаб йиқилишингни пойлаб турадиганлар бор. Опамнинг номард директори қайта-қайта тушунтириш хати

ёздиравергач, охири бор-е, деб бўшашга ариза ёзиб қўлига бериб келди.

Омадинг бир чўчиса, бахтинг ҳуркиб қочар экан....

\* \* \*

## *28 январь*

Опамнинг йиллар мобайнида йиғиб юрганлари ой ўтар-ўтмас момақаймоқдай тўзғиб битди. Икром акамнинг отасидан мерос қолган эски уйдан бошқа ҳамма мулки сотилди. Йил бурун етишмовчилик нималигини билмайдиган болалар энди нонни кўзга суриб ейдиган бўлишди. Ҳатто боғча пулини тўлашга, музқаймоқ билан сийлашга ҳам йўқчилик йўл қўймасди. Акамни кўришга боргани кира тополмай сарғайди шўрлик опам...

Бир куни у:

– Эртага бизникига кел, ёрдаминг керак, – деб қолди...

Вазият мен ўйлагандан ҳам оғирроқ экан. Яхшиям, Москвадан жияним Бобур онамга атаб жўнатган икки юз доллар ёнимда эди.

Мунғайибгина ғариб бўлиб ўтирибди опагинам. Ҳар қанча қисталанг қилсам ҳам пулни олмади.

– Ўзинг бир аҳволда бўлсанг, бебилиска пул бўлсаям бошқа гап эди. Шундоғам қариндош қилмаганини қиляпсан, йўқ, ололмайман, – деб қўлимни қайтарди. Хафа бўлдим:

– Яхшиликларингизни шунақа кунда қайтараман деб ўйламаган эдим, яхши кунлар ҳам келар, ўшанда ҳам қўлдан келганча хизматда бўламан, опа... – пулни стол устига қўйиб, ўкиниб давом этдим, – агар мени бегона билсангиз, қарз деб олинг, агар қизим деганингиз рост бўлса, омонат деб ҳисобламайсиз!

Опагинам ичкиб-ичкиб йиғлади...

Мен, опам, Дилдора, Сирожиддин – биттадан кўрпача ташлаб, ҳаммамиз бир хонада ётиб ухладик. Илгари буларнинг уйида бирор вақт ерда ётмаган эдим...

Болалар ухлаб қолишди.

– Яхшиям сен борсан бахтимга, на опамга, на дугоналаримга ва на овсинларимга айта олмаган ҳасратларимни сенга тўкаман... – опамнинг товушида йиғи бор эди.

Бу жуфтликка – опам билан акамга доим ҳавасим келарди. Бир-бирларига жуда мос: иккови ҳам ўқиган, маданиятли, илмли, дунёқараши кенг, палаги пок инсонлар.

Опам Чингиз Аҳмаров ишлаган суратлардаги гўзал бекачларга ўхшар, қўлигул пазандалиги, уйим-жойим дейдиган саришталиги менга ибрат эди.

Икром акам ҳам диёнатли одам, менга бегона назар билан боққанини сезмаганман.

Ҳаттоки, шу бедаво дардга чалинганимдан кейин ҳам лаб жийриб четга суриб қўйишмади-ку... Уларнинг оғир кунларида менда ҳамдам эканимдан қалбимда бир қатим нур бор эди.

Эрталабгача дардлашиб, эски гапларни эслашиб ётдик. Опам тергов пайти мулозимлар шилқимлик қилганини ижирғаниб гапириб берди...

Тонгга яқин минг истиҳола билан:

– Бонужон, эртага уйни йиғиштириб, сарак-пучак қиламиз. Укаларингга тор келиб қолган кийимларни лаш-луш бозорига элтиб сотиб келамиз, майлими? Борасанми мен билан? Уялмайсанми? Шунга чақирган эдим, – деди.

Юрагимга қўшилиб суюкларим симиллаб ўтди...

Ё фалак!..

Дунёнинг терс келганини кўринг энди!..

Минг қўйлининг иши бир қўйлига тушади, деганими бу? Ёки ҳар замонда бир замон деганими?..

Эҳ опагинам...

Шу аҳволда бўлатуриб ҳам мард келиб, пулингни олмайман, деганини қаранг...

Ҳеч нима деёлмай яхлаб қолдим...

У ноқулай вазиятга изоҳ бериб:

– Укаларинг катта бўлиб қолди. Эскиларини ҳеч ким киймайди барибир. Сотамиз-келамиз, – деди.

Хижолат бўлавермасин деб:

– Бўлди, опажон, ғам еманг, келиштирамиз, – дедим.

Шу билан ҳар иккаламиз ўз хаёлимиз уммонига ғарқ бўлдик.

Бироз вақт ўтиб:

– Бонужон, ухладингми? – деди паст товушда...

Уйқум келгани йўқ эди-ю, бироқ жавоб бермадим...

\* \* \*

**29 январь**

...Уйларни йиғнаб, болалар кийимию акамнинг костюм-шимлари, чакмонлари, опамнинг кўйлаklarини тахладик. Аёллигимга бордимми, ҳарқалай, ҳар бир кийимни ачиниб-ачиниб тугунга жойладим. Асл мол бўлганидан кийилганига қарамай оҳори тўкилмаган либосларга роса ҳайфим келди. Начора...

Икки-учта гиламчани ҳам қўшиб, Эски бозорга олиб бордик...

Опам бечоранинг юзлари хижолатдан лов-лов ёнади денг. “Ишқилиб, битта-яримта таниш чиқиб қолмаса гўргайди”, деб мени тезроқ сотишу қочишга ундайди. Сотувчи ғўр бўлса, олувчи сур бўлади. Бирпасда қайсидир гўрдан чиққан даллол қўлимиздагиларни алдаб-сулдаб кўтарасига арзон-гаров ола қўйди. Опам бўш, мен баёв, бунақа бозор кўрмаганмиз...

Қўлимиздаги пул кун сайин ошиб бораётган нарх-навога кўра “бандасига банди бўлган” акамдан хабар олиш харажатига урвоқ ҳам бўлмасди.

Опам рўзғор учун “томоққа ямоқ” деб картошка, пиёз, сабзи, ошқовоқ, шолғом жамғариб қўйди...

Тушдан кейин иккита тилло занжирини олиб, жухуд бозорига бордик. Кўзи қотган бозоргирлар соф олтидан ясалган тақинчоқларни ерга уриб, авраб, ялиниб-ёлвориб, раҳмимизни келтириб, гумон баҳога илиб кетишди.

– Ҳар сафар акангни олдига боришга бир милёндан кўпроқ пул кетяпти, – деди опам ўзига ўзи гапиргандек.

– Опажон, биламан, сизга оғир, лекин бу кунлар ҳам ўтади. Ишга киришингиз керак, муаммоларни бу йўл билан ҳал қилиб бўлмайди, – дедим.

– Ўзим ҳам шуни режалаштириб турибман. Бетим қолмади бировлардан пул сўрашга, – деди опам юзимга қарамай.

Кейин таниш-билишларидан иш суриштирдик. Икром акамнинг қамоқдалигини эшитган раҳбар борки, эшикни юзимизга тарақлатиб ёпаверди: “Бизда қисқартиш, тайёр ишчиларни бўшатяпмиз...”

Шаҳарнинг нариги четидаги бир мактабдан чоракталик иш чиқди: қип-қизил майнавозчилик – ойлигинг бир ҳафталик йўл кирангга етмайди...

Дорилфунунга котиба бўлиб расмийлашаётган жойида кимдир акамиз “жиноятчи”лигини шипшитиб қўйган экан, эртаси декан ўдағайлаб берибди: “Нима, бу ерда каллакесарлар тўдаси тузмоқчимидинг? Мениям тортиб кетмоқчимидинг? Ўв, адашдинг, мен халқимга содиқ одамман, бор, тошингни тер!”

Шифохонага фаррошликка ҳам олишмади: “Иш? Иш отликқа йўғу, сизлар яёв кепсизлар...” деди тарвуз ютгандай юмалоққорин маъмур кўзларини гўлайтириб.

Опам ҳам алам, ҳам ғазабга тўлиб, “Бўлди, буларнинг берадиган бебарака пулига қараб болаларимни қақшатиб қўймайман, ундан кўра гўмма пишириб сотаман”, деди.

\* \* \*

### *1 февраль*

Мен ҳам ишга киришим керак.

Шоира опамга ёрдам беришим шарт. Онамга:

– Шаҳарда ишламоқчиман, – десам, узоқ ўйланиб:

– Сенинг уйда бўлганинг яхши. Ўзинг ўқиган мактабда дарс бераверасан, – деди.

Индамай рози бўлдим. Чунки икки-уч кун олдин акам четга ишлашга кетган, уйда икки жияним ва янгам қолганди. Онам янгамнинг қўлига қараб қолишини маъқул топмадим.

Ўз вақтида мактаб директори Тўрақул амакини дадам ўқитган, ёшлигимизда байрам кунлари келиб қутлаб, хабар олиб кетарди. Сал таранг қилди-ю, охири ўриндошликка ишга олди. Бешинчи “Б” синфига раҳбар ва мактаб хотин-қизлар қўмитаси раисига ёрдамчи этиб тайинландим.

“Хўш болаларнинг имкониятини юзага чиқариш учун нима керак бўлади, Бону?”

“Меҳр... меҳнат...”

Дадам бир гапни кўп таъкидларди:

“Ўқувчини ўз болангдай кўрсанг, у ҳам сени ўз онасидай яхши

кўради. Яхши кўрдими, назарингга тушишни, сен ҳам уни яхши кўришингни истаб, биринчи бўлиб сенинг дарсингни тайёрлайди...”

Мен болаларга бор меҳримни бердим.

Фикри-зикрим уларнинг қум босган идрок булоғи кўзини қўмитиш бўлди.

Яна дадам:

– Ҳурмат ҳам ғалабага ўхшайди. Худди жангда ғалаба қозонилганидек, иш жойингда ҳурмат қозонасан. Бу осон эмас. Урушни муддати аниқ бўлиши мумкин, лекин ишда ҳурмат топиш учун соатга қарамасдан ишлаш керак.

Аста-секин ўқувчиларим менга эликди. Энди улар юз-кўзимга ачиниш ва ҳадикда эмас, нима десам экан, ихлосми, эътиборми, ҳарқалай, ҳурмат билан қарай бошлади.

Умуман, тақдиримга бош эгганим сари кунба-кун этим ўлиб боряпти шекилли, бировларнинг жунжикиб кўз ташлашига, ҳамкасбларимнинг мендан ҳазар қилаётгандек равишларига парво қилмайроқ қўйдим.

\* \* \*

## *2 февраль*

Бошланғичда ўқиб юрган кезларимиз мактаб радиоси бўларди. Ана шу минбардан шеър айтишга, ҳикоя ўқишга ҳаммамиз қизиқардик. Катта танаффусда “Булбулча”нинг қўшиқлари қўйилса, қўл ушлашиб дикир-дикир сакраганимиз завқи ҳалиям ёдимда: “Диққат! Диққат! Мактаб радиоузелидан гапирамиз!” деган ширали овоз ҳануз қулоқ остимда янграб туради.

Директор билан кенгашиб, радио фаолиятини йўлга қўйишга келишдик. Эски ускуналар аллақачон темир-терсакка топшириб юборилганидан ишни мутлақо янги пойдевордан бошлашга тўғри келди.

Туманга ариза билан чиқдим, барака топгурлар жуда илиқ кутиб олишди, жонкуярлик билан жўяли-жўяли тавсиялар беришди. Лекин ҳеч бир амалий кўмак кўрсата олишмади.

Абдулла Қаҳҳорнинг Қобил бобосига ўхшаб туман ҳокимига, ундан кейин вилоят бошчиларигача чиқдим. Ҳамма жойда таҳсину

тасаннолар, маслаҳату кўрсатмалар бир дошқозон, ёрдам эса... бир чойқошиқ ҳам эмас.

Кейин ўз ҳисобимдан микрофон сотиб олдим. Фонограмма чиқиб, бозори касод бўлган мусиқа ўқитувчимиз Илҳомжон акадан тўйма-тўй юравериб ёғ босиб кетган эски овоз кучайтиргични “отанг яхши, онанг яхши”, қилиб ижара олдим. Ғайратим жўш уриб, енг шимариб ижод отига миндиму, битирувчи синфлардан бир жуфтдан йигит-қизни саралаб олиб, сўзамолликка тайёрладим.

Кундалик ярим соатлик эшиттиришимиз дастури, асосан, таълимга оид янгиликлар, мактаб хабарлари, қолоқ ўқувчилар танқиди ва мусиқий табриқдан иборат эди.

Ишимиз юришиб кетди. Бора-бора ёши улуғроқ тажрибали муаллимлар учун “Панднома” саҳифаси ҳам очилдики, бир ҳафтага қолмай талабгор устозлар қуръа ташлаш таклифи билан чиқишди.

Болаларнинг илҳом булоғи қайнаганини айтмайсизми! Саккизинчи “Б”да ўқийдиган Олимжон Суяров деган оғиркарвон бола ўзи тўқиган “Устоз” номли шеърини радиомиз тўлқинлари орқали таратдию бутун мактаб шоирга айланди-қолди. Улар орасида қофия кўчасидан ўтмаган, умрида шеър ёдламаган дўлворилари бўлганидек, таъби назмини тушовлаб юрган Зулфияхоним издошлари ҳам анчагина экан.

Айниқса, Саидахон ва Мавжудаларнинг қўнғироқдек овозлари мактаб деворларидан ошиб, чор-атрофдаги маҳалла аҳлининг ҳам диққатини торта бошлади. Катта танаффусда хотин-халаж, кўнгли бўшроқ эркалар мактаб яқинида тўпланиб, радиомушоира бошланишини интиқ кутадиган бўлишди.

Алқисса, минбар талаш бўлиб кетди...

Қилаётган ишингдан завқ олсанг, буям катта бахт экан. Мен мактабда ижодий муҳит уйғотганимдан беҳад мамнун бўлиб юрган кунлардан бирида директор ўқитувчиларни навбатдан ташқари машваратга йиғиб, ўта жиддий қиёфада сўз бошлади:

– Ҳурматли жамоа, менинг камтарона ташаббусим билан мактаб радиоси ташкил қилинганидан хабарингиз бор, албатта. Кечаю кундуз бош қотириб, етти ўлчаб бир кесиб, режа асосида изчил олиб бораётган саъй-ҳаракатимиз ўз самарасини бера бошлади. Энди бу муваффақиятни янада мустаҳкамлаш, янгидан-янги ижодий

уфқларни кўзлаб иш олиб бориш бурчимиз десам, сизлар ҳам фикримга қўшилсангиз керак. Бизга янги таклиф, оҳорли мулоҳазалар сув ва ҳаводек зарур. Сўз ҳурматли директор ўринбосари Лазизбек Маҳмудовга!

“Ҳурматли директор ўринбосари” аввал худо назар қилган Раҳбарга ҳамду санолар ёғдирди, сўнг “устози аввал ҳам, устози соний ҳам ўзлари бўлган Тўрақул ҳожи Шербоев”га бир қулоч пахта тўшади. Тоқатимиз тоққа ёндашганда ниҳоят муддаога ўтди:

– ...бирламчи, биз бир вақтлар “Ёшлик” журналида кўрганмиз – муҳаррир минбари бўларди. Шундан келиб чиқиб, радиомизда “Директор минбари” ташкил этилса ва мактаб муҳтарам бош устозимизнинг ибратли тафаккур дурдоналаридан ҳафтада икки бор баҳраманд бўлса... Иккиламчи, ушбу фикримни қўллаб-қўлтиқлашларингни сўрайман...

Кутилмаганда гулдурос қарсак янграб, қулоқ-чаккамга шапалоқ тушгандай бўлди. Шарт ўрнимдан туриб:

– Кечирасизлар, шундоғам мағзи пуч гаплар кўпайиб, ўқувчилар зада бўляпти. Радио болалар учун ташкил қилинган экан, бас, уларнинг интеллектини ривожлантириш учун хизмат қилиши керак... – дейишимни биламан, бутун жамоа бараварига бобиллаб менга ташлана кетди.

Ноилож муроса кўчасига кирдим – домла ҳар душанба беш дақиқа “дурдона” сочадиган бўлди...

\* \* \*

### ***3 февраль***

Ёмон кўрганим – ялтоқлик, кўзбўямачилик.

Кун сайин директорнинг хурмача қилиқлари гул очиб, радиомиз сўз эркинлигини бўға бошлади. Умуман танқид берманглар, деб талаб қўйди.

– Домла, танқид келажак меваси-ку, – деди ботиниб-ботинмай тарих ўқитувчиси Шуҳрат ака.

– “Келажак” ҳеч қачон келмайди, фақат “бугун” бор холос, “кеча”дан ҳеч қандай фойда йўқ. Гегелни ўқиганмисиз? Фалсафадан баҳо неччийди, Шуҳратжон болам? – деди директор кўзойнаги

тепасидан ўқрайиб. – Кошки танқиддан биров наф кўрган бўлса... Мақташ керак, мақтов ғалабанинг отаси! Масалан, мактабимиз қўлга киритаётган ютуқларни озгина ошириб кўрсатсак, эшитган ўқувчининг ғурури ўсадими? Ўсади! Бу ғурур уни юксак марралар сари чорлайдими? Чорлайди! Каллани ишлатиш керак, каллани, Шуҳратбой! – домла қалам билан ўз бошига уч-тўрт такилатиб уриб қўйди.

Шу тариқа радиомиз қолоқ ўқувчилар, ножўя хатти-ҳаракатлар ҳақида оғиз очмайдиган, Тўрақул ҳожи Шербоев раҳнамолигида вилоят, республика ва жаҳон айвонларида қўлга киритилаётган оламшумул ютуқлар ҳақида сайрайдиган бўлди. Гоҳида тайёрлаган эшиттиришимизни ўзимиз тинглаб, кулгидан буралиб қолардик. Гўё бизнинг зиё масканимиз шу қадар юксалиб кетгандики, мактабимиз олдида Маъмун академияси хижолат бўлиб, мулзам тортиши аниқ эди. Буям майли, энг ёмони, томирида йиллаб мудраб ётган тиранлик қони уйғонган директор мени қошига чорлаб:

– Бугундан бошлаб Фалончиев билан Пистончиевни эфирга чиқишига йўл қўйманг, – деб буюрди.

– Нима учун, домла? Уларнинг нима айби бор? Қандай қилиб “Сизлар чиқмайсизлар”, деб айтаман? – дедим устозларнинг савол назари билан менга боқишларини кўз олдимга келтириб.

Оқсоқоллар олдида хижолатпазлигим тарқамай туриб мактабда ягона халқ маорифи аълочиси ҳам “қора рўйхат”га тушди.

Шу тарзда ой охирига бормаи муаллимларнинг аксари эфир юзини кўрмайдиган “урилганлар” сафига қўшилди. Аста-секин навбат шогирдларга келди. Сабр косам тошиб:

– Домлажон, сиз менга узундан-узоқ рўйхат бермасдан, радиода чиқиши мумкин бўлганларнинг номини айтсангиз кифоя. Ўзи бор-йўғи ўринбосарингиз билан Расул миршабни қизию яна сиз танимайдиган икки-учта ўқувчи қолди, холос...

Нўноқ дўхтир зирапчани суғуриш ўрнига бармоқни кесиб қўяқолади.

Радиомиз ёпилдию ҳаммамиз енгил нафас олдик.

Ижодкор шогирдларимни ўйлаб, “Турон” номли деворий газетага асос солдим. Аммо раҳбарнинг мижғовлиги, калтабин ва восвослиги туфайли ёзма нашр ҳам юлдуз кўрмай ўчди.

Мен қўлимни совунлаб ювиб, қўйнимга урдим...

\* \* \*

### **5 февраль**

Кунлар захкаш ариқнинг сувидек бир маромда иш-мактаб, уй-рўзғор ташвишлари билан оқиб борарди...

Янги йил арафасида етим ва камхарж оилаларнинг фарзандларига қишки уст-бош берилиши эълон қилинган, синфимдаги шу тоифа болалар рўйхатини тузиб, директорга имзолатиб олдим.

Улар ёши улуғроқ қариндошлари етовида келишган, бирга хўжалик бўлимига учрадик. Мен кийимларни болаларнинг бўйига мослаб танлаётсам, масъул қилиб қўйилган ўқитувчи елкасига чакмон ташланган етим қизчага:

– Аҳа, сигирга тўқим ургандай ярашди-ку, қизий, – деб оғзини қийшайтириб кулди.

Мен:

– Опа, бола бўлсаям кўнгли бор, бугунги гап эрта эсидан чиқмайди, тилингизни назорат қилинг, – дедим аччиқланиб.

У бирдан менга ташланди:

– Менга қаранг, сиз бозордан нарса харид қилаётганингиз йўқ, бу ерда танлаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Тор бўлсаям олиб бераверинг, ўзи киймаса, укалари кияди!

– Манави ўқувчим, айтганча, танийсиз – Робия, маҳаллангизда туради, совуқ тушгандан бери мактабга келмаяпти. Бугун ўзим олиб келдим, онаси оламдан ўтиб, бувисининг қўлида қолган, эшитгандирсиз? – дедим-да, яна ўқувчиларимга лойиқ пойабзал қидириб топиб кийгизавердим.

Масъул энсасини қотириб, “Вой-бў, яхшиям ўзингиз туғмагансиз, агар болангиз бўлса, тилингизни тагига солиб юраркансиз-да”, деб пичинг қилди. Ёшман, элбурутдан тортишиб ўтирмай деб эшитмаганга олдим.

Кийимлар ўз эгаларини топганча, у сурбетларча қўл ҳақиға шама қила бошлади.

– Қанақа қўл ҳақи? – тишларим ғижирлаб кетди.

- Йўл харажатларига, – деб дудмал жавоб қилди у.
- Давлат томонидан – бепул, деб айтдиларингми? Бўлди, тамом! Мен ўқувчиларим олдида ёлғончи, муттаҳам бўлишни истамайман, – деб ўзимникиларга жавоб бериб юбордим...
- Тортишув директоргача чувалиб етиб борди.
- У мени хонасига чақиртириб, тизимдаги катта-кичик чиқимлар ҳақида гапира кетди...
- Менинг ўқувчиларим бир тийин ҳам бермайди! – унинг сўзини бўлиб, қатъий қилиб айтдим.
- Унда ўзингни маошингдан қирқиб, ҳисса чиқариб оламан, – деб тумтайди директор, – қарорим шу!
- Бўпти, қарорингизни қоғозга ёзиб беринг, ўқувчиларимни ўлган ота-оналаридан пул йиғиб бераман, – дедим заҳарханда қилиб.
- Директорнинг жазаваси тутди:
- Ўв, пулинг менга керакмас, айтяпман-ку, туманга, туманга! – у қўли билан осмонга ишора қилди.
- Масала сиз билан битмайди шекилли, домла, эртага ўша... туманга бориб ҳал қилиб келаман, – деб чиқиб кетдим.

\* \* \*

### ***6 февраль***

Уйга келиб онамга воқеани ипидан-игнасигача айтиб бердим. У жимгина тинглади-да:

– Айб сендамас, болам, раҳматли дадангда! Сув қаёққа оқса, ўша ёққа қараб суз деб ўргатганида қулоғинг тинч бўларди. Болам, ҳақиқатталаб одамда дўст бўлмайди, – деди куйиниб.

Эртасига туманга боришимга йўл бермади.

Шу кун ишга ҳам чиқмадим.

Кечқурун директор ўғли билан меҳмонга келди.

Дадам қанчалар меҳрибон устоз бўлгани, қандай таъсирчан дарс бергани, тошу тарозини нақадар адолатли қўйгани ва айниқса, ёш Тўрақулга оталарча хайрихоҳлик кўрсатгани, устоз отадан улуғлиги ҳақида гапириб, анча ўтирди.

Кейин дўстона оҳангда:

– Агар даданг бўлмаганида, худо билади, мен қайси йўлдан

кетардим... Иккимизни бахтимизга яхшиям пешонамизга шу киши ёзилган экан... – деди-да, ниманидир чамалаётган одамдай чап кўзини қисиб, менга узоқ термулиб қолди. Кейин, – Ҳа, устоз керак пайтда қаттиққўл, керагида жуда раҳмдил инсон эди, бизга ҳамма хислатлар дадангдан ўтган, – деб гап улаётган эди:

– Домла, ҳалолликни ҳам дадамдан ўрганганмисиз? – деб чақиб олдим.

Сўз ўз-ўзидан кечаги можарога бориб тақалди.

– Нима қилайлик, қизим, агар бу балохўрларга ёнимдан тўлайверсам, кафангадо бўламан-ку. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган машойихлар. Ҳозир ҳамма жойда “бер-бер”, пулинг бўлмаса ўлиб ҳам бўлмайди, – деб кулги чиқармоқчи бўлди.

– Демак, балиқ бошидан ачиган экан, – деб юбордим тоқатсизланиб. – Агар сиздек оқсоқоллар бу қилвирликка чек қўйиш ўрнига бош қўшиб, қўллаб турса, оқибати нима бўлади, устоз?

– Халқ сендан икки дунёда рози бўлмайди, қизалоғим. Ҳозир фидойи, билимли одам ҳеч кимга керак эмас. Фақат топшириқни қулоқ қоқмай бажарадиган югурдагу ялтоқлар башанг яшайди бугунги кунда...

Онам гоҳ менга ҳайҳайлаб, гоҳ домлани қувватлаб, суҳбатимизга ҳакамлик қилиб ўтирди.

Биз узоқ баҳслашдик. У фикрида қолди, мен ҳам ўз қарашимдан қайтмадим...

\* \* \*

## ***8 февраль***

Эрталаб мактабимга йўл олдим.

Ўқитувчилар хонасига кириб борганимдан менга қарши кайфият шаклланиб бўлганини илғадим.

“Йўл ҳақи”, “қўл ҳақи”дан манфаатдор маишатпарастлар менга қарши туриши табиий, албатта. Нафақага бир-икки қадам қолган, ўзларини хизмат кўрсатган заҳматкаш деб ҳисоблайдиганлар “кечагина тухумдан чиққан” мендай сариқтумшуқ жўжанинг адолатпарварлигидан ғашланишини ҳам тўғри тушунаман. Аммо учинчи тоифа ҳам бор эдики, улар мактабни шунчаки кун ўтказиш учун тирикчилик воситаси деб билар, лоқайд ва бефарқ ҳаёт тарзини

маъқул топган бу тепса тебранмасларга менинг ҳаракатим ваҳимали туйилар, “Эртага бир бало бошланиб, бизни ишлашга мажбур қилишмаса гўргайди”, деган ташвишлари бор эди.

Устомон директор радио можаросидан ўз тегирмонига сув бурибди: “қора рўйхат” тузиб, аҳил жамоа ўртасига рахна солган мен эканим! Ана шу қўпоровнинг олдини олиш мақсадида домлаи калон айна вақтида радиомни ёпган эмиш... Қойилмисиз? Мана буни “мактаб” деса бўлади!

Шундай қилиб, жамоанинг кўпчилиги менга рўйхуш бермай қўйди. Ташаббусларим уларнинг ғашига тегар, менга меҳр қўйган болалар атрофимда парвона бўлиши энсаларини қотирарди. Чунки мен, нокамтарлик бўлса-да айтай, бу даққиюнусдан қолган кўҳна чолдеворга тоза ҳаво олиб киришга уринаётгандим.

Шу туришимда гўё чорпоя остида кун бўйи мудраб вақт ўтказадиган кўппакнинг думидан тортиб ҳаловатини бузган шумтакадек эдим.

Менимча, айнан директорнинг илтимосига кўра тумандан текширув келди.

Бадқовоқ тафтишчилар биринчи менинг синфимга кириб, хонамни синчиклаб кўздан кечиришди. Кейин огоҳлантиришсиз дарсимга кириб, кутилмаган ва тутилмаган саволлар билан ўқувчиларимнинг олдида мени изза қилишга уринишди.

Йиллик, ойлик, кунлик иш режамни ва барча қўлланмаларимни, конспектларимни ижикилаб текшириб, арзирли нуқсон топа олишмади. Чунки дадам менга ҳамма вақт:

– Сен текширувчи учун конспект ёзма, ўқувчи учун тайёргарлик кўр, сенинг комиссиянг – ўқувчиларинг, шуларга кўнгилдагидек дарс берсанг, назоратчи-пазоратчидан қўрқмайсан, – дерди.

Ҳарҳолда, йўқдан кўра юпанчиқ, деганларидай, битта “айбона” топишди. Ҳамма ишни қилибман-у, бўш вақтларимда бошқа устозларнинг дарсларини кузатишга кирмабман. Шунга танбеҳ беришди.

Эртасигаёқ директор ўринбосари Лазизбек Маҳмудовичнинг дарсига кириб, назоратни бошладим. У киши математика ва физикадан дарс берарди.

Ҳеч кимга гапирмай, орқа партага бориб ўтирдим. Қўнғироқ

чалиниб, дарс бошланди. Ўқитувчи ўн беш дақиқа кечикиб кирди. Боз устига, на синф журнали, на конспект дафтари, на ўқув кўргазмалари... Умуман, ҳеч нарсадан фойдаланмай, ҳафсаласиз дарс бошлади. Болалар бот-бот ёлғондакам йўталиб, мен томон тез-тез қарашлари билан ўзига хос ишора бериб, хонада бегона одам борлигини билдиришга уринса-да, устознинг парвойи фалакда эди.

Домла деразадан қараганча “ҳи-а-а” деган овозда ҳаво сўриб керишаркан, ўхшатиб ҳомуза тортди-да, ўқувчиларнинг баралла кулгисидан ўзига келиб, бирдан менга кўзи тушдию сесканиб кетди. Шундан кейингина дарс амалиёт эканини эълон қилди.

Шубҳасиз, ўқувчилар бунга тайёр эмасди. Уларнинг савол-жавоблари, ўзларини тутишларидан шу пайтгача амалий машғулот ўтилмагани аён кўриниб турарди. Домла ҳам чамамда, мавзу моҳиятини билмас, гап-сўзлари қовушмас, атамалар оғзидан тўкилиб тушарди. Бунинг сабабини Лазизбек Маҳмудовичга имзо учун таҳлил дафтаримни узатганимда тушундим: ундан ароқ ҳиди анқир, кайфи тарақ эди. Домла каловланиб, таҳлилимни ўқимай туриб имзо чекиб юборди.

– Узр, домла, асосий нуқсон ёзилмай қопти, ижозатингиз билан қўшиб қўяман-да, – деб имзоси ёнига катта-катта ҳарфлар билан “Ўқитувчи маст ҳолда дарс ўтишга уринди”, деб илова қилдим.

У қўлимдаги дафтарни юлқиб олиб, лапанглаганча директор хонасига чопди. Ана энди қиёмат қўпади деб шунча кутдим, ҳеч ким мени йўқламади. Ўйлаб кўрсам, ўринбосарига шишадош директор ўша пайтда бадмастлиги сабаб “балодан ҳазар”, деб менга юзма-юз келишни хоҳламаган экан.

Эртаси куни шахсан мактаб директорининг дарсига кирдим.

У кишида ҳам эга кесимга тўғри келмас, ичмаган бўлса-да, калласи ғум экани аниқ эди.

Дарс қандай ўтилган бўлса, шундайлигича таҳлил қилиб ёздим. Аммо Тўрақул амаки имзо чекмади. Дафтарга нари-бери назар ташлаб, кўзлари бўғизланган ҳўкизникидай олайди, бутун мактабни бошига кўтариб:

– Йўқо-ол! Пе-ес! Падарингга лаъна-ат! – деб бўкирди...

\* \* \*

... Мен кимлигимни эсдан чиқариб қўйган эканим...

\* \* \*

### **9 февраль**

Акажон!

Сизни ғазал мулкининг султони Навоий ҳазратларининг таваллуд кунлари билан қутлайман! Ижод аҳлига руҳлари мададкор бўлсин!

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!*

Қаранг, бундай аччиқ танбеҳ айтиш учун шоир қанча азият чеккан экан-а! Биз-ку, оддийгина қора халқ вакилимиз, шунда ҳам кўнгилчамиз гунафшадан нозик. Ана энди Навоийдай даҳонинг зариф дилини тасаввур қилаверинг...

Акажон, синглингизнинг ғўра гапларидан кулмайсиз-да энди...

\* \* \*

### **11 февраль**

Шоира опамдан хабар олгани шаҳарга бориб, маҳалла бошида курсдошим Сарвинозни кўриб қолдим. Шалдир-шулдир қиз эмасми, бирпасда олам-жаҳон гапни тўкиб ташлади: ўзи бир футболчига турмушга чиқибди, битта ўғилчаси бор экан – исми Миржалол. Эри терма жамоага номзод эмиш, уни ўйинларини кўргани шаҳарма-шаҳар маза қилиб юрганмиш. Аҳад деган менинг собиқ ошиғимнинг хотини шу баҳорда учинчи қизини туғибди. Агар яна қиз туғаверса, ажрашмаган номард деб қасам ичганмиш. Дугоналаримиздан Гулбаҳор билан Мунира Дубайга қатнаб, бойвучча бўлиб кетишибди, бировни бир тийинга арзитмасмиш. “Ву-уй! Кўрсанг, аптини! Иккови кимўзарга кийинади. Кўрсанг, машинасини! Юлдуздаям йўқ бунақаси!”

Кейин, табиийки, мавзу Олмосга кўчди. У қайнотасининг ҳомийлигида шаҳарнинг қоқ марказида хусусий дорихона очиб,

гуллаб-яшнаб, хотини билан бахтиёр яшаётган экан...

Сарвиноз кайфиятим ўзгарганини кўриб, “Уэр, Бонужон, унинг уйланганидан хабаринг йўқмиди?” деб хижолат чеккан бўлиб, шоша-пиша хайрлашдию ошиқиб жўнаб қолди.

Олмос...

Орамизга қуюқ туман тушиб, кўздан йироқ – кўнгилдан нари бўлган эсак-да, ҳар замон телефонда гаплашиб турардик. Лекин ҳеч қачон ўз ҳаёти ҳақида оғиз очмасди.

Бир куни у хотини ҳомиладорлигини, яқинда ота бўлишини айтиб қолди. Мен бундай муҳим хабарни бамайлихотир, шунчаки кўча-кўйнинг гапидай айтаётганидан жуда тонг қолдим. Ахир, “хотиним” деяпти, демак, қачондир уйланган, лекин мен бундан беҳабарман. Ҳолбуки, боя ёзганимдай, кўнғироқлашиб, гаплашиб турамиз, кўнгил узилган бўлса-да, муомалани узганимиз йўқ.

Аёли оғироёқ экан, демак, никоҳ тушганига анча вақт бўлган. У шунча гапни қандай қилиб қорнига сиғдириб юрдийкан? Бутун бошли тўй бўлади-ю, тақдирини ким биландир боғлайди-ю, менга билдирмагани ва яна фарзанд кўриши ҳақида кўз танишига айтаётгандай, шунчаки қистириб ўтиши... кўнглим кўзгусининг соғ жойларини ҳам чилзарра қилди.

Танамга ўйлаб кўрсам, рост-да, мен унга ким бўлибманки, менга ҳисоб берса, тўй-тўйчиғига таклиф қилса. Биз шунчаки тасодифан поезднинг бир купесига тушиб қолган ва маълум манзилгача ёнма-ён кетишига тўғри келган йўловчилар эдик холос. Бунақа пайт одам азбаройи зерикмаслик учун йўлдошига такаллуф қилади, қизиқ ҳикоялардан сўйлайди, балки, ул-бул тановул ҳам қилишар, эҳтимол, суҳбатлари соз тушиб, бир-бирларига кўнгиллари илигандек ҳам бўлар...

Алалоқибат, вақт ҳукми билан бири ўз манзилида тушиб қолади ёки иккаласи ҳам бир бекатдан икки ёққа қараб жўнайди...

\* \* \*

## *12 февраль*

Орадан бир ойча ўтиб Олмос қизли бўлгани, исмини Гулбаданбегим қўйганини айтди.

Телефонини ўчирмасдан ётоғига кирди, қизини атай йиғлатиб, овозини менга эшиттирмоқчи бўлди. Йиғлатди... қайтиб-қайтиб сўради:

– Эшитдингизми Гулбаданбегимнинг овозини, эшитдингизми?!..

Унинг қувончи еру кўкка сиғмасди... Бироз ўтиб хотинига телефон тутди: бахтли онанинг хуррам овози янгради... Мен лолу карахт эдим. У томондан келаётган табрикталаб такаллуфларга нима деб жавоб қайтарганимни билмайман.

Хаёлимда битта савол: у хотинига мени ким деб таништирган экан? Иссиқ жон, аёл зоти рашксиз яшолмайди, ким ўзи у, деб чимрилгандир, аразлаб, аччиқ-тизиқ гап қилгандир. Шунда... эй худо, менинг Олмосим кейинги пайтда дийдоримдан келишиб тушган суратимни кўрсатиб, “Манави қиз-да, шунданам қизғанасанми, асалим, гулим, кўзгуга бир қара, сен киму у ким?!” деганмикан?

Деган, албатта, шундай деган...

Телефондан келаётган овозлар жарангидан бошим айланиб, кўзимдан ёш чиқиб кетди...

Узоқ ўйга толдим... Шу ҳолат бошқача ҳам бўлиши мумкин эди... Афсус...

Биласизми, қайғу, азоб, қийноқ, ғусса, алам, дард, ғам, изтироб...ларнинг фақат ўзига хос туйғуси бўлади. Мен санаб ўтилган кадарларнинг ҳар бирини қайта-қайта бошдан кечирганман. Аммо ҳозирги ҳолатимдаги ситам ҳеч қайси андозага тўғри келмасди.

Мен ҳеч кимни айблай олмайман...

Мабодо Олмосга турмушга чиққанимдан кейин манави касофат дард қалқиб чиқса нима бўларди? Бир йигитни, гулдек йигитни илк турмуши барбод бўлиб, боши эгилиб қолмасмиди? Агар худо фарзанд ато этгандан кейин бу касалликни манглайимга битса, унда-чи? Балки, Олмосдек йигит фарзанди камолини ўйлаб, тақдирга тан бериб, умрини хазон қилишга кўнар... Бола-чи? Бола бечора ҳаёти давомида мендан уялиб, ўртоқларидан ажралиб, ор ва номус ўтида куйиб ўтармиди? Ё худо, ўзингга шукур! Вақтида берган дардингга қуллуқ!

Аммо хаёлимга келган истиҳола шуки, айнан мана шу мулоҳазани Олмос ҳам кўнглидан ўтказиб, Тангрининг иноятдан масрур бўлиб, тўрт мучаси соғ жуфти ҳалолини бағрига босиб, қайта-қайта шукроналар келтирмасмикан?

Келтиради!..

Кўнглига келтиради...

Шукрона келтиради...

Шу куни ҳаёт менсиз ҳам жуда гўзаллигини ва мендан кейин ҳам кам бўлмаслигини тушуниб етдим...

Болажоннинг маъсум чинқириғию ота-онасининг шодумон кулги аралаш қилган завқли хитоблари бир неча кун қулоқларим остида қайта-қайта жаранглайверди...

Шу кундан қаерда жужуқларни кўрсам Олмоснинг боласи ҳам шунча бўлиб қолгандир, улғайгандир, ота-она бўйига қараб суйиниб ўтиргандир, деб қараб қоламан...

\* \* \*

### *13 февраль*

Мактабдан кетганимга ҳамма мени масхара қилаётгандек, ҳамма устимдан кулаётгандек...

Ота-оналар мени кўрсатиб, “олабўжи”, деб болачоқларини кўрқитиб, “Агар вақтида юз-қўлингни ювмасанг, овқатингни емасанг, биз айтган пайт ухлмасанг ана шунақа бўлиб қоласан” каби пўписалар билан “тарбия” қилишаётгандай туйилади. Мен бунга кўникишим шарт, парво қилмаслигим керак, дейману, барибир асабийлашиб, жирраки бўлиб боряпман.

\* \* \*

Ўртанча опамнинг даласига бориб ғўзапоя ўришиб, шомга яқин уйга қайтсам, айвонда онам бир киши билан гаплашиб ўтирибди. Мени кўриб иккови ҳам ўрнидан турди. Меҳмонга салом бериб, ичкари йўналгандим, у йўлимни тўсиб, онамга терсайиб қараб:

– Кўряпсизми, хола, бунингиз биздақаларни одам ўрнида кўрмайди, итмисан, эшакмисан демайди, – деди димоғида аламзада оҳангда.

Қарасам, ўша бетинг қурғур Юсуф ароқ ҳидини гуркиратиб менга қараб иршайиб турибди. Бир қадам ташлаган эдим, йўлимни энди онам тўсди:

– Қизжоним, сени одам билиб йўқлаб кепти Юсуф аканг. Сўраш, ўтир, ҳангама қилинлар, ҳарна акангни жўраси...

Мен “акамнинг жўраси”га тик қараб, худди кечагина кўришгандай:

– Ҳа, Юсуф ака, нима дардингиз бор яна? – дедим.

У хушёр тортиб, аста кўрпачага чўқди:

– Ўзим, шундай, тинчлик, – деди хомуш тортиб.

– Бўпти бўлмаса, тинчлик бўлса... Акам Россияда, гапингиз бўлса, телефонда улаб берай. Ўзингизда рақами йўқдир ҳойнаҳой, – деб яна қалампир сепдим.

У бирдан ерга тиз ташладию тўсатдан ҳўнграб йиғлаб юборди:

– Сен ҳам одаммисан, Бонужон? Сендаям юрак борми-я, Бонужон? Севаман дедим, ишонмадинг, шарманда қилдинг... – у энди онамга қараб мастона йиғи аралаш сўзлай кетди. – Онажоним, шу асов қизингиз учун жонимдан кечаман! Кечганманам! Айтинг, менга тегсин! Кўрасиз, қизингизни бахтли қиламан!

Кўз олдим қоронғилашиб, деворга суяниб ўтириб қолдим. Бу нимаси? Шу аҳволимда-я?! Йўқ, бу мени масхара қиляпти. Қалайсан энди, етган жойинг шу экан-ку, демоқчи. Ич-ичимдан бир вулқон отилиб келаётган бўлса-да, ўзимни қўлга олиб, хотиржам гапиришга уриндим:

– Юсуф ака, кайфингиз эрталабгача тарқайди, айтган сўзларингиздан уялиб қоласиз. Менга сизнинг раҳм-шафқатингиз, мурувватингиз керак эмас. Боринг, эркаги йўқ уйга кириб ўтириш яхшимас. Шу гапларингизни агар эртага саҳар келиб ҳам такрорласангиз, унда ўйлаб кўраман!

Онам бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтладию қўл силтаб қўяқолди. Юсуф шалвираганча кўчага чиқиб кетди.

\*\*\*

### *16 февраль*

Маълумингизким, камина мактабдан “ковушим тўғриланиб”, ғирт бекорчилар сафида пешқадам эдим.

Ишсиз киши кўчада ётган гувалага ўхшайди – ўтган одам ё қоқилади, ё бир тепиб ўтади.

Бекордан худо безор, бирма-бир опаларимнинг уйига бориб хўжалик ишларига қарашган бўлдим.

Барчиной опам қабатига болаларини олиб, енг шимариб шўрданак қилаётган экан. Болалигимизни эслаб апоқ-чапоқ қаймоқлашиб, учта саватни тўлдирдик.

Сиз бу юмушни билмасангиз керак. “Фойдали маслаҳатлар” кўрсатувида айтадигандек, бунинг учун бизга ўрик данаги, ғишт, тешача, шўрсув ва албатта қозон керак бўлади. Ғиштга данакни қири билан тик қўйиб, тешача билан оҳиста урасиз. Зарб шундай маромда бўлиши талаб этиладики, данак оғзи “қирс” этган қисқа товуш билан нимтабассум ёрилишига эришиш лозим. Акс ҳолда қўлингизда ё мағзининг ўзи, ёки мажақланган қолдиқ қолади.

Биз болалиқдан бу ишнинг ҳадисини олганмиз. Ёз чилласи кирган пайтлари аммамнинг каттагина ўрикзор боғида уруғ-аймоқлар ҳашарга йиғилардик.

Йигитлар челақлаб-челақлаб супага тиллатоб ўрикни уяверади, биз оналаримизга ёндош ўтириб аввал ўрикнинг данагини ажратиб чойшабга ташлайверамиз. Шилта данаклар оқар сувда обдон ювилганидан кейин уч-тўрт соат жавзо қуёшида селгитилиши керак. Ана ундан сўнг қўлимизга яраша тешача олиб, “чақ-чуқ”ни бошлаб юборамиз.

Мен уёқ-буёқни ахтариб, ўтган йилги ҳашарда сандонлик қилган ғиштлардан бирини топардим, унда бошига теша еган данаклардан ўзига хос чуқурчалар бўларди.

Маза, қолипга солинган данак “қочиб” кетолмайди.

Бу ҳашарнинг гашти шундаки, аёллар ўтган-кетгандан ривоятлар айтар, оқшомда ваҳимали ҳикоялар авж олар, эркаклар қозон-товоққа баковул бўлиб, дошқозонда ўрикқиём, ўртамиёнасида ош пиширишарди.

Аммамнинг инжиқлиги сабаб шўрданак сархил чиқарди, харидори кўп эди. Биз қизалоқлар эса қариндошлар бир жойда жам бўлганидан хурсанд, ҳар хил ўйину эрмак ўйлаб топардик.

Бу ўйинларда тоғам Ботир шалайим даврамизга қўшилиб олар, оналаримизга шикоят қилиб, “Самовару самовар, самоварда ҳамма бор. Шунча қизнинг ичида Ботиржонга нима бор?” деб уни кулгига олсак-да қийшанглаб тураверар, анча бетаъсир бола эди.

\* \* \*

## 19 февраль

Бир куни кечқурун ўша Ботир тоғам Москвадан телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўради. Онам унга:

– Ёнингда иш бўлса, Бонуни ҳам чақир, ҳаво алмаштириб, ишлаб келсин, ҳарна чалғийди, – деди “маъқулми”, дегандай мен томонга бош ирғаб.

Тоғам айна иш борлигини, зудлик билан учоққа минсам, Москвада ўзи кутиб олишини айтиб қолди.

– Ҳа, менга қолса, тоғангни ёнига борганинг дуруст. Қачондан бери сени сўрайди, тайинли одам, қийналмасанг керак, – деди онам менга синовчан боқиб. Онамдан бундай маслаҳат чиқишини кутмаган эдим. Юзимдаги ифода ўзгаришини сизди шекилли, – кўряпсану, бизда маошнинг баракаси йўқ. Тоғанг ойда бўлмаса, ой оралатиб тузуккина пул жўнатяпти. Шу пиёнистаки шунчалик жамғараётган экан, сендай тишли-тирноқли қиз рўзғоримизни оёққа қўйсанг ажабмас. Тоғанг билан ишинг ўхшамаса, акангниям қўли тош орасидамасдир, – деб қўшиб қўйди.

– Кетсам сизга ким қарайди?

– Мен ўз кунимни ўзим кўраман. Ҳеч кимга оғирлигим тушмайди. Нафақам ўзимга етади. Сенинг муаммоларинг кўп. Жойингни топиб узатиб, тинчитмасам, икки кўзим орқамда кетади, – деди дарров йиғламсираб.

– Менсиз қийналиб қоласиз, онажон, – дедим-у, ичимда онам ҳақ эканини ҳис қилдим.

– Йўқ, болам, опаларинг хабар олиб туради, мендан хавотир олма, – онам энгларини қовоғига босди.

Рост гап, бу ерларда хунук кўриниб юргандан кўра олисга, бегоналар орасига кетганим аъло.

Очиғи, сизга ҳам таниш бўлиб қолган муҳитдан батамом безиллаб бўлгандим.

Кетай, “Ҳувайдо” бобомдай бош олиб кетай, манглайда бўлса бир кунимни кўрарман, бўлмаса пешонадан... Ҳечқурса, уч-тўрт танга топиб, онажонимнинг жонига ора кирарман, опаларимга, Шоира опамга қарашарман. У ёғига худо пошшо...

Таваккал деб чиптани олиб, мусофир тўнини бичиб, ҳозирлик

кўра бошладим.

Йўлга чиқишимдан бир кун олдин “сафар оши” бериб, опалар, жияну поччалар, амаки, аммалар билан хўшлашдик. Қариндошлардан шўрданакчи аммам норози бўлганди, онам:

– Ишласин, ҳозир вақти бор, ўзини даволатсин, акангиз мозоридан туриб қайтиб келмайди бунга қайишгани, – деб қайириб ташлади...

Шу билан ҳамма тилини тишлади...

Мен йўлга отландим...

Поездга чиқиб жойлашиб олганимдан кейин Олмос билан хайрлашиш мақсадида қўнғироқ қилдим. Телефонни хотини Ҳилола кўтарди. Ноқулай қолиб:

– Олмоснинг курсдоши бўламан, Тошкентдан қўнғироқ қиляпман, – деб ёлғон гапирдим.

Қизчасини бешикка белаётган экан шекилли:

– Ҳо-зир, ҳози-и-р, ну-ну-уш, эгалари келди, бабалари ке-етсин, бир дақиқа-а, – деди-да, телефонни ўчирмасдан хўжайинини чақирди.

Билмадим, Олмос қандай юмуш билан банд экан, ҳадеганда келавермади. Бироздан кейин Ҳилола:

– Олмос акам уйда йўқ эди, келса айтаман, сизга телефон қилади, – деб жавобимни кутмасдан ўчириб қўйди.

Кўнглимдаги милтироқ шам ҳам бир қалқинди-да ўчди...

Поезд жилгандан кейин бир оз вақт ўтиб Олмос қўнғироқ қилди.

Узр сўрадим:

– Телефонни Ҳилола кўтарди, Олмосни курсдоши бўламан дедим. Ишқилиб уришиб қолмасангиз бўлди, – дедим.

– Ҳеч нима бўлмайди, хавотир олманг. Нима гап, тинчликми, қуёш қаёқдан чиқибди?

– Кетаётувдим... шунга...

– Ҳа, яхши-ку, қаёққа, ким билан? Айланганими ёки даволанганими?

– Бир ўзимман. Поездда, Москвага кетяпман. Хайрлашгани телефон қилгандим.

– Нима?! Қаерга? Бир ўзингиз? Жинни бўлдингизми? Нима қиласиз Москвада? Бегона жойга маҳрамсиз чиқасизми? – саволлар қалашиб кетди.

– Маҳрам?.. Мен рухсат сўрагани эмас, хайрлашиш учун қўнғироқ қиляпман.

– Кетмайсиз дедимми, кетмайсиз! У ерларда... кимингиз бор?

– Менга ишонмаяпсизми? Бошқа йўлим йўқ, мусофирчиликни ҳам бир кўрай... Хайр, соғ бўлинг!

Яна қайтиб сим қоқди.

– Сизга ишонаман, бироқ уларга ишонмайман! У ер сизга Ўзбекистон эмас, – деди. – Мени десангиз чиптани йиртасиз! Биринчи тўхтаган станцияда тушиб, ўша ерда кутиб тулинг, кечки поезд билан бораман. Иш топаман, ишлайсиз! Ўзим ёрдамлашаман... Тушинг поезддан, – деди куйинчаклик билан.

– Мен ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмасман энди. Сизни кўп кутганман. Бошқа кутолмайман...

– Охирги маротаба...

– Поезд кетиб бўлди, Олмос, анча бўлди, – дедим...

Телефоним қуввати тугаб, “тинг-тинг” этиб... жон берди...

\* \* \*

## *22 февраль*

Йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб, тўрт кун деганда Қозон вокзалига келиб тушдик.

Ваъдага биноан тоғам кутиб олди.

Онамга соғ-омон етиб келганимни айтиб қўйиш учун қўнғироқ қиламан, десам:

– Икки кундан бери МТС ишламаяпти. Банкрот бўпти, – деди.

Мусофирчиликда эшитган дастлабки совуқ хабарим шу бўлди. Миямга келган биринчи фикр – “Олмосни қандай қилиб топаман энди?!”

Москва ҳам кўзимга рангсиз суратдай кўриниб кетди...

Тоғам билан бир шаҳарчага келдик. Шу ердан сим қоқиб, онам билан гаплашдим.

Шундан кейин ҳар кун эрталаб биринчи бўлиб онамга қўнғироқ қилишга аҳд қилдим. Ахир бу ёруғ дунёда волидамдан бошқа кимим қолди?

\* \* \*

## 23 февраль

Компания қайтиб тикланмади...

Олмоснинг бошқа рақами йўқ эди...

...Қачон Олмосни кўргим келса, суҳбатини соғинсам, у билан боғлиқ хотиралар муҳрланган, ўқийверганимдан ёд бўлиб кетган кундалик дафтаримни такрор-такрор варақлардим...

Энди танишган вақтларимиз ўқишдан чиқиб, кўпинча Шоира опамнинг уйигача пиёда келардик. Шундай сайрлардан бири яқунланиб, хайрлашаётганимизда қўлимдаги китоб орасидаги дафтарча ерга тушиб кетди. У чаптастик билан дафтарчани ердан олдию қизиқсиниб очиб кўрмоқчи бўлди. Мен қўл узатиб:

– Илтимос, очманг, – дедим.

У ранжиб:

– Мендан яширадиган сирларингиз бор экан-да, – деб аразлади.

– Йўқ, сирим йўқ, – дедим кулимсираб.

– Унда нега яширяпсиз? – деди баттар аччиқланиб.

– Хўп, топинг-чи, нимани яшираётган эканим?

– Билмасам, балки, ким биландир ёзишмаларингиз бордир-да, – у тамом тумтайиб олди.

– Майли, шунчалик бўлса, ўз ижодингизга қизиқсангиз...

– Ижодим?

– Ҳа-да, очиб ўқинг, бўлар иш бўлди...

У дафтарни ботинмай очдию варақлаган сари чехраси ёришиб бораверди: мен ундан келган СМСларни битта қолдирмай кўчириб олган эдим:

– Шундай асраяпман ҳар бир сўзингизни...

– Сизники ҳаммаси телефонимда турибди, – деди у чўнтагига мамнун шапатлаб.

Ана шу дафтарни ўзим билан доим олиб юрардим...

Мана, бир ёзишмадан кўчирма:

У: “Чинакам ошиқ ва маъшуқа кўз билан қўлга ўхшайди, Бонужон...”

Мен: “Нега? Қанақасига?”

У: “Кўздан ёш силқиса қўл уни артиб сийпалайди. Агар қўл оғриси,

кўзга ёш келади...”

Мен: “Қойил... Қанийди шундай бўлса...”

\* \* \*

## *24 февраль*

Тоғам ўрмоннинг ўртасидаги бир қаровсиз қўрғонга “хуш келибсан”, деб етаклаб кирдию дарров иштиёқ билан кафтини кафтига ишқаб, хушнуд кайфиятда шўрва солди. Мен уйларни супуриб-сидириб, уюм бўлиб ётган кийим-кечакларини ювдим.

Ҳамқўрғон болалар ишдан қайтишди. Биргалиқда чой ичдик.

Тоғам йигитларга:

– Бу мени жияним, сизларнинг опаларинг бўлади, бирорта ортиқча гап эшитмай бирортангдан, – деди ҳукмфармо оҳангда...

Беш эркак ичида ўтириб овқат егандай ҳам бўлмадим. Идиш-товоқларни йиғиштириб-ювиб, ҳордиқ олгани тоғам кўрсатган хонага кирдим.

Бирдан дилимни ваҳима қоплаб олди: бундан кейинги қисматим нима бўлар экан? Бу ерда мени ҳимоя қила оладиган ким бор? Тоғамни обрўси унинг гапига йигитлар майнавозчилик билан ўзаро кўз уриштирганидан маълум.

Нега Олмоснинг таклифини қабул қилмадим? Унинг жонкуярлиги сохта кўриндимми? Сўз оҳангида мен узоқлашиб кетаётганимдан хурсандлик аломатини сездимми? Ё у батамом бегоналигини энди узил-кесил тушуниб етдимми?

Эртага мени нималар кутяпти?

Кўз олдим туманлашиб кетди.

Келажагимда тумандан бошқа ҳеч нима кўринмаяпти...

\* \* \*

## *1 март*

Ассалому алайкум, акажон, саломатмисиз? Баҳор муборак!

\* \* \*

...Ниҳоят ўргимчак ипидек чувалган тонг отди...

Нонушта қилиб бўлгач, тоғам болаларни ишга жойлаб келиш учун кетди. Ошхонани тартибга келтириб, тушлик тайёрлаб қўйдим.

Тоғам келгач, ариқдан сал каттароқ ирмоқ ёқалаб шаҳарчага тушдик. Мўлжалга етиб келгунча кун қиёмдан ошди.

Бир дўкон хўжайини аввал “Иш йўқ”, деб тихирлик қилиб турди-да, сўнг менинг ўрисчалаб бемалол гапираётганимдан қониқиб дастёрликка олди...

\* \* \*

## *2 март*

Иккинчи курсни тамомлаб, таътилга чиққан кунимоқ Икромиддин акам:

– Қўлинг бўшагани яхши бўлди, Бону, Тошкентга шойи матолар кўргазмасига опанг билан бориб қатнашиб келасан, – деб қолди.

Кутилмаган таклиф-топшириқ мени шошириб қўйди: Тошкентга-я, кўргазмага-я! Маза-ку!

Саккиз-тўққиз ёшимда дадам пойтахтда бўладиган курсдошлари учрашувига мениям олиб борганди. Биринчи таассурот: музқаймоқнинг кўплиги... Қишлоғимизга кун қизиганда келадиган Фахриддин бўтқа деган музқаймоқфуруш юпқадан пиширилган жигарранг катак-катак нонпиёлага наридан-бери суриб берадиган “яхшири лазиз”ида сут билан шакардан бошқа ҳеч нарса бўлмасди.

Тошкентда оёқли косачага тўлдириб бериладиган қаймоқли, шоколадли, мевали музқаймоқ чинакам роҳати жон эди. Кейинчалик Бухорода ҳам минг турли музқаймоқлар пайдо бўлди. Лекин “Мовий гумбазлар” деб аталган емакхонада дадамнинг завқига завқ қўшиб икки косачани бўшатганимдаги мазани бошқа ҳеч тополмадим.

Иккинчи таассурот: курсдошларнинг олашовур байрамидан сўнг Марказий катта дўконга кирганимиздаги қувончим. Бу ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ, қўғирчоқ қўнғир айиқчадан тортиб яшил тимсоҳгача, қулоч етмайдиган глобусдан онам ёқтирадиган гиламларгача... тиқилиб ётибди. “Ҳаммасини уйга обкетайлик, Мирхонд хурсанд бўлади”, десам дадам чаккасини қашлаб, синиқ кулимсираб, бахмал дўппили курсдошига қараб қўйгани ҳам эсимда.

Тошкентга Сужи ҳам борадиган бўлди. Атласу адрас ортилган “Нексия” да йўлга чиқдик.

Янги Тошкентни кўрганда уйғонган илк таассурот шу бўлди: кўча-кўйдаги ёзувлар, ресторан, дўконларнинг пештоқидаги битиклар аксари ё ўрисча, ё европача тилда экан. Бу ҳолдан Сужи ҳайратга тушди:

– Нега одам ўзини ҳурмат қилмайди? Онасини ҳурмат қилмайди? Она тили дейсизлар-ку...

Иккинчиси ҳам биринчисига боғлиқ: кўргазмадан кейин менинг илтимосим билан ўша Марказий дўконга бордик. Ичкари кириб эшик ёнидаги соат растасида телефон ўйнаб ўтирган малласоч қиздан сумкалар қаерда сотилишини сўрадик. У нигоҳини телефондан узмай, улама киприкларини пириллатиб елка қисиб қўяқолди. Мен саволимни яна қайтардим, сотувчи бу сафар ўрисчалаб “Мен соат сотаман”, деди истар-истамас. Меники тутди:

– Менга қаранг, хоним, – дедим мен ҳам ўрисчалаб, – давлат тилига шуми ҳурмат? Мижозга шуми эътибор? Муомала маданияти деган ибора сизлардан чиққан эди шекилли?

Менга алам қилгани, шунча жон койитиб жавраб ётибман, қизгина итмисан, эшакмисан деб бош кўтариб қараб қўймайди. Фақат “Нари кет, йўқол, бошимни қотирма”, деган маънода тамаки тутунини ҳайдагандай қўл қоқди. Қарасам, сўз қўшмай турган Шоира опам чала пишган гилосдай қизариб-бўзариб кетибди. Учовлон ғазаб отига миниб, адолат ўрнатиш учун дўкон эгасини излаб кетдик.

Иккинчи қаватга кўтарилиб, ҳашамдор қабулхонага кирдигу, у ерда ҳам фиғонимиз фалак бўлди: мактаби бир шекилли, котиба қиз сотувчининг муомаласини айнан такрорлади. Бизни бошлиққа рўпара қилиш тугул, тезроқ қутулиш пайида “Ҳозир тушлик бошланади, уч-тўрт соатдан кейин хабар олинглар”, деб эшик томон қисиб келаверди. Шу пайт бахтимизга кабинетдан салмоқланиб раҳбар чиқиб қолдию бирдан котибанинг попуги пасайиб, вазиятни мулойимгина қисқача изоҳлаб, жойига бориб ўтирди. Дўкондор киши беҳаё, қаттиқ нигоҳи билан учаламизга бош-оёқ сўзсиз қараб чиқди. Сўнг ўрисчалаб:

– Қайси қишлоқдан келдинглар? Нима керак сенларга? Нима муаммо? – деди ижирғаниб.

Мен бўлган гапни ҳаяжондан тутилиб-тутилиб ўзбекча тўкиб солдим. У менга гезариб қараб:

– Миллатчимисан? Ирқчимисан? Биласанми бунинг учун қанча беришади? Тезда пастга тушиб, Дилфузкадан узр сўрайсан! – деди пишқириб.

– Дилфузка? Ўзбекми у ҳали? – деярили ўкириб юбордим.

– Нима деб ўйловдинг? Русчани фақат Россияда гапиришадими? Менам ўзбекман... – деб котибасига юзланди, – анави Ички ишлардаги террорга қарши бўлим бор-ку, оти нимайди, майор Гаппаровмиди раҳбари, рақами неччийди, – у қўл телефонини кўзига яқинлаштириб, бош бармоғи билан сийпалаб қидирув бошлади.

– Отангга раҳмат сенларни! Кечирим сўрасам, кўнглинг жойига тушадими? Юр, узр сўрамаган номард! – бу гал негадир сўзларим лўнда-лўнда, хотиржам чиққанига ўзим ҳам ажабландим.

Дўкондор ҳафсала қилмадими ё одам йиғилишидан чўчидими, ҳарҳолда, Сужининг ҳайратдан имкон доирасида думалоқлашган кўзларига бир-икки назар ташлаб, “Ҳа, эсизгина одамлар”, дегандек бош чайқаганча хонасига кириб кетди.

Биз котибанинг истехзоли табассуми остида серрайганча қолавердик.

\* \* \*

#### ***4 март***

Биринчи иш куним бошланди.

Вазифам – бўшаб қолган расталарга маҳсулотларни пешма-пеш жойлаштириб туриш.

Супермаркетда кечки навбатчиликда тўртта ўрис хотин ва бир эркак қоровул, хоразмлик Шакаржон опа деган қувноқ аёл, Маҳмуд исмли юртдош амаки ва тожикистонлик бир йигит ишларканмиз.

Биринчи иш туним ёмон бошланмади. Шакар опа ва тожик йигит бу ернинг одати, шарт-шароитини эринмай ўргатишди. Кашандалигини ҳисобга олмаганда ўрислар ҳам ёмон эмас эди. Меҳнаткаш, хулқи ҳам нисбатан бузилмаган.

Дўконнинг биргина ёмон томони – бошингиз устида кузатув камераси худди аллақандай баҳайбат махлуқнинг якка кўзидай

чақчайиб кузатиб туради. Ўзингга тўғри бўлсанг бўлди-да, дейсизми? Дўконнинг камерасидан қўрқасану, худонинг “камера”сидан нега чўчимайсан? Ҳа, бунақа саволлар кўп, лекин инсонмиз-да, назоратни ёмон кўрамиз...

Кечки иккидан ўтгандан кейин уйқу босиб, кўзимни очирмай қўйди. Аҳволимни кўрган Шакаржон опа ҳали аччиқ қаҳва дамлаб беради, ҳали бориб юзимни совуқ сувда ювиб келишни буюради. Ухлаб қолмаслик учун тўхтамасдан ишлаб, ўрислардан ҳам олдин вазифамни битириб қўйибман.

Бригадир келиб текшириб чиқди: камчилик йўқ.

Энди чой ичгани ўтирган ҳам эдимки, Маҳмуд амаки келиб ҳали ишим тугамаганини айтиб, нариги бўлмага олиб кетди. Яна ишни давом эттирдим.

Бир вақт Шакаржон опа келиб амаки билан жанжал бошлади. Амаки ўзининг ишини менга қилдираётган экан. Бригадир амакига жарима солди. Маҳмуд амаки келиб менга:

– Бориб бригадирга айт, мен бунга ўз ихтиёрим билан ёрдам беряпман, дегин, бўлмаса ёмон бўлади, – деди.

Бу гапни эшитиб қолган тожик бола шундайлигича бригадирга етказибди... Хўжайин яна амакининг бошига ғадаблаб келди. Вазиятни юмшатиш учун:

– Ўзим иш сўрадим ухлаб қолмаслик учун, – дедим.

Жарима олиб ташланмади. Амакининг кўзига балодай кўриндим. У:

– Ойлигингдан 700 рубль берасан, сен сабабчи менга жарима солганига, – деди мушт дўлайтириб.

– Ҳай, ойликкача борайлик қани, бир гап бўлар, – деб қўйдим...

Иш тугади. Тонг отганига хурсанд бўлиб кетдим. Ҳозир уйга бориб мириқиб дам оламан.

Чарчоқ чиқариб, бу кеч қийналмай ишлайман насиб бўлса...

Тоғам келиб мени олиб кетди.

Йўл-йўлакай бозор-ўчар қилиб, ўрмон оралаб қўрғонга жўнадик.

\* \* \*

**5 март**

Йўлда тоғам икки танишини кўриб қолиб, қўярда-қўймай меҳмонга таклиф қилди. Улар зарур ишлари борлигини айтиб узр сўрашганди, астойдил ранжиб:

– Жияним шунча йўл босиб келган, ватанни ҳурмати йўқми? Гап битта, тушликка ош қиламан, ўтасизлар, – деб важ-корсонга ўрин қолдирмади.

Мана сизга ўзбекчилик, мана сизга манзират! Бурнимдан тортса қулайдиган даражада ҳолдан тойганман, оёқларим ўзимга бўйсунмайди...

Тоғамга меҳмоннавозлик ташвишини қўйиб, кириб ухлашни ўзимга эп кўрмадим. Меҳмондўст жигарим бўлса қўноқларни қандай қилиб кутиб олиб, расамадида кузатишдан бошқа нарсани хаёлига келтирмасди.

Тоға-жиян ошга уннаб кетдик. Сабзи-пиёзларни арчиб, тўғраб тайёрлаб бердим. Тоғам:

– Гапир, жиян, қишлоқдан гапир, ким ўлди, ким қўйди, айт. Нимага ҳурпаясан, чақчақлаш, нега нос отган кампирдай жи-им ўтирасан? – дейди холос.

Танаси бошқа шу экан-да. Ўзига-ўзи жавраб-жавраб, капгирни қўлига олди. Мен ҳамма жойни ювиб-йиғиштириб, дастурхон тузадим.

Қўрғонга ичимлик сувини ташиб келтиришаркан. Тоғам билан пиёда бориб тўрт челак сув олиб келдик.

Дастурхонга мен уйдан олиб келган қовун, шафтоли, узум ва нон қўйилди.

Қуёш шиша бўйи кўтарилганда тамом силлам қуриб адо бўлдим. Ахир ўн тўрт соат тик оёқда ишлаган одам яна қанча бардош бериши мумкин?

Хонага кириб, ёстиққа суяниб ухлаб қолибман...

Бир пайт батанг мусиқадан чўчиб уйғондим. Чиқсам, тоғам хоразмча қўшиққа жиблажибонга ўхшаб муқом қилиб, илжайиб-тиржайиб ўйинга тушяпти. Ҳайрон бўлиб турсам, томдан тараша тушгандай билагимдан ушлаб, рақсга тортиб қолди. Астаффируллоҳ!..

Йиғлаб юбормаслик учун лабимни қаттиқ тишладим... Ҳеч нима демай қўлимни шарт тортиб, хонамга қайтдим-да, ўраниб ётиб олдим. У бостириб кириб, шахд билан устимдан кўрпани юлиб отди:

– Тур, ўйнаймиз!

Димоғимга ичилган винонинг қўланса ҳиди урди.

– Қаерда кўргансиз ўйнаганимни? Мен сизга циркдаги масхарабозманми?! – дедим йиғи аралаш ўшқириб.

– Қайсарлик қилма, тур! Тур ўрнингдан, – деб яна қўлимдан ушлади.

Жон ҳалпида тепиб юборибман. Бироз туриб ўзига келди-да, яна совуқ ишшайиб:

– Тур, ош пишди, ҳозир аймақлар келади, – деди.

– Мен ҳеч кимни таклиф қилмаганман, мени аймоғим ҳам йўқ бу ерларда, ҳаммасини отам билан бирга кўмиб келганман, – деб бақириб-бақириб айтдим, телевизўрнинг симини суғуриб ташлаб, жойимга ётдим. У бир зум гарангсиб турди-да, кейин ночор чиқиб кетди.

Қани энди уйқу келса...

\* \* \*

Биринчи курсда ўқиб юрганимизда шаҳарлик бир қизимиз турмушга чиққанди. Курсдошлар совға олиб, сўзга тайёрланиб, ният қилиб тўйга боргандик. Олмос қўнғироқ қилиб қаердалигимни сўраб қолди. “Биз тўйдамыз, гапларингизни эшита олмаяпман, уйга боргандан кейин қўнғироқ қиламан”, деб дугоналарим қанча “қол-қол” қилишсаям, эртароқ қайтдим у билан боғландим:

– Роса ўйнадингизми? – деб сўради Олмос ғижиниб.

– Жа қойиллатиб ўйнай олмайману, кўпдан кам бўлмаслик учун қарсак чалиб турдим, – дедим сал чўчинқираб.

Тадбирларда даврабошилиқ қилишни қойиллатаман, аммо рақс масаласида чиндан ҳам пиёдаман. Шуларни Олмосга айтсам:

– Даврага тушиб ўйнаш, рақс тушиш дегани бу – тўйхонадаги томошабин эркакларга қараб “Мана менинг қоматим, мана, мен балоғатга етиб қолдим, менга қаранглар”, деб ўзини кўз-кўз қилиб, диққатни жалб этиш, қўполроқ айтганда, ўзини бозорга солиш демак, – деган эди.

Шу гапдан кейин илло-билло даврага чиқиб қўлимни кўтарган одам эмасман. Қолаверса, қиёфамдаги ўзгаришлардан кейин ўртада ўйин тушиш у ёқда турсин, икки кишининг орасидан ўтолмайдиган

андишам бор эди.

...Чарчоқ ва мудроқ ҳар қанча хуруж қилмасин, тоғамнинг қилиғи, ҳадик ва хўрлик миямда таранг оғриқ уйғотиб, кўз юмгани қўймасди...  
Ҳа-а, аҳволинг оғир, Бону, нимадир қилиш керак, лекин нима?

Уйқуни ҳам ит қопди...

Бир вақт ҳалиги икки эркак кириб келди. Ошни сузишди. Тоғам яна келиб, мени дастурхонга чақирди.

– Қорним тўқ, емайман ҳеч нима, – деб қайтариб юбордим. Яна қайтиб келиб, аймақлар билан дастурхон бошида ўтиришим шартлигини айтди.

– Улар сен учун келган, сени суҳбатингни олишмоқчи, – деди қўлидаги қоғоз сочиққа бармоқларини артаркан.

– Чиқмайман! – дедим қатъий.

– Мен учун чиқасан, – деди у хезланиб.

Жон-поним чиқиб кетди:

– Тоға, ўз қизингизни шу даврага солармидингиз? Солмасдингиз-а? Мен у ерда ўтирганимдан сизга нима фойда?

Унинг важоҳати бузилди:

– Ҳай деганда она йўқ, хуй деганда ота... Биласанми бу гапни менга ким айтган? Усмонбек айтган! Усмонбек кимлигини биласанми? Мени язнам бўлади, аммамни эри, – деди... Бу гапларни ҳозирги ҳолатга қандай алоқаси борлигини чамалаб турсам, – Она кетади, ота кетади, лекин тоға доим ёнингда... Яхшиликча, гапимга кир, агар сен чиқмасанг, улар ўзи хонангга киради, – деб чиқиб кетди. Сўнг меҳмонларга, – жияним доғларидан изо еб, тортингани учун чиқмаяпти, – дегани аниқ эшитилди.

Эрка ўсганим учунми, кўзёшларим ҳамиша қалқиб туради.

Кейинги пайтларда ўзгалар олдида йиғлаш нафақат уят, балки ўзингни ўзинг ҳақоратлашга тенг деган тўхтама келганман.

Коллеждан обидийда қилиб келганимда “Одамлар бир томчи кўзёшингга арзимади, арзийдиган одам сени йиғлатмайди”, деб сочларимни силаганди дадам раҳматли.

Ҳозир ҳам икки томчи илиқ ёш қулоқларим ёнидан думалаб ёстиққа тушди.

Қайданам ишондим бу аблаҳга? Эҳтимол, мен одам танимасман, лекин онам ўз жиянлари қандайлигини билиши керак эди-ку. Нега

бунинг ёнига юборди?

Тўғри, дадам ҳам ичарди, лекин ҳеч қачон бунақанги тубан, чўчқатахлит аҳволга тушмасди. Ёки мен кўрмаганмидим? Йўқ, бўлиши мумкинмас, дадам худодан қўрқарди...

Меҳмонлардан бири кириб, дадамни ёдлаб, яқинлигини изҳор этган бўлди. Иложи борича асабларимни жиловлаб, ўзимни тутишга ҳаракат қилиб, босабр турдим. Мендан ҳеч қандай садо бўлмагач, ноилож чиқиб кетди...

Кейин яна бир эркак ва аёл кириб келганини гап-сўзлардан англадим. “Одамшаванда” тоғам яна кириб:

– Мана, даврага аёл киши келиб қўшилди. Тур энди, қани, чиқ, – деди.

Жойимда миқ этмай ётавердим.

Тоғам у аёлни етаклаб келиб, таништирди:

– Бу менинг қизим, исми Жамила. Тожикистондан, – деб жувонни кучоқлаб, елкасини силаб қўйди.

– Ҳай, мен нима қилай? – дедим зарда билан.

Тоғам бир унга, бир менга қараб:

– Мана, қара қани, буни қулоғида иккита тилло ҳалқа, сенда ҳеч нима йўқ, – деди гап тополмай.

Ичимда “Астаффируллоҳ”, деб ҳам ўзимни ушлолмадим:

– Бунингизни сизга ўхшаган оталари кўп-да, бири бўлмаса бири олиб берган. Нима бўпти шунга? Мен Московга ҳалқа олиш учун келганим йўқ!

Тоғам гангиб қолган “қизи”га менинг феълим тор, инжиқ, тегманозик эканимни айтиб, арз қила кетди. Яхшики, “бўлам” камгап экан, ортиқча сўз қўшмади.

Тоғамнинг алжирашини эшитмаслик учун телевизўрни қўйиб, овози борича баланд кўтардим. Тоғам хўрозланиб келиб симни суғуриб ташлади. Мен ўша заҳоти улаб, симдан қўл узмай безрайиб туриб олдим. Асабийлашаётганимни кўриб Жамила тоғамни хонадан чиқариб юборди:

– Тоғангиз сизни мақтади, шу қиз билан танишасан, деб туриб олди, – деди тўтининг патидай зангор қабоғини пилпиллатиб.

– Нима деган мен ҳақимда, билмайман ва менга қизиғи ҳам йўқ. Мен ёмон одамман, жудаям ёмонман, – деб шарт ўгирилиб ётиб

олдим...

Бир муддатли ланж сукунатдан кейин ўзи еган азоблари ҳақида гапира кетди. Еттинчи синфга ўтар-ўтмас бир йигит йўлдан уриб обқочиб кетганини, юкли бўлиб қолганини йиғламсираб ҳикоя қилди. Кейин менга далда бериш учун худодан кириб пайғамбардан чиқди...

Суҳбатимиз энди жонланай деганда ювилмаган қошиқдай бўлиб тоғам яна қайтиб кирди. Жамила иккови – бир “отинча”ю бир “сўфи” менга амри маъруф қила кетишди. Бунисига чидаб туролмадим:

– Қизиқ, мактабни олтинчигача ўқиган бўлсангиз ҳам шунча ақлингиз бор экан-а? Менга насиҳат қиладиган покдомон бўлсангиз, нимага жалаблик қилиб юрибсиз? Шунини менга тушунтириб беринг!

Вой, тоғамни жинни бўлганини кўрсангиз!

– Нимага унақа дейсан? Қаерда кўрдинг? Ким билан ушлаб олдинг? Буларни никоҳи бор! Худодан кўрқ, худодан!.. – деб калити буралган ўйинчоқ жўжадай хона бўйлаб бетиним йўрғалаб қолди.

– Соғ бўлганида бировнинг эри билан етаклашиб юрмасди, – дедим мен ҳам авж олиб.

Ҳамма тахта бўлиб қотди-қолди. Мен эса уйдан чиқиб, ўзимни ўрмонга урдим...

\* \* \*

### **6 март**

Ўрмоннинг ичида мақсадсиз дайдиб-дайдиб, ўзим йиғлаб, ўзим юпаниб, бир пайт ҳушимга келдиму, адашиб қолганимни англаб, эсхонам чиқиб кетди.

Белидан чўрт узилган, қору ёмғирларда пўстлоғи чириб сочилган яйдоқ эман ғўласига ўтириб, атрофга аланглаганча гупириб келаётган ваҳимамни босишга уриндим. Бундай ожиз қолган пайтингда даставвал ким ёдингга тушади? Йиғлаб-йиғлаб онамга қўнғироқ қилдим:

– Жиянингиз шу даражада ифлослигини билатуриб мени олдига юбордингиз-а? – деб бўлган воқеаларнинг ҳаммасини айтиб бердим. – Ўғлингизни хотиржамлигини ўйлаб, тинчи бузилмасин деб мени қурбон қилдингиз-а? Энди кутманг! Ҳеч қачон ортга қайтмайман, бошқа безовта ҳам қилмайман сизларни... Тинчингиз бошқа

бузилмайди. Соғ бўлинг, – дедим ўкириб йиғлаб...

Қизиф-а? Одам аламини аввало онасидан олади. Дардини тўкиб, енгил тортади. Ҳозир ҳам захримни сочдиму ақлим тиниқ тортди.

Ҳақиқатан аҳволим ачинарли эди.

Ҳақиқатан жинни бўлишимга оз қолганди.

Соғлиқ майли, бу кўргиликка кўникиб бўлганман, дадамни йўқотганим, акамнинг тарсакиси, янгамнинг миннати, Олмосни йўқотиб қўйганим, мусофирчилик, тоғамнинг пасткашлиги... Кўника олмаяпман... Шунча зарба битта одамга ростдан ҳам оғирлик қилади.

Телефонга термулиб узоқ ўйладим. Нима қилиш керак? Ҳаётда битта ҳам ишонадиган, суянадиган, маслаҳат сўрайдиган, чалкаш вазиятдан олиб чиқадиган, йўл кўрсатадиган одам тополмасанг, бундан ортиқ фожиа бўлмаса керак.

Кези келганда опаларим, язналарим, ўқувчиларимнинг оналарига маслаҳат бериб, қанчадан-қанча ечими йўқ масалаларни ҳал қилиб берган одам, бугун ўзимга қолганда гўдакдай ожизланиб ўтирибман.

Атрофим бўм-бўш эди... Тингловчи ҳам, маслаҳат берувчи ҳам, масалани ҳал қилувчи ҳам ўзимман. Бу инқироздан фақатгина ўзимни ўзим қутқара олишим мумкин...

Шу вазиятни дадам кўрганида қандай маслаҳат берган бўларди?.. Буни ҳам билмайман. Демак, таваккал қилишдан бошқа илож йўқ.

Яна онамга сим қоқдим, тавалло қилиб кечирим сўрадим. Онам ҳам фақат йиғлади холос...

Бирпасдан кейин телефондан янгамнинг хушнуд овози эшитилди:

– Бону, қийналаётган бўлсангиз, бирортасидан қарз олинг, акангизга айтаман, жўнатади. У ерларда юриш ҳаммагаяммас. Ўрислар сизни дадасини эркаси эканингизни билишмайди-да...

– Эрингизни миннатли пулларини уруғ-аймоқларингизга тарқатинг! Садақангизга муҳтож эмасман! – деб телефоннинг қизил тугмасини босдим.

Мен чин дилдан тазарру қилиб онаизоримдан кечирим сўраб йиғлаганимни, самимий изҳорларимни янгам кинояли илжайиб, бошини қийшайтириб, телефонга қулоғини динг қилиб турганини тасаввур қилиб, янаям аламим келиб кетди. Тўхта, дедим ўзимга ўзим, ортга қайтиш йўқ, таслим бўлган номард! Курашаман,

қўймайман! Акам, янгам, Юсуф, директор, тоғам...ларнинг оёғига латта боғланган, улар менга рақиб эмас! Менинг рақибим – ҳаёт! Албатта, ўч оламан! Албатта, енгаман!

Ҳа, мен адашдим, қайда, қачон, не сабаб йўлдан оғганимни аниқ билмайман, лекин қайдадир катта хатога йўл қўйганим аниқ. Бу ерда ҳам қуюқ, нимқоронғи ва кимсасиз ўрис ўрмонида йўл тополмай гаранг бўлиб ўтирибман. Оёқ ости хазону хашаклар, мўрт шох-шабба тўшами билан қоплангани сабаб келган йўлинг – босган изингни аниқлолмайсан.

Атрофни зах чиринди ҳиди босган, аҳёнда баҳайбат қушлар дарахт шохларини эгиб, лопиллаб қанот қоқади.

Нажот излаб икки соатча ўрмон кездим. Ҳар сафар тўғри йўлдан кетаётгандай, яна озгина юрсам қуёш кўринадигандай туйилаверар, бироқ оқибатда онам билан сўйлашганимда ўриндиқ вазифасини ўтаган эман ёнидан чиқиб қолаверардим. Бундан хунобим ошиб баттар асабийлашарканман, “Йўл топаман, тўғри йўл бор, излаш керак... излаш керак...” деб такрорлаб, бошқа томонни мўлжал олиб беш-ўн одим босган эдимки, элас-элас машина шовқини эшитилгандай бўлди. Ўша томонга оёғимни қўлга олиб югурдим, энди аниқ-тиниқ қисқа сигнал қулоғимга чалинди.

Одам боласига етиб ололмаган бўлсам-да, улов изларини топдим. Шу излар мени ярим соатларда қўрғон рўпарасига олиб чиқди.

\* \* \*

### *7 март*

Энди мен тоғам билан туrolмасдим. Унинг кўнглида нима борлиги, мақсади нелигини билмасдим. Аллақачон ашаддий ароқхўрга айланган кимсадан ҳар балони кутиш мумкин эди.

Ўйлай-ўйлай шаҳарчага яқин жойда яшайдиган жияним Бобурга қўнғироқ қилдим:

– Ижарауй керак. Мен қўрғондаман, тоғамникига кеча келгандим, – дедим.

– Ҳозир ишдаман, ижарамга қайтиб уйнинг эгасидан сўраб кўраман. Рухсат берса, сизни олиб келаман, бўлмаса эртага ишдан чиққунингизча бирорта бошпана топаман, – деди.

– Фақат жавобини тезроқ айт, – деб тайинладим. Тўрт-беш дақиқадан кейин қўнғироқ қилиб:

– Уй эгаси рози бўлди. Ишдан кейин ёнингизга бораман, – деди Бобур қувониб.

– Мен бу ерда ортиқ қололмайман. Соат тўртларда ишда бўлишим керак, шу билан эртага эрталаб бўшайман, – дедим.

– Унда жомадонингизни бизнинг уйга қўйинг. Уйда ишга чиқмаган йигитлар бор. Юкингизни олиб қолишади. Эрталаб ишхонангиздан тўғри бизникига келаверасиз, – деди.

Кейин тоғамга сим қоқдим:

– Мен Бобур билан гаплашдим. Уларникига кўчиб ўтаман. Бирорта бола кўмаклашиб юборсин, – дедим расмий.

– Нимага бирданига кетяпсан? У ерда ўн еттита бола яшайди. Қандай турасан қиз бола бош билан? Бобурдан бошқа ҳаммаси бегона-ку, – деб эътироз билдирди “жонкуяр” тоғам.

– Йўқ, раҳмат. Етарлича сабоғингизни олдим. Энди нима бўлса пешонамдан кўраман, Бобурнинг уйигача элтиб қўядиган одам борми ёки ўзим кетаверайми? Ишга кечикаман, – дедим.

Тоғам яна бир бор асл башарасини кўрсатди:

– Сени бўғчангни кўтариб юрадиган бекорчи йўқ. Кўчадан мардикор топ, тушундинг? – деб алоқани узди.

\* \* \*

Юкларимни олиш учун қўрғонга киришга мажбур эдим.

Шунча вақт ўтса ҳам давра тарқамаган, аксинча, сафларига яна икки рангпар аёл қўшилибди. Ҳаммалари гижбаданг маст, хона туман тушгандай тамаки тутунига тўлган. Ит эгасини, пишак поччасини танимайди.

Тоғам юришни энди ўрганган бир яшар болакайга ўхшаб қалқиб-қалқиб, базўр оёқда турар, кўзларидан маъно қочган, афти кўкишга мойил бўлиб қолганди. Мени кўриб тили зўрға айланиб, ўдағайлай кетди:

– Ним-мага бу ер-даги гапла-ни дар-рав опамга чақ-чақ-динг? Бу ёқда Мир-хондинг менга буйру-уқ беради. Қач-чондан бер-ри у қўмондону мен ас-кар бўлиб қоллим? – у кўксига мушти билан гурс-

гурс урди, – мен гене-ралман, фамил-лиямни биласан-а? Ра-ҳи-мовман, гене-рал Ра-ҳи-мов м-мен бўламан! – кўзига тик қараб турганим бирдан таъсир қилди шекилли, пашша тутаётгандай қўлини силтаб, – Эр-ртага пат-тангни олиб у-уйга уч-чириёраман, – дедию ўқ егандек тўшагига юзтубан қулади...

\* \* \*

### *8 март*

Табрик учун раҳмат, акажон! Сиз ҳам янгам билан аяжонни қутлаб қўйинг!

\* \* \*

Тоғамлар Эски шаҳарда яшашган. Ота ўтиб кетганидан кейин тоғам ичкиликка, қартабозликка, қиморга, кейин нашага ружу қўяди.

Бир куни дадам билан онам хабар олгани боришса, янгам йиғлаб ўтирган экан. Тоғам ҳеч нимани билмайдиган даражада “ғишт” маст, уйқуни ураётганмиш.

Янгам тиллавор тақинчоқларини эри қиморга тикворганини, энди уй ҳам гаровда омонатлигини айтиб йиғлайди. Тоғам ўзига келгач, дадам оёқ-қўлини қўшоқлаб боғлаб, аравага ортиб кўрони билан бизнинг уйга кўчириб келади. Бир ой ичида Эски шаҳардаги уйни сотиб, қишлоқдан каттагина ер олиб беради. Тоғам бизникида яшаб туриб, икки йилда уйини ростлаб, кўчиб олади. У маҳал ҳаммамиз баҳамжиҳат, катта бир рўзғор эдик...

Юкларимни олиб чиқиб кетдим.

Ўрмонзор ёқалаб борарканман, болалигимда тоғам қайта-қайта айтиб берган воқеалар кўз олдимда жонланди: у ўн уч ёшидан Бухородаги ёпиқ бозорда акаси билан аравакашлик қилганини, тўққизинчини битириб ишлаш учун Тошкентга борганини, бекорчихўжа дадаси ҳар душанба келиб, болалари майишиб топган ақчани қоқиб олиб, бир кун айшини суриб, қишлоққа қайтган пайтларни аччиқ ўкинч билан эсларди.

– Шунча ишлаб бир оғиз яхши сўз эшитмабмиз, ҳар гал чўнтагимизни ағдариб, пулимизни қириштириб олиб, яна, “Нега кам,

қолганини қаерга яширдинг”, деб қисти-бастига оларди. Мен кетгач бу болалар ниманинг ҳисобига яшайди демасдан, бир тийин қолдирмай шилиб обкетарди. Бир қиш чилласида келиб, беланги бўлиб ётганимни кўриб кирза этиги билан тепкилагани ҳеч эсимдан чиқмайди... Бону, тўғри, ўз отам, тонмайман, худо раҳмат қилсин, лекин нима қилай, ёмон кўрардим... Даданг – Усмонбек язнам, мени оёққа турғазди, отам қилмаган яхшилиқни қилди, тушундинг? Сен билан энди дадамиз битта, мен катта акангман, сен синглимсан, – дерди.

Ўша пайт гаплари рост туйилган, чиппа-чин ишонганман, унга раҳмим келиб, кечалари кўзёш ҳам тўкканман...

\* \* \*

### *9 март*

Бобурнинг тураржойи мен ишлайдиган дўкондан унчалик узоқ эмас экан.

Юкларимни болалар олиб қолишди, мен тўғри ишга ўтиб кетдим.

Иккинчи иш куним кечагисидан баттар бўлди. Ҳар қанча уринмай, уйқу ғолиб келаверди. Унинг устига, на нонушта қилганман, на тушлик...

Мудроқни қувиш учун икки қошиқ қаҳвага шакар солмасдан аччиқ-аччиқ ичдим. Кейин кўнгил айниши бошланди.

Бир амаллаб тонг оттирдим. Соат бешга яқинлашганда ишларимни тугатиб, қўл-бетимни ювиш учун холижойга кириб, телефонимни кўзгу ёнига қўйдим. Кўнглим бирдан ағдарилиб кетди, бошим айланиб йиқилиб тушибман.

Қарасам, касалхонада эканим. Ҳа-а, демак яна йиқилибман, дедим. Биринчи бор Юсуф воқеасида, иккинчиси дадамнинг таъзиясида, бу учинчиси...

Бобурга қўнғироқ қиламан деб қарасам, телефоним йўқ.

Йиқилган пайтим бошим ерга тушиб, яхшигина жароҳат олибман. Бригадир “Тез ёрдам” чақириб, зудлик билан шифохонага жўнатибди. Мен уйга боравермагач, қўнғироқ қилиб боғланолмаган Бобур хавотирда дўконга келиб, сўраб-суриштириб, Шакаржон опадан шифохонага тушиб қолганимни эшитиб, хўжайини Володя амаки

билан тушдан кейин топиб келишди.

Дўхтирлар “Иқлимга кўникиб улгурмаган, толиққан, асаби чарчаган, ҳали ишга ярамайди”, деб беш кун ушлаб қолишди.

Жавоб тегиши билан Бобур мени Володя амакининг ҳовлисига олиб келди.

Қурилиши тугалланмаган уйнинг иккинчи қаватида ўн олтита бола яшаркан. Пастда мен ва Бобур турадиган бўлдик. Бизга тегишли катта хонага дераза ўрнатилган-у, ҳали пол, шифт қилинмаган. Каравотнинг симтўрини тўрт томондан ғишт қўйиб кўтариб, қўлбола чорпоя ясалган. Бу ҳашаматли ўринни Бобур лутфан менга бўшатиб берди. Хона ўртасида тахта, чўп, мих, сим ўрами, болға, қайчи ва қурилиш қопларидан одам бўйи тепалик қад ростлаган...

Бобур хижолат бўлиб:

– Холажон, бошпанамиз шу, хафа бўлмайсиз энди, – деди.

– Нимага хафа бўламан, қизиқмисан? Туппа-тузук уй, қўрғондан минг марта яхши. Энг асосийси, асабга тегадиган одам йўқ. Хотиржам ухласа бўлади. Ишхонамга ҳам бир қадам экан. Ҳаммаси яхши. Эртага бир супур-сидир қилиб оламиз, соз бўлади, – дедим хуш кайфиятда.

Жияним билан анча суҳбатлашиб ўтирдик...

Орадан беш кун ўтган бўлса ҳам билагимнинг кўкаргани кетмабди.

– Қўлингизга нима бўлди, нимага кўкарган? – деб сўради Бобур.

Тоғамнинг қўрғонидаги воқеаларни айтиб бердим.

– Келаркансиз, мени огоҳлантирсангиз бўлмасмиди? Шунча азоб емасдингиз. Бу ердаги ўзбеклар бирортаси уйига чақирмайди уни. Ҳамма ёмон кўради, – деди. Кейин мени хурсанд бўлади деб ўйлади шекилли, – айтганча, сиз шифохонадалигингизда Мирхонд тоғам сизни сўраб юз марта телефон қилди-ёв, – деб жилмайди.

– Акам қайдан билибди? Тобим қочганини бибинг эшитибдими? – дедим ташвишга тушиб.

– Ҳа, Бону холамини мазалари йўқ, телефонларини йўқотганлар, деб айтдим, – деди Бобур айбдорларча бош эгиб.

Ё Аллоҳ! Беш кун ичида онамнинг аҳволи нима кечди экан?

Бобурнинг телефонида онамга қўнғироқ қилиб:

– Энди хавотир олманг, жиянимни ёнидаман, – деб тинчитдим.

Ҳушимдан кетганимни, касалхонага тушганимни айтмадим. Шунчаки ҳаво алмаштирганимга бошим оғриганди, деб қўяқолдим...

\* \* \*

Кўнгли ярим одам қанақа бўлишини дадамни йўқотганимдан кейин англаб етганман.

У киши ҳаётлик вақтларида бирор таъзия бўлиб қолса:

– Тўйга бормасанг ҳам таъзияга боришни канда қилма, инсонийликни биринчи шарти қора кунда ҳамдард бўлиш, – деб онам ёки янгам билан мени ҳам қўшиб азахонага юборарди.

Баъзан бошига жудолик тушганларнинг доду фарёдини эшитиб ҳайрон бўлардим:

“Ҳай, энди, Аллоҳнинг иродаси, ҳар бир тирик жон ўлим шарбатини тотгувчидир. Ҳамманинг борадиган жойи, охирги манзили шу. Отанг ўзи кексайиб, мункиллаб қолган чол бўлса-ю, “Суянган тоғимдан айрилдим”, деб додлайсан-а? У кишининг ўзига ҳассадан ташқари яна битта суянадиган одам керак-ку”, – деб ўйлардим...

Чўғ – тушган жойини куйдираркан.

Шу мункиллаган чол тоғ эканлигини ҳис қилиш учун унинг жуссасини эмас, ҳаётингдаги ўрнини билишинг кераклигини кейин англаб етганман.

Муаммога дуч келсам, “Шу вазиятда дадам ёнимда бўлса қандай маслаҳат берган бўларди?” деб ўзимдан сўрайман.

Ҳа, қийин экан дадалардек фикр юритиб, масалани узил-кесил ҳал қилиш. Бундай журъат ва ҳукм учун китобда ўқиган билимларинг кофий эмас. Агар файласуфларнинг панду насиҳатлари инсонга қўл келганида ҳеч кимнинг бошига мусибат тушмас, турмуш юз карра фаровон бўлмасмиди?

Чиндан одам ўз бошидан кечирмагунча, деворга боши урилмагунча аждодлар хатоларини такрорлаб боравераркан...

Бобонг ичган қудуқдан сув олиб қайтаётиб, у дуч келган тошга сен ҳам қоқиниб ўтавераркансан.

Ҳаётнинг умумга бахшида табиий офатларидан ташқари айнан сенга аталган кўргиликлари ҳам бор, ҳеч кутмаган вақтингда шошвор гурзиси билан бошингга чунонам туширадигани, осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайтишга мажбур бўласан.

Хато қилмаслик учун инсонда амалий тажриба бўлиши керак экан... Тажрибанг қиёмига етганида эса сенда хато қилиш имкони қолмайди...

\* \* \*

*10 март*

Ўн олти эркак ичида қандай яшайман?

Бобурдан бошқа ҳаммаси бегона.

Булар нима каромат кўрсатишар экан?

Пешиндан кейин уйдан чиқдим. Ўн чоғли бола шийпончада сабзи тўғраб, ошга тайёргарлик кўришяпти. Саломлашиб-сўрашиб, ёрдамга тутиндим.

– Бироздан кейин ишга кетаман, ошга қололмайман, – десам қўйишмади:

– Келганингизга ош пиширяпмиз, ҳеч қаёққа кетмайсиз, дамингизни олинг, бугун шифохонадан чиқдингиз, иш қочиб кетмайди, – деб ҳар бири хайрихоҳлик кўрсатди.

Шийпончанинг тўрига мени ўтқазиб, ўзлари ғишдан ясалган омонат ўчоққа ўт қалашди.

Бу кун йигитлар билан танишув куни бўлди. Бирига опа, бирига жиян, бирига устоз, бирига хола... Мен дарс берган ўқувчиларимнинг оталари ҳам бор экан... Яхшигина гурунг бўлди.

Ўртага ширинлигу салатдан ташқари бир жуфт пиво қўйилди. Узр сўраб, ёши катталар пиёла айлантиришди.

Ошни еб бўлгач, ғайрати ичига сиғмаган болалар мусиқа қўйиб, ўйинга туша кетишди. Бу ҳолат талабаликнинг пахта йиғим-теримидаги “шанба оқшоми”ни эсимга солди. Ва беихтиёр ҳашарга мени кўргани келган Олмос, унинг ўйчан катта-катта кўзлари... ёдимга тушди...

Болалар тоғам билан ихтилофимдан хабар топишган шекилли, ўйинга тортишмади.

Ажабки, таъбимни хира қиладиган ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа юз бермади. Мен деярли барчаси қариндош, ҳеч бўлмаса отақадрдон чиқиб қолган очиқкўнгил бу йигитларга меҳрим ийиб:

– Мусофирчиликда ҳаммамиз бир одаммиз, майда-чуйда юмуш,

кир-чир чайиш бўлса менга тортинмай айтаверинглар. Тоғора бор экан, кирсовун олиб келиб берсанглар бас, – дедим.

Болалар ўзларига “онабоши” қилиб сайлаб олган Диёр шу заҳотиёқ:

----- Йигитлар хоналарини навбат билан супуришади, кирларини, коса-товоқларини ўзлари ювишади. Фақат ҳар куни бир қозон овқат қилиб берсангиз бўлди. Бошқа хизмат йўқ, – деганди, бошқалар ҳам маъқуллашди.

– Лекин битта муаммо бор, йигитлар...

– Нима? Қанақа муаммо?

Қўлларимни стол устига қўйдим:

– Ирганмайсизларми?

– Э-э, бизникиларни ичида ношукури йўқ. Мабодо, овқатингизга қайсиниси ноз қилса, тошбақани томирини есин, – Диёр юзига фотиҳа тортиб, рақсга қўшилиб кетди.

Йигитларнинг ўйинини томоша қилиб турибман... Қизиф-а, кимдир қанақадир оҳангга мос ҳаракатлар қиладию четда турган одамга ҳам унинг завқи юқади...

Ҳамма қатори яхши кайфиятда тинч-хотиржам кириб ухладим.

\* \* \*

Эртасига какку сайрамай туриб тоғам эшик қоқиб келди:

– Ё мен билан бориб қўрғонда яшайсан, ёки чипта олиб қишлоққа қайтасан. Шунча эркакни ичида яшамайсан, тушундинг, мен бу иснодни кўтаролмайман, – деб лўлилик қилиб сурон кўтарди.

– И-е, тоғажон, ҳалигидақа хотинларга мени ошно қилишга, бузуқилар даврасига тортишга ор қилмадингизу, уни иснод билмадингизу, ўз жигарларимни топганимда бу дунёда иснод деган гап борлиги каллангизга қаёқдан кела қолди?

Тортишувимизга Бобур қўшилди:

– Сиз тоға бўлсангиз, мен жиянлариман. Холамда сизни қанча ҳаққингиз бўлса, меникиям ўшанча. У ўзи келгани йўқ, Мирхонд тоғам менга қўнғироқ қилиб айтди, мен олиб келдим! Нима гапингиз бор?

Бобурни тинчлантириб, тоғамга савол бердим:

– Тоға, бизни уйда неча йил яшаган эдингиз, эслаб биласизми?

Тоғам:

– Икки йил, – деди.

– Шу икки йилда ҳеч кўрдингизми дадам ёки акам тўймаъракаларда хотинингизни қўлидан ушлаб ўйинга тортганини? Ётоқхонангизга бостириб кириб устидан кўрпасини тортиб отганмиди? Отангни яхшилигини қайтараман, дейсизми? Шу йўл билан қайтармоқчи эдингизми? Орамиз очиқ деб ҳисоблайверинг! Мана, мана! – деб қўлимнинг захаларини кўрсатиб йиғлаб юбордим. Тоғам:

– Ўшанда бироз кўпайиб кетибди. Ҳеч нарсани эслолмайман, кечирасан, жиян... – деб ўзини оқлашга ўтди...

Шовқинни эшитиб болалар тўпланишди. Диёр:

– Сиз кимсиз ўзи? Ким сизга рухсат берди бу ёққа бостириб киришга? Ҳозир полиса чақириб топшириб ювораман, яхшиликча даф бўлинг! – деб турткилади.

Тоғам тортиша-тортиша кўпчиликка кучи етмагандан кейин сўкинганча чиқиб кетди...

\* \* \*

### *11 март*

Бугун туғилган куним...

Онамга сим қоқиб, таваллуд айёмим билан табриқладим. Онам:

– Афандисан-да, Бону, сени табриқлаш керак-ку расми, – деди кулиб.

– Мендай қизингиз дунёга келган кун сизга байрам эмасми? – дедим ярим ҳазил қилиб.

– Ҳа, бу ёғини ўйламабман. Қуллуқ, қуллуқ, ҳаммамизга муборақ! Оббо зинғарча-ей! – онаизоримнинг овози товланиб кетди, – дадасини эркаси, опаларингни, акангниям табриқлаш эсингдан чиқмасин...

Мана шунақа онам бор, акажон...

\* \* \*

Тушдан кейин ишга жўнадим.

Шакаржон опага телефоним йўқолганини айтдим. У ҳаммадан

бир-бир сўраб-суриштириб чиқди, лекин тополмади.

Кейин бригадирга айтдик. У “Тез ёрдам”да тушиб қолган бўлса керак, деб тусмоллади. Мен қўл-юзимни юваётиб кўзгу ёнига қўйганимни айтдим. Бригадир қоровулни чақириб, ўша кунги видеоёзувни текширди. Йиқилиб ётганимни Маҳмуд амаки кўргани, мендан кейин у ерга кирганини аниқлашди. Телефонни сўрашса, у тўрсайиб, мен кўрганим йўқ, деб қасам ичди. Видеоёзувни кўрсатишса ҳам тан олмади. Бригадир:

– Ойлигингдан бунга телефон олиб бераман. Бу ой умуман маош олмайсан, – деди ғазабланиб.

Шундан кейингина Маҳмуд амаки:

– Мен уни телефони эканини билганим йўқ эди, тўғри, топиб олгандим, эртага келтириб бераман, – деди.

Эртасига келтириб қўлимга берди-ю, аммо телефоннинг хотирасида ҳеч қандай маълумот қолмаган эди. На рақамлар, на СМСлар... Ҳаммадан алам қилгани Олмосдан келган хатларни ҳам ўчириб юборгани бўлди...

Юраги йўқ махлуқлар...

Эҳ одамзод, одамзод...

Тун бўйи йиғлаб юрдим.

Шакаржон опа аввал далда берди, кейин жаҳли чиқиб:

– Ҳозир ина касал бўбкаласан, кейин сани иша омидила, битта кўна тилфонни даб бина ёниб гуяварасан? – деб уриша кетди.

Мен унга ана шу эски матоҳда кўҳна жавоҳирларим, умримнинг олтин лаҳзалари, муқаддас сирларим, соф меҳру муҳаббатим... бахтимнинг сурати бор эди, у менинг жонимга қувват, руҳимга таскин эди, деб... айтолмадим.

Одамзод ҳамма нарсага кўникаркан. Дардларимни ичимга олиб юравердим...

Шу тариқа кунлар тунларга, тунлар кунларга уланиб, умр занжири узайиб бораверди...

\* \* \*

*12 март*

Сурбетда субут борми...

Тоғам бетини без қилиб, ҳол сўраган киши бўлиб аҳёнда дўконга келиб турди. Бетамиз одам атай жигарчилик қилиб йўқлаб келиши шубҳали, албатта. Менимча, кўчада сандироқлаб юриб-юриб, йўли тўғри келиб қолганда кирса керак...

У “ташриф буюргандан” то қораси кўздан ўчгунча хавотирда турардим: ишқилиб, у-бу нарсани ўмариб, мени шарманда қилмаса гўргайди. Орини йўқотган одамдан ҳар балони кутиш мумкин...

Бир куни яна пайдо бўлиб:

– Эртага туғилган куним, дадасини эркаси, битта бурамашох қўчқор сотиб олдим. Юр, зиёфат бераман, – деб қолди.

– Очликдан-ку ўлмайман, мабодо, ўлаётган тақдиримда ҳам уйингизга қадам босмайман, – дедим очиғига кўчиб.

– Одамлар айб қилади, кўздек қариндошмиз. Гина-кудратларни сандиғингга солиб қулфлаб қўй.

– Ҳе-е, анави Жамила қизингиз бор эди-ку, ўшани чақириб қўчқорингизни жигарини қовуриб беринг. Бурамашохини тўлдириб ўрис хотинларингиз билан чўқиштириб вино ичинг.

Яна келиша олмадик, яна араз уриб кетди...

Тоғамнинг можаросидан кейин Володя амаки эшигимизга қулф-калит ўрнатиб берди. Уй ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан қулфланадиган бўлди.

Шу-шу, болалар пулларини менга ишониб омонат берарди, мен битта ҳисоб-китоб дафтарига ким қачон қанча пул бергану, қачон қанча қайтариб олганини қайд қилиб борадиган бўлдим. Пул ҳисоб-китобни, пухталиқни яхши кўради.

Йигитлар омонатини қайтариб олаётганда қўярда-қўймай юз-икки юз рубль ташлаб кетишарди. Бу ақча арзимас кўринса-да, кўпчиликнинг қозони барака пиширади деганларидай, онамга юборадиган пулим қўлга илашадиган бўлиб қолли...

\* \* \*

Кўза кундамас, кунида синади...

Маҳмуд амаки ўғрилик устида қўлга тушди. Уни ҳайдаб юбориб, ўрнига бир ўрис аёлни олишди.

Дўкон хўжайини нафақага кетиб, ўрнига бошқа раҳбар келдию

бир маромда кечаётган ҳаётимизга кўз тегди. У дабдурустдан барча мигрантларни ишдан бўшатиб, паттаминизни қўлимизга тутқазди.

Янги иш топишга улгурмай ҳаммамиз кўчада қолдик. Ноилож Володя амакига ҳасратимни тўкиб солдим. Амаки ўзимизнинг усталарга дастёр бўлиб ишга чиқишим мумкинлигини айтди. Икки ой кўмаклашиб, сувоқ тортишни ўрганиб олдим...

Шу тарзда “Бобуржонлар салтанати”нинг фахрий фуқароси бўлиб, бир ярим йил давру даврон сурдим...

\* \* \*

**13 март**

Гапни чўзиб сизни ҳам зериктириб юбордим-а?

Мақсадга кўчиб қўяқолайми?

Ниятим сиздан маслаҳат олиш. Битта нозик масалага ўзимнинг ақли ожизим етмаяпти.

Ҳозир чорраҳанинг ўртасида турибман, қаёққа юришни билмайман...

Негадир менга фақат Сиз тўғри йўл кўрсата оладигандек туюласиз.

Ўлай агар, негалигини билмайман...

\* \* \*

**18 март**

Хўп, агар Сизга қизиқ бўлса, ҳикоямни давом эттираман:

Фақат бир илтимос, жонингизга теккан заҳотим, муддаога ўт, десангиз бас, икки оғиз сўров билан чуваланган қиссамга нуқта қўяман...

\* \* \*

...Ўн кундан бери ҳар куни икки марта яширин рақамдан телефон бўлади. – Алў, алў-ў!

“Алў”лаганим билан нариги томондан сас келмайди...

Охири зерикиб, умуман уланмай қўйдим. У қўнғироқ қилишдан

чарчамайди.

Бир куни: “Бону, бу мен, акангман, агар юрагингнинг қаеридадир аканг учун ўлмаган озгина меҳр бўлса, жавоб ёз...”, деган СМС келди.

Хатни қайта-қайта ўқиб, йиғлаб-йиғлаб хун бўлдим. Лекин жавоб ёзмадим. Иккинчи кун яна СМС келди: “Бону, мен Твердаман. Ёнимда иш бор, кел, бирга ишлаймиз”.

Яна жавоб ёзмадим... СМСлар ҳар эрталаб турнақатор келаверди: “Бу дунёда ҳамма адашади, наҳот акангнинг битта хатоси учун бир умрга воз кечсанг? Эртага ҳайит, ҳеч бўлмаса арвоҳ ҳурмати, бирор нима ёз, дадам қабрида тинч ётсин...”

Ана шундан кейин чидаёлмай жавоб ёздим: “Дадамнинг арвоҳи энди эсингизга тушдимми? Бобоҳовлини сотганингизда эсингиз кимда эди? Бир бор чертмай ўстирган қизига шапалоқ тортганингизда отанинг тинчини ўйлаганмидингиз? Нечук энди ҳайит ва дадам ёдингизга тушиб қолди? Мени безовта қилманг!”

У: “Шундоғам тамом бўлган юрагимни эзма, Бону. Кечир... Фақат бир маротаба... Бошқа такрорланмайди”, деб ёлвориб ёзди. Жавоб бермадим. Яна СМС келди: “Болалигида безориларни додини берадиган адолатчи синглим, дадасининг эркаси қани?..”

Унутмабди... Эсида бор экан... Кўнглимда бир илиқ нур ипакдай сирғалди. Лекин аччиғимни енголмай: “Эсингизда бор экан-а йўлтўсарни сувга қулатганим? Ўзингиз неччи тезликда сингилчангизни ташлаб қочганингиз ҳам эсингиздан чиқмагандир?” деб чақиб олдим. Ёзишга ёздим-у, мен нега бунча тез унутдим акамнинг ота ўрнида ота эканини, бўлар иш бўлди, қиёматгача аразлаб юраманми энди, деган савол дилимда уйғонди.

Ўйлай-ўйлай: “Биринчи ва охиргиси ҳам шу, дадам тинч ётишлари учун кечирдим. Бошқа кечирилмайсиз! Илоё, дадам ҳам, худо ҳам кечирган бўлсин”, деб ёзиб юбордим. СМС етиб бориши ҳамано қайтиб кўнғироқ бўлди... Қани энди гаплашиб билсам акам билан...

Мен бу ёқда, акам у ёқда йиғлаяпти...

Анчагача ҳиқиллашиб турдик. Ниҳоят акам:

– Билардим синглимжоним мендан бутунлай кечмаганини... – деб яна йиғлаб юборди.

\* \* \*

## 19 март

Қисқа давом этган бу суҳбат елкамдан ҳеч ким қўзғата олмас катта харсангни қулатиб юборди... Худди дадам тирилиб келгандай бўлди. Юрагим ўз-ўзидан ҳапқириб, гупиллаб кетаверди... Бақриб йиғлаб юбордим, бироқ бу кўп йиллардан бери тўкилмаган қувонч кўзёшлари эди.

Қондошликнинг жон қўшиб ўрилган чийратма чилвири қайта боғланганди...

Эҳтимол, қаеридадир чандиқдек тугун қолгандир, аммо айнан ўша жой – тугун қайта узилмайди.

Эртаси куни эрталаб “Ҳайит айёмингиз муборак бўлсин”, деб СМС юбордим.

“Жоним садқа дадасининг эркасига, раҳмат, синглимжоним...”

Онажонимга ҳам қўнғироқ қилиб, қутладим, у жуда хурсанд, мени алқаб дуо қилди. Акам билан ярашганим хабари кечанинг ўзида етиб борган экан.

– Акангни ажратиб қўйманглар, болам. Сизлар бешта, бир-бирларингга дардингни айтасанлар. Унинг юрагини ким тинглайди?..

Онам нима деса, “Хўп-хўп”, деб турдим.

Туйқус юрагимнинг туб-тубида нимадир аста-аста эриб-эриб силқиётганини, шам кўзёшидай илиқ бу ҳалқоб борган сари вужудимни энлаб келаётганини туйдим. Ачомласам қалампирмунчоқ аралаш терми, тутунми, билмадим, фақат онамдан келадиган қадрдон ҳидни димоғим туйгандай бўлди. Кетаман! Борсин ҳаммаси! Бу дунё онажонимнинг бир лаҳзалик дийдорига арзийдими? Ейман, ичаман деб оғзини каппа очиб ўтирган болам бўлмаса, бировларникига ўхшаган дахмаза эрим бўлмаса... Бир сабил жонимга шунча ташвишми? Кетдим, кетганим бўлсин!

\* \* \*

## 20 март

Бобур билан Внуково аэропортидан Бухорои шарифга учдик...

Умримда биринчи бор учоққа чиқаётганим учун ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Бобур ҳам ўзида йўқ хурсанд эди...

Барибир ўз уйинг – ўлан тўшагинг. Бировнинг юрти сенга бошпана бўлиши мумкин, лекин ватан бўлолмайди.

Бир ярим йил... Ўн саккиз ой... Етмиш саккиз ҳафта... Беш юз қирқ етти ярим кун... Саккиз минг тўққиз юз қирқ икки ярим соат... Беш юз йигирма беш минг етти юз саксон икки ярим дақиқа... Шоира опам Тошкентга профессор кўригига олиб борганда ассистентлар томиримни тутиб, юраги яхши, саксон иккита уряпти, дейишганди... Демак, шунча вақт ичида онажонимга ичиккан юракжоним қирқ икки ярим миллиондан кўпроқ маротаба “О-на!” деб урган экан-да...

Володя амаки қарамоғидаги ўн еттита ҳамюртга ҳисобчилик қилганимни айтувдим-а, ўзи умуман мактабдаям аниқ фанларни яхшироқ ўзлаштирдим. Карра жадвалини биринчи синфдаёқ ёд олгандим. Опаларим ҳам баъзида ҳисоб-китоб масаласида мендан кўмак сўрашарди.

Қайтар кунимни ҳеч кимга айтмаган эдим. Акам Тверда, опаларим ҳаммаси уй-уйида ўзи билан ўзи овора. Айтсам хурсанд бўлгани билан қўналғага келиб кутиб оладигани йўқ.

Бобур икковимиз бир “Нексия”нинг кира савдосини пишириб, қишлоққа шоду хуррам йўл олдик.

\* \* \*

...Акам Тверга кетганидан кейин онам янгамнинг қабатига кўчиб чиқибди...

Ота ҳовли ҳувиллаб ётибди. Одам яшамагандан кейин мрамор ҳам нурайди, пойдеворга қурт тушади. Дадам йўқ – қут йўқ, онам ўзи билан қолган-қутган файзни ҳам олиб кетган.

Деразаларни очиб, пардаларни кўтардим. Разм солиб чиқдим, ҳеч нима ўзгармаган. Дераза тагида дадамнинг каравоти... Хонанинг этак қисмидаги печка устида обдаста суви билан турибди. Қўл солиб жунжикиб кетдим – муздек.

Уй тўрида бир эшиги ёнбошлаган жавон ичига чиннивор идишлар териб қўйилган. Кетишимдан илгари ўзим шундай мувофиқ қўйиб чиққандим. Қандай бўлса шундайлигича турибди...

Жавоннинг тепасида дадамнинг охириги тушган сурати, устига дастрўмолча ташлаб, портрет ярмигача ёпиб қўйилган. Беихтиёр

хаёлан дадам билан гаплаша бошладим:

– ...Уйимиз ҳувиллаб қопти, дадажон. Одамни ютаман дейди... Сизни соғиндим... соғинмадингизми... мен келдим, дада...

Орадан ярим соатлар ўтгандан кейин Феруз онамни етаклаб супага яқинлашдию мени кўриб қолиб:

– Биби, апам келипти, деб хонага югуриб кирди.

Бўйи чўзилиб, мийиғи ниш отиб, овози дўриллаб қолипти. У билан тузукроқ кўришиб улгурмай акамнинг иккинчи ўғли Файзулло чопиб келди.

Онам бечорагина жонҳалак бўлганини кўрсангиз энди. Она барибир она-да, ҳар қандай ҳолатда фарзандим, дейди. Ҳамма сендан юз ўгирган вақтида ҳам ёнингда мунғайибгина сен билан қолади.

Аслида фарзанд учун бахт ана шу мушфиқ муштипарнинг борлиги экан...

Қўлидаги ҳассасини ерга ташлаб, шахд билан, жон ҳолатида менга қараб йиғлаб келяпти... Кўришиш учун отилиб чиқиб:

– Ҳа-а, соғинибсиз-а, онажон, дедим.

– Э-э, юрагингга тош боғладингми, а, шунчаям кетадими, деди кўзёшлари юзларини ювиб...

Ўзимни оқлашга уринмадим. Кўрган-билганларимни, чеккан азобларимни ичимга ютиб:

– Узоқчилик-да, онажон, мусофирчилик, истаган пайтинг келиб бўлмайди, илож йўқ, дедим...

Уйга кирдик. Тўртовлон суҳбатлашиб ўтирсак, янгам ўғилларини чақириб келиб қолди. Файзулло деразадан онасига:

– Онажон, апам келди, киринг, деди болаларча беғуборлик билан.

Бунга жавобан янгам:

– Бўл тез, кампирга ўхшаб ўтирма эзмаланиб, пахтага борасан мен билан, деб гўё мени пайқамагандай дарвозадан чиқиб кетди.

Мен онамга қарадим.

– Эътибор берма, болам, ёмон бўлсаям янганг шу! Аслида сен ўрнингдан туриб салом бериб ёнига чиқишинг керак эди, деди сўлиш олиб.

\* \* \*

## 21 март

Бу ерларда ҳалиям қирчиллама қиш бўлганидан Наврӯз эсдан чиқиб кетибди.

Бугун фейсбукдаги табриклар, тилакларни ўқиб, чаппар гуллаган бодому гилосларни кўриб, димоғимга бол ҳиди урилгандай бўлди.

Қишлоқда фасллар тақвимга қараб алмашади. Биринчи мартдан баҳор келди деб айтавериш мумкин, шу кундан уйғонган тупроқнинг намхуш ҳиди таралади, дараларда ёлларини ҳилпиратиб мовий шабадалар тойчоқлардек ўйноқлайди. Гапларим шеърга ўхшаб кетди, а? Биз ҳам филологмиз, қолаверса, кўклам нашъаси ҳар қандай юраги қайроқтошдан йўнилган банданинг ҳам кўнглини юмшатади...

Энди сизни Наврӯз билан қутлаб, ҳамма шаръий ва шеърый ниятларингизга етказсин, деб тилак билдириб, ерга – насрга қайтамиз...

\* \* \*

Шўринг қурғур акамнинг хотинга ёлчимаганини ўйлаб ачиниб, хаёлим бобомга кетди.

Ҳамқишлоқларимиздан бири ҳовлига келиб, бобожонимга ўз жуфти ҳалолидан арз қилди шекилли, бобом тахминан шундай ривоят айтиб, уни қайтариб юборгани эсимда:

Бир киши аёлини талоқ қилмоқчи бўлибди. “Аёлингга қандай айб борки, ундан қутулмоқчисан?” – деб сўрашибди. У: “Эркак киши ўз аёлининг айбини фош қилмайди”, деб жавоб қайтарибди. Хотинининг жавобини бергандан кейин: “Энди айт-чи, собиқ турмуш ўртоғингда қандай қусур бор эди?” дейишибди. Эркак: “Энди у менга бегона, номаҳрам аёл билан ишим йўқ”, деган экан.

Акамнинг дўзах азобида ўтаётган ҳаётининг ажри бордир, ҳеч бўлмаса тоқати, бардоши, изтиробини учун бир кунини Ҳақ таоло мукофотини берар...

\* \* \*

## 22 март

Сабр – ожизнинг қуввати, кучлининг зийнати... Ҳамма нарсанинг ибтидосию интиҳоси бўлганидек, сабрнинг ҳам ниҳояси бўлар экан.

Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар дейдилар. Агар сенинг дарахтинг гуллаган чоғида ушуқ уриб кетган бўлсаю сен қайси ақл билан ғўрага кўз тикиб, ҳалводан умид қиласан?

Ҳа, “ҳалво” деган билан оғзинг ширин бўлиб қолмайди...

\* \* \*

Мозорбосди ширинликларни дастурхонга қўйиб чой ичдик...

Онам Ферузга:

––– Пиёлангни тезроқ бўшатиб, онангни ёнига югур, бўлмаса кечагидай яна таёқ ейсан, апанг ҳеч қайга кетмайди, хавотир олма. Тур, болам, онанггаям манави кампитлардан элт, – деб қўлига қанд-курс тутқазди.

Феруз:

––– Фақат мен бораманми, Файзи ҳам борсин, – деб хархаша бошлади. Файзулло:

––– Мен бибимга қарайман, ҳеч қаёққа бормайман, ––– деб туриб олди.

– Фазикжон, тур, иккаланг ҳам бор, бугун бибингга мен қарайман, ишларингизни тез бўлинглару қайтиб келинглар, ––– дедим. ––– Ҳадемай аммаларинг келишади. Тушдан кейин далага бормайсишлар.

Болалар истар-истамас кетишди...

Гулшан опам онамга қўнғироқ қилиб қолди. Телефонни мен олиб, онамнинг номидан ўхшатиб гапирдим:

––– Ҳа-а, балам, яхшимисан, домот яхшими, бачаларинг яхшими?

Опам пайқаб қолиб:

––– Иби, Бону, сенми, ҳа, ўрисни шайтони! ––– деди қувонч аралаш таажжубланиб.

– Йўқ, қанақа Бону, у Ўрисда-ку, мен онангман, Гулшан, – дедим-у, ўзимни тутолмай кулиб юбордим. Опам ўпкаланиб:

––– Ярамас, дадасини эркаси, нега бир оғиз айтмайсан келишингни? ––– деди.

– Қани, менсиз онам қандай яшаяпти, шуни билиш учун атай айтмай бостириб келдим, ––– дедим.

Опам қолиб, онам дарров изоҳ бера кетди:

--- Мен яхшиман, болам, Ўзбекистонда ҳеч ким очдан ўлмайди, мени пошшойим боқади, --- деди нафақасини назарда тутиб. --- Лекигин пластик дегани қайдан чиқди, тамом баракага куя тушди. Бону, шу гаплар Маскапдаям борми? Пластикни насия пулидан юз минг ечиб, олтмиш минг нақд беради. Уям ҳаммагамас. Ҳей, бозорда биров насияга битта олма берармиди? Ана шу бемазагарчиликни пошшойимга айтиш керак. Билса бу ўғриваччаларни оёғидан осади. Кеча телевизўрда чиқди, худога шукур дедим, кулиб турибди, ҳали бардам. Байрам охирида ўйингаям тушди...

Пешиндан кейин бирин-кетин опаларим, жиянлар, поччалар, амаки-аммалар, ҳешу ақраболар, қўни-қўшнилар йўқлаб келишди. Ҳовли одамга тўлиб кетди... Соат олтиларда опаларим билан дадамни зиёрат қилгани сарихокка – мозорбошига ўтиб келдик...

Оқшом кетарман қўноқларни кузатиб, опа-сингиллар тонготар ҳангамалашдик...

Бир ярим йил ўтибди...

Қизиф-а, бир муддатгина четга чиқсангиз уйингизда, ишхонангизда, юртингизда недир ўзгаришлар, янгиликлар рўй бериб, сиз ғафлатда қолаётгандай туйилаверади. Кетганимга шунча вақт бўпти-ю, яқинларим ҳаётида деярли ҳеч нима ўзгармабди, фақат йиллар болачаларни бироз улғайтирибди, холос...

Фақат онагинам озиб, кичкинагина бўлиб мункайиб қолибди...

Ёнида бўлсам бунчалик қартаймасмиди? Ё аксинча, менинг шўр қисматимга куйиб, аллақачон адойи тамом бўлармиди?

Қариндошлар бир жойда йиғилса, олижаноб туйғулар жўш уриб кетади. Опаларим янгам билан ярашишга ундаб, бири олиб, бири қўйиб одамгарчилик, бағрикенглик, мусулмончиликдан ваъз айта кетишди.

– Бир ой бориб эрини ёнида ишлаб келсин, ўшандан кейин гаплашаман, – дедим... У ҳам кечирим сўрамади. Балки, шу аразимиз яна қанча кўнгилсизликларнинг олдини олар...

Эртасига чарчоқлар ва уй соғинчи бироз босилгандан кейин Шоира опамга сим қоқиб келганимни билдириб қўйдим...

\* \* \*

## 23 март

Шоира опам онамдан баттар кўйга тушибди, онажоним қарилик туфайли озиб кетган, мункайган бўлса, опажоним умидсизлик ва ҳақсизлик сабаб кўзлари киртайиб, тўзиб кетибди. Бир ҳафта ёнида бўлдим, кўнглини олишга уриндим, озроқ пул билан рўзғорига кўмаклашдим. “Совимоқ” деган феъл бор-а? Тандир совийди, тана совийди... Шоира опам ҳаётдан совиган эди. Фақат фарзандлари учун яшаётганди, холос. Шундай аёл-а? Тасаввур қилинг, барқ уриб очилган гулзорга биров мой сочиб ўт қўйса. Ёки шишажомдаги тилла балиқчани кулга ташлаб, чўп билан туртиб-суртиб ўйин қилишса...

– Аканг ҳалолман, тўғриман деб, пора сўрашганда узил-кесил рад қилди. Ўшанда отдан тушиб муомала қилганида, қуриб кетгур савил машиналаридан бир-иккитасини сотиб пулини тутқазганида шу кунлар йўқ эди. Ўйнашмагин арбоб билан, дейди-ку. Мана энди мениям, ўзиниям еди, болаларни айт, кўзларига қара, йўқ, бу боланинг кўзи эмас. Хўрлик эрта улғайтирган норасидага қарашдан кўра оғирроқ азоб йўқ экан дунёда.

– Опажон, бу кунлар ҳам ўтади, кўрмагандай бўлиб кетамиз, – дейман ўзим ҳам ишонмай. Опам руҳсиз алфозда яна тилга киради:

– Ўша дастлаб ҳукм ўқилганда “Ҳой инсон, айбим йўқ, дегандингиз-ку, нега ақл бовар қилмайдиган, қуюшқонга сиғмайдиган жиноятларни бўйнингизга олдингиз?” десам, “Ичкарида қонун йўқ экан, нима қилишганини сенга айтолмайман, шу кўйга солишадики, тезроқ жонимни олақол, деб худога ёлворасан. Ҳар қандай қоғозга қарамай қўл қўйиб берасан. Энди бўлар иш бўлди, мени кечир”, деб умрида кўзидан ёш чиқмаган эркак ҳиқиллаб йиғлаб юборса-я. – Шоира опам ютиниб, “ух” тортди.

– Опажон, “юқори”га мурожаат қилганларингиз ҳам... – опам беҳафсала қўл силтади.

– Ҳақиқат фақат осмонда экан, бандаси қўлга қарайди. Заринг ё зўринг бўлмаса, зоринг бўлар экан, холос. Бир куни кўришишга борганимда Икром акам бир гап айтди. Шундан кейин биров адолат қилишидан узил-кесил умидимни уздим. Айтишича, бир киши қотиллик ҳукми билан ўн етти йил ўтиргач, ҳақиқий жиноятчи топилибди. У четга қочиб кетган экан, мусофирликми, виждон

азобими, бошқа сабабданми, ҳартугул, ўзи келиб иқрор бўпти. Бу хабар ичкарига етгач, “Энди сиз озод бўласиз, табриклаймиз”, десак, “Айнан шу қотиллик жинояти бўйича уч кишини қамашган эди, улар ҳам чиқармикан”, дебди. Қара-я, кимнидир айбдор қилиш керак бўлса, битта ўлим билан бир гала одамни айблаб, қамайверишаркан. Азбаройи ҳар бирига алоҳида жиноят иши очишга эриниб, ҳукмдаги исми-насабини ўзгартириб қўяқолишаркан. Ана сенга адолат!

\* \* \*

Ич-ичимда бир қора оғриқ бор. Юрагим ёришмайди. Буни шарҳлаб тушунтиришнинг иложи йўқ. Дарвоқе, иложи бўлганда ҳам эшитадиган одамим йўқ.

Бир куни майда-чуйда олиб, киракаш ёллаб Хожа Уббонга жўнадим. Кетяпману хаёлимда “Хувайдо” бобом. Унинг оппоқ соқоли, ўсиқ қошлари, йилтироқ қўйкўзлари тасаввуримда жонланади. Киракаш мени суҳбатга тортмоқчи бўлиб бир-икки савол ташладию тайинли жавоб ололмагач, минғирлаб хиргойи қилганча йўлга қараб кетаверди.

Ниҳоят узоқдан тўнгакдай бўлиб таниш қудуқ кўзга ташланди. Етиб бориб бозорликни тушираётганимизда бир болакай чопиб келиб кўмаклаша бошлади. У менга қизиқиш билан синчков разм солар, гоҳида пешонасидаги оқ доғларини яшириш учун дўпписини тепасидан босиб-босиб қўярди.

– Сиз кимсиз? – деб сўради ниҳоят сабри чидамай.

– Ҳеч ким... – дедим унга кулимсираб қараб.

– Сиз ҳам даволангани келдингизми? – юзларимга ачиниб қаради болакай.

– Ҳа... дардимга даво истаб келдим, – дедиму қабр томон йўл олдим.

\* \* \*

*Билинг, дардлик кишиларга бўлур оҳу нафир пайдо... \**

\* \* \*

Мен юборган пулларни ҳалимкўнгил волидам зориққан опаларим, аммаю холаларимга “орттирганинда берарсан” деган шарт билан тарқатиб, ўзи нафақа пулини пойлаб ўтиргани маълум бўлди.

Гулшан опамнинг айтишича, акамнинг рўзғор беланчаги менинг ҳисобимдан тебранар, янгам лутфан онамни ўз ҳовлисига кўчириб чиқишидан муддао ҳам шу экан.

Жонҳалак онаизорим ким тўй-тўйчиқ қилса, албатта, бир томонини кўтарар, бир кун келиб улар ҳам менинг жонимга ора киришига ишониб, сўраган ақчасини тўяна қилиб тутқазавераркан.

Эҳ, онажоним-а, мен қай азобларда тийинлаб йиққанганимни билмайди-да...

Оч-наҳор, юпун юрганимни айтмаганман, ўзимни ўйнаб-кулиб юргандек тутганман, балки, шу гапларимга ишониб қолганмикан?

Пул ўлсин, қўлнинг кири дейишади-ку, аммо усиз кун ўтмаса нима қилиш керак?

Мен сафар олди Шоира опамга қарашишни, укаларимнинг эгнини бутлаб, ярашиқли кийим-кечак олиб беришни ният қилиб қўйгандим. Чунки ҳув ўшанда бозорда эскифурушлик қилган аянчли кунларимиз доимо эсимда турар, қоп кўтариб кетаётган Шоира опамнинг майда тер босган пешонасию биров кўриб қолмасин деган андишада олазарак қараган кўзлари тушларимга кириб чиқарди.

Онамга нима дейман? Нимаям дея олардим?

Қариндошлар йиғилган куни баъзи бировлари ўзини тортиб тездагина жўнаб қолганининг сабабини энди тушундим. Гап айланиб пулга, “қарз”га уланмасидан олдин ўз эҳтиётларини қилишган экан-да.

Шундай қилиб, бир ярим йиллик меҳнатим ҳосили – Штатларнинг олти минг икки юз доллари хайру эҳсонга сарф бўлиб кетибди.

Илоё даргоҳида қабул қилсин!

Яхшики, онамнинг дори-дармони учун Гулшан опамга алоҳида пул юбориб турганман...

\* \* \*

*24 март*

Сафаримни ўзим тез қаритдим.

Бобурга “Қайтамизми?” десам, “Жўрам уйланяпти, кейинги ой охирига етиб бораман”, деди...

Хайр-хўшлашиб, йўлга отландим.

Бу сафар бир ўзим Бухоро – Тошкент, Тошкент – Москва йўналиши поездига чиқдим.

Купедошларим – бир татар кампир келини ва невараси билан “Қайдасан, бахт маёғи?” деб саёҳатга чиққан, ҳамма сайёҳлар каби қизиқувчан, ҳайратланишга мойил эди. Мен умримда биринчи бор Ўзбекистондан шунчаки сайрга чиққан одамларни кўриб ҳайрону лол эдим.

Кампир мендан тинмай Қизил майдон, Лениннинг мақбараси ҳақида сўрар, кўрмаганимни, билмаслигимни айтсам, тилини чиқиллатиб, бош чайқаб “Ай, жалка, адам ҳийятга бир бара кила, ай жалка”, дерди.

\* \* \*

Москвага етиб келиб, такси танладим. Бир ўзбек киракаш боражак манзилимни айтсам, савдолашмасдан рози бўлди.

Йўлда уёқ-буёқдан суҳбатлашиб кетдик. Кўпни кўрган, мулоҳазали, босиқ йигит экан. Мен биринчи учраган одамга айтиш мумкин бўлган гапларни такрорлар, кўнгилга ўргимчак тўри ташлаган ғашликдан ўзимни чалғитишга уринардим. Чунки поезддаги кампирнинг ҳайрати, келинининг мендан эҳтиётсираб нарсаларини беркитиши ёмон таъсир қилганди.

– Ўрисвойларга худо қўшқўллаб берган-да. Қаранг, сингил, ҳаммаёқ ўрмон. Ўзиям дунёни тўртдан бир қисми шуларники. Ерини тагида нефт билиқлаб қайнаб ётибди... – ҳамроҳимнинг не сабабдандир димоғи чоғ шекилли, сўзамол эди. – Шу ерларда Темур бова от ўйнатиб Тўхтамишни тизғитиб юрган-да... Қаранг, манави қишлоқчаларни – санаторий дейсиз.

– Сизнинг кўзингиз билан қараса, шунақадир...

– Тушунаман, тирикчилик кўйидаги темиртирноққа арча ўтин бўлиб кўринади. Лекин гўзалликни ҳис қилиб, ундан баҳра олиб

қолиш керак...

“Гўзаллик... нима эди у? Кўпдан бери эшитганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ...”

– Жуда тушкун, ҳардамхаёлсиз, – деди у мен томонга синовчан қараб олиб, – нима муаммо қийнаётганини билмайману, лекин ҳар қандай масала инсон ҳаёти олдида сариқ чақалигини тушуниб етганман. Парво қилманг, сиқилманг! Ҳаммаси ўтади. Мен ҳам қаттиқ ердан таталаб чиққанларданман. Кўрмаган куним қолмаган. Худога шукур, ҳаммасини енгдим... – у чуқур хўрсинди.

– Ҳа, чоҳлардан ўтиб олган одам ҳар қанча гапирса бўлаверади. Ўтаётган кишининг калласига эса бундай фалсафий фикрлар келмайди.

– Менга ишонинг, ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ўзимизни назарда тутяпман, оққан дарё оқади. Бизда кучли шахслар кўп, ҳали юзага чиқса...

– Ажабмас, ажабмас...

Шаҳарчага яқин қолганда Володя амакига қўнғироқ қилдим:

– Мен келдим, уйга бораверайми?

– Боравер, боравер, ҳамюртларинг бор, калит ўзларида, – деган жавоб бўлди.

Етиб келгач, киракаш узуқ-юлуқ сигнал босди. Уйдан иккита бегона бола чиқди.

Пул санаётсам, таксичи:

– Синглим, иккита бегона эркак ичида қоласизми? – деди норози.

– Иккита эмас, тўртта. Нима қипти? Булар ҳам одам. Буларда ҳам опа, сингил, она бор, – дедим совуққонлик билан.

– Ҳа, нафс ҳам бор. Бегона эркакдан ҳар балони кутиш мумкин. Айниқса, бу ерларда. Биринчи келишингиз эмас экан, биларсиз, бизникилар қидириб юриб ўзимизникиларни қон қақшатишади. Ўзи қайси номард сизни кўчага чиқариб юборди? – деди қошларини уйиб.

– Тақдир, – дедим кулиб. – Насиба...

– Нима иш қиласиз бу ерда, қаерда ишлайсиз? – деб сўради ҳайдовчи узатган пулимга назар солмай.

– Ўтган сафар дўконда ишлаган эдим. Бу гал... билмайман ҳали, – дедим.

– Иттопмас жойларда, ёт одамлар орасида... ишингизни тайини

йўқ... сизни кимга ишониб юборишди? – асаби бузилиб тўнғиллаганча машинасини ортга қайирди. – Бу ерда қолмайсиз... Қолдириб кетолмайман, – деди сўнг қатъий оҳангда.

– Нимадан хавотир оляпсиз? Тўртта эркак дейсизми? Мен ўн еттита йигит билан бир ярим йил яшадим мана шу уйда, – деб ҳовлига ишора қилдим.

У менга синовчан қараб туриб:

– Бўлиши мумкин эмас, унақа аёлга ўхшамаяпсиз, – деди.

– Ҳамма аёл ҳам сиз ўйлаган иш учун келмайди бу ерларга. Ҳаммани ўзию худоси... – деб машина эшигини очдим.

– Ўзингизга ишонасизми, ҳай? – у ҳам эшигини қиялатди.

– Мабодо терговчи бўлиб ишламаганмисиз? – аччиқ кулимсираддим.

– Йўқ, ўқитувчи бўлганман.

– Адабиётдан дарс берганмисиз?

– Йўқ, тарихдан.

– Мен ҳам ўқитувчи эдим, – дедим хўрсиниб. – Тил ва адабиёт...

– Унда нега келдингиз бу ерларга? Ўқитувчилигингизни қилиб юраверсангиз бўлмасдими?

– Муаммоларим бор, ҳал қилиб олай, қайтаман, – деб ерга оёқ қўйдим. У ҳам тушиб, юкхонадан сумкаларимни олди-да, қўлларини чўнтақларига тикиб бетоқат турган ҳалиги йигитлар билан бош ирғаб саломлашди. Кейин мен билан Бобур яшаган уйгача юкларимни олиб чиқиб берди. Бош суқиб хонани кўздан кечираркан:

– Иш топиб, сизни бу ердан олиб кетаман, – деди.

– Нима учун, – дедим. – Менга бўлаверади, бу ерда доим қолмайман-ку.

– Шунчаки, ватандош бўлганингиз учун, бошқа гап йўқ, – деб гапга нуқта қўйди.

– Шунчаки яхшилик қиладиганларга ишонмай қўйганман. Яқинда бу ерга укаларим келади, улар ҳаммаси ўзимни уруғларим. Сиз хавотир олманг, ўзингиз айтгандай ҳаммаси яхши бўлади, – деб кирани узатдим.

– Керакмас, қўяверинг, уйим шу тарафда бўлгани учун сизни йўлакай олиб келдим.

Таксист телефон рақамимни олиб, уйдан чиқди-да, ҳовлида

турган болаларнинг ёнига борди. Улар билан танишиб:

– Мен шу атрофда оилам билан яшайман, бу синглим бўлади. Мабодо бирортанг хафа қилганингни эшитсам, уйингга қайтиб бормайсан! – деди томдан тараша тушгандай.

Улар ҳам, мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдик. Йигитлардан ёши каттароғи:

– Ҳамма ишлагани, оилам, болам-чақам деб келган. Бизни нима ишимиз бор бу аёл билан, – деди афтини буриштириб.

Ҳайдовчи:

– Мен огоҳлантириб қўйдим, – деди ва менга ташрифнома узатди, – исмим Алишер, бирор гап бўлса, дарров қўнғироқ қилинг, – деб машинасига ўтирди.

\* \* \*

Уйга кириб, дастлаб онамга, кейин акамга қўнғироқ қилиб:

– Мен етиб келдим, ҳаммаси жойида, – деб қўнгил тиндирдим.

Сўнг қўл-бетимни ювиб, уйдан олиб келган нон ва сариёғдан нонушта қилганимча ёнбошлаб, кўзим кетиб, шу билан эртаси тонгда уйғонибман.

Эрталаб Володя амаки келгач, паспортим ва миграцион қоғозимни бердим. Рўйхатдан ўтказиб, патент тўғрилаш учун Мигрантлар хизмати бўлимига кетди.

Володя амаки шу ерда туғилиб ўсган аслзода руслардан. Ҳафтада бир қурилишдан хабар олгани келавериб мен билан яқин бўлиб қолган қизи Светанинг айтишича, у ёшлигида офицер бўлган, лекин қайси тизимда ишлашини ҳатто рафиқаси ҳам билмаган.

Алоҳида хизмат автомобили гоҳида ярим тунда келиб олиб кетар, у эзилган, чарчаган аҳволда қайтиб келаркан. Йигирма йил мобайнида сирли хизмат ўтаган офицер 1996 йил кузида ишсиз қолади. Айти шу паллада Россияда ўлим жазоси бекор қилинган, олий ҳукми ижро этадиган жаллодлар қатори Володя амаки ҳам истеъфога чиқарилган экан.

– Ажаб, – дейди қизи, – ишга кетяпман, деб портфелини кўтариб одам ўлдиргани бораркан. Касбни қара, Бона (у мени ўзига яқин олиб шундай атарди), қўли қон уйга қайтиб, бизни манглаймизни силаб

эркалатаркан, бир дастурхонда тановул қиларканмиз. Қотиллиги эвазига топган пулига менга йиғлайдиган қўғирчоқ, акамга пўкакли тўппонча олиб келганда қувониб ўйинга тушганимизни эсласам, ҳалиям юрагим музлаб кетади. Уни миясини айнитган воқеа шуки, нафақада зерикиб, ов билан ўзини овутиб юрган пайти Рязанда бир аёл билан тасодифан учрашиб қолади. Аёлнинг отаси Андрей Кравченко деган одам ҳам суд ҳукмига кўра қотилликда айбланиб, отиб ўлдирилган экан. Кейинчалик маълум бўлишича, асл қотил машҳур Чикатило бўлиб, шўрлик Кравченко жувонмарг кетгани аён бўлади. Жабрдийда аёл дадамнинг кимлигини, касби-корини билмасдан ўз ўтмишини айтиб бергани аниқ. Лекин падари бузрукворим ўша аёлнинг гапларини такрорлай-такрорлай ақлдан озишига сал қолган: “Дадамга отилган ўқ оиламизни, бизнинг болалигимизни, эътиқодимизни ўлдирди...”

Умуман олганда, амаки бадқовоқ бўлса-да, яхши одам. Уйидаги ишчиларнинг ҳужжатини ўзи тўғрилайди, полис ва рэкетдан ҳимоя қилади, иш билан таъминлайди. Ўзи иш мавсумида ароқ ичмайди ва болаларни ҳам ичишга қўймайди. Фақат байрамларда, айтиқса, Янги йилда бир ҳафтача уйдан чиқмай, кечаю кундуз сурункали ичади. Бунақа ароқхўрлик, худога шукур, бизда ҳозирча урф эмас. Мен Володя амакининг “майзада” бўлганини ўз кўзим билан кўрганман. Қишда уйқуси бузилган айиқдай айқириб, гангиб, йиқилиб-суриниб юрганини, шишани тик кўтариб бўшатганидан кейинги қилиқларини кўриб одамзод қандай тубанлашиши мумкинлигига амин бўлганман.

Бу аҳволда инсон ҳар қандай жиноятга қўл уриши, ўз жонига қасд қилиши, жаҳон урушини бошлаб юбориши ҳам ҳеч гапмас.

Шундан кейин ғайриинсоний ваҳшийликлар ҳақидаги хабарлар мени таажжублантормайдиган бўлди.

\* \* \*

**25 март**

...Патентим тайёр бўлгач, таниш дўконга иш сўраб бордим.

— Ҳозир сенбоп иш йўқ. Вақтинча супурувчилик қилиб тур, мавсум бошланса яна ўрнингга қайтасан, — деди директор.

Супурувчилик ҳам талаш: уч кун мен ишлайман, уч кун бошқа бир

молдован аёл. Тўғри, паст иш, аммо қишда очликдан ўлмай, ҳеч кимдан қарз бўлмай баҳорга етиб олса бўлади.

Ўн кунлардан кейин Володя амаки дўкон билан бир кўчада жойлашган новвойхона хўжайинидан сўраб, фаррошлигини олиб берди.

Бир куни дўконда ишлаётсам, биров ўзбекча салом бериб қолди. Қарасам, Бобурнинг амакиси Жонтемир бир ўрис аёл билан қўлтиқлашиб турибди. Аёлни менга Марина деб, мени унга синглим деб таништирди.

– Ёлғон айтяпти. Мен ҳеч ким бўлмайман унга. Бу аммамга уйланган, менга почча бўлади, -- дедим.

Аммам Рухсора мендан бир синф юқори ўқиган, салом-аликли дугона эдик. У учта қизи билан янги солинган чордевор ҳовлида ёлғизқўл яшар, ноинсоф Жонтемир бойвачча уч йилдан бери ўз уйи бўсағасидан ҳатламаган, ҳар замонда эллик-юз доллар жўнатиб туришини эшитгандим.

Сафардан қайтганимни эшитиб Рухсора ҳам қизчалари билан йўқлаб келганди. Ўртанча қизи – беш яшар Гулnoz мени қучоқлаб олиб, “Дадамми кўйдизми, кўйсайиз аттинг, мен уни ана шу-унча шоғиндим”, деб қўлларини осмонга қулочкашлаб ёйиб кўрсатганди. Боланинг соддалигига бир кулгинг келади, бир йиғлагинг...

Бир пайт Рухсора кўзи билан ишора қилиб кенжасини кўрсатди, қизалоқ бурчакка ўтириб олиб қўлидаги гугуртни телефон қилиб дада жонивор билан бидир-бидир “гаплашяпти”: “Дадажоним, самайўтга чиқопсими? Дадажоним, тийпонингиз топилдими? Нанам атти, йўқотиб қўйган эканиз”, деб гугуртни кафти билан ёпиб, биз тарафга қараб, “Нана, тийпони топийибди...” деди қаттиқ шивирлаб. Эҳ, телефонимга ёзиб олмаган эканман-да!

Бу ёқда “дадажон”нинг турқи-башарасига қаранг! Бир нарсани қойил қилиб, каллак уриб қўйгандай қорнини чиқазиб гердайганча тиржайиб турибди.

Бир қўли бозорлик билан тўла аравача дастасида. Маринага қараб қўйиб, Жонтемирга:

– Телефон рақамингизни ташлаб кетинг менга, – дедим. Бамайлихотир рақамини айтиб, камига уйига таклиф қилди:

– Биламан, бормайсан, мабодо борсанг, юр, меҳмон қиламиз...

– Нега бормас эканман, бораман! Сизни қачондан бери қидириб юрганымни биласизми, – дедим.

– Шанба куни Марина уйда бўлади, шу куни кел, – деди ва қўлтиқлашиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Иш вақтим тугаб, хайрлашиб дўкондан чиқсам, эшик ёнида қорақош бир аёл бола кўтариб турибди.

Салом-алиқдан сўнг юртдошлигимиз маълум бўлди. Бечоранинг борадиган жойи йўқлигидан шу ерни паналаб турган экан. Володя амакидан телефон орқали изн сўраб, бир кечага уйга олиб кетдим. Қўлимдан келганча ош-сув қилиб, дам олиши учун ўрин тўшаб бердим.

Ҳали тили чиқмаган, кўзлари чақноқ, бўлиқ болачаси бирам ширинки! Аёл қараб туришимни сўраб юз-қўлини чайгани холижойга кирганда болакайни қўлимга олдим юраккинам алланечук бўлиб кетди. Илкис менинг ҳам аёллигим, она бўлиш имкониятим... эсимга тушиб, бағримда ингичка бир тола таранг тортилгандай бўлди.

Мен бунга муносиб эмасманми?

Она деган унвон ҳеч қачон менга берилмайдими?

Дунёдан туш кўргандек таассуроти бор-у, қўлга кирар исботи йўқ бўлиб ўтаманми?

Болажон мунчоқ кўзлари билан ҳар бир ҳаракатимни кузатар, қулоқларимни тортиб ўйнар, гапирсам қиқирлаб куларди.

Аёл одамови, жуда камгап чиқиб қолди. Ўнта гап сўрасам, бир бўғинли жавоб оламан. Билганим шу бўлдики, эри билан ишлашга келиб, уришиб қолишибди. Бир ҳафтадан бери дом-дараксиз эмиш. Бечора хотин эрининг иш жойини ҳам билмасмиш, телефони гулдургуп ўчирилганмиш.

Бегона юртда муносабатларни узиш жуда осон. Рақамингни ўзгартирдингми, тамом, сени биров тополмайди.

Ярим кеча пиқ-пиқ йиғи овозидан уйғониб кетдим, қарасам, меҳмоним уйқудаги боласини қайта-қайта ўпиб, чуқур-чуқур хидлаяпти. Она меҳри товланди деб ўйладиму яна уйқуга кетдим.

Эрталаб уйғониб қарасам, меҳмон ётган ўрин бўш, у ёқ-бу ёққа чиққанмикан деган хаёлда ярим соатча кутдим. Кейин ҳовлида ўтин

ёраётган болалардан суриштираман, муштипаргина тонг қоронғисида раҳматни уларга омонат қолдириб, шошиб кўчага чиқиб кетибди. Кўнглим ғаш бўлди, қайга кетдйкан шу совуқда? Ҳа, майли, Аллоҳнинг паноҳига...

Этигимни кияётсам, директор қўнғироқ қилиб, “Тезроқ кел, сени сўрашяпти”, деб қолди. Ким сўраяпти, деган саволимга жавоб бермай алоқани узиб қўйди.

Оббо, яна нима муаммо чиқдйкан, ҳужжат-пужжатимдан камчилик топишдимикан? Ё тоғам келиб томоша кўрсатяптимикиан?

Шунга ўхшаш дилхира тахминлар гирдобиди қандай қилиб дўконга етиб борганимни билмай қолдим. Директор хонасига кирсам, иккита хирсдай полис нималарнидир ёзиб ўтирибди. Хўжайин мени таништирагач, улар кеча оқшом дўкон ташқарисидаги видеокамера мени бола кўтарган марказий осийлик она билан тасвирга туширганини, аёл бугун тонгда яна шу жойга келиб, фарзандини мисрлик харидорларга сотганини айтишди. Бу савдода мен ҳам шерик эканлигим гумон қилинаётгани, жинойтчилар қўлга олинган, фақат аёлнинг дарагини топишолмаётганини, агар бу ишни фош қилишда сидқидилдан ёрдам берсам, менга нисбатан суд ҳукми юмшатилишини таъкидлашди.

Бошимга биров ғишт билан солгандай гангиб қолдим. Қасам ичсам, булар қасамга ишонадиган одам эмас. Мен гўл у аёлнинг исминиям сўрамабман, ҳужжатинг борми, деб қизиқмабман ҳам. Емаган сомсага пул тўлаш дегани бошимга тушдими? Мана сизга яхшиликка жавоб!

Аёл атай мени бу жинойтга тортмагани аниқ, ўзиям бу ишга кўнгилхушлик учун қўл урмаганига аминман. Бечоранинг камгаплиги, “Ичимдаги топ”, деб ўтириши, ярим тунда болачасини йиғлаб ўпиб ётганининг сабаби бу ёқда экан-да... Шўрликкина, демак, кеча оқшом бизни дўконни пакка тутиб харидор кутгану, улар эҳтиёткорлик қилиб ёнига келишмаган...

Ўриснинг иймони бўлмаса ҳам инсофи бор, дейишади. Рост гап, директор босиқлик билан полисларга мен ҳақимда ижобий гаплар айтди, бунинг қўлидан жинойт келмайди, тўғри, пок аёл, деб таърифлади. Полислар шаҳарчани тарк этмаслик тўғрисида тилхат олиб, майли, ишлаб туравер, керак бўлсанг чақирамиз, деб суратга

туширишди-да, жўнаб кетишди.

Орадан икки кун ўтгач, дўкон эгаси “Хавотир олма, ҳалиги болафуруш хотин қўлга тушибди, сени танимаслигини, алоқанг йўқлигини айтибди. Қутулиб қолдинг”, деди кулиб.

Елкамдан тоғ ағдарилдию бир парча тоши юрагимда қолди.

Кўзимдан болачанинг чарос кўзлари, димоғимдан илиқ хушбўйлари ҳалиям кетмайди.

\* \* \*

### *26 март*

Аҳдлашувга кўра шанба куни кечки пайт Жонтемирларнинг уйига бордим.

“Бу дарбадар анчадан бери шу ерларда юрибди, бирор жойдан тузукроқ иш топиб берсин, ҳарҳолда танишлари бордир”, деган ўй билан эшик қўнғироғини босдим.

Улфати жонон Жонтемир акам ош пиширибди. Дастурхонга гап йўқ: ароқ, коньяк, яхна ичимликлар, салатлар...

Марина ётоқхонадан чиқиб мен билан расмий кўришдию биз ўзбекча гаплашганимизга: “Мени ғийбат қиляпсизлар”, деб хафа бўлиб, яна хобгоҳига кириб, компьютерига ёпишди. Менга ҳаммасидан алам қилгани аёл қолиб эркак ошхонада куймаланиб юргани бўлди.

– Ҳамма ўзининг меҳмонига ўзи хизмат қиладими сизларда ёки уй бекалигиям элликка-элликми? – дедим ниш уриб.

– Йўқ, у овқат қилишни билмайди, фақат тайёрини еб ўрганган. Худди хўрандадай гапда булар. Бизни пазандалигимиз учун танлашади-да, бўлмаса бунақа ҳурлиқоларни тушимизда кўрармидик? – деди “куёвбола” ўз ҳаётидан беҳад мамнунлигини изҳор этиб.

– Қаерлик бу макиёнингиз?

– Сахалин тарафдан. Ўрис бўлгани билан уям мусофир. Московликлар четдан келган ўз қавминиям оёқ учида кўрсатади. Жуда сиқилган, қийналган жувон бу...

– Ҳа, кўриниб турибди, почча. Шу пати юлинган товуққа учта қоракўзни алмашдингизми? Дидингизгаям қойил қолмадим, – дедим.

– Ўзим бир аҳволда юрибман, кўриб турибсан, қишда иш йўқ. Қўй

энди, кайфиятни бузма, – деб қўлидаги ярим кесилган шўр бодрингни эпчиллик билан оғзига ташлади.

– Иш бўлмаса уйингизга кетинг, баҳорда яна келасиз. Болаларингизни соғинмадингизми? Менга қаранг, кенжангизни кўрганмисиз?

– Келаётганимда хотиним иккиқат эди... расмини кўрдим. Соғинганман... лекин нима қилай, иложи йўқ нарсани иложи йўқ-да!.. Кетолмайман, – ўхшатиб хўрсинди Жонтемир.

– Уйингизга охирги марта қачон қанча пул жўнатган эдингиз?

– Бир ҳафта бўлди, юз доллар.

У Маринанинг ёнига кирганидан фойдаланиб Рухсорага қўнғироқ қилдим:

– Хўжайинингни уйига меҳмонга келувдим, бир ҳафта олдин юз доллар юбордим, деяпти, шу ростми?

– Йўқ, эллик юборган эди. Қарзларимни тўладим, тугади, – деди у толиққан руҳда.

Жонтемир емакхонага кириб ўтиргач, дастурхонга қараб:

– Томоғингиздан луқма ўтганига қарсаклар! Болаларингизни ейишга бир бурда нони йўқ. Қанақа одамсиз? Отаям шунақа бўладими? Сиз қулсиз, бошқа ҳеч ким эмас! Биласизми қанақа қул? Анавинақа қанжиқларни қулисиз, --- деб ўрнимдан турдим.

Қани одам бўлиб асабини бузса, қани эркак бўлиб бир бақириб берса... Дами чиққан пуфакдай шалвираб, “Бо, ишлайман, юбораман пул, зерикма”, дейди холос.

Шовқинимни эшитиб Марина эҳтиёткорона чиқиб, аста курсига ўтирди:

– Нега жанжаллашяпсизлар? – деди Жонтемирга қараб. Мен ундан:

– Қаерда ишлайсан, ойлигинг қанча? – деб сўрадим.

– Тикув цехида ишлайман, йигирма беш минг рубль оламан, – деди “хўш, нима демоқчисан”, дегандай безрайганча муштига иягини тираб.

– Нечта боланг бор?

– Битта.

– Уйингга бир ойда қанча пул юборасан?

– Ўттиз мингча...

– Ҳа, демак, ижара пулини Жонтемир тўлайди. Бозор-ўчар ҳам, сени харажатларинг ҳам унинг бўйнида, а? Учта боласи борлигини биласанми? Уларнинг ейишга нони йўқ. Тасаввур қила оласанми? Дастурхонинг тўкинлигига қара. Сен ҳам онамисан? Одаммисан? – дедим ғазабланиб.

Асабларим ўйнаб, қаҳрим тошгани сари Марина билан тортишавердим, тортишганим сари у қадаҳга ароқ қуйиб ичаверди, ичаверди. Ўзимни ушлаб туrolмадим, шишани олиб деворга урдиму қарғаб-қарғаб ташқарига чиқиб кетдим. Ортимдан Жонтемир эргашди:

– Бо, ош тайёр бўлди. Ҳеч қаёққа кетмайсан. Қайт орқангга. Кайфни бузма. Сени икки кун кутдик...

Қайтмадим, йиғлаб-йиғлаб ижарахонамга келдим. Бир соатларча ўтиб Жонтемир қўнғироқ қилди. Телефонни ўчириб ташладим...

Эртаси Маринани бозорда кўриб қолдим. Бир ўқрайиб қараб, ўтиб кетдим. Кейин ёнимга ўзи келди. Мен кетгандан кейин иккаласи яхшигина жикқа-мушт бўлишибди. Кўкарган қовоғини кўрсатиб обидийда қилди:

– Мен уни ушлаб турганим йўқ, кетса-кетаверсин! Хотини, болалари абгорлигини биламан. Шунча куйиниб гапирсам ҳам парво қилмайди, болаларини ўйламайди. Мен айбдормасман, у ўзи бағритош. Шунақаям ўзбек бўладими?..

\* \* \*

### *27 март*

Бобурга қўнғироқ қилиб тезроқ ишга қайтақол, демоқчи эдим, салом-алиқдан ўтар-ўтмас телефонни ё онасига тутқазди, ё у тортиб олди:

– Иби, Бонужон, бормисиз, жоним? Бухорога келибам бизни ҳовлига бир бош суқмадингиз. Бултургидай итни кейинги оёғимасмиз, Бобурингиз уйни қайтадан расо қилди, уяладиган жойимиз қолмади.

– Гина қилган қариндошдан оқибат кут, дейишади. Ростдан уйда шунча ўтириб, бирров холамникига ўтиб икки оғиз гурунг қилиб келмабман-а. Бўлмаса, Бобур жонимга қанча ора кирди. Энди узрхоҳлик қилмоқчи эдим, шартаки холам сўзимни чўрт узди. –

Хулласи калом, Бонужон, суюнчини ҳозирлайверинг: Бобурингизни бошини иккита қиляпмиз.

Тўй дараги ҳар қандай одамни аввалбош бир қувонтириб олади. Табриклаган бўлдим, кейин истиҳола аралаш:

– Хола, Бобур ҳали ёш бола-ку. Бунинг устига, ойликчи бўлиб меҳнат дафтарча... – дейишим билан холагинам яна қайчи солди:

– Иби! Қанақа ёш бола? Қанақа дафтарча? Худога шукур, мусофирчиликни тошнонини еб белига боғлаган пулига ҳовлини гулллатиб олдик. Қолгани тўйга ҳам, бошқасига ҳам етади. Бу тенгиларни олди болали бўлди. Синфдошларидан Адҳам пистачини тайтуви билан Минавар гижингни етимчаси қолди холос. Бу иснодмасми, Бонужон? Болани тўрт мучаси соғ, уч-тўрт тангамиз ёнчиқда димиқиб ётган бўлса.

– Келин ким? Кўз солгани бормикан?

– Мени кўз солганим бор. Сиз танийсизми, йўқми, Эсон лайлакнинг кенжа қизи бу йил коллежга ўтди. Йўқ, сизни мактабингизда ўқимаган. Лайлак шаҳарда ўқитган.

– Биринчи курс бўлса, ҳали гўдак экану.

– Қиз болани каллапўш билан ур, йиқилмаса эрга бер, дейди. Ўзим катта қилволаман. Қайтанга, тарбиялаш осон бўлади.

– Қайдам, келинболаям беҳунар бўлса, икки-уч ойда кўзингизга хунук кўриниб қолмасмикан? Орзу-ҳавас деймизу, ҳаммасини тош-тарозиси борми дейман-да.

– Иби, ҳозирдан совуқ нафас қилманг, Бонужон. Қиз бола бозори қизиган пайт талаш бўлади. Бу даври шафтоли пишиғидай ўтади-кетди. У ёғи касод. Совчи дегани қошингизгамас, ёшингизга қарайди. Тағин кўнглингизга келмасин... Баҳорда тўй, вақт топсангиз келарсиз... Унгача жиянчангиз тўй тараддудида.

Акажон, кўнглимга келмайдими? Қуриб кетгур ҳубобдай нозик кўнгилчамга кирпининг тиконидай нишдор сўзлар тегиб кетмайдими?

\* \* \*

Лайлакқор лопиллаб уриб турганда ташқаридаги шовқин-сурон ҳам пасаяди.

Дарвоза тақиллагандай бўлди. Чиқиб қарасам, ювилмаган

қошиқдеккина бўлиб Жонтемир турибди. Авзойим бузуқлигини кўриб, бирдан муддаога ўтди: Володя амакидан вақтинча бошпана сўраб беришимни илтимос қилди.

– Мен сиздай субутсиз одамни тавсия қилолмайман, – десам, йиғлагандан берироқ бўлиб:

– Қўлимда бир мирим йўқ. Ижара ҳақини ҳам беролмадик. Уй эгаси кўчага итдай ҳайдаяпти... шунга келдим... Болалар қайтгунча биз ҳам шу ерда яшаб турайлик, – деди ғарибгина товушда.

Бош эгиб мулзам туриши, ялинчоқ оҳанги қаҳримни юмшатди.

Ўртага тушиб, Володя амакини кўндирдим.

...Икки-уч кун ўтиб, Марина билан кўчиб келиб, юқори қаватда яшай бошлашди.

Кам кўришамиз, тўғрироғи, мен имкон қадар юзма-юз келмасликка ҳаракат қиламан.

Гоҳида Жонтемир ош ёки бирор тансиқ таом пиширса, илиниб олиб тушади. Овқатини олиб қўйиб, ишчи болаларга узатаман. У билан суҳбатимиз охири болаларига бориб тақалади. Топган гапи:

– Бо, ўзим адойи тамом бўлганман, қўй, жигаримни эзма! Сен бунча асабингни бузасан? Ишлайман, дедим-ку! Юбораман пул ўша занглаган эговга, – дейди...

Бир куни ишдан келсам, Жонтемир ҳовлидаги ўчоққа ўтин қалаб, ошга уннаяпти. Гапни мен бошладим:

– Ҳа-а, йигитни гули, анави сочиқни бошингизга ташлаб олинг, ҳовлида номаҳрамлар бор-а...

– Эй, айтма шу гапингни, бугун Марина янгангни туғилган куни, юқори чиқ, бирга нишонлаймиз, – деди қўлидаги капгирга ёпишган сабзини силтаб-силтаб қозонга тушираркан.

Почча атай ғашимга тегиш учун Маринани “янганг”, деб атайди. Мен унга жавобан “йигитни гули” ёки “бекажон” деб чақираман. Хуллас, почча-жиян бинойидай шалойин бўлиб қолдик.

Кечки пайт меҳмонлар келгач, мен ҳам тепа қаватга чиқдим. Марина икки дугонаси билан оёқда туролмайдиган даражада маст, бир-бирининг елкасига биллак ташлаб, аллақандай маросим қўшиғини айқириб куйлаб тебраниб ўтиришибди. Жонтемир ҳам ўчоқ бошида майдалаб олавериб қарийб “пишган”.

Гул кўтариб узрхоҳлик билан икки тожик эркак кириб келди.

Ўртада ошдан бошқа ейдиган нарса қолмаганди. Меҳмонлар олиб келган ароқ ҳам бўшагач, Жонтемир ҳовлидаги қўшни болалардан бирига пул бериб, дўконга жўнатди.

Бадмаст давра таомилига кўра аёллар ўйинга тортилди. Жонтемир билан Марина вальсга тушди. Шу қулай фурсатдан фойдаланиб “бахтиёр жуфтлик”ни суратга олдим. Жонтемир аввалига хафа бўлди. Кейин Маринани қучоқлаб:

– Мана, ол қанча олсанг! – деди сархуш сузилиб.

Мен ҳам эринмайгина расмга туширавердим.

Тожик йигитлар Маринанинг дугоналари билан тезгина чиқишиб, шакаргуфторликка ўтиб кетишди. Ўртада ортиқчалигимни сезиб, ўрнимдан тураётгандим, менга хайрлашиш учун қўл узатган малласоч аёл мувозанатни сақлай олмай дастурхон устига мункиб тушди. Ана томоша! Кийим-боши, юзию сочи сузма ва палов силқиндисига қорилди, чойнак думалаб, нариги аёлнинг нақд тиззасидан юқорироққа ағдарилди. Бечора чала бўғизланган чўчқадай чинқириб, иккала кафтини човига босганча кенгуруга ўхшаб энгашиб жуфтоёқ ташлаб югуриб қолди.

Заҳарни заҳар кесади деганларидек, куйган жойга ароққа бўктирилган сочиқ босиб, шўрликкинани ичкарига олиб кириб ётқизиб қўйишди. Аввалбошдан тожиклар аёлларни ўзаро тақсимлаб олишган шекилли, кўнгилсизликдан кейин улардан бири жаҳлланиб, ҳафсаласи пир қиёфада шеригига қўл силтаб, эшикни тарақлатиб ёпиб кўчага равона бўлди. Иккинчи аёл омадли “жуфти ҳароми” билан қўлтиқлашиб, Маринага эзгу тилаклар изҳор этиб, хайрлашиб, кўчага чиқиб кетишди.

“Бекажон” билан дастурхонга фотиҳа ўқиб, идиш-товоқларни йиғиштириб, хонани шамоллатдик. Нима қилай, ҳарна бўлса “янгам”нинг туғилган куни...

Хонамга тушиб бош оғриғига қарши аччиқ чой дамлаб, босиб-босиб икки пиёла ичдим. Қарасам, оббо, телефонимни унутиб қолдирибман. Суратга олганимдан кейин Жонтемир бир кўрай-бир кўрайлаб қўлимдан тортиб олганди. Яна чор-ночор қайтиб чиқдим. Эшикни тақиллатиб чақирдим. Ҳеч ким овоз бермади. Ичкари кириб не кўз билан кўрайки, учаласи ҳам битта тўшакда баравар жўровоз хуррак отиб ётибди. Уёқ-буёққа қараб, телефонимни тополмадим.

Ноилож “йигитни гули” ечиб қўйган кийимларни пайпаслаб қидира бошладим. Шим чўнтақларини кўрдим – телефон йўқ.

Бир вақт қарасам, кўйлагининг кўкрак киссаси дўппайиб турибди. Қўл солсам – бир даста пул. Бирпас қараб турдим: олайми, олмайми? Олсам-у, билиб қолишса шармандаи шармисор бўламан, олмасам, бу пуллар йўл қараб киртайган болаларининг ризқи... Барибир қаердаги ҳаром-харишга совуриб юборади.

Титраб-қақшаб, пулни олдим. Бу умримда қилган илк ва охириги ўғрилигим бўлди. Биринчи бор бегона чўнтакка қўл суқдим. Бошқа кийимларидан телефон ҳам, пул ҳам чиқмади. Орқамга қайтаман деб атрофга қарасам, телефоним дераза рахида экан. Шошилинич олдим у ашиқдан отилиб чиқдим. Мени ҳеч ким кўрмади, ҳеч ким пайқамди.

Хонамга тушиб пулни санадим: ўттиз беш минг тўрт юз рубль.

Дарҳол Рухсорага сим қоқиб:

– Мен бир иш қилиб қўйдим, ҳеч кимга айтмайсанми? – дедим ҳовлиқиб.

– Йўқ, айтмайман, – деган уйқусираган овоз келди у томондан.

– Қасам ич!

– Менга ишонмайсанми? – деди товуш сергакланиб.

– Қасам ичсанг ишонаман!

– Нима деб қасам ичай?

– Учта болангни ўртага қўйиб қасам ич!

Рухсора онт ичган бўлди.

– Мен ўғрилиқ қилдим! – дедим титроғим қайта уйғониб.

– Нима ўғирладинг, худодан қўрқмадингми? – деди Рухсора қўрқа-писа.

– Эрингни чўнтагига тушдим. Эртага номингга юбораман, – десам, бирдан хурсанд бўлиб кетиб:

– Иби-и, жонингдан айланай, Бону, қандай каллангга келди бу иш? Қаерда... ўғирладинг? – деб сўради ҳаяжонланиб.

Бугун Маринанинг туғилган куни эканлигини, бўлиб ўтган томошаларни са-ал қоғозга ўраб айтиб бердим.

– Ажаб қипсан, боплабсан! Бу пуллар менинг тирик етимларимни насибаси. Бу ўғрилиқ эмас, савоб... – Рухсоранинг овози ичидан узилиб-узилиб чиқди.

– Билмадим, лекин қўрқяпман...

– Ҳеч кимга айтмайман. Қўрқма, ўртамизда қолади... Ўзимизни пулга қанча бўлади? – деб сўради бироздан сўнг ўзига келиб.

– Анча! Миллиондан ошади... Чирт-пирт қилиб йўқотиб юборма. Бирорта сигир ол – рўзғорингни кўтаради. Ортиб қолса, товуқ қил. Тухум, сут, қатиқ, сариёғ кичкиналарга қувват бўлади, – дедим руҳланиб.

Юрагим сал тинчигандай бўлди-ю, лекин кўзимга уйқу келмади. Бечора Рухсора хурсандлигидан эрталабгача СМС ёзди: “Сени худо биз учун яратган экан! Яхшилигинг мендан қайтмаса, болаларим қайтаради. Бунча пулни умрим бино бўлиб эшитмаганман ҳам. Барака топ! Дардингга шифо берсин худойим...”

\* \* \*

### *28 март*

Тонг отди.

Қўл-бетимни ювиб, ишга отландим. Пешинга бориб директордан рухсат сўраб, банкдан Рухсорага пулни жўнатиб келдим.

Оқшом уйга қайтсам, Жонтемирнинг юзлари юлинган, Маринанинг лаби шишган, кўзлари кўкарган аҳволда ҳовлида бири-бирига ҳурпайишиб турибди. Юрагим товонимга тушиб кетди... Остона ҳатлашга журъат тополмай, довдираб қолдим. “Оббо! Билишибди! Ана шармандалик!.. Ўлдим энди иснодга!”

Бир амаллаб бор қувватимни тилимга жамлаб:

– Нима гап, тинчликми? – деб сўрадим эшик тутқичидан қўл узмай.

Жонтемир юзига рўмолчасини босиб, тиришганича:

– Мановини туғилган кунига узук ваъда қилгандим. Эрталаб турсам пул йўқ, – деб ихради.

– Қаерга қўйган эдингиз? Балки, эслолмаётгандирсиз қўйган жойингизни, – дедим ясама жонқуярлик билан.

– Йўқ, мана бу еримда эди, – деб чакмони ёқасини қайириб, мен пул олган қўйлаги чўнтагига шаппат урди.

– Балки, ишлатиб қўйгандирсиз, кеча кўп харажат қилдингиз, – дедим енгил тортиб.

– Йўқ. Хариддан ортгани ёнимда эди, – Жонтемир негадир

киссаларини пайпаслаб қўйди.

– Ёки тушириб қўйгансиз. Кеча анчагина “етилиб” қолувдингиз.

– Йўқ, аниқ анави олган! – “Йигитни гули” ияги билан Маринани кўрсатди, – Авваллари ҳам уч минг, тўрт минг пулим йўқоларди. Қачон тутиб олиб урсам, кейин бўйнига оларди. Ўғри-да, ўғри! – кейин “янгам”га тушунарли бўлсин учун ўрисчалаб “Варюга, сувка!” деб овоз кўтариб қўшиб қўйди.

– Ҳа-а, ёмон одати бор экан-да, сахти сумбатига қараган одам сизга муносиб оқила аёл деб ўйлайди, – дедиму хонамга кириб кетдим.

Деразадан қарасам, Марина хўпиқиб йиғлаб турибди.

“Роҳатига яйраган азобига ҳам чидаш керак, Маринажон! Ҳаёт шунақа! Учта гўдак қоқ нон еб, эгатда эмаклаб пахта териб юрганда сиз уларнинг насибасини қийиб, яйраб маст бўлиб, айшингизни суриб ётгандингиз! Тегирмон галма-гал-да, дугон...” деб қўйдим ичимда.

Марина юklarини кўтариб эшикдан ҳатларкан, Жонтемирга қайрилиб:

– Номард! Ароқхўр! Туҳматчи! – деганча кўчага чиқдию яна қайта эшикни очиб, – Ҳаҳ, ўзбек! – деб муштини силтади.

Жонтемир ўрнидан ирғишлаб туриб, гап-сўзсиз унинг ортидан югурди...

Тавба, виждоним зиғирча қийналмаса-я...

\* \* \*

Якшанба куни Рухсора гудок ташлади. Қайтиб чиқсам, ўзида йўқ хурсанд:

– Акам билан бозорга бордим. Пахта пулларимни ҳам қўшиб битта сигир, олтита товуқ олдик, раҳмат сенга, – деди.

Юрагим бир жойли бўлиб телефонни қўйдим...

Туғилган кунга узук эмиш, мана узук сенга!..

Ишқилиб, билиб қилган гуноҳларимниям худо кечирсин-да...

\* \* \*

Туш – башорат деган гапни эшитгансиз-а?

Сизда ҳам шундай бўладими – рўй бераётган воқеа қандай яқун топишини билиб турасиз, фақат бу ҳолат тушингизда аён бўлган ҳодисадан кейингина идрокингизга келади. Бу ҳар қандай бандада учрайдиган оддий ҳол бўлса керак. Лекин шундай тушлар ҳам борки, кўпинча бомдоддан олдин хобга киради, сиз кўрганларингизнинг ёрқин таассуротидан терга ботиб уйғониб кетасизу руҳиятингизда аввал кўрилмаган энгиллик ёки ғашликни ҳис қиласиз. Бундай тушда келажакка ишорат, тақдирга башорат бўлади.

Ҳа, айрим одамларгина тушини тўғри йўя олади, эҳтиёт чораларини кўришга фаҳми-фаросати етади. Шу мақомга эришган инсон ғайб билан ришта боғлаган азизларга яқинлашган ҳисобланади.

Мен ҳам уйқуда кўрганларимдан таъбир излаб, ишора қидирадиганлар хилиданман.

Кўпинча тушим тескари келади. Бошқалар илон кўрса бойлик деб қувонса, менинг “илон”ларим ғам-ғусса келтиради.

Бугун ҳам шундай туш ҳаяжонида кўз очдим: тушимда сочим қирқилган эмиш. Мен қўлимда қораилондай тўлғаниб турган кокилимга қараб, ким қилди бу ишни, ким мендан сўрамай қайчи урди, деб ҳайрону лол эмишман.

Бу туш Олмос кўп такрорлайдиган байтни менга эслатди:

*Уйқучи бахтим қаро чинини доим туш кўрар,  
Ваҳки, таъбир ичра бордур: тушта соч кўргон – бало...\**

\* \* \*

Икки кун ўтиб кечқурун дарвоза тақиллади.

Чиқиб қарасам, Жонтемир ёнида ёшини аниқ айтиш мушкул бўлган аёл билан суянишиб турибди.

Бир қўлида ароқ, иккинчисидан бир бўлак колбаса ва буханка нон, шими чўнтагидан пиво шишаси мўралаб турибди...

Салом беришга улгурмасидан эшикни ёпиб, дарвозага лўкидон уриб уйимга кириб кетдим. Қопқани тақиллатди, илтимос қилди, ялинди, барибир киришга қўймадим. Охири ҳовлидаги қўшни болаларга қўнғироқ қилиб ёлворганидан кейин улар орқа тарафдаги эшикчани очиб, ичкарига киргизиб юборишибди.

“Жуфтлик” улфатчиликни давом эттириб, мастликда тамаки тутатганча пинакка кетибдию чўғ кўрпага тушибди, кўрпадан полга ўтиб, ёнғин чиқишига бир бахя қолганда қўшни болалар кўплашиб ўртага олиб ўчиришибди.

Эрталаб Володя амаки келиб қараса, Жонтемир бегона аёл билан тутун ҳидига дудланиб, қўранта боғлаб ётибди.

Хўжайиннинг эси оғғудай жаҳли чиққанини ҳеч қачон кўрмаган эдим. “Йигитнинг гули”ни “жонон”ига қўшиб қорга судраб олиб чиқиб, роса пўстагини қоқди.

Жонтемирнинг паспортини тортиб олиб, “Зарарни қоплаб берганингдан кейин оласан”, деб кўчага тепиб чиқарди.

\* \* \*

Янги йил арафаси...

Байрамни россияликларга чиқарган. Йигирма кун ишхоналар ёпилади, ҳамма ёппасига ичкиликбозликка ўтади. Рождество, Янги йил, Эски янги йил... каби номи ҳар хилу моҳияти бир хил бўлган айёмлари жуда кўп. Кўчада соғ одамни тополмайсиз. Яйрашади!

Дўкондан ўн учинчи ойликка қўшиб совға ҳам беришди: бир халта шоколад, шампан виноси ва олтита қордай оппоқ бордоқча. Бордоқчаларни онамга юбораман деб ният қилиб қўйдим.

Ҳовли ҳувиллаб ётибди – болаларнинг бари Арчабайрамни ўтказгани юртга қайтган.

Тоқ бошимга дастурхон тузадим: қўй гўшtidан кабоб, емакхона дўлмаси, ширинликлар ва шампан... Қараб туриб, ўпкам тўлиб кетди. Оиламиз даврасида “дадамнинг эркаси” бўлиб кутиб олган Янги йилларим кўз олдимда гавдаланди...

Онамга, опаларимга, акамга қўнғироқ қилиб табриклаб чиқдим. Лекин негадир ҳеч юрагим ёришмади... Ҳеч нарса томоғимдан ўтмади... винони очиб, бир пиёла ичдим, кабобдан бир дона тишладим...

Ҳайҳотдай хонамда юрагим гумириб кетаверди, иссиқ кийиниб, ўзимни чалғитай деб кўча айландим. Қарасам, бир жойда чегирма билан ўзимизда чиққан ичимликларни сотишаётган экан. Битта “Ўзбекистон” коньяги олиб уйга қайтдим.

Коньякни очдим-да, совғага берилган бордоқчаларни қатор қилиб териб, ҳаммасини тўлдириб чиқдим. Битта қадаҳни олиб, қолганлари билан чиқиллатиб тўқиштирдим-да, ўзимни-ўзим қуюқ табрикладим:

– Янги йил муборак, Бону! Бепоён ёлғизликка қўйилган янги қадам қутлуғ бўлсин!

Ўзим учун: худо қўшқўллаб урган бахтиқаро қиз учун – биринчи қадаҳ...

Дадам учун: чинакам меҳр ва инсонийлик учун – иккинчи қадаҳ...

Бобом учун: оқиллик ҳамда инсоф учун – учинчи қадаҳ...

Барибир... Олмос учун: яксон бўлган муҳаббат, чилпарчин орзулар учун – тўртинчи қадаҳ...

Онам учун: самимият ва соддалик учун – бешинчи қадаҳ...

“Ҳувайдо” бобо учун: муҳит қурбони бўлган беғуноҳ бандалар учун – олтинчи қадаҳ...

Сўнги қадаҳни ича олмадим...

Ерга уриб синдирдим...

Кайфим ошиб, бошим айланиб, узуқ-юлуқ хотиралар кўз олдидан айқашиб ўта бошлади... Бобом билан кечган беғубор, беғам кунларим... “Невараларнинг ичидан сени танладим, зеҳнинг ўткир, сен ҳаммадан бошқачасан, буни ўзинг билмайсан ҳали”, деганлари қулоқ остимда қайта-қайта янгради...

Намозни олтинчи синфда ўрганган эдим. Онам қаерга таъзияга борса, ёнларида мени олиб юрарди. Қаерга борсак, мен дуойи фотиҳа ўқирдим...

Шуми энди бошқа неваралардан ўзгачалигим?

Шу кўйга тушишимни билганида Қуръон ўқишни ўргатар эдими?

Бобомникига дўстлари келса:

– Мана, бизни шогирд, бир савол-жавоб қилинг-чи, имтиҳондан ўта олармикан, – дерди мени кўрсатиб.

Саволларга жавоб бериб, мақташларини кутиб турардим.

Кўриб қўйинг, бобожон, ўша фахрланган шогирдингиз аҳволини...

Юсуф воқеасидан кейин дадам аламини ароқдан оладиган бўлиб қолганини айтганим эсингиздами? Ўша кунларнинг бирида дорилфунундан қайтсам, қўлида бир шиша ароқ, ёлғиз ўзи ичиб ўтирибди. Ичимдан зил кетдим-у, сир бой бермай, ёнига ўтириб, “Қани,

менгаям қуйинг, якка ичиш бехосият бўлади”, деб ҳазиллашиб, ароқ тўла пиёлани қўлимга тутдим. Дадам кутилмаган қилиғимдан эсанкираб, пиёлани қўлимдан шарт тортиб оларкан:

– Сенга ярашмайди, – деди бўзариб.

– Сизга-чи, ярашадими, дада? – кўзимга ёш олдим.

– Мен аламиндан ичаман, қизим, – кўзларини олиб қочди у.

– Нима аламингиз бор? Қизларингиз бўлса, ўғлингиз бўлса! Иссиқ-совуғингизда онам ёнингизда... Ё мен сабабми? Айбим йўқлигини ҳеч ким билмасаям сиз биласиз-ку! – деб юкинганимда:

– Ҳар қандай ҳолатда ҳам сен ичма, – дея ароқни пойгакка сепиб юборган эди.

– Ичсангиз ичаман – қасам ичаман! – деганча пўписа қилгандим ўшанда...

Охирги кунлари дўхтирлар:

– Қонингиз қуюқлашган, ҳар куни ярим пиёла ароқ ичинг, – деганида ҳам унамаган эди...

Отасини ичкиликдан қайтариш учун ҳатто ўзини қурбон қилишга тайёр турган қиз... мана, не аҳволга тушиб ўтирибди...

Талабалик пайти биз ҳашарга чиққан туман режани тўлдиргани учун байрам уюштирилиб, Раъно Ҳусанова деган қўшиқчи аёл келганди. Машинадан тушиб, саҳнага яқинлашган ҳам эдики, оёғи чалмашиб, гандираклаб йиқилиб тушди... Югуриб бориб қўлидан тортаман десам, вужудидан ароқ ҳиди гупиллаб ётибди. Икки эркак судраб, қайтариб машинасига ортиб юборишганда ҳаммининг кайфияти бир пул бўлганди. Шундан кейин бу аёлнинг қўшиқларини тингламай қўйдим...

Эртаси куни мажлис чақирган деканимиз надомат билан а-анча гапирган, қа-анча асабийлашган эди:

– Ўзбек аёлига ярашмайди бу!

\* \* \*

Хаёл беихтиёр Хожа Уббонга етаклади... Таниш-билишларнинг ҳоли, тақдири нима кечди экан?..

Яна кўз олдимда “Ҳувайдо” бобо...

*Кўнгулда дард кўп, айтурға бир маҳрам тополмасман,  
Кетарға бош олиб чўллар аро ҳамдам тополмасман...\**

\* \* \*

**29 март**

Эрталаб уйфонсам, полда ётибман.

Тўшагимгача ҳам етиб боролмабман...

Бош оғриғию кўнгил айниши мазамни қочирди.

Туриб қарасам, коньяк шишаси думалаб ётибди.

Қўл-юзимни ювиб, бир пиёла сув ичдим. Яхшики, бугун байрам...  
дам олиш куни... а-ҳа, келган жойидан давом эттираммиз...

Битта коньяк олиб келсам бўлди, бошқа ҳамма нарса бор.  
Пальтомни кийиб кўчага чиқдим.

Кўприқдан ўтаётиб тўрт-беш ўспирин соҳилдаги ўриндиқни ўраб  
олиб, беҳаё бақириб кулишаётганини кўрдиму таққа тўхтадим.  
Уларнинг ёнидан ўтишга юрагим дов бермади. Орқамга қарадим:  
икки эркак ва улардан сал орқада ўрта ёшли аёл келяпти. Қадамимни  
секинлатиб, эркакларни ўтказиб юбордим.

Катталарни кўриб болалар шовқин-сурон кўтариб шаҳарчага  
қараб жуфтакни ростлашди. Ҳалиги аёлга эргашиб бориб, ўриндиқда  
бир жувон маст ҳолатда “ўчиб” ётганини кўрдим. Кеча байрамни  
“муносиб” нишонлаган шекилли, изғиринни сезмай, битта кўйлақда  
ястаниб ётибди. Устини ёпиб қўйиш ўрнига шумтакалар текин томоша  
деб бошқа жойларини ҳам очиб қўйишибди. У болаларни ёш десак,  
бояги икки эркак-чи? Ёнимдаги ҳамроҳим ҳам унга қараб тупуриб,  
сўкина-сўкина ўтиб кетди. Мен эса... ташлаб кетишга кўнглим  
бўлмади.

Бир лаҳза ичида неча хаёл кўчасига кириб чиқмадим.

Эғнидаги кўйлаги билан устини ёпаман десам... таги ҳўл... Ёш  
болачалар “чушша” қилиб қўйса, шамоллаб-нетмасин, ҳиди ўтириб  
қолмасин деб дарров таглигини алмаштираммиз... Бу хушрўйгина, ёш  
жувон бўлса...

Кўйлаги билан имкон қадар баданини ёпдим ортимга зув  
қайтдим.

Йўл-йўлакай иситмам чиқиб, “Мен бундай томоша бўлишни, аёл

шаънини, ўзбек аёли деган номни булғашни истамайман! Бошқаларга эрмак бўлишдан ўзинг асра... Тамом! Бошқа ичмайман! Ҳеч қачон, ҳеч қаерда! Ит бўлай қайтиб ичсам!..”

Хонамдан уринган жункўрпани олиб югурганча соҳилга бордим-у, кўприкка оёқ қўяр-қўймас ўзимни тўхтатдим. Нариги соҳилга ёндош йўлда усти ёпиқ панжарали юк машинаси гуриллаб турар, иккита барзанги беҳуш жувонни бир оёқ бир қўлидан ушлаб судраб борарди.

Хонамга қайтиб, совуқ сувда чўмилиб чиқдим. Кечаги гуноҳим, иродасизлигим учун ўзимни ўзим шундай жазоладим.

Кейин ҳамма жойни супуриб-сидириб, полни ювиб, эшик-деразаларни ланг очиб, хонани шамоллатдим. Овқатни иситиб, лаганга сузиб, энди ўтираман деб турганимда телефоним қисқа занг урди – хат келди. Очиб қарасам: “Янги йил билан! Орзулар ушалсин, армон қолмасин! Ким ватанни севса, ватан ҳамма жойда у билан! Алишер. P.S.: Кеча Тошкент вақти билан янги йил кираётганда қўнғироқ қилдим, олмадингиз. Байрам базми қуюқ бўлди шекилли. Яна бир бор чин дилдан қутлайман!” деган ёзув.

Ичкилик асорати гаранг қилган калламга дабдурустдан хат муаллифи кимлиги келавермади. Рақамига қараб эсладим, мени вокзалдан олиб келиб қўйган таксистнинг ташрифномасига кўз ташлаб, сонлар тартиби Навоийнинг туғилган куни, ойи ва йилига тўғри келганидан бу шунчаки тасодифмикан ё атай исмига мослаб танлаганми деб кўнглимдан ўтказгандим.

Қизиқ йигит экан-да ўзи. Менда нима иши бор? Россияда юрган ўзбек қизлари анқога шафемаски, мен унга тансиқ кўринсам... Ўзимдан қолар гап йўқ, чирой-у ҳусн тўғрисида сўз ортиқча...

Ўйланиб ўтирсам, эшикдан қорбободек бўлиб Володя амаки кириб келди. Қўлидаги қоғозхалтани тутқазиб:

– Ҳаммасини дастурхонга қўй, – деб буюрди.

Икки хил салат, мева-чева, торт, пицца, шоколад ва яна... Шампан виноси...

– Кеча кечқурун соат бонг урганда эсимга тушдинг, келаман десам Светка йўқ деб оёқ тираб олди. Ёлғиз кутдингми? – сўради пишиллаб курсига чўкаркан.

– Ҳа, уйқуда бир ўзим кутдим, – дедим.

– Нега бизникига бормадинг, бирга кутардик, – деб винога қўл

чўзди.

– Бу ўзбекларни байрами эмас. Бизда Янги йил йигирма биринчи мартда киради, Наврўзда, – дедим.

– Шунинг учун бизни байрамни нишонламадингми?

– Сизларга ўхшаб нишонладим, лекин вақтлироқ ухлаб қолиман.

– Сен ичмайсан-а? – деди амаки қўлида винони салмоқлаб.

– Умуман ичмасдим, шу кеча ичдим.

Володя амаки кўзларини катта-катта очиб, менга ишонқирамай қаради:

– Сен ичмайсан, алдама, кўп кузатганман сени, ҳатто пиво ҳам ичмайсан. Ҳамма болалардан сўраб чиққанман. Ичмайсан-ку, а? – деб сўради қайтадан. – Кеча келиб сендан хабар ололмадим, – кечирим сўраган бўлди у.

– Мен хафа бўлганим йўқ, узр сўрайдиган иш ҳам бўлмади, – деб кулдим.

Унга ҳам кечаги кабоб ва дўлмадан олиб келдим. Халтада ароқ ҳам бор экан. Очиб:

– Бугун мумкин – байрам, озгина ич, – деб қадаҳ тутди.

– Умуман ичмайман, амаки, сиз ҳам ичмасдингиз-ку. Болалар Володя амаки ичмайди ҳам, ичгани ҳам қўймайди, деб айтишган, – дедим.

– Сенга қойилман, ироданг мустаҳкам. Бир йил яшадингми шу ерда, ҳа, бир ярим йил... бирор бир камчилигингни кўрмадим, – деб мақтади амаки биринчи қадаҳдан сўнг. – Агар шу вақтгача ичмаган бўлсанг, бундан кейин ҳам ичма!

Кейин мен қизи Светадан эшитган ва тунов сизга баён қилганим ҳикояни айтиб берди...

– Мен буюк давлатнинг душманларини йўқ қиляпман, она халқимга фарзандлик бурчимни ўтаяпман, деб астойдил ишонардим. Бу дунёда энг катта фожиа – сен ишонган, эътиқод қўйган ғоя пуч бўлиб чиқса, доҳийлар ашаддий жиноятчи-ю, уларнинг ақидалари сафсатадан иборат экани фош бўлса...

Ароғи тугагунча суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин яна бир бор Янги йил билан табриклаб:

– Мен энди бир ҳафта ичиб ётаман, телефоним ўчиқ бўлади,

уйимдан ҳеч қаёққа чиқмайман, уйимга ҳам ҳеч кимни қўймайман.  
Сен ҳам ҳовлига бировни киритма, – деб тайинлаб, хайрлашди...

Бунча қийин бўлмаса бу оламда яшаш?!

Кўнглим муз-муз, тунд, хомуш бўлиб қолди. Кечаги ишим учун  
ўзимдан нафратланиб кетдим...

Қайтиб ичсам ит бўлай, деб қўйдим. Итда нима айб? Энди ичиб  
унинг номини ҳам маломатга қолдиргим йўқ...

\* \* \*

Мен бирор илинж билан ёзмаяпман ўтмишимни, менга шафқат  
ҳам, мурувват ҳам, алқов ҳам керак эмас. Фақат битта тингловчи  
керак... бошқа ҳеч нарса...

Худо сизга сабр берсин...

Қаерда хато қилганимни билолмаяпман.

Тўғри маслаҳат беришингиз учун тафсилотларни тўлиқ ёзаяпман.

Мени тўғри тушунинг...

\* \* \*

### **30 март**

Янги йил нашидаси тарқамай туриб, Эски янги йилга тадорик  
бошланди. Сурункали меҳмонвозликдан толиққан қиёфаларда яна  
байрам кайфияти: ҳамма ўзини бозор-ўчар, совға-саломга урган,  
дўкону новвойхонамизда яна жонланиш, савдо-сотиқ авжига миниб,  
қўлимиз қўлимизга тегмай қолган.

Ҳориб-толиб уйга келсам, дарвозанинг қўш табақаси очиқ,  
ичкарида қизил “Тойота” турибди: демак, Светахоним ташриф  
буюрибдилар. Қувониб кетдим. Янги йилда дадаси табриклаган эди,  
одамгарчилик бор-да, энди дугонам қутлагани келган кўринади.

Ичкари кириб, тарвузим қўлтиғимдан тушди: кўрпа-тўшакларим,  
лаш-лушларим қорда сочилиб ётибди. Иккита ўрис йигит тамаки  
тутатиб, иккинчи қават деразасидан шанғиллаётган Светага қараб  
туришибди.

Мени кўриб у бир зум ғойиб бўлди-да, эшикни зарб билан очиб  
чиқиб келди.

– Ҳа, кўрнамак келгинди! Дадамни авраб иш битириб юрибсанми, қанжиқ? Уйни кунпаякун қилай дебсан-ку!

Тилим айланмай қолди. Русчани яхши биламан, лекин қани бирорта сўз тилимга келса. Тахта бўлиб қолдим. Бу нима ҳақорат? Бу нима хўрлик?

Света менга яқинлашиб, поча-пўстини устидан кўксига мушт урди:

– Бу менинг юртим! Бу менинг уйим! Йўқол, қорангни кўрмай, лаънати! – Сўнг бамайлихотир томошабин бўлиб турган йигитларга қаради. – Игорь, Серёга, бу ялмоғизни дарёга улоқтиринглар! Яхшилиқни билмайдиган қораялоқ!

Мен зўрға “Володя амаки...” дея олдим, у оғзимдан юлиб ёқамга ёпиштирди:

– Ҳа, сен мияси айниган чолни қўйнига кириб, бутун мол-мулкани эгалламоқчи бўлдингми? Чучварани хом санабсан! Янги йил эртаси бу ерда айш-ишрат қилганингни билмайди дейсанми? Деворни кўзи, қулоғи бор! – Яна йигитларга юзланиб, – тез йўқотинглар буни кўзимдан! – деб буюрди-да, бир қўли билан кўчани кўрсатиб, бир қўли билан пешонасини ушлади.

Тушунарли... Мусофирнинг нафақат думи, тилиям қисиқ.

Қўлга илашган нарсаларимни йиғдим у лом-мим демай кўча томон юрарканман, оёғим остида бир нима “қирс” этди. Қарасам, онамга аталган бордоқчалардан бири қорга ботиб, бандидан ажраб ётибди...

\* \* \*

Дўконга бориб бўлган воқеани Шакаржон опага дастурхон қилдим.

Опа менга бирпас ачиниб қараб турди-да, “Манғлайи кара, сани яшулли ахшам ишдан алди, анув бала сотган аял иши бўйинча уни судга чақирмишла, “Ман неердаги одамла учун судда тик турадиган кишиманми?” деб жини коришиб, биза бакирди. Новвойхонанг иясигаям бизим гўзимизча тилпон атиб, унгаям уқтирди. Манимча, у ишданам айрилдинг, бичара. Ўзим билан апкитийин дасам, икки хана уйда ети киши турамыз. Хўжайин дим иплас адам, кунда башимизи санийди... Тўхта, бир аёл бор ади Дилбар диган, гўрсанг, бамаънига

ўхшийди, намозхон. Манда раками бўлса герак. Бўлди-е, мизиллама!” деб телефон тита кетди.

Урди худо, бу не кўргилик? Ҳам ишдан, ҳам бошпанадан айрилиб ўтирсам-а? Бунча толеим қаро бўлмаса? Қайга борай, кимга додимни айтай?

Шакаржон опа ғудрана-ғудрана уч-тўрт уринишда Дилбар билан боғланиб, вазиятни тушунтирди. У ёшимни сўради шекилли, опа мени бир кўзи билан чамалаб, “Яш, ўттиза бармаган”, деб телефонни менга узатди.

– Ҳозир қаердасиз, опа? – деб сўради Дилбар салом-аликсиз. Кейин жавобни ҳам кутмай, – Москвани яхши биласизми? Манзилни айтсам топиб келоласизми? Мен ҳайҳотдай уйда яккамохов бўлиб бир ўлимсанги кампирга термулиб ўтирибман. Келинг, танишайлик, агар маъқул тушсак, бирга яшайверамиз, пул-мулингиз ҳам керакмас. Унча-мунча эркагингизга мардликдан дарс бераман, хўпми? – деб ҳамма масалани бирпасда ҳал қилиб қўяқолди.

Шалдир-шулдур, кўнгли очиқ аёлга ўхшайди. Яна кайфиятим ростланиб, икки қўлимда кўч-кўроним посанги, дарҳол у айтган манзил томон йўл олдим.

\* \* \*

Москва дегани билан хонадони шаҳарнинг ўрмонга туташ четроқ туманида, тупканинг тагида экан.

Топиб боргунча она сутим оғзимга келаёзди.

Дилбар ёшгина, келишган, қувноқ аёл чиқиб қолди. Ҳамма гапни шарт-шурт юзингизга айтавераркан.

Ичкарига кириб нафасимни ростлаганим ҳам йўқ, ўтирар-ўтирмасимдан савол ёғдира кетди:

– Биринчи йил Москвага келишингизми?

– Йўқ, икки йилдан бери шу ерданман.

– Ҳечам ўхшамайди-да!

– Нега ўхшамайди? Москвани кўрганларни шохи-бутоғи бўладими?

– Ғирт ўзбеклигингизча қоп кетибсиз, одам деган сал ўзига қараб юради-да, опа. Сочингизни сариққа бўяб, қошни териб, қалам суриб, қичиқ бўлиб юрмайсизми?

– У нима деганингиз? Қизиқмайман бўёқ-сўёқларга. Тўғрироғи, ярашмайди, масхарабозга ўхшаб қоламан.

– Ҳа, майли, ойлигимни олай, бирор кун сизни сартарошга элиб сочингизни кестириб, бўятиб, келинчақдай қилдириб келаман!

– Мен новвойхона ва дўкондан бошқа жойда ишламаганман... У ерлардагилар ҳам худди мендай оддий одамлар. Пардоз-андозга қизиқиш ҳам, вақт ҳам, адашган пул ҳам йўқ... Қолаверса, афту башарамни кўриб турибсиз...

– Юзингизга нима қипти? Упа-элик, рангли крем бор, муаммо йўқ! Бу ерликларнинг яхши томони, одамни нуқсонига парво қилмайди, бизникиларга ўхшаб ижирғанмайди.

– Кераги йўқ! Ё аслингдек кўрин, ёки кўринганингдек бўл, деган гап бор.

– Жинни бўпсиз, ҳали сизни шундай пардозлаб ишлов берайки, ўзингизни ўзингиз танитай қолинг...

“Мен сенга қумсувоқ деворманми пардозлаб ишлов берасан?” деган эътирозни тилимдан зўрға қайтариб қолдим.

Қарасам, гап-сўз фақат енгил-елпи томонга қараб йўрғалаб кетяпти. Бошқа хаёлларга бормасин деган ўйда ҳар эҳтимолга қарши ёлғон ишлатдим:

– Мен оилали одамман, иккита фарзандим бор. Хўжайиним яхши одам, фақат соғлиғи туфайли оғир ишга ярамай қолди. Шунинг учун мен мусофирчилик нонини еб юрибман. Ҳалол топиб еб юрибман...

Дилбарнинг қиладиган иши шу хонадондаги эси кирди-чиқди бўлиб қолган қоқшол кампирга қараш экан. Унинг ёлғиз қизи ойда бир бозорлик келтириб, Дилбарнинг иш ҳақини бериб кетаркан...

Уч хонали шинамгина уй...

Жавонларга териб қўйилган китоблар диққатимни тортди. Ўҳ-ҳў, кимларнинг асарлари йўқ бу жавонда... Жуковскийдан тортиб Пастернак, Арастудан Айтматовгача, Шекспирдан то Коэло... Бир уй китоб... Бинойидек кутубхона дейсиз...

Мана шу ноёб асарларнинг ўзи хонадон соҳибаси ким ва қандай инсон бўлганидан дарак бериб турибди.

\* \* \*

– Бонужон, китобларни тахла десам, ҳалиям расмини томоша қилиб ўтирибсанми? Сени ёрдамга обкелгандим-ку, дадасини эркаси...  
– қора духоба муқовали қалин китобни қўлимга олиб очишим билан қадрдон бўй димоғимга урилдию онамнинг меҳрли дашноми янграгандай бўлди.

Бизнинг кутубхонада аксар ўзбекча китоблар бўларди. Онам уларни нондай авайлаб эҳтиётлар, бирортаси нописанд муносабатда бўлса, астойдил ранжиб:

– Иби, айланай, бу азиз нарса, ўзи нон бўлмасаям, бир куни сенга нон беради... – дерди.

\* \* \*

### *1 апрель*

Дилбарнинг ҳаёти мусофирликда юрган унча-мунча одам ҳавас қилса арзигулик эди: альцгеймер дарди икки дунё оралиғидаги аросатга қамаб қўйган эсар кампирни уч маҳал едириб-ичиришдан бошқа иши йўқ. Суяккесар совуқда кўча-кўйда санғиб иш излаб юрмайди. Ўттиз беш минг рубль маоши ҳар ойнинг биринчисида қўлида нақдма-нақд.

Мен унга:

– Худога шукрона айтиб, маза қилиб китоб ўқиб ўтирсангиз бўлавераркан, – дейишим билан:

– Э-э, яхшиям эслатдингиз, намозим қазо бўлай дебди-ку! Сиз билан валақлашиб унутаёзибман... Нафасингизни ростлаб туринг, мен намозимни ўқиб олай, – деб ювиниш хонасига кириб чиқиб, жойнамоз тўшади.

Беихтиёр ҳавасим келиб кетди бу ажабтовур аёлга. Ёлғиз боши билан шунча ишни уддалаяпти, яна намоз ҳам ўқир экан. Ҳам дунё, ҳам охират ғамини еб, фарзу суннатларни адо этипти. Эътиқодига, иродасига балли!

Мен-чи, битта бошимга эплаб туппа кесолмайман. Қайга оёқ қўйсам, лоп этиб ишқал чиқади. Ўзи, умуман, феъл-атворимни ўзгартириш керакмикан-а?

Менинг қаерим кам бу аёлдан? Ақлим бутун, доғларимни айтмаса, танам соғ. Фақат эътиқодим майиб... Қалбда иймон сусайган...

Ўқ илдизимдан тобора узоқлашиб кетяпман...

Тўхта, балки, айнан мана шу сабабдан бахтим қайтаётгандир?  
Пайғамбарнинг кўр мушугига ўхшаб нолиганим нолиган...

Миям ғовлаб кетди...

Бировнинг юртида, мусофирчиликда, ижара уйда “Ё худо”, деб жойнамоз устида ибодат қилаётган аёл кўзимга салкам фаришта кўринди...

Бобом менга намоз ўргатгунча қанча меҳнат сарфлаганини эсладим...

– Одамзод ўтиб кетганидан кейин уни йўқлаб ортидан борадиган дастурхони бу дуодир. Марҳумлар ҳар куни бир жойга жамланиб, бугун кимдан менга “дастурхон” келар экан, деб кутиб туришаркан. Аввал болаларидан, кейин неvara, эвараларидан... Агар улардан ҳам йўқланди келмаса, Аллоҳ йўлида дуо ўқиб, “Савобини бир пуштимдан етти пуштимгача, етти пуштимдан етмиш пуштимгача бўлган ажодларимга бағишладим... Бағишладим гузаштаю гузаштагон, ғарибону ғурубон, бекасу бева-бечораларга”, деб билак кўтарадиган бегоналарнинг дуосидан савоб олар экан... Илоҳо, ўзгаларнинг “дастурхон”ига муҳтож қилмагайсан, – деб дуо қиларди...

Дилбар намозини тугатди...

Салом бериб кутиб олиб:

– Уч ракаат ўқидингиз-а? Шомни қазосимиди? – деб сўрадим.

Жавоб жуда ғалати бўлди:

– Йўқ, кечасини намозини ўқидим.

Бунақа иборани биринчи эшитишим. Ҳайратим ошди:

– Кечасини намози? – бир кулгим келди, бир ўлгим...

Кейин яна ўзимдан хафа бўлиб кетдим: барибир билиб туриб ибодат қилмаган одамдан кўра билмай туриб бошини саждага қўйган банданинг савоб тоши оғир-ку... Демак, қалбида иймон бор экан, деб ўйлаб турсам:

– Опа, сиз ҳам намозни ўрганинг. Жойнамозни устига ўтириб олиб ният қилинг, Эгам истаганингизни беради. Қачон ишим юришмай қолса, худодан сўрайман, йўлим ўз-ўзидан очилиб кетади, – деди.

– Ҳа, Аллоҳнинг карами кенг, даргоҳида қабул қилсин. Мен ҳам ўқирдим-у, мусофирчилик... Бир жойда муқим қўним топганимча йўқ.

Уни устига, “Қунут” дуосини унутибман, айтиб турсангиз бўларкан, ёзиб олиб, ёдлаб, кейин бошлайман, худо хоҳласа, – дедим айбимни тан олиб.

– Нима деганингиз у қунт? Беқунт ўқиса ҳам бўлади. Асосийси, астойдил сўранг, худо бераверади, – деди худди кафилини олган одамдай.

Бобом эса...

Жойнамоз устида тоғдай бўлиб ўтираркан, пичирлаб: “Раҳмон ўзинг, беморларга, етим-есирларга, нотавонларга раҳм қилгайсан... Қодир ўзинг, адашганларга, мушрикларга, гумроҳларга тўғри йўл кўрсатгайсан... Собир ўзинг, бани инсон аҳлининг ношукурлигига, калтабинлигига, худбинлигига сабр қилгайсан... Розик ўзинг, марҳаматингни ҳеч бир бандангдан дариг тутмагайсан...” деб Биру Борга ёлворарди.

\*\*\*

Шундан кейин яна икки марта Дилбарнинг антиқа намозига гувоҳ бўлдим. Бири эрталаб соат тўққизда адо этилди. Бу “эрталабки намоз” экан. Иккинчиси кечқурун... Бу сизга таниш “кечасини намози”...

Нималар деяпман, тиззаси йиртиққа кулмаяпманми? Эчкиниям, қўйниям ўз оёғидан осишади. Унга баҳо беришга ҳаққим йўқ...

Эрталаб Дилбар:

– Ўлсин, юрагим сиқилиб кетди, юринг, дўконларни бир айланиб томоша қилиб, кўнгил ёзиб келамиз, – деб қолди.

– Ёнимда сариқ чақа йўқ, менга нима бор кўчада? – деганимда:

– Уйда ўтирсангиз ҳам, кўчада дайдисангиз ҳам вақт ўтаверади. Муҳими, кўриб қолиш, фурсатни ранг-баранг ўтказиш, – деди қаламқошини учириб.

– Кампирингиз уйғониб қолса-чи? – дедим баҳона топганимдан хурсанд бўлиб.

– Жодугар ҳали бери уйғонмайди... иккита уйқу дори бердим, катта даҳага кетди, – деди қақақлаб кулиб...

Юрагимда нимадир узилди:

– Нега ундай қилдингиз, ўлиб қолса нима қиласиз?

– Ўлмайдими, хавотир олманг, бу биринчи марта эмас, – деди лабларини чўччайтириб бўёқ сураркан.

\* \* \*

Ётоқ жойим тайин, еб-ичиш текин.

Аммо ётганда тиканга ағанагандек азобдаман, еган-ичганим томоғимни тирнаб ўтади. Бировнинг ҳиммати ортида миннатини кўп кўрганим учун алағдаман.

Нима дейсиз, меҳмоннинг меҳмониман-да. Қўшнингни эшагига минсанг, кетингни кўтариб ўтир, дейишади-ку. Кампир эшитса Дилбарга гап тегмасин, деб оёқ учида юраман, пичирлаб гапираман...

Кўнглимда бир илинж: яна уч-тўрт кундан кейин Володя амаки ўзига келиб, “майзада”ликдан чиқар, қўнғироқ қилиб “юз очди” қилиб оларман, инсофли одам “Қайт, қизим, тушунмовчилик бўпти”, дер, иш ҳам топиб берар, яна ҳаётим аввалгидек изига тушиб кетар деган умид мени ушлаб турарди.

\* \* \*

### *3 апрель*

Бир куни китоб ўқиб кўзим чарчаб, меҳмонхонага чиқсам, Дилбар хиргойи қилиб дастурхон тузаяпти. Ҳа, десам, иккинчи эрим меҳмонга келяпти, яйраймиз, опагинам, деб кафтини кафтига урди. Тавба, “иккинчи хотин”ни эшитгандим-у...

Пешин маҳали торт, коньяк, қанд-қурс кўтариб хушнуд қиёфада “куёвбола” кириб келди... Йигитмисан йигит. Дид билан кийинган, сўзни танлаб гапирадиган давранинг гули...

Коньякни чапдастлик билан очиб, қадаҳчаларни тўлатиб, аввал Дилбарга, кейин менга узатди.

– Йўқ-йўқ, мен ичмайман, – дедим қўлини қайтариб.

– Нима? Опа?! Олинг қани! Муҳиддин акам шунча жойдан яхши ниятда кўтариб келганлар, – Дилбар дўрдоқ лабини бурди.

– Соғлиғим яхшимас. Кейин, юрак азоб беради, кўтаролмайман! – Янги йилда ичиб абгор бўлганим эсимга тушиб, кўнглим ағдарилай деди.

– Майли, ичмасалар мажбурлама, – деди Муҳиддин авзойимга хавотирли қараб.

Янги йилда янги бахт ҳамроҳ бўлиши учун қадаҳларни уриштириб, ширинсуханлик билан роҳатланиб ичишди. Биринчиси иккинчисига, иккинчиси учинчисига уланиб, Дилбархонимнинг ёноқлари лолагун бўлди.

Муҳиддин дастурхондаги ноз-неъматлардан, таомлардан бир бўлак-бир бўлак қилиб санчқида назокат билан севгилисининг оғзига тутди, эвазига келинчагидан оралатиб енгил-енгил муччилар олиб турди. Балки, илгари бундай ҳолатларнинг томошабини бўлмаганим учун менга эриш туюлгандир... билмадим. Ҳарҳолда, жуда бачкана кўринди... Бундай меҳрибончилик ота ёки она ҳали оғзини тополмайдиган болачага қилса ёки ёшини яшаб, умрининг охирида қўллари бўйсунмай қўйган қарияларга кўрсатилса ярашади...

Шиша бўшади... Бу манзарадан мен уларнинг ҳисобидан хижолатдаман... Менинг борлигимни “Лайли-Мажнун”лар батамом унутишди...

Гап орасида Муҳиддин юртга бориб келмоқчилигини айтди. Бу хабардан Дилбарнинг сочлари тик бўлиб, қайлиғини бўғиб қўйишига сал қолди:

– Ҳа, хотинчангизни олдигами? Ҳеч қаёққа кетмайсиз! Ёки соғиндингизми момишингизни? – деди икки қўлини столга тираганча чақчайиб.

Бирдан ҳушёр тортдим. Назаримда, ҳозир Муҳиддин Дилбарга тескари шапалоқ тортиб юборадигандек туюлди. Аммо жавобан Муҳиддин жилмайганча:

– Ғизиллаб бориб, ғизиллаб қайтаман, – деди.

– Ҳа, мен момишингизни соғингансиз деб ўйлабман, – Дилбар яна атай таъкидлади.

– Жим тур! Опа нотўғри тушунмасинлар тағин, – Муҳиддиннинг эсига мен тушиб қолдим.

Дилбар оғзини тўлдириб гапира кетди:

– Битта чирпити хотини бор, жойини ҳўллаб қўяди, ўшандаям бу кишимга тўтиё... Тавба қилдим, эркак зотига анжир билан олмани фарқи йўқ, еса бўлди...

Муҳиддин ҳам унинг фикрини бош ирғаб маъқуллашдан, ўзини

жабрдийда кўрсатишдан нарига ўтмади. Мен яна хаёл дарёсига ғарқ бўлдим. Дилбар қаердан билади унинг хотини касаллигини? Уйнинг камчилигини, оила сирини бировларга айтган эркак эркак бўлдим энди?!

Бир пайтлар амаким қўшни қишлоққа совчиликка бориб келайлик, деб дадам ва онамни ундаб уйга келгани эсимга тушди. Қайтганларидан кейин опаларим қиз ҳақида сўрашганида онам: “Шаванда, чиройли, ақлли қиз”, деб таъриф бераётиб, гапи охирига етмай дадамга қараб:

– Менга қаранг, салкам шарманда қилдингиз-ку, бўлажак қудага шунақаям савол берадими? Нимаймиш, янгамни хафа қилган пайтингиз у киши кўчага чопадиларми, уйгами? Шунақаям қўпол гап бўладими? Яхшики, уй эгалари “Дарвозани қулфлаб олиб, кейин уришамиз”, деб ҳазилга олиб қўяқолишди, – деди чимрилиб. Шунда дадам:

– Ҳа, онаси, давлатбошидан кўра оилабошига қийин. Мамлакатни бошқаришдан рўзғорни эплаш оғир. Кўриб турибмиз-ку, – деб бир томоқ қириб олиб, – энди-и, яхши қиз маҳрам гапни ҳар қандай ҳолатда кўчага олиб чиқмайди, оила сирини бегоналар билан бўлишмайди. Ҳусн фақат тўйда, ақл ҳар куни керак, – деб ўз саволига шарҳ берганди.

Опаларим иддао қилиб:

– Э-э, қайси ота қизини тўйдан олдин бегона эркакка урдириб қўяди? – дейишганда:

– Бу бир халқона ҳикмат, асосий гап мағзида, қолгани восита, холос, – деб кулиб қўяқолган эди...

Бўлажак келинга шунча талаб қўйилса, оила султони бўлган эркакка қандай вазифа қўйилар экан? Ёки ҳамма масъулият фақат аёлнинг зиммасидами?..

Дилбарнинг чакаги тикув мошиндай тинмасди. Гоҳ ликопни, гоҳ бўш шишани асабий у ёқдан бу ёққа зарда билан суриб:

– Сизни мен одам қилдим! Юргандингиз эгасиз итдай сакиллаб. Хизматингизни қилган мен, едириб-ичирган мен! Тумшуғингиз итялоқда-ю, хаёлингиз сарёғда! Мен билан ишингизни битириб, унинг ғамини ейсиз! Уни ғамини егунча... Ҳа! Нега уфляпсиз? Нима ваъдалар бергандингиз менга? Эркакмисиз? Бўлмаса, “чий” деб

қўйинг, қайтиб башарангизга қарамайман! Менга берганингиз юз рубль, мегажинингизга юборганингиз – минг! Кетсангиз кетинг! Келиб, ажрашганингиз ҳақида суд қоғозини кўрсатмасангиз, бошқа қорангизни кўрмай, – деб жалосини солди...

\*\*\*

#### *4 апрель*

...Тонг отиши жуда қийин бўлди.

Бир китобда ўқиган эдим: “Агар эр хотинининг ёки хотин эрининг нуқсонини билиб туриб яширса, қиёматда Аллоҳ уларнинг нуқсонларини яширар экан”.

Фаридуддин Атторнинг хотинлари жуда хунук, кўримсиз аёл бўлган экан. Одамлар у кишига:

– Сиз шу қадар машҳур аллома бўлсангиз, молу дунёнгиининг ҳисоби йўқ, сизга манаман деган ҳурлиқолар маҳлиё... Қандай қилиб даражотингиздан паст аёл билан яшашингиз мумкин ахир, уни қўйиб бошқасига уйлансангиз бўлмайдими, – дейишганида, у зоти муҳтарам:

– Сиз айтган ишларга қурбим ҳам, имконим ҳам етади, бироқ қиёмат куни Аллоҳ “Мен даргоҳингга юборган одамни сен нега қувиб юбординг”, деса ва мени ўз даргоҳидан қувиб солса нима қиламан? – деган экан...

\*\*\*

Эртасига Дилбарга яна қўнғироқ бўлди. Бу сафар бошқа эркакдан. Бир-бирлари билан роса бепарда гаплашишди. Кейин телефонни қўйиб:

– Опа, биринчи эрим... Тушида кўрганмиш мени, – деб кўзини қисиб қўйди...

– Нима дейди сизга? Қаердан топибди рақамингизни? – десам:

– Э, опажон, соддасиз, у менсиз яшай олмайди, жинни бўлиб қолади. Керакман-да, қидириб топган, – деди мамнуният билан.

Кейин яна телефон жиринглади. Менимча, унинг олдига келиш учун рухсат сўрашди.

– Келинг, дедим-ку, келаверинг! Қоламан десангиз уй бор.

Чўмиламан десангиз душ тайёр. Ётаман десангиз мен бор, – Дилбарнинг гап якуни истиғнога уланиб кетди.

– Дилбар, ким билан гаплашдингиз? Қуюшқондан чиқиб кетдингиз-ку, – десам, бармоқларини қирсиллатиб, елка қоқиб, машҳур қўшиқ оҳангида:

– “Кутаман, кутаман, кутаман!” – деб куйладию илкис жиддий тортиб, менга уқдирди, – Зарари йўқ, ўргатволганман! Умуман, кишига қараб, ишига қараб гаплашишни билиш керак, опагинам!

Кейин ҳалиги одамга қўнғироқ қилиб, нималар еб-ичгиси келаётганини, кўнгли нималарни тусаётганини бирма-бир баён қилди...

Оқшом Дилбарнинг биринчи эри келди...

Яна ўша кечаги ҳолат...

\*\*\*

Эрталаб Дилбар эрини кузатаётиб:

– Менга ўн минг пул ташлаб кетинг! Даволаниб, тезроқ туғишим керак. Вақт ўтиб кетяпти. Юраманми бировларнинг боласини кўрганда юрагим оқиб? Кампиршога, ана, опам қараб туради, – деб хархаша қилди.

“Эр” тезроқ қутулиш учунми, ҳеч қандай гап-сўзсиз ўнта мингталикни санаб берди...

– Опа, бўлинг, тез кийининг, сартарошга борамиз, – деди Дилбар меҳмон эшикни ёпар-ёпмас.

– Йўғ-е! Пулсиз бало борми? – дедим қўлимдаги китобни ёпиб.

– Пулдан ғам еманг. Мана, пул! – қўлидаги рублни қартадай ёйиб кўрсатди-да, кампир ётган хонага бир мўралаб қўйди.

– Қўйинг, ишга кириб олай, кейин кўрармиз. Ҳозир юракка сиғмайди, Дилбар, – деб китобга шўнғидим.

– Ташланг китобингизни! Сизга ош-нон берармиди? Э-э, турсангиз-чи, юринг, айланиб, кўнгил ёзиб келамиз. Бунча эр кўрмаган қиздай тарозига соласиз?

Энди ихтиёрсиз кийинаётган эдимки, кампирнинг қизи қўнғироқ қилиб, келаётганини айтиб қолди...

– Ана, опа, ниятингизга яраша! Наташа келаётган экан. Келиб

кетсин, кейин чиқамиз. Лекин у кетгунча сиз кўчаларни, бозору дўконларни айланиб, бирорта кафега кириб кутиб туринг. Кетиши билан сизни чақириб оламан. Бегоналарни киритсам, менга гап тегади... Сени одамларингни боқиш учун бозорлик кўтариб келяпманми, деса мен бир тийин бўламан, – деб шошириб кўчага чиқариб юборди...

Кун бўйи шаҳар айландим.

Айтишларича, миллиардерлар кўплиги бўйича Москва биринчи ўринда турармиш. Йўқсил, дайдилар санаб чиқилса ҳам у етакчи кент бўлса ажабмас. Бошқа таърифга ўрин йўқ.

Устим юпқа... Қўлим калта... Дилдираб кўча кезаман...

Тушдан кейин бир қаҳвахонага кириб, битта гўмма билан бир бордоқ қора чой ичиб чиқдим...

Қош қорайганда Дилбардан садо келди...

Уйга қайтдим. Ҳақиқатан ҳам кампиринг қизи бир дунё бозорлик кўтариб кепти. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Фақат онаси учун пишириб, оғзига қошиқ тутишга вақти йўқ...

\* \* \*

### *5 апрель*

Володя амакига қайта-қайта сим қоқиб, уланолмадим.

Байрам давом этяпти чоғи.

“SOS!” деб хат ёзиб жўнатдим...

\* \* \*

Орадан икки кун ўтиб, яна бир “меҳмон” ташриф буюрди.

Дилбар уни поччам деб таништирди. Почча ҳам ҳимматларига яраша бир нималар кўтариб келипти.

Ўтган меҳмоннавозликлардан буниси са-ал бошқачароқ, чамамда, меҳмон нисбатан топармон-тутармон шекилли, унга ўзгача ҳурмат ва эътибор кўрсатилди.

– Анави Гулмир боридию Бакир аптекачини хотини... – Дилбар поччадан “эсладим”, ишорасини олгач давом этди, – ўша ғирт бўлиб кетганмишми?

Почча бир зум ишшайиб турди, сўнг бармоқларини қирсиллатиб, мамнуният билан гапга тушди:

– Биз қассоблик қилиб юрган пайтларда ҳоким-покимлардан “етмиш-саксон килоли қўчқор топиш” топшириғи бўлиб қоларди. Унақа бўрдоқилар бозорга чиқмайди, фақат махсус хонадонларда боқилади. Шуларни кўрасига бориб савдо қилиб олиб келардик, – у суҳбатдоши ажабланиб қараб турганидан завқланиб, хулоса ясади, – Гулмиринг ҳам эскидан бозорда йўқ эди-ю, савдода бор эди...

Бу теша тегмаган ташбеҳдан Дилбар вужуд-вужуди билан яйраб-ёйилиб кулди.

У кишим бетакаллуф еб-ичиб, қисқа-қисқа кекириб, ҳеч бир манзиратсиз Дилбарнинг ётоқхонасига кириб кетди.

Энди кўзим илган экан, бир нима гурсиллаб кетдию сапчиб ўрнимдан турдим.

Бечора кампир каравотдан ағанаб тушибди. Ҳар қанча уринмай, бир ўзим кўтаришга кучим етмади. Кампир шўрлик кўзлари тепага қияланиб, ихрашдан нарига ўтмайди.

Кўмак чақиритишдан бошқа чорам қолмади. Ётоқхона чироғи ёниқ экан. Ҳали ухлашмабди-да булар, деб эшикни тақиллатиб очдим... Очдим-у, шу заҳоти қайта тортдим. Илғаганим, жуда хунук манзара эди. Уни тасвирлаб ёзишга худоданам, бандасиданам уяламан.

Эшикни қаттиқроқ қоқдим. Дилбар чиқавермагач, тирқишдан кампир йиқилганини, аҳволи оғирлигини айтдим. Ниҳоят зўр-базўр чиқди, “Илоё, оғзингдан қора қонинг қарқираб келгур! Суякларинг дўзахни ўчоғига ўтин бўлгур”, деб қарғаниб-қарғаниб кампирни қўлтиғидан олди, мен оёғидан кўтардим, икковлашиб ўрнига ётқиздик.

Кампир яна ғафлат уйқусига кетди.

– Қари, озғин бўлсаям оғир экан-а, Дилбар? – дедим нафасимни ростлаб. У гапимга эътибор бермай, зарда аралаш:

– Опа, ишингиз бўлса, қўнғироқ қилиб чақиринг, эшигимни тақиллатиб ўтириш шартмас, – деди.

– Кечирасиз, шошиб қолдим, қўрқиб кетдим. Васвасада хаёлимга келмабди, – дедим узрхоҳ оҳангда гўё умас, мен гуноҳ қилгандай.

– Поччамни буйраги оғриётган экан, малҳам суртаётган эдим, – деди кўзларини нари олиб...

Мен “Малҳам суришни бунақа усуллариям бор экан-да, отинча?” деб ниш уришдан ўзимни зўрға тўхтатиб, индамай хонамга кириб кетдим...

Эй худо, охири бормикан бу кунларингни? Бунчалар хор қилмасанг мени... Бу нима, синовми? Имтиҳонми бу менга? Мен кимманки, шунчалар кўп азобларга ташладинг?

“Эй фалак, чархинг бузилсин, кимларга хор этдинг мени?!”

... Шу кетишда ақлдан озмасам яхши эди...

\* \* \*

### *6 апрель*

“Поччам” кетгандан кейин Дилбар билан ўтириб чой ичдик.

– Дилбар, мен зерикдим. Бу ерда ўтиришдан фойда йўқ. Мен иш излайман, – дедим дастурхонни йиғаётиб.

– Қаёқдан излайсиз? Чирсиллаган қаҳратонда сизни қайси иш кутиб турган экан? Маза қилиб қишдан чиққунча яшайвермайсизми шу ерда? Қорнингиз тўқ, устингиз бут бўлса. Ҳеч ким сиздан пул сўраётгани йўқ, кунингиз ўтиб турибди. Опа, хўп денг, баҳорда бирга-бирга иш қидирамиз.

– Баҳоргача тоқатим етмайди. Мен кўпчиликка ўрганганман, югуриб-югуриб ишламасам, томирларим тортишиб қолади. Кейин, уйдагиларга пул жўнатишим керак. Агар қишда дам оламан десам, қишлоғимда онамни дуосини олиб ёнида ўтирардим, – бирдан оилалиман, иккита болам бор, деганим эсимга тушиб, – сандалда жужуқларимни ачомла-аб, эртак айти-иб... – деб қўшиб қўйдиму кўнглим бузилиб, кўзимдан ёш тирқираб кетди.

– Бўлмаса, кампирни емишини бериб, “ухлатайлик”, кейин иш излаймиз... Шошманг, қурилишда Муҳиддин акамни қариндошлари ишлайди. Шуларни олдига борамиз. Зора-мора сизбоп юмуш чиқиб қолса, – деди у бироз ўй суриб тургач.

– Сизниям роса жонингизга тегдим. Яхшиси, сиз кампирингизга қаранг. Ўзим чиқаман, – деб этигимни кия бошладим.

– Нимага бирдан ўзгардингиз? Ёки мендан хафа бўлдингизми? Опа, худди ёш болага ўхшаб аразлайсиз. Дунёқарашингиз гўдакларникидай, – деб кампирни “аллалаб”, кийиниб чиқди...

Кета-кетгунча “почча”си билан ёшлиқдан бирга қатиқ ялашиб ўсганини, ўз акасидан яқинроқ бўлиб қолганини ҳикоя қиларкан, боёқиш умуртқа чурраси дардига учраб, кўп азоб чекканини, хуруж тутганда келиб малҳам сурдириб кетишини айтиб, бундан опасининг ҳам хабардорлигини, мусофирликда оқибат қилиб туришни ўзи тайинлаганини атай кўзларимга тик қараб қайта-қайта таъкидлади.

Сўнг бирдан таққа тўхтаб:

– Ишонмаяпсиз-а? Майли, ишонмасангиз ишиб кетинг... – деб қийқанглаб кулди.

Кўп гап ёлғоннинг устини ёпиш учун ишлатилади. Ёлғон ҳар қанча гўзал бўлмасин, унинг оқибати шунча хунук бўлади. Мен эшитганларимдан кўра кўрганларимга кўпроқ ишонаман, демоқчи бўлдим, худодан кўрқмаган келиб-келиб мендан кўрқиб, ўзингни оқлайсанми, дегим келди. Лекин, нима дейсиз, ўзбекчилик, ўзимни ҳеч нарса кўрмагандек, ҳеч нарса сезмагандек овсарона тутишга мажбур эдим.

Одамнинг юзи офтобдан иссиқ.

Автобусга чиқдик, метрога тушдик, кейин таксида Муҳиддин яшайдиган жойга келдик...

Атрофи тахта билан ўралган қурилиш майдони қишгарчилик туфайли ҳувиллаб ётибди. Уч-тўртта вагонда қурувчи ўзбеклар яшар, Муҳиддин буларга ишбоши экан.

Гулхан ёқиб, қўл тоблаб ўтирган тўрт-беш эркак Дилбарни кўриб ўрнидан турди. Улардан қайлиғининг вагони калитини олиб, мени ичкарига таклиф қилди:

– Опа, мана шу ерда Муҳиддин акам келгунича яшайверасиз. Ижара пули бермайсиз. Ҳеч ким сизга ғинг демайди, мен йигитларга айтиб кетаман, иш ҳам топиб беришади.

Капалагим учиб кетди. Яшаш учун мутлақо шароит йўқ, вагон қўлбола печда кўмир ёқиб иситилганидан ҳаммаёқ моғорлаб, сасиб кетган. Ювиниб-нетиш учун кўчадаги умумий эҳтиёжхонага қатнаш керак. “Хона”да анчадан бери Муҳиддин яшамаётган бўлсаям, ҳаво оғирлигидан одамнинг кўнгли озади.

– Йўқ, бу ерда қололмайман! Шунча эркак, ҳаммаси бегона...

– Вой, маза қилиб шу-унча эркакни эркатойи, ягона маликаси бўлиб юравермайсизми? Менга қолса жон-жон дердим.

– Булар ўзи ишсиз ўтирибди-ку, менга йўл бўлсин.

– Иш топилса, қоласизми? Ҳозир, қараб турунг! – Дилбар ишбилги одамлардай дадил одимлар билан қўшни йигитлар томон ўтиб кетди. Бироздан кейин пахталик тўн кийган бир ишчи билан қайтиб келиб, мени меҳмондорчиликка етаклади. Соч-соқоли патак бойлаб, юзлари совуқдан гезариб кетгани туфайли ёшини аниқлаб бўлмайдиган тўртта ўзбек чакмонига ўраниб-қунишиб, дастурхон атрофида ўтирарди.

Бир маҳал ўртага иккита сопол лаганда рангпаргина ош қўйилди. Биздек “азиз меҳмонлар” шарафига ароқнинг салласи ечилди. Юрагимда қўрқув ва ваҳима борган сари болалаб борар, бу ердан тезроқ даф бўлиш дардида эдим. Дилбар эса узатилган пиёлаларни бўшатиб қайтаришдан чарчамас, “Борган жойини обод қилсин! Совуқда жуда силлиқ кетади-да қурғур”, деб алёр айтиб, алқаб, шўр бодринг кавшарди.

Бир вақт қурилиш бригадири – Муҳиддиннинг хўжайини хўмрайиб кириб келди. Дилбар отасини кўргандай ўрнидан туриб тавозе билан қуюқ салом берди. Бригадир бош ирғаб, тил учида сўрашган бўлди холос. Кейин “ишёқмас ароқхўр”ларга “Ҳатто ит ҳам ётган жойини думи билан супуриб ётади, сенлар итчалик ҳам эмассан!” деб ўшқириб, ҳовли атрофини тезда тозалашни буюрди-да, оёқ тагидаги бўш шишани данғиллатиб тепиб чиқиб кетди. Дилбар унинг орқасидан югургилаб етиб, мен учун иш сўради. У илтимосни охиригача эшитиб ҳам ўтирмай, “Бўлди, қайтиб ўзбекларни ишга олмайман, ўзинг ҳам тезроқ туёғингни шиқиллат!” деди дағдаға билан.

Яхши бўлди! Барибир бу ерларда қололмасдим. Ажаб бўлди!

Ошхўрлар орқаваротдан вайсаб-вайсаб, хўжайин тўхтаган заҳоти дамлари ичига тушиб, майдонни супуришга тушди.

Биз орқамизга қайтдик...

\* \* \*

“Василиса” деган рангдор ёзув пештоқида ёниб-ўчиб турган гўзаллик салони ёнига келганда Дилбар гўё уйида жўмракни очиқ қолдиргани эсига тушган бекадай кўзларини ваҳимали чақчайтириб:

– Опа, опа, менга қаранг, хоҳласангиз бир иш қиламиз! Ҳозир ичкарига кириб сочингизни қирқтириб, бўятамиз. Нозаниндай бўласиз. Кечки пайт мен одам чақираман. Пулни бетига қарамайдиган, кўнгилхушлик деса ўзини томдан ташлайдиган танишларим кўп. Сиз рози бўлсангиз бўлди, таништириб қўяман. Бир йилга қолмай сизни уйли қиламан, – деди.

Музлаб қолдим. Тилим калимага келмай, бақрайиб турганимга “тақдирга тан беряпти, кўнгиси бор” деган хулосага келдим, энди қатъий ишонч билан бидиллай кетди:

– Иш қидириб юрмайсиз. Мана, сизга иш! Кўчама-кўча итдай изғимайсиз. Мен ўттиз беш минг ойлик оламан, яна Муҳиддин акам беради, биринчи эримдан ҳам улушимни олиб тураман. Бошқа мижозларим ҳам кўп. Туғмас хотиннинг нархи қанчалик баланд бу ерларда, биласизми? Ҳар ой ўлдим деганда икки минг доллар жўнатаман уйга. Мана сизга иш! – деди “қойилмисан” деган оҳангда.

Юрагим бир ағдарилиб, этим увишиб кетди. Туш кўрмаяпманми, деб ҳайрон бўлиб Дилбарга қарадим. У худди ҳеч ким эплломай келган ишни бир ўзи қойиллатиб қўйгандай мамнун қиёфада мағрур турарди.

Дунёда паст-баланд аёл зотини кўп кўрганману, ўзига ўзи нарх қўйиб олган хотинни биринчи кўришим.

Туғмас хотиннинг нархи баланд, дейдими? Унда туғмаган аёлнинг баҳоси қанча бўларкан?.. Ҳарҳолда, дунё бозорида битта фоҳишанинг нархи бир буханка нон пули билан баравар, деб ўйларканим.

Дилбарга муносиб сўз қидириб тополмадим. “Ўзинг расвойи жаҳон бўлсанг, куйган охиратингни кулини чангитиб юрган бўлсанг, энди мениям жаҳаннамга судраяпсанми, сифатларинг қаторига қўшмачиликниям қўшиб олиб, “ҳунари комила” бўлмоқчимисан? Нима бўлсанг бўлиб ўл! Фақат менсиз! Мени тинч қўй! Мен хор бўлишим мумкин, зор бўлишим мумкин, лекин у дунё-бу дунё ғар бўлмайман!..” деб ёзғирдим-у, фақат ичимда, унсиз, товушсиз айтдим-да, шарт ўгирилиб, бу урғочи шайтондан тезроқ қутулиш орзусида жадаллаб кетдим.

– Нимадан кўрқасиз, опа? Ким билиб ўтирибди? Шунча қийналяпсиз, ким ёрдам беряпти сизга? Ким қизиқяпти тақдирингиз билан? – Дилбар мендан осонликча айрилмоқчи эмасди. Мен

қисматимни қарғаб, ўзимдан нафратланиб кетавердим-кетавердим, у тилёғламалик билан мени товлаш умидида тоғ-тоғ ваъдалар берди, эчкиқасамлар ичди, охири тоқати тоқ бўлиб, шарт йўлимни тўсиб, маҳкам қучоқлаб тўхтатди. Шунда тилга кирдим:

– Дилбар, бўлди, мени аврайман деб овора бўлманг...  
Ўзбекистонга қайтаман...

\* \* \*

### *8 апрель*

Олмос менга теша тегмаган, чиройли фикрларни йўллар, мен ҳам муносиб жавоб қайтариш мақсадида ҳикмат дурларини теришга одатлангандим: “Биз ҳаётимизнинг маълум бир қисминигина ярата оламиз. Қолганларини танлаган ҳамроҳимиз ҳосил қилади...”

Бу сўзларнинг туб моҳиятига етиб бормай туриб ишқ дардига яқинда мубтало бўлган маъшуқага хос ошиқиб, Олмосга завқ-шавқ билан йўллаганим аниқ. Аммо бир қора кунда – мусофирчиликда, хорликда ана шу ҳаётий хулоса “ярқ” этиб шууримда чақнаб, “Ўқиганинг, уққанинг эмас, танангдан ўтказганинг фалсафадир”, деган бошқа фикрни етаклаб келишини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

\* \* \*

– Ўзбекистонда нима бор? Жинними бу хотин? Ҳой, менга қаранг, нимангизга ноз қиласиз, ўн етти яшар бокира қиз бўлсангизам бошқа гап эди. Ҳа, майли, хўп-хўп, бўлди, опа! Мен куйганимдан, сизга қайишганимдан гапиряпман. Менга бу ишдан нима фойда? Агар бировга қўшиб қўйиб соққа ишламоқчи деб ўйлаётган бўлсангиз, номаъқул бузоқни гўштини ебсиз! Мен унақа паст аёлмасман. Унча-мунча эркагингизни мардликда қочираман, хўпми? Тушундим сизни, хўп, сиз истаган ишни савобгарчиликка қидириб топамиз, илтимос, ўзингизни босволинг. Тамом, анави масалада оғзим қулф, мана, қулфладим, – деб қўли билан лабларини бураб “қулфлаган” бўлди.

Шайтон ёнингда, дейишади-ку, бирдан ғазабим сув ургандай ўчдию Дилбарнинг қилиғига кулиб юбордим.

\* \* \*

Йигит киши ўттизида бир айнийди деган гап бор-а?

Кенжа амаким шу ёшида жўрабозлик қилиб, худонинг берган куни уйига тонгга яқин кириб келадиган одат чиқаради. Пешингача ухлаб, кейин яна дайдиб чиқиб кетаверади.

Янгам бечора қон бўлиб йиғлаб, бобомга арзи дод қилиб келади.

Бобом амакимни чақиртириб, пойгакка ўтқиздириб қўйиб, ўз отасининг замонидан тушади. Қандай қилиб падари мардикорлар рўйхатига қўшилиб қолганию Оқпошшонинг гўрига ғишт қалаб, ўрис ўрмонида Пўлкан шоир билан терма айтишгани; Фрунзе деган жаллод айроплан билан амирни тирқиратиб, раиятни чўчитиш учун Аркни тўпга тутгани; немисга қарши урушга ўн олти яшар акаси кўнгилли бўлиб кетганию асир тушиб, Освенсимда печкада ёқилгани; ўлмас Сталинни маккор Берия нима учун заҳарлагани; қимматчилик ва қаҳатчиликнинг фарқи... ҳақида узундан-узоқ гапириб ўтираверади.

Танбеҳ қачон бошланаркан, деб тоқати тоқ бўлган амаким юрак бетлаб сўз айтолмай, муллаваччалардай қўл қовуштириб бош ирғашдан нарига ўтолмайди.

Бугун ўйласам, бобом раҳматли профессионал психолог ўтган экан.

Вақт алламаҳал бўлганда амакимнинг бардоши чок-чокидан ситилиб:

– Бўлди, тушундим, қайтиб жўрабозликка бормаганим бўлсин! Тушундим, оқшом тушиши билан уйда бўламан, рўзғорни ғамини ейман, – деб тавба келтирганига мен гувоҳ бўлганман.

Амаким чин дилдан тазарру қилаётгани аён эди: ҳар бир сўзни ҳижжалаб “алифбо”чи боладай талаффуз этаркан, қалқиниб-қалқиниб кетар, мижжаларига ёш сизган бўлса керакки, бошини ердан кўтармасди. Шундагина бобом муддаога ўтди:

– Ҳар битта гуноҳинг битта ризқинг риштасини қирқади. Сен санғи, боланг билан хотинингни насибасини ўтга ташлаяпсан. Халқда боласидан қайтади, деган гап бор. Албатта, отасини ҳафталаб кўрмайдиган, у ҳақида яхши гап эшитмайдиган фарзанд отабезори бўлмай Мусо алайҳиссаломга қўзи бўлармиди?

\* \* \*

## 9 апрель

Ҳар ким ўз манзилига ўзи танлаган йўлдан боради.

Нима ҳам дердим, пулдорлар, қулдорлар, “дилдор”лар сайрайдиган замон.

Лекин энг катта фожиа шундаки, мен ҳозирча ана шу “булбулча”нинг ҳукмига бўйсунушга мажбурман. Биринчидан, ҳужжатларим унинг хобгоҳида қолган, қолаверса, Володя амаки билан алоқа боғлагунча қаердадир яшаб туришим керак.

Кўчада баҳслашиб, тортишиб уйга келсак, кампирнинг қон босими ошиб, яна қулаб тушибди, бурни қонаб, кийимлари олабайроқ тусга кирган, юз-кўзи шишиб, худди ёш болачалардек сирқираб йиғлаб ётибди.

– Мен ўзим иш излайман десам... кампирингизга қараб туришингиз керак эди, – дедим дилим хуфтон бўлиб.

Дилбар ярим қулоч докани сувга ботириб келди, кампирни юзларини авайлаб артдим, сув ичириб, оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи ҳапдори бердик. Кейин икковлашиб кўтариб, ўрнига ётқизиб қўйдик.

Кампир карахт ҳолда қўлларини осилтириб ётар, кўкси сал кўтарилиб-тушаётганини демаса, ҳаёт аломати сезилмасди.

Кутилмаганда Дилбар эркакча сўкиниб, кампирга тарсаки тортиб юборди. Мен унинг кутилмаган бу қилиғидан жаҳлим чиқиб:

– Одаммисиз, нимага урасиз бечорани? – дедим.

– Э, опа, булар ўлмайди! Бало ҳам урмайди жодугарга! Бу сиздақаю мендақаларни нечтасини бошига сув қуяди...

– Дилбарой, – дедим қайнаб-тошиб келаётган нафратимни бир амаллаб жиловлаб, – буюм инсон, қолаверса, шу кампир туфайли нон еяпсиз... Бу ишингиз худога хуш келмайди...

У жавоб қайтармади...

\* \* \*

Излаган одам имкон топар, излагани эринган – баҳона,

деганларидек, тушдан кейин суриштириб, катта бозорнинг ёнида жойлашган озарбойжонларнинг ошхонасидан иш топдим. “Идиш-товоқ ювадиган, супуриб тозалайдиган чаққонқўл керак”, дейишди. Кунига беш юз рублдан келишдик.

Ўша куни пешиндан кейин иш бошлаганим учун уч юз беришди.

Худога шукур... Телефонга пул ташлаб, уйдагиларга қўнғироқ қиламан, онам, Шоира опам билан гаплашаман.

– Эртага эрталаб саккизда келасан, – деди иш эгаси. – Тушлик ва кечки овқатинг менинг гарданамда...

Володя амакига қўнғироқ қилдим. Яна ўша аҳвол: ўчирилган ёки “ўчган”.

Дилбар уч юз рубль ишлаганимни эшитиб, оғзини кафти билан ёпиб, силкиниб-силкиниб роса кулди. Нечта танишию дугонаси қўнғироқ қилган бўлса, ҳаммасига латифа қилиб айтиб чиқди...

– Опам-ей, опам, соддасиз-да! – деди елкамга кафт уриб.

– Нега? Нима соддалик қилдим?

– Қадрингизни билмайсиз! Ҳозир носвой пулига ишлайдиган замон эмас! Кўчада ўтирган чўлоқ гадой ҳам сиздан кўпроқ топади.

Жаҳлим чиқди:

– Бировларни ҳаром-хариш ғазнасидан ана шу носвойпули аъло, хўпми? Ҳалолни камига худо барака беради. Эртага беш юз оламан, – дедим...

– Ҳай, майли, ўзингиз биласиз, – деди ниҳоят ҳафсаласи пир бўлиб.

\* \* \*

Кечги овқатдан кейин Дилбар телефонини ҳозирлаб:

– Опа, сизни битта суратга олай, – деб қолди.

– Мени нимами суратга оласиз? Ўзим кўзгуга қарагани кўнглим чопмайди, қўйинг-е! Ўзи кунимни кўриб, бўларим бўлиб турибман.

– Кунингизга нима қипти? Мени айтганларимга кўнмаяпсиз-да, бўлмаса-ку, зўр яшардингиз, – Дилбар бош бармоғини ҳаволатиб кўрсатди. – Диққат, оляпман, “ширин” деб туринг, чиройли чиқади.

– Ҳа, майли, менга ҳам ўтказиб берарсиз кейин. Эссиз давримдан эсдалик, деб кўриб юрийман.

– Агар эсли бўлганингизда мени йўриғимга юриб, там-там бойвучча бўлардингиз, опагинам!

– Дилбар, мен сизнинг шахсий ҳаётингизга аралашяпманми?

– Йўқ.

– Бўлмаса сиз ҳам бурнингизни суқманг! Ўзи зўрға тоқат қилиб турибман.

– Қийналиб пул топаётганингизга айтаман-да, опа. Нимага тушунмайсиз, топган ақчангизга икки ўрам ҳожат қоғозиям бермайди -ку.

– Дилбарой, қадамингиз катта-ю, қаричингиз калта! – дедим яна феълим айниб.

\* \* \*

Мен орзиқиб кутган воқеа содир бўлди: учинчи уринишимда Володя амаки телефон яшил тугмасини босди.

– Салом, бу мен, Бонуман, – деярли қичқириб юбордим.

Кейин алоқа узилиб қолишидан қўрқиб, шоша-пиша Света билан бўлган ҳодисани ҳикоя қила бошладим... “Айиқполвон” боши оғриб, хуноби ошиб, кимдан аламини олишни билмай турган эканми ё қизи ўз қилмишини бошқача шарҳлаб тушунтирганми, нима бўлганда ҳам, етган жойим шу бўлдики, у ланж, бўғиқ овозда:

– Жонга тегдинг баринг! Жин урсин ҳаммангни! Бор, йўқол сенам!.. – дедию қизил тугмани босиб қўйди.

\* \* \*

### **10 апрель**

Йиқилаётган одам тиланчининг таёғига тирмашади, чўкаётган эса хасга... Мени ҳаёт уриб-суриб тор кўчага тиқиб қўйди. Истайманми, йўқми шу кўчадан кетишга, ҳамроҳ танлаш имконини қидирмай, бориға кўниб мутеларча йўл босишга маҳкумман. Бу кўча мени катта йўлга олиб чиқадими ёки қашқа пешонам яна бориб деворга уриладими – фақат Ўзигагина аён...

Албатта, эски жойга қайтиш умиди узилганини Дилбарга айтиб ўтирмадим. У руҳиятимдаги синиқликни пайқади чоғи, шаҳдам келиб

қўлимдаги китобни олиб, ёпди-да:

– Опа, сиз бир чўмилиб чиқинг. Мен кечки овқат тайёрлайман, – деди ишчан руҳда.

Чўмилиб чиқиб, телевизўр кўриб ўтирган эдим, у планшетдан интернетга уланди. Бир муддатдан сўнг бизиллаган телефонини кўтариб ошхонага кириб кетди. Мен бекорчиликдан унинг планшетини томоша қилишга ўтдим. Битта профилдаги очиқ қолган хабар остида суратимни кўриб қолдим. *“Бу опа ўзимиздан. Сал довдирроғ-у, тарбияласа одам бўлади”*, деб ёзилган изоҳни ўқиб иситма чиқиб кетди. Алам қилгани *“ўзимиздан”* дегани бўлди. Наҳотки мен дилбарлар қаторига тушиб қолган бўлсам? Ҳа, шеригинг олақарға бўлса, емишинг гўнг бўлади! Аммо мен ноиложликдан у билан бирга турибман, лекин шерик бўлганим йўқ-ку!

Профиль эгасидан жавоб келмаган ёки ёзган бўлсаям ўчириб ташланган... Эй худо, нима қилиш керак? Қаерга борай? Бўлди, эртагаёқ уй топиб кўчиб кетаман! Озарбойжонларга айтиб кўраман, бирор таниш-паниши бўлса, сўраб беришар...

Планшетини отиб юбордим.

Бош чангаллаб ўтирсам, эшик тақиллаб қолди. Юрагим типирчилаб, бесаранжом бўлиб кетди... Ишқилиб, бир балони бошламадим бу манжалақи, деб хаёлимдан ўтказдим.

Инсоннинг ички сезгиси камдан-кам панд беради. Дилбар ошиқиб эшикни очди, икки эркак узун-қисқа бўлиб кириб келди. Биттасини танидим, *“биринчи эрим”* деб аталган нусха. Ёнидаги кўзи олмакесак тераётган мўйловли йигитни *“жияним Собир”* деб тантанавор таништирди.

Дилбар чой дамлади, йигитлар келтирган сомса, шашлик ва ароқни дастурхонга қўйди... *“Биринчи эр”* ароқни очиб, қадаҳларга тўлдираётганда Дилбар, менга коньяк олиб келмабсизлар, деб аразлаб тумшайиб олди... Меҳмонлар унга ортиқча парво қилмасдан, бир-бирларини сийлаб, еб-ичиб ўтираверишди. Ниҳоят нафси ором топган собиқ почча чап кафти билан оғзини тўсиб, тишини гугуртчўпда ковларкан:

– Бу йил яна Ўзбекистон шарманда бўлди. Ўл-а, карислар билан Тошкентдаги ўйинда ўзига ўзи гол уриб турибди-ю! Маза қилдим! – деб кўзларини қисиб, бирпас *“ҳи-ҳи”*лаб турди.

Мен гап нимадалигини англаб улгурмай жиян илиб кетди:

– Бизникилар футболчимас, ўйинчи! Уларни бозорга обчиқиб арава торттириш керак. Футболни тепасида ўтирганлар ҳар битта ўйинни манавинга сотади, – у ўрта бармоғига бошмалдоғини ишқалаб, фавқулодда фикр айтгандай атрофга кеккайиб назар ташлади.

Футболни тушунмайман, лекин уларнинг ўз спортчиларимиз ҳақидаги масхараомуз сўзлари менга оғир ботди:

– Аста-секин-да, худо хоҳласа, ёшлар орасидан зўрлари чиқиб қолар...

Тоға-жиян гапирадиган қуённи кўргандай ажабланиб бир зум менга қараб қолишди.

Вазиятни юмшатиш учунми, билмадим, бирдан Дилбар ўтирган жойида бир қимирлаб олди-да, суҳбатга аралашди:

– Айтгандай, туманимизда ўқитувчиларни қама-қама қилишибдими?

– Учтасини холос.

– Нега? – дедим беихтиёр. – Нима гуноҳи бор экан уларни?

– Гуноҳи? Жинояти денг! Ҳаммаси намозхон экан, жумага боришаркан.

– Шунга қамайдими?

– Қамайди. Режа бор, топшириқ бор, қамайди. Ўзимизам шунақа қилардик.

– Ўзимиз?

– Ҳа, бизам ўша тизимда ишлаганмиз. Биламиз. Маза-да, олдинга йўқ айбларини бўйинга қўярдик, кейин, ҳукмни енгиллаштириш ваъдасини бериб патларини юлардик. Биздан қолганини катакни хўжайинлари афвга туширамиз, муддатингни қисқартирамиз, деб қоқиштирарди. Бизнес-да тайёр...

– Сиз унда нима қилиб юрибсиз бу ерда... тайёр бизнесни ташлаб? – дедим кесатиқни бекитмай.

Собиқ почча бир жойида санчиқ тургандай афтини бужмайтирди:

– Кетишга мажбур қилишди, – алам билан қўл силтади, – э-э, тарихи узоқ...

– Ўзиям сизнинг шарофатингиз билан қишлоқда бирор қариндоши судланмаган, “кесилмаган” оила қолмади-ёв. Ўшан-чун уйга оёғим тортмайди. Борсам ҳам тезроқ сурвориш пайида бўламан.

Душманингиз кўп, билиб бўладими, бирортаси ўчингизни мендан олиб “Собирга жир битиб қолди, соғиш керак”, деб етказса, қарабсизки, ертўлада яримўтказгичга айланиб ўтирибман-да, – Собир зўраки ишшайди. Дилбар ўз ёқасини тутамлади:

– Худо сақласин-е, юзини тескари қилсин! Унчаликмасдир?

– Сен нима деяпсан! Узоқ йили, роса тобга келган пайтим Оқариқда бир фермерни буқаси йўқолиб қолди. Арз қилиб келган эди, “Суюнчини олдиндан чўзинг, молингиз бир соатда топилади”, деб эллик доллар бадалига бутун қишлоқдаги ўспиринларни йиғиб келиб обдон чиғириқдан ўтказдим...

– Бегуноҳ болаларни-я? Яна уялмай мақтанишингизни қаранг! – давомига сўз тополмай, дудуқланиб қолдим. Аммо бу сафар бирортаси менинг эътирозимга парво қилмади. Аксинча, почча янада илҳоми жўшиб, овозини кўтарди:

– Тасаввур қил, юзга яқин бола ертўлада бир-бирига қапишиб, сувсиз, нонсиз икки кун ўтирди. Ҳаммасини бир-бир пўстагини қоқиб, “Уюшган гуруҳ жонлиқни ўғирлаб, далани бир четида сўйиб, лаҳм жойини пуллаб, қолганини пишириб еб юборган”, деб жиноят тарихини ёздирдим. Қиёмат! – шу жойга келганда почча завқи тошиб қарсак чалиб юборди. – Роса жинойий гуруҳ “фош этиладиган” пайтда ҳалиги фермер қайтиб келиб, “Узр, ака, адашибман, укам менга айтмай қўшни қишлоқдаги фермерга ғунажинларини қочиргани ижарага бериб юборган экан... Бизни буқалар наслдор-да, харидори кўп”, деб турибди-ку!

– Ота-оналарни нима деб тинчитдингиз? – Дилбар собиқ эрига иштаҳа билан термилди. – Узр сўрагандирсиз?

– Узр сўраган мелисани бандаси кўрганми? Профилактика қилдик, жиноят олдини олиш учун тадбир ўтказдик, деб қўяқолдим.

Кайфиятим расво бўлди – разиллиги билан оғиз кўпиртиришини кўринг! Ёнидагиларни ҳайбаракаллачилигига қаранг! Шунақаларни иқим суймайди. Индамай ўрнимдан туриб, бўшаган идишларни ошхонага олиб кириб юва бошладим. Дилбар ортимдан кириб:

– Мен хўжайинжон билан кўчага чиқиб коньяк олиб келай, жиянни бир ўзи зерикиб қолмасин, опа, – деб илтимос қилди.

– Чарчадим, Дилбар, у билан ниманиям гаплашардим? – дедим ҳафсаласиз.

– Йигитга айтасиз, уқалаб, сийпалаб қўяди, чарчоғингиз чиқади,  
– деди эшикка суянганча тиржайиб.

– Мени ўзингизга ўхшатыпсизми?

– Ҳазил, опа! Тез келамиз. Қўрқманг, емайди, – деб пальтосини кийиб чиқди...

Мен меҳмонхонага қайтиб кирдим. Дилбар чиқиш эшиги ёнида поччага йўл бераркан:

– Опа, жиянни хафа қилманг яна, – деб беҳаёларча кўз қисиб қўйди.

– Йўғ-е, нега хафа қиламан? Менга ёмонлик қилгани йўқ-ку, – дедим.

– Хўп, яхши ўтиринглар. Ортиқча шовқин қилманглар, яна кампирим уйғониб кетмасин. Эрталабгача ғингиб чиқади кейин, – деб эшикни ёпди...

Биз ёлғиз қолдик... Бола чой қуйиб берди.

– Ичмайман, – дедиму пиёлани олиб дастурхонга қўйдим.

– Камгап, тортинчоқ экансиз. Менга шунақалар ёқади. Янгамни қаердан танийсиз?

– Шакаржон опа таништириб қўйган эди, – дебман у опани танийдигандай.

– Янгам бало! Шайтонгаям дарс беради, – деб ўрнидан турди.

– Билмайман, – елка қисдим. Фикри-зикрим тезроқ Дилбар қайта қолсаю хонамга кириб оғриган бошимни рўмол билан танғиб ётсам... Орага тиғиз сукут чўкди...

– Одамни зериктираркансиз, гапириб тулинг, – деди у дераза пардасини суриб ташқарига қараркан.

– Нимадан гапирай? – сўрадим. – Достоевскийни “Телба”си ҳақида гаплашамизми?

У менга анқайиб қаради:

– Ким у? Ўрисми? Девонами?

– Ёзувчи.

– Биз тарафда бировни устидан ёзадиганларни ёзувчи дейишади. Битта ёзувчи қўшним бор, ҳар қандай одамга лой чаплаб, ишини чаппа қиворади. Лекин тегмаганга тегмайди. Мени ҳурмат қилади. Борганимда сигарет-пигарет бериб тураман. Сиз чекмайсизми?

– Нима? Нос чекамани! – дедим ғазабим қайнаб.

У:

– Носкашга тортмаяпсиз. Мен биттада биламан, қани, ҳидлаб кўрай-чи, нос чекадиган хотинни ёнида туриб бўлмайди, – деб менга яқинлаша бошлади.

Мен ўрнимдан туриб, столнинг нариги томонига ўтиб олдим.

– Келинг энди, худди ўн тўрт яшар қизчалардай ноз қиласиз, – деди у юз мускуллари учиб. –– Лекин қадди-қоматингизга гап йўқ. Мўрчамиён, мўрчамиён! Бўлинг, янгам айтди кимлигингизни...

Тутақиб, қалтираб:

– Оғзингга қараб гапир! Яқинлашма! – дедим ва ўзимни ҳимоя қилиш учун дастурхондан пичоқми, санчқими олмоқчи бўлдим.

– Тўғри-да, бунча тарозига соласиз? – деб яна бир қадам ташлади.

– Онанг қатори аёлга шилқимлик қиляпсан, эсинг жойидами?! Мен сен ўйлаган ёмон хотин эмасман!

– Ёшни нима аҳамияти бор, нафас олса бўлди-да, – деб икки ҳатлаб йўлимни тўсиб, чироқни ўчирди. Тамом бўлдим. – Бунча ялинтирдингиз. Бўлинг тез. Ҳозир келиб қолишади, – деб ёпиша кетди. Жон ҳолатда силтаб ташладим. – Қуруқ қўймайман, азоб берманг одамга бунча, – деб қўлига эрк берди. Қучоғидан юлқиниб чиқиб, кампир ётган хонага қочиб кирмоқчи бўлдим. У яна йўлимни тўсди. Сенсираб, – Бунча нархингни оширдинг, нима, тиллоданми? – деди тиш ғижирлатиб.

Нима дейишимни билмай қолдим:

– Ўчир овозингни, уятсиз!

Қани энди лаънати Дилбар кела қолса!

– Йўқ нарсага овора қилиб нега чақирдиларинг! Мен сенларга ёш боламанми? Башарангга бир қара, олачипор бўлиб ётибсан!

– Мен сен баттолни чақирганим йўқ! Ит чақирсин сени!

– Ҳаққингни бердим Дилбарга, кам бўлса айт! Беш мингни оз десанг, яна қўшаман! Ке, хом терига жин урармиди!

Чидолмадим, чойнакни чой-пойи билан юзига қаратиб отдим. “Торс” этиб нишонга тегди. У “вой онам-а!” деб бошини чангаллаб ўтириб қолди.

Қўлимга кирган кийим-кечагимни қўлтиқлаб, ҳужжатларимни қўйнимга тикдим у зига келиб улгурмаган “меҳмон”ни четлаб ўтиб,

кўчага отилдим.

\* \* \*

### *11 апрель*

Сужи билан онаси Олмос иккимизни корейсча таомлар билан сийлаган емакхонада суҳбатимиз қизиб, қоронғи тушиб қолганини пайқамабмиз ҳам.

Улар тунги шаҳарни томоша қиладиган, Олмос мени уйга кузатиб қўядиган бўлди.

Йўлда Сужининг талаффузида ўзбекча сўзлар бошқачароқ маънога оғиб кетишини кулиб-кулиб гапираётсам, тўсатдан Олмос иккала биллагимдан тутиб, бағрига тортди. Мен эсанкираб, бир зум ўзимни йўқотиб, беихтиёр унинг кўксига бош қўйганимни билмай қолдим. Бу ҳолат бирор лаҳза давом этди, холос, тез ўзимга келиб, қучоғидан юлқиниб чиқдим-да:

– Бу нима қилиқ? Уятмасми? – дедим товушим титраб.

Олмос ҳаяжонданми, ҳарсиллаб нафас олар, фақат бир гапни такрорларди:

– Узр, билмай қолдим, узр, билмай қолдим...

Бир қарашда унинг бу туриши кулгили ҳам эди. Лекин мен ўзимни жиддий тутишга ҳаракат қилдим:

– Бизники тана севгиси эмас, демабмидингиз? Ишқ, соф муҳаббат, пок туйғулар демабмидингиз? Илтимос, покизалигимизча қолайлик...

Олмос қайтиб бу номаъқулчиликни қилмади...

\* \* \*

Ўша кезлари устоз Салима Назирова бир гап айтганди: “Ҳаёт шундай бешафқат. Одам одамга бўри... Ё йиқитиб устидан босиб ўтиб кетасан, ёки сени йиқитишиб, янчиб, топтаб кетишади. Агар енгилсанг, ертепки бўлишга, камситиш ва ҳақоратларга чидайсан! Бўрилар орасида бошқа жонзотга жой йўқ. Ҳаётни чидаганга чиқарган!”

Уйга келиб бу фалсафани дадам билан муҳокама қилганимда:

– Одамларни муносабатига қараб муомала қилиш керак. Сенга

ташланмаган одамга сен нима учун тиш қайрайсан? Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, ваҳшийлик терисини эгнингга тортмасанг, тилка-пора қилиб ташлашади. Бу – ҳаёт-мамот масаласи. Лекин инсон дунёда инсондай яшаши, имкон қадар бировга озор бермай ўтиши керак. Чоғинг келган ишга бел боғла, беҳуда кучаниш белни чиқаради, агар кучинг етмайдиган тоифага дуч келсанг, уни айланиб ўтишни ҳам ўрган. Охури баланд пасткашларни эса худога сол! Энг одил ҳакам Унинг ўзи! – деб хулоса берганди.

Айнан шу саволни устоз Баҳрулло Аҳмадга берганимда у бир ривоят билан жавоб айтган эди: “Қадим замонда бир донишманднинг шогирди дарёдан сув олиб қайтаётса, от чоптириб келаётган аскар унинг кўзасини бир қамчи уриб синдириб, ўзи соҳилда қўниб, отини суғора бошлабди. Шогирд бола аскарнинг важоҳатидан қўрқиб, ҳеч нима дея олмай, келиб устозига бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда устози:

– Сен бориб унга бир тош отиб кел, – деб шогирдини қайтариб юборибди. Бола дарё бўйига боришга борибди-ю, яна аскардан чўчиб, тош отолмай қайтиб келибди. Кўпни кўрган донишманд: “Бор, ҳеч бўлмаганда аччиқ сўз айтиб, аламингни тўкиб кел”, деб яна жўнатибди. Шогирд бу сафар ҳам юраги дов бермай, нафаси ичига тушиб қайтибди. Устоз шогирдини учинчи бор “Ҳеч бўлмаса у дилозорга ёмон кўз билан қара, сал иззат-нафсинг ором олсин”, дебди. Шогирд қўрқа-писа бориб қараса, ҳалиги суворий ер тишлаб ётган эмиш. Аскар ҳордиқ чиқаргани ёнбошлаган пайти илон чақиб ўлдирган экан. Бола кўрганларини устозига айтганида: “Бир кўза сув учун битта инсоннинг ўлимига сабабчи бўлдинг. Ҳеч бўлмаганда уни сўкиб хуморинг босилганида унга нисбатан Аллоҳнинг ғазаби бироз пасайган бўларди. Худо аскарнинг гарданидаги ҳаққингни унинг жонига қўшиб олди”, деган экан”.

\*\*\*

Кўчага чиқдим.

Уй рўпарасидаги ўриндиққа ўтириб, аввалига хўрлигим келиб, кўнглим бўшагунча йиғлаб олдим.

Кейин ғазабим қайнади: Дилбар келса, сочини юламан! Бошини

деворга уриб ёраман! Уддалай олмасам, ҳеч бўлмаганда баш-шарасини бежайман! Ҳар сафар кўзгуга қараганида мени эслайдиган қилиб қўяман!

Шу дарғазаб аҳд билан узоқ кутдим. Улардан дарак бўлмади. Ифлослар! Жирканч махлуқлар! Ўҳ! Нималар демади-я! Умримда эшитмаган уятсиз гаплар! Афсус, қўлимга пичоқ илашмади-да, қамалсам қамалай, ўлсам ўлай, қорнини ёриб ташлардим! Аттанг, юзига тупурмабман-да!

Дилбарга қўнғироқ қилиш учун чўнтақларимни қарасам, телефон йўқ. Нима бўлса бўлди деб яна нахс босган уйга кўтарилдим. Шунча эшик қўнғироғини босдим, тақиллатдим, тепдим, эшик очилмади. Бзовта бўлган ён қўшни чиқиб, “Ҳозир полиция чақираман, тез кўздан йўқол, дайди!” деб кўчагача ҳайдаб чиқди ва темир эшикни силтаб тортиб ёпди. Ана энди тамом! Ҳеч йўқса зинада ўтириб жон сақлаш имконидан ҳам маҳрум бўлдинг!

Бу ердаги ҳамма уйлар эшиги рақамлар билан тилсимланган. Мен қишлоқи шуниям Дилбардан қизиқиб сўрамаганман.

Кўнглим айниб, вужудимни титроқ босди. Оббо! Йиқилиб қолмасам гўргайди... Совуқ қота бошладим. Сочим ҳали қуришга улгурмаган экан. Энди сезилди. Уёқ-буёққа юриб, жиннига ўхшаб ўзимга-ўзим гапириб, ўзим тинглардим:

- - --Ўл! Бу кунингдан баттар бўл! Сенга буям кам! Нима, билмасмидинг қачондир шундай бўлишини?! Билардинг! Билганда ҳам жуда яхши билардинг! Бир эмас, бир неча марта шу “хизмат”ни таклиф қилди. “Ютуқ”лари ҳақида сен билан ўртоқлашиб, ўз йўриғига солишга уринди... Индамадинг. Узил-кесил гап айта олмадинг. Сукут – аломати ризо деб хулоса чиқариб, ҳаммасини ўзи ҳал қилди-қўйди. Жуфти билан чиқиб кетаётиб сени нима мақсадда қолдираётганига очиқ ишора қилди. Шундаям тушунмадингми? Тушунган бўлсанг нега чиқиб кетмадинг? Ит итлигини қилишини билмасмидинг?! Қозонга яқин юрсанг қораси юқишини-чи?... Билар эдинг!.. Билиб туриб индамадинг! Оқ кўйлакка куя юқтирмай қора қозоннинг ёнидан ўтиб кетаман деб ўйладинг. Дилбар анойилардан эмас. Пихини ёрганлардан! Бирни бериб, юзни кутадиганлардан. Буни билар эдинг... У ҳамма нарсани пул билан ўлчайди. Ўзига-ўзи нарх қўйган одам сенга баҳо бичмайдими? Ўзининг охиратини, қадр-қимматини

ўйламаган сени виждонингни, шаънингни ўйлармиди?.. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма! От тепкисини от кўтаради, сен бу байталнинг тенгимидинг? Анави айғир ҳам сени Дилбарга ўхшаган “ҳожатбарор хоним” деб муомала қилди. Бунга ҳаққи бормиди? Бор эди, чунки капалакни шериги капалак бўлади. Эҳ, сенгина! Тенг тенги билан, деган ҳикматни эшитмаганмисан? Эшитгансан! Энди кимдан хафа бўляпсан? Бировдан хафа бўлишга ҳаққинг йўқ!

Бу Дилбар деганларининг отаси, акаси ё укаси йўқмикан? Бор бўлса, орини, ғурурини, номуси ва уятини қаерига беркитган экан? “Аёл – муқаддас, аёл – келажагимиз, аёл – гўрди баломиз!..” деб кўксига мушт урадиган эррайимлар кўклар чикқанми? Ё ҳамма олижаноб туйғулар қуруқ сўзга кўчиб, шеър қўшиқларда қолиб кетганми?

Ғалаба байрами куни ҳамюртига гап отиб қўйгани учун иккита давангирни тиз чўктириб кечирим сўратган миқтигина чечен болани кўргандим.

Гап жасадда эмас, юракда экан-да!..

Бўзчининг моксидай бориб-келиб монолог ўқияпман-у, бир кўзим йўлда... Худди ўғрига ўхшайман. Биринчи бор қулф бузган ўспирин хавотирда қанча алангласа, мен ҳам шундай...

Кўп кутдим, Дилбарлар келмади... Мазам қоча бошлади.

Тезроқ тунашга жой топмасам, ўлигим кўчада қолиши аниқ...

\* \* \*

## **12 апрель**

Ўриснинг қирчиллама қиш кечасига қарши эгнимда кузги чакмон, бошланг, юпун турибман.

Кўчада одам сийрак, борлари ҳам мени одам ўрнида кўрмаслиги тайин. Ана энди додингни худога айт!.. Қаерда, қандай қилиб тонг оттирасан?... Тонг отармикан ўзи?!

Шакаржон опани қоралаб бораё десам, ёнимдаги пул йўлкирага етмайди. Қолаверса, опанинг навбатчилиги тугаб, ижарауйига кетгандир. Ҳеч бўлмаса телефон бўлгандаям бирорта танишимни топармидим...

Ҳайҳотдай юртда битта одам учрата олмасанг-а?..

Бу совуқда қайси аҳмоқ кўчада юради?

Тасодифан бирор эшик очилиб қолса кириб олиб зинапояда жонимни қутқараман деган илинжда кўп қаватли уйлар атрофини икки-уч айландим... Бироқ мен шўрпешонага бу кеча барча эшиклар тақа-тақ берк эди.

Қўрқувданми, совуқданми қалтироғим кучайди. Узоқ-узоқлардан итнинг ҳургани эшитиляпти. Ўша ерлардаям менга ўхшаган бенаволар кўппакларнинг диққатини тортиб, тунагани жой излаб юрганмикан?..

Йўл четидаги уч томони девор билан ўралган бекат панароқ кўринди.

Машиналар ўтиб-қайтляпти.

Бироз ўтирдим. Йўқ, бу деворлар тобора авжга минаётган совуққа ғов бўлолмайдди.

Бошпана топиш илинжида атрофга синчков назар сола бошладим. Чироқлари кўзимни қамаштириб бир машина ғизиллаб ўтдию тез орқага қайтди. Уловдан бир эркак тушиб:

– Ҳа, уйингда зерикдингми, дўндиқ? Бир айлантириб келайми? – деди русчалаб.

Қўрққанымдан ҳеч нима дея олмадим. Яна қайта сўради:

– Кимсан? Нима қилиб ўтирибсан бу ерда?

– Мен ўзбекман. Эримнинг ишдан қайтишини кутяпман, – миямга келган биринчи фикр шу бўлди.

У машинада ўтирган ўртоғига бақариб:

– Димка, ўзбек экан, – дейиши билан ўртоғи тушиб келди.

Иккаласи икки ёнимга ўтирди. Энди қўрқувдан қалтирай бошладим. Димка дегани:

– Хоҳлайсанми биз билан далаҳовлига боришни? Эринг ишдан қайтгунча келтириб қўямиз, – деди менга чама солиб қараркан.

– Эрим ҳозир келади, – дедим ғазаб ва аламдан титраб.

Машинадан биринчи тушган эркак:

– Нимага қалтираяпсан? Қўрқаяпсанми? – деб сўради.

Индамадим... Қўлини бошимга чўзди. Негадир уради, деб ўйлаб биллагидан қаттиқ қисиб ушладим. У шеригига қараб:

– О-о, буни чайирлигини қара! Ўзбеклар кучли бўлади деб эшитганман, – дея кулди ва, – сочингга хашак илашибди, йўқ,

сочтўғноғич экан, синиб қопти, и-е, қонми? – деб кафтимга қонталаш тўғноғичимни қўйди. Ҳали анави ит билан олишганимда бошим деворга теккандай бўлвди, ўшанда синиб, бошимга санчилса ҳам сезмабман. Сочим ҳўл деб ўйлаганим аслида силқиган қон экан. Жароҳат юзаки бўлганидан тезда тўхтаган бўлса керак...

Э худо! Буниси нима бўлди энди? Ақлдан озаман ҳозир... Ёмғирдан қочиб дўлга тутилдимми? Итдан қочиб бўрига рўпара келдимми?

У гапида давом этди:

– Йиқилдингми? Биров урдими? Нега бошинг қон?

– Сирпаниб йиқилиб тушгандим. Пайқамабман...

– Ҳа, сизлар чидамли халқсиз. Мени битта ўртоғим бор, ўзбекка уйланган. Мана бундай яшашяпти, вў! – деб бош бормоғини кўрсатди.

– Буни менга нима дахли бор? – дедим.

У индамай елка қисди. Димка бўлса:

– Тур, машинага чиқ! Эрталаб шу ерга келтириб қўямиз, хафа қилмаймиз. Тушунамиз сени ҳам. Балки, пул учун шу ерда ўтиргандирсан, – деб чўнтагига қўл солди.

Ўрнимдан сакраб туриб йўлга чиқиб кетибман.

– Мен фоҳиша эмасман. Айтдим-ку, эримни кутяпман! – бақириб йиғлаб юбордим. Димка мен томонга аста-секин юра бошлаганди, – Яқинлашма! Ўзимни машинани тагига отаман, – дедим телбаларча ўкириб.

– Тинчлан, ўзингни бос! Тиш-ш! – деб кўрсатгич бармоғини лабига босиб, ёнимга яқин келди, – Агар бузуқ бўлмасанг, бу ерда турма. Балки, билмассан, бунақа пайтда фақат фоҳишалар бекатда туради. Яна, қизил чакмон кийиб олибсан... Тушундингми? – у икки кўзини баравар қисиб, “келишдикми” деган ишора берди... – Эҳтимол, сен ростдан ҳам эрингни кутаётгандирсан. Лекин бу ҳолатда ёнингдан ўтган ҳар қандай одам сен ҳақингда биздай ўйлайди, уқдингми? Йиғлама... Чоп, уйингга бор, – деб машинаси томон юрди.

\* \* \*

Қаерлардан келиб қолдим-а бу палакат босган жойларга? Қаёққа кетяпман ўзи? Қаерга борай? Ҳаммасига нуқта қўйиб, бирорта

машинанинг тагига ўзимни ташласаммикан? Жонимга тегди ҳаммаси!..

Шунчалик ҳам ширинми бу жон деган сабил? Ёки мен қўрқоқ, журъатсизманми?

Юриб-юриб, тўрт қаватли уйлар ёнидан чиқдим. Қани энди бути айри жонзот кўринса...

Битта уйнинг олдида болалар майдончаси бор экан. Шу ердаги ўриндиққа чўкдим.

Қишнинг қиличи қайралган кечаларда ҳам бу ерларда юлдузлар порлар экан-а? Изғирин Гоголнинг Диканка қишлоғидаги шайтонбаччадай чийиллатиб хуштак чалади, қор уюмлари ўзимизнинг барханларга ўхшаб у ёндан бу ён кўчади. Кўрмаган кўз ишонмайди – чиллаи зимистонда ҳам юлдузлар кулини эпкин ялаган саксовул чўғидай ялт-юлт қилади. Аммо бу “чўғ”ларнинг тафти йўқ, улардан тутантириқ олиб гулхан ёқиб бўлмайди. Бизнинг юлдузларга қарасанг, томирингга илиқлик югуради. Эсимга талабалик пахта даври, лўппи-лўппи юлдузлар, қизлар билан сайр, қўшиқларимиз... тушиб кетди:

*На қилдим сенга мен, ёрим, жамолингдан жудо қилдинг?  
Бошимга гарди ғамни чун чароғи осие қилдинг...\**

Чанг тўзони ёғдуда жилваланганини кўргандирсиз? Симёғоч чироғи атрофида ғужғон ўйнаган чивин-ҳашаротларни эслатадими? Ана энди буғдой туйилган жувозхона шипига осилган тошфонус гирдидаги ун гардини тасаввур қилаверинг. Ишқ шарори тушган сархуш бош атрофида “гарди ғам” ана шунча!

Ташқарига нур сочаётган деразалар ўлчамида тўртбурчак қор зарралари гирдоб ҳосил қилиб айланади. Гўё фақат айнан мана шу нурафшонликдагина қор ёғаётгандек туйилади...

Қуюн атрофимни бир уюриб, бўйнимга тикон уриб ўтдию сесканиб ўзимга қайтдим. Бошимда не савдо-ю, калламда не хаёллар... Чиндан эсим оғаётганга ўхшайди, худойим, ўзинг асра, ўзинг тавфиқ бер!

Эҳ-ҳе, баҳоргача ҳали қанча бор... Бизда ўрик олайганда Московда кўклам бошланади. Кўрармиканман ўша кўкламни?.. Нималар деяпман, эрта тонгни тирик қарши олиш насиб қилармикан...

Одамзод дегани ким ўзи, нима ўзи? У қандай жумбоқки, ҳеч қандай аллома аниқ ечимини айтиб билмайди.

Келиб-кетмоқликнинг маъноси нима? Ҳарҳолда, итдай еб, битдай кўпайиш эмасдир...

Ҳар қадамнингда чоҳ, ҳар қадамнингда гуноҳ, ҳар қадамнингда алдов...

Одамларни нима жин урди?

Менга нима бўляпти?..

\*\*\*

Бисотимдаги ҳамма кийимларни устма-уст кийдим. Битта кўйлагимни рўмолдай тахлаб, бошимга ўраб олдим. Аммо ўранганим билан совуқ суяк-суякларимни қақшатар, кулранг сочлари тўзгин ялмоғиз юзлаб жуволдизини бор вужудимга урар, азобимдан роҳатланиб, қаҳ-қаҳ отиб куларди.

Сочиқларимни ёстиқча қилиб, тиззамни қучоқлаб қунишиб бироз ётдим...

Бу ўриндикда ётиб ухлаб бўлмайди.

Ўрнимдан тез турмасам, бўғотдаги сумалакдай яхлашим аниқ!

Турдим, кўзимни очолмай қолдим. Водариғ, инсоннинг ҳамма аъзоси музлаши мумкин, фақат қорачиқлари ҳеч қачон музламайди дейишарди-ку...

Йўқ, кўз эмас, намхуш киприкларим оғиздан чиққан ҳовурдан баттар шувашиб, бир лаҳзага қовоқ юмганимда музлаб, бир-бирига пайванд бўлиб қопти. Кафтимни кафтимга ишқалаб қизитиб, кўзларимга босиб, кўзёши ёрдамида киприкларимни айириб олдим. Кўз очилиши учун ёш тўкилиши шарт экан-да, акажон?

Майдончанинг четида шимол эртакларига монанд қурилган ёғоч уйча бор экан. Ана шу ерда ухлайман, деб кўнглимдан ўтказдим...

Тонг отадими, йўқми, билмайман. Яхлаб, қотиб қолсам ёки юрак ҳунар кўрсатса... хайру хўш! Тонготар ўзимни тирик топсам, у ёғини пешонамдан кўраман...

Бир вақт “ғарч-ғурч” босилган қор овози эшитилди. Туйнукдан қарасам, иккита қора менга қараб келяпти. Аввалига Дилбарнинг “меҳмон”лари деб ўйладим. Яқинлаша келишгач, гапларидан ўрис

эканини пайқадим. Яланғоч сувдан тоймас дейди. Энди қочмайман. Олса жонимни олади-да! Қутуламан қўяман!

Барибир, эҳтиёт шарт тишим ковагидаги юз рублимни аёллар “банки”га жойладим.

Шарпалар яқинлашиб, одам қиёфасига кирди: бир хотин, бир эркак экан. Сал енгил тортдим, ҳарна аёл ҳам бор экан-ку.

Эркак кулбамга бош суқиб, мени кўрдию бир енгил сўкиниб олиб, шеригига “Бу ерда кимдир бор”, деди. Аёл келиб ҳе йўқ, бе йўқ мендан пул сўради.

– Қанча? Нима қиласан пулни? – саволим ўта бемаъни чиқди.

– Пиво оламан, йигирма рубль чўз!

– Юз рублим бор, майдам йўқ, – десам, эркак:

– Нима қилиб ётибсан бу ерда? Дайдимисан? – деб сўради.

– Дайдимасман. Адашиб қолдим. Телефонимни йўқотиб қўйдим, шунга...

– Юр биз билан, – аёл ияги билан йўл кўрсатдию менга қарамай кетаверди.

Уларга сўзсиз эргашиб, таваккалга така қилиб боравердим...

Йўлда бир уйнинг деразасини тақиллатиб пиво сўрашди ва менга маъноли қараб қолишди. Мен дарҳол эркакка чаппа ўгирилиб, пулни ёқамдан чиқариб узатдим.

Уй эгаси “Насияга пиво йўқ”, дея дарчасини ёпаётганди, аёл “Қарзгамас, бизни ким деб ўйлаяпсан?” деб пулни кўрсатди. Сотувчи норози ғудиллаб, икки шиша пиво берди. Аёл қайтимни бехижолат чўнтагига жойларкан, менга қараб: “Пивога тобинг қалай?” деб қўйди.

Шу совуқда-я! Темирни тутсанг қўлинг қапишиб қолади. Тупурсанг, тупугинг ерга муз бўлиб санчилади.

Лекин ҳамроҳларим бир шишанинг қопқоғини иккинчиси билан кўтариб очиб, олинг-беринг қилиб сипқориб боришарди.

Иккинчи шиша оёқлай деганда кўп қаватли уйнинг ертўласи олдида тўхтаб, пича тараддудланиб туришди. Кейин такаллуф билан мени ичкари ундашди.

Ишқилиб, эрталаб ўз оёғим билан чиқармиканман бу ердан?

Иккиланиб тўхтаб қолдим. Аёл ичкаридан:

– Нега қаққайиб турибсан, кир! Қўрқма, келавер, – деб бақирди.

Зинадан тушиб, эшикни ёпдим. Зах, тамаки ва чирпит ҳидидан

нафас олишнинг иложи йўқ.

Иккита бўлмачадан кейин деразасиз, эшиксиз қўшалок катта-катта хона бўлиб, уларда икки аёл ва уч эркак алоҳида яшаркан. “Тадбиркор”лар қаердандир ўғринча ток тортиб, ҳам чироққа, ҳам қўлбола электр печга улаб қўйишган, уй шунинг ҳисобидан исияпти.

Эркаклар “кошона”сини битта чўлтоқ стол ва унинг атрофида давра қурган тўрт-бешта ҳар хил давр ва даражага мансуб суюқоёқ курсилар беаб турибди. Хонадоннинг диққатга сазовор замонавий қулайликларидан яна бири – овқат пиширадиган ясама электр ўчоқ бўлиб, унинг устида ярми эриб майишиб кетган темир това турарди. Оёқ остидаги ранги ва асли номаълум бўлган палос устига қават-қават қалин қоғозлар тўшалган. Ҳар хил андозадаги айпара чопон-чакмонлар уюми кўрпа-тўшак вазифасини бажаради чоғи. Бундан ташқари, ювилмаган идиш-товоқлар, бўшаган шишалар, газет ва тамаки қолдиқлари кўзга ташланади.

Ичкарида ўтирган аёл билан эркак менга ўзларини Анна ва Анатолий деб таништиришди. Кўчада топишганим аёлнинг исми Лена, йўлдошиники Андрей экан. Мана, танишиб ҳам олдик...

Жой ўта жирканч, эгалари ундан баттар исқирт бўлса-да, кўчада музлаб ўлишдан, бирорта қароқчининг қўлида хомталаш бўлгандан кўра маъқулроқ топдим. Ҳа, жон ширин...

Менга қайноқ сув беришди. Кўнглим ағдарила-ағдарила бир бало қилиб ичдиму, бироз қалтироғим босилди. Лена устимга эркакларнинг рўдапо қора чопонини ташлаб:

– Буни кийиб ол! Совқотибсан жуда... Бугун Игорь ишда, унинг жойига кириб ухлайвер, – деди...

Берган худога ёқибди, юз рублнинг кучи ҳали тарқамаган, ҳозир мендан яхши одам йўқ эди...

Танамга иссиқ ўтиб, титроқ аста-секин ҳорғинлик билан босилди.

Ҳамма ухлашга ётди. Негадир юрагим хотиржам уряпти... балки, ёнимда аёллар борлиги учундир...

Ёстиққа бош қўйиб, уйқу билан олишарканман, ўзимга ўзим истехзо қилиб кулардим: “Эртага тонг отади, албатта отади, ишонинг, Бонужон! Бечора қушнинг инини худойим солади, дейдилар-ку... Шунисигаям шукур! Минг марта, миллион марта шукур!

Кунни кеча Володя амакининг ҳайҳотдай ҳовлисида кенг уйнинг

келинчаги бўлиб ҳам ҳаётдан норози эдингиз.

Дилбар лаънатининг иссиқ ижаражойида яшаётиб ундан кўра осойишта, покиза жой хаёлида эдингиз...

Мана, чевар худойим тўғрилади-қўйди: каламуш инидай қўланса ковакда, эси бутун ҳар қандай одам кўрганда енгини димоғига босиб ўтадиган чувриндилар орасида шу ерга етишганингизга шукроналар айтиб ётибсиз!

Бонужон, дадасининг эркаси, ҳолингиз қалай энди?

Художоним, илоё шу кунингни ҳам кўп кўрма..."

\* \* \*

### **13 апрель**

Эрталаб кўзимни очсам, ҳеч ким йўқ. Рўпарамда юмронга ўхшаб бир бегона эркак ўтирибди...

Ётган жойимда салом бериб, "Сен Игормисан?" деб сўрадим. Тасдиқ олгач, "Мен кеча кечқурун келгандим, сенинг ўрнингни вақтинча беришди, узр", деб турмоқчи бўлгандим, у қўймади:

– Ётавер! Қаердан келдинг? Бу ерни қандай топдинг? – деб тамаки тутатди.

– Лена опкелди... Қолганлар қани?

– Улар ишга кетган.

Бурним битиб, кўзим ёш ташлаяпти. Бошим тарс ёрилай дейди, қулоқларим батанг...

– Шамоллагансан, ухла, – Игорь бир пиёла иссиқ қаҳва берди-да, ҳозир келаман, деб чиқиб кетганича икки соатларда қайтди. Қўлида ҳапдори, нон, картошка-пиёз.

Мен дорини ичиб уйқуга кетдим.

Тўрт кун деганда сал-пал ўзимга келдим. Оёқларим шишгани қайтиб, бош оғриғим қолди. Ўрнимдан туриб қарасам, столда Игорнинг гугурт қутисидан сал тикроқ телефони ётибди. Қувониб кетдим. Эгасидан сўраб қўлимга олдим, бирдан дами чиққан пуфакдай шалвирадими-қолдим. Ҳамма танишларим телефонимда исми билан сақланганидан ҳечам рақамига эътибор бермаган эканман. Номлар қандай жойлашган, ҳарфлар қай тартибда терилганигача ёдимда турибди, лекин бирорта рақамни эслолмадим.

Ишинг тушса тўнғизни тоға де, зора-мора Дилбарга улансаму телефонимни обкелиб берса, деган мақсадда ўз рақамимни тердим: ўчирилган... Сўнгги умидим ҳам ўчди...

Терлаб-пишиб, жун рўмолидан буғ таратиб, халта ортмоқлаган Лена кириб келди.

– Бугун иш унча юришмади, – деб ўзини курсига ташлади у.

Ўйлаб ўйимга етолмайман... Булар шу афт-боши билан қаерда ишлашар экан? Нега бунақа жойларда яшашаркан? Қариндош-уруғлари, бола-чақалари йўқмикан?

Хоналарни супуриб, идиш-товоқларни ювиб, бўш шишаларни, чиқиндиларни қоғозхалталарга босиб, кўчага чиқариб қўйдим. Нимаики топсам ҳаммасини қозонга солиб, макаронпалов пиширдим.

Кечки пайт олти кишига атаб овқатни суздим. Бирига ликопга, бирига косага, бошқасига елим идишга... Ҳамма ҳаққига рози. Мақтаб-мақтаб ейишди. Биринчи Игорь бошлади:

– Ана энди аёл борлиги маълум бўпти бизни саройда ҳам, – сўнг Лена билан Аннага қараб, – ўрган сенлар ҳам Бонудан рўзғор тутишни, – деди ёғли лабларини чапиллатиб.

Лена қўлини зўрға кўтариб, “менга барибир” дегандай қисқа ва паст товушда “аҳ”, деб қўйди. Анна оғзи тўла макарон билан бир нималар деб чайналди-ю, гапини англаб бўлмади. Лекин авзойидан Игорнинг луқмаси унга камситишдек туйилганини пайқадим. Бу лутфнинг аччиқ оқибати узоқ куттирмади: таом еб бўлингач, Анна: “Бас, эркакларга маъқул экан, бугундан бошлаб икки маҳал овқат пишириш, идиш-товоқни ювиш, хонани йиғиштириш сенинг бўйнингда! Албатта, ишдан кейин!” деб ҳукм эълон қилди. Эркаклар бош ирғаб тасдиқлашдан нарига ўтишолмади.

Ҳа, бу “ғор”даги тўдада матриархат ҳукмрон экан...

\* \* \*

### **14 апрель**

Эртаси пешинга яқин қароргоҳда фавқулодда жонсараклик аломати пайдо бўлди. Фаҳми ожизимча, хонадошларим қандайдир ҳурматли меҳмонларни кутишга тараддудлана бошлашди.

– Ароқ ўз йўлига, пивони кўпайтириш керак, шеф ароққаям

пивони қопқоқ қилади, – деди Лена Игорнинг қўлидаги пулга қараб, – Гитлер ҳам, Ленин ҳам фирқасини пивохоналарда тузган... Газагига қоқбалиқ!

Уларнинг ўзаро гапидан қандайдир фирқа тузиш, сайловда қатнашиш ва яқин келажакда ҳокимиятни қўлга олиш мақсадини илғаб, дилимга ғулғула тушди. “Оббо, йигит бўлсанг, сиёсат билан ўйнашма, қиз бўлсанг, сиёсатга тегма, деган нақл бор эди-ку. Бир ками мухолифатчи тамғаси остида кафангадо бўлиб кетишим қолувди”.

Ҳайтовур, булар сиёсат ишига ҳушёр эмасми, маслақдош йўлбошчилари ташриф буюргач, мени ширин сўз билан ташқарига чиқариб юборишди. Уч-тўрт соат ер тепиб, қонимни юрғизиб, майда болаларга эрмак бўлиб юрдим.

Раҳнамолар кетишгач, ертўлага тушдимۇ яна сиёсатчиларга хос қизиққон баҳс-мунозарага гувоҳ бўлдим. Лена мен томон ола қараганини сезиб, Анатолий:

– Лена Павловна, буюм бизга ўхшаган йўқсил, балки, фирқамизга номзод сифатида қарармиз. Бемалол фикрингизни ифода этаверинг, марҳамат, – деди зодагонларча лутф кўрсатиб.

– Эҳ, Анатолий Аркадьевич, биласизми, азизим, улуғ руснинг кўнгилчанлиги ва бағрикенглиги унинг энг катта душманидир. Ҳа, майли, нима деётувдим?

– Мисрдаги заббалинлар асос солган Маншиёт-Носир шаҳридаги йўқсиллар ҳаракати ҳақида гаплашаётувдик.

– Улар ҳам биздек насроний экан, имкон қадар тезроқ вакил йўллаб, биродарларимиз билан алоқа ўрнатишимиз даркор! Шу тариқа аста-секин бутун дунё инқилобини амалга оширамиз!

– Йўқолсин олигархлар! – Анна кўпириб турган пиво шишасини тўқиштириш учун узатди.

– Яшасин йўқсиллар! – Игорь узатилган шишага оҳиста чертиб қўйди.

– Ўзбек, сенга фирқамиз низомини берсак, она тилиннга ўгира оласанми? – Лена Павловна кўрсаткич бармоғи билан столда ётган бир тахлам қоғозга ниқтади.

Ана энди ростмана уйим куйди! Мен шўрликни уюшган жинойтчилар тўдаси очикдан-очик ҳамтовоқ қилиб олмоқчи!

– Йўғ-е, мен... ҳали русчаниям яхши билмайман... сиёсий онгим паст... тайёр эмасман...

– Қўяверинг, муҳтарама Лена Павловна, энг муҳими, унинг ижтимоий келиб чиқиши, бугунги даражаси ўзимиз қатори. Вақти келиб тарбиялаб, тўлақонли тарғиботчига айлантирамиз...

Ўзимни қўлга олишга, ваҳимамни босишга қанча уринмай, ички титроқ ўпкамни бўғзимга кўтарарди. Қайси инқилоб халққа ёруғлик олиб келган?

Биринчи имконият туғилиши биланоқ бу худо урган халқаро бузғунчилар бош штабидан жуфтакни ростламаган номард!

\* \* \*

### *15 апрель*

Тонг қоронғисида Лена оёғи билан туртиб уйғотди:

– Ўзбек, тур, ишга кетамиз!

– Қаёққа ишга? – кўзимни бир амаллаб очдим.

– Тур, борсанг кўрасан!

Қизиқ, қаерда ишлашар экан булар?

– Майли, фақат соат саккизгача, кейин ўзимни ишимга боришим керак, – дедим...

– Қаерга?

– Озарбойжон ошхонасида ишлайман. Саккиздан саккизгача.

– Кўрамиз. Саккизгача бормисан, йўқмисан...

Йўлдан ўтиб, кейинги кўчадан шаҳар марказига қараб юрдик. Лена бир ўриндиқ олдига ўрнатилган махсус ахлат қути ёнида тўхтаб, титкилай кетди. Чиқинди тубидан елимшишада яримлаган пиво қолдиғини топиб кўзлари чарақлаб:

– Оҳ, ўзбек, қара, нимани қўлга киритдим? Ҳали музлаб улгурмаган экан, – деди-ю данак топган тентакдай севиниб, ҳузурдан кўзларини юмиб, ғўлт-ғўлт ютди.

– Лена, ҳозир ишга борасан-ку, сени шу аҳволда қўйишадими? – дедим таажжубланиб.

– Яна қанақа ишга? Галварсмисан, ўзбек? Ишга келдик-ку, – деб қўйиб, бошқа қутига шўнғиди.

Унинг ёнига келдим:

– Нима қиляпсан?

У қаддини ростлай туриб:

– Нега довдирайсан? Овсармисан нима бало? Бу қутилар хазинани ўзгинаси. Бахтингни шуни ичидан қидир. Мени эгни-бошим, устимдаги манави чакмон ҳам шу мўъжизалар майдонидан топилган. Сен оқбилагойимни қара-ю! Бор, анави қутини титкила, биров келиб ризқингга чанг солмасдан бурун керакли нарса бўлса йиғиб-териби ол, – деди буйруқ оҳангида.

– Ким? Менми?

– Ҳа, сен-да, ўзбек, ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Аҳволингга бир қара, мендан баттарсан, тез бўл! Бўлмаса бугун ҳеч нима емайсан, – Лена очикдан-очик дағдағага ўтди.

– Бу менга тўғри келмайди. Худо кўрсатмасин, бирорта юртдош кўриб қолса, шарманда бўламан, ундан кўра ўлганим яхши, – деб ўгирилиб кета бошладим.

– Тўхта, сени ўзбекларинг ҳам изғиб юришади шу ерларда, тўхта дедим сенга! Қайга борасан?

Индамай кетавердим. У ортимдан келиб, бўйнимдан қайириб, чалқанча йиқитиб, босиб олди.

Тасаввур қилинг, чиқиндилар майдонида башараси ичкиликдан бўғриқиб кетган увинтўда дайди мени йиқитиб, ваҳшат билан вишиллаб ётибди. Яхшики, шаҳар ҳали уйфонмаган, кўчада зоғ йўқ. Дераза-перазадан кўзи тушган саҳархез “Иккита дайди насиба талашиб, муштлашиб ётибди”, деган хаёлга бориши тайин.

Яқинда дард чекиб энди оёққа турганим сабаб Ленани ағдарадиган дармоним йўқ.

– Кўрнамаксан, ўзбек, ўша куни кўчадан сени топиб уйга опкелмаганимда ўзинг ахлатни ичида тарашадай музлаб ётган бўлардинг. Ҳеч қайга кетмайсан! Аввал қилган яхшилигимни қайтар, кейин ўйлаб кўраман!

– Қандай қайтарай? – бир амаллаб панжасини бўғзимдан ажратдим, энди гапим тушунарли чиқди, – устимдан туш! Ана, полиция келяпти.

У ётган жойида юк машинасининг қорасини кўриб, чалғиди шекилли, ёнбошга ағдарилди.

Енгил тортдим. Ётган еримда хотиржам гаплашиб, келишиб

олмоқчи бўлдим.

– Ленажон, яхшилигинг учун катта раҳмат. Бир куни албатта қайтараман. Ҳозир менга рухсат бер, ишимга борай. Қайтишда пиво олиб келаман.

– Майли, бор, лекин билиб қўй, биздан қочиб кетолмайсан, – у ўрнидан туриб, қўйнига қўл тиқиб яшил паспорт чиқазди, – мана, қара, Ўлмас Кашшейни жони тухумда, ўзбекники ҳужжатда... Ҳеч қаерга кетолмайсан!

Шу вазиятда нима қилишим керак? Нима қила оламан? Бу урғочи айиққа кучим етмаслиги аниқ. Мабодо бирор нарса билан уриб йиқитсам, кимдир кўрса, қамалиб кетишим ҳам ҳеч гапмас. Ўзи кўрмаганим ўша панжара орти қолди... Бўшашдим:

– Ленажон, хўп, сенинг гапинг гап. Ишимга борсам бўладими, рухсат берасанми?

Лена жаҳлидан тушди. Яхши гапга илон инидан чиқади. Пойчўкир бўлиб рухсат сўраганим унга чўчқа ёғидай ёқиб кетди.

– Майли, бор, яхши ишла, саккиз яримда уйда бўл... пиво билан, – деб паспортимни яна қўйнига урди.

\* \* \*

– Ўрнингга бошқа одам олдик. Олти кундан бери қайда эдинг? Сени танимасак, билмасак, туғишганимиз бўлмасанг, абадий кутолмаймиз-ку! Телефонга жавоб бермасанг, нима қилиш керак? – озарбойжон эркакнинг ёнига хотини келиб, менга ачинишми, жирканишми кўзи билан бош-оёқ қараб чиқди-да, бурнини жийириб, ҳавони қисқа-қисқа ҳидлаб, гап қўшди:

– Мабодо иш бўлганда ҳам сени бу турқи тароватинг билан икки дунёда яқинлаштирмасдим. Қайси гўрдан чиқиб келяпсан? Бу ер ошхона, молхона эмас, тозалик, гигиена деган нарсалар бор, эҳтимол эшитгандирсан, – аёл энди авжга минмоқчи эди, эри билагидан тутиб, тинчлантирди:

– Бас, Адила, буям мусулмон, буям қардош. Зулм қилма! Бирор фалокатга дуч кепти, шекилли, бечора...

\* \* \*

## 16 апрель

Очиғини айтсам, мен бундан ортиқ такаллуфни ҳам кутмаган эдим.

Чиқмаган жондан умид деганларидай, бир бош суқиб кўрай, ҳайдалган бўлсам, бошқа жойдан иш топиб беришар, деган ўйим бор эди. Аммо... мен ақли ожиз ўз кўринишимни, “турқи тароватимни” ўйлаб кўрмаган, дайдилар орасидаги олти кунлик ҳаёт нуқси туриш-турмушимга уриб кетганини сезмаган эканман.

Шу қиёфада дорилфунунни тамомлаган олий маълумотли филологман, китобсеварман, шеърият шайдосиман, “Ҳувайдо” бобонинг неварасиман десам ким ишонади?

Беш йил олдин ўзбекнинг сарвқомат гўзали эдим, бенуқсон қизи эдим, ҳаммага севимли, барчага ёқимли бетимсол сулуви мен эдим, ҳусну чиройимга ўз опаларим кунлашарди, кўчага чиқсам мени кўрганларнинг сўзи оғзида қоларди, даврага кирсам бир муддат жимлик чўкарди, бир вақтлар гўзаллик танловлари ғолиби эдим, бахтиёр эдимки, еру кўкка ишонмайдиган, тушимда ҳам қизғонадиган, эртақлардан чиқиб келган Тоҳирдай севгилим бор эди... армоним йўқ эди, деб айтсам кулгига қолиб, телба номини олишимга ақлим ҳартугул етади.

Бу ерларда шунчаки кун ўтказиш учун юрганым йўқ, юзи шувут бўлиб юридан қочиб келганлардан ҳам эмасман, қишлоғимда мунис онам бор, шаҳримда шўрпешона Шоира опам бор, қорақўз, қорақош жиянларим жовдираб йўл қараб турибди, шуларга кўмак берай, уч-тўрт танга ҳалол пул топай, инсон бўлиб дунёга келганимни ўзим учун оқлай... ғаразим шу... деган гапимга фақат масхара ва ҳақорат жавоб бўлиши муқаррар.

\* \* \*

Йўл четидаги ўриндиққа ўтирдим.

Бирдан ўзимни ниҳоятда ҳорғин, кераксиз ва қартайган ҳис қилдим. Олдимдан одамлар дарёдек оқиб ўтяпти. Одамлар дарёси ичида бир қултум эътиборга муҳтожман, одамга зорман.

Бошимни суянчиққа бериб, бир муддат хаёлни озод қўйдим. У

қуш каби айлана-айлана яна хотиралар осмонига кўтарилди.

Бахтхуш талабаликнинг сархуш кунларидан бирида мана шундай ўриндиқда не сабабдандир кечикаётган Олмосимга илҳақ ўтирардим. Балки, ўшанда у жудаям узоқ куттирмагандир, лекин биласиз-ку, севган юрак бесабр бўлади, лаҳза санайди. У ниҳоят келди. Мен сурилиб, кафтимни ўриндиққа қўйиб, жой кўрсатдим.

*Келиб ўлтирдию илкин чекиб ёнидан жой берди...*

Олмоснинг димоғи чоғ эди: байтни шавқланиб шарҳлади:

– Қаранг-а, Бонужон, нақадар ҳаётий! Беш юз йил ўтса ҳам тирик, мана, сизнинг ҳаракатларингиз шу сатрни эслатди... Қаранг, қандай гўзал руҳий ҳолат!

“Илкин чекиб...” Бу Лутфийданми ё Огаҳийданмиди? Кўпроқ Навоийга тортяпти...

Қани талабалик даври давр бўлсаю сим қоқиб Олмосдан сўрасам. У беозор ҳазил аралаш “Ўткан кунлар”дан ўзлаштирма иқтибос келтирмасмиди: “Нега ҳеч нарсага етмаган ақлингиз шу масалага келганда ҳам оқсайдур, Бону? Ахир бу байт фалон шоирнинг фалон девонидан-ку, эсиз шунча сабоқ, эсиз шунча соч”...

Шууримда бир фикр учарюлдуз каби шуълаланиб, чақнаб ўтди: тўхта... Навоий... Алишернинг телефон рақами... Ҳазратнинг таваллуд санаси сон тартибида терилганди...

Ошхонага қайтиб, озарбойжон эркакдан телефонини илтимос қилиб олиб, титраб-қақшаб, ичимда дуо ўқиб, худога ёлвориб рақам тердим. Аллоҳим меҳрибон: Алишер биринчи чақирувдаёқ уланди. Мен эканлигимни билгач, “Бир дақиқа, ҳозир, йўл четига тўхтаб олай”, деди. Озарбойжон тезроқ бўл, пулим кетяпти, дегандай тақалиб қараб турса-да, Алишерга “Ўзингиз қайтарворинг”, деёлмадим – алоқа узилиб қолишидан, у қайтиб тушолмаслиги хавфидан қўрқиб, бўлган воқеани, шароитимни имкон қадар қисқача ва шошилишч тушунтириб, қаердалигимни айтдим. “Ҳозир етиб бораман, у ошхонани яхши биламан”, деди у ҳам ҳовлиқиб.

Ярим соат ўтар-ўтмас сариқ такси катта тезликда келиб йўл четига тўхтаб, аллақандай саросима ичида Алишер тушиб келди.

Машинага чиқдим. У индамай газни босиб борар, ҳар замонда

бош чайқаб, рулга мушт уриб қўярди. Ниҳоят, ертўлага етиб келдик. Алишер ўнг томонга ёнбошлаб, машина сандиқчасини очди-да, қора тўппончани олди. Менинг эсхонам чиқиб кетди. Саргузаштларим қотиллик билан яқун топмаса, мени деб бир йигит жувонмарг бўлиб кетмаса, деган фикрда унинг қўлига ёпишдим. У:

– Қўрқманг, одамни ўлдирмайди, деярли ўйинчоқ, пневматик тўппонча, – деб ўзини ертўлага урди.

Қулоғим динг, машинада бетоқат ўтирибман. Ҳарқалай, ўқ овози эшитилмади. Алишер тез қайтиб чиқди. Лена ҳали “иш”дан қайтмаган экан. Машина боя “курашган” жойимизга қараб ўқдек учди.

Тўдабошини тепароқдаги ахлатхонадан топдик. Қоп устида ўтириб топган-тутганлари билан ўзини меҳмон қилаётган экан. Мени, Алишерни, тўппончани кўргач бирдан ҳушёр тортиб, индамайгина паспортимни узатди.

\* \* \*

### *18 апрель*

– Чўмилиб, манавиларни кийиб олинг, опа, – Алишернинг хотини қўлимга каттагина сувқоғоз халта тутқазди, – кейин ўз кийимларингизни халтага жойлаб, кўчадаги чиқинди қутисига ташлаб келарсиз...

Ҳовли этагидаги ҳаммомга кириб борки ғуборларимдан халос бўлайин деб узоқ чўмилдим. Очиғи, бундай ўзига тўқ, мулкдор ўзбекни биринчи кўришим. Олигархлар, мафиозлар ҳақида эшитганман-у, аммо бирорта қадди тик юртдошни учратмагандим.

– Бир иш бор, Бону, – деди эртаси нонуштадан кейин Алишер дўстона, – номи хунуг-у, ишончли хонадон.

Турли “номи хунук” жойлардан юрак олдириб қўйганимдан юзимда ҳадик пайдо бўлди шекилли, у енгил кулиб қўйиб, изоҳ берди:

– Номи хунук деганим – лўлиларнинг хонадони. Лекин бой, тартибли, яхши одамлар. Халқда “Лўлини эшагини суғор, пулини ол”, деган гап ҳам бор... Биздан унча узоқда эмас, хабарлашиб туришимизга ҳам ўнғай. У куни менга Макар “Бизга хизматчи керак, сени ўзбекларинг яхши, ичмайди, чекмайди, қўли эгри эмас. Шунақалардан бўлса топиб бер”, деганди. Ўзлари олтин бизнеси

билан шуғулланишади, тилла дўконлари, заргарлик устахоналари бор.

Тавба, лўлининг ҳам яхшиси бўларканми? Булар қайда бўлса товламачи, от ўғри, фолбин, тиланчи бўлади деб ўйлардим. Олам – ҳодис, одам – турфа. Бўлса бордир, Алишер кафилини олиб турибдику...

– Кетдик, – дедим, – тезроқ борайлик, уям эгали бўлиб кетмасин...

\* \* \*

Икки тавақали кунгирадор дарвозадан кираверишда хоразмча долонга ўхшаган зал. Биринчи қават тўрида чол-камбирнинг ётоқхонаси. Этак тарафида баскетбол майдончасидай келадиган меҳмонхона. Яна битта чоғроқ оилавий емакхона ҳам бўлиб, кенг деразадан ҳовлидаги усти шишаванд боғни томоша қилиб ўтириб, таомланасиз.

Ҳа, ҳовли деганимиз томоша қиладиган даражада. Турли чинни ҳайкаллар, осмонга сув пуркаган балиқ фавворалар, мовий ҳовузчаларда тилла балиқчалар думларини ҳилпиратиб шоирона ўйга толган, тустовуқ, товус, қирғовул каби паррандалар гердайиб сайр қилиб юради.

Гуллару буталарга шу қадар ишлов берилганки, биттаси Эйфель минорасини, бошқалари турнақатор таборни эслатади. Бир арчага гитара шакли берилган, бошқаси ечиб ўтлоққа ташлаб қўйилган шляпанинг ўзгинаси. Хуллас, боғ эмас, нақд ажойибхона дейсиз!

Келган куним уй бекаси – кўзлари чақчайган қорамағиз камбир ҳар бир хонани кўрсатиб, бу кимга тегишли, кимга атаб қурилган, шу вақтгача ким яшаган каби маълумотларни санаб ўтди. Шунингдек, уйни безаб турган жиҳозлар қаердан келтирилган, нархи қанча, буюмларни нима муносабат билан кимлар совға қилган, улар оила учун қай даражада қийматга эгалигини алоҳида мижғовланиб уқтирди.

Чол-камбир кенжа ўғли Макар, келини ва тўрт яшар эгизак невараси билан яшаркан.

Катта ўғиллари ва қизлари уйли-жойли бўлиб, ҳар якшанба куни йиғилиб келишаркан.

\* \* \*

## 19 апрель

Биринчи кун тонг ёришмасидан кампир назоратида ётоқхоналардаги кўрпа-тўшак жилдларини янгилаб, гиламларни чангютгичда тозаладим. Кейин полларни ювиб, жиҳозларнинг ғуборини артиб, хоналарни шамоллатиб чиқдим.

Иккинчи қаватда жойлашган эгизаклар хонасидаги дунё харитаси диққатимни тортди. Бу харита билан мен ҳам болалигимдан танишман. Айнан шунақасини дадам шаҳардан олиб келиб дарсхонамиз деворига ёпиштириб берган эди.

Амакию аммамларнинг қизлари ва тенгдош дугоналар билан қишнинг узун кечаларида бир жуғрофий ўйин ўйнардик: айтайлик, мен “Италия” дейман, харитага тескари турган Рухсора дарҳол қайрилиб, “Рим” деб пойтахтини кўрсатиши, кейин “Рим” “м” ҳарфи билан яқунлангани учун “Малайзия”, “Миср”, “Монголия” каби давлат номини айтиши, мен ҳам бошкентини дарров топишим керак бўлади. Гоҳида менинг шайтонлигим тутиб, йўқ мамлакатнинг номини айтиб ҳаммасининг жиннисини чиқарардим...

Кампирнинг айтишича, жавонлардаги ҳар хил рангдаги юзлаб қимматбаҳо тошлар Африка ва Ҳиндистондан келтирилган бўлиб, болалар руҳиятини тинчлантирар эмиш.

Ундан ҳам қизиғи, хонада телескоп, дурбин, микроскоп ва яна мен умримда кўрмаган турли хил техник буюмлар қалашиб ётибди.

Булар бир пайт ўғилларининг эрмаги бўлиб, эндиликда оилавий мерос сифатида кичкинтойларга қолган, улар мурғаклигидан шундай ускуналарга ошно ўсишса, дунёқараши кенг шаклланади, деб тушунтирди кампир.

Ичимда, “Қойил, лўли момо”, деб қўйдим.

Бу халқ табиатан ялтир-юлтирга ўч бўлишини билардим, лекин кўзгуга ишқибозлигини энди кўрдим. Кийиниш хонасининг ўзида олтита кўзгу. Кийим-кечаклар жавони эшигиям ойнаванд, безаниш учун мўлжалланган тўмбалару камод ҳам ойнадор, дам олиш хонасида ҳам гирдо-гирд ойна...

Билдим, лўлилар кўзгуга қараб фол очишади, яна аллақандай

қора сеҳр-жодули машваратлари бор.

Деворларда ноёб ва қимматбаҳолиги яққол кўриниб турган ромли суратлар қатор илинган. Булар ягона нусха бўлиб, ким ошди савдосида қозонилган экан.

Ҳамма кийим-кечаклари Туркия ва Ҳиндистондан келтириларкан...

Гидамларига оёқ қўйсангиз майсада юргандек ботиб кетасиз. Мана, шерози гидам, манавиниси туркмани...

Лўли, лўли деймиз-у, бунақа ҳашам унча-мунча ўрис бойида бўлмаса керак деб ўйлаб қолдим.

Дам олиш хонасидаги иккита эчки ҳайкалчаси ва бир кемача эътиборимни тортди. Эчкичанинг бирини қўлимга олиб, уёқ-буёғини айлантириб, тагидаги “999” тамғага кўзим тушиб, сергакландим.

– Хўппа!.. – кампир бақира кетди, – тегма-тегма! Бу буюмларга мени назоратимсиз, рухсатимсиз болаларим ҳам тегмайди!

– Нега?

– Синади, – деди у қўлимдан ҳайкалчани оларкан.

Мийиғимда кулги билан кампирга айёрона қараб:

– Тилланинг “999” тамғалиси эгилади, букилади, бироқ синмайди, – дедим.

– Сен бунга қаердан биласан? Уйимда қанча хизматчи яшади, лекин бирови шуни тиллалигини пайқагани йўқ, – яна қайта сўради, – сен қаердан билдинг?

– Бобомда бўларди...

Бобом раҳматли энг соф тилла “999” муҳрлиси бўлади, дегани қулоғимда қолган. Мен кўрганларим кичикроқ чойнакнинг қопқоғидай келадиган танга бўлиб, эҳтиёт юзасидан мум билан қопланган эди...

Бир куни мактабдан келсам, бобом ерга ёзилган белбоғига энгашиб, ниманидир синчиклаб томоша қиляпти. Бир қулоғи учган, нимдош сопол кўза ёнида уладаси чиқиб кетган пахта, латта-путталар сочилган. Чўнтак соатидай келадиган қора лаппакчалардан бири пишган ёнғоқ пўстлоғидай ёрилиб ётибди. Бу нима, деб сўрасам, бобом индамай кафтини очиб, тўлин ойда ярақлаган тангани кўрсатди... Ўшанда: “Булар асл тилла, муҳри йўғ-у, “999”дан тозароқ... Лекин зинҳор-базинҳор ҳеч кимга оғиз очма”, дедию бир зум

кўзларимга қаттиқ қараб, “Агар мени яхши кўрсанг”, деб қўшимча қилиб қўйди.

Кампир биринчи қаватга тушиб, тез қайтиб чиқди-да, чўнтагидан танга олиб, менга кўрсатди: “Шунақамиди?”

Танидим, худди ўзи!

– Ҳа, – деди кампир, – бу тангаи ашраф, бухорий тилла... Жаҳонда энг қадрли олтин шу бўлади...

Мен:

– Қандай қилиб бизнинг танга бу ерларда юрибди? – десам, у айёрона кўз қисиб:

– Бу давлат сири, тилланинг ва лўлининг ватани бўлмайди, – деб тишларини ярақлатиб кулди.

Кейин жиддий тортиб, ҳукмфармоликка ўтди:

– Бориб чўмилиб, уст-бошингни алмаштириб кел, болаларга нонушта тайёрлайсан.

Эгизакларга ширгуруч, келинпошшо Ларисага сабзи шарбати, Макарга қовурилган колбаса ва тухум, чолга қайнатилган сосиска билан қора увилдириқ, кампиршога эса сули ёрмасидан бўтқа...

Битта нонуштага шунча ҳаракату шунча харажат...

Мен ҳаммадан кейин емакхонага кирдим.

– Нима хоҳласанг олиб еявер, музлатгичда тунов куни Алишер аканг обкелган ўзбекча колбаса бор, ҳаҳ, оти нимайди-я, – кампир пешонасига бир кафт уриб олди, – ўшандан хоҳлаганингча е, бизга тўғри келмайди – отгўшtidан экан, барибир ташлаб юборамиз, – кейин биттадан идиш-товоқ, қошиқ, санчқи ажратиб, мен томон сурди, – бугундан бошлаб мана шулар сеники, гигиенага риоя қил!

Ҳақиқатан, ҳар бир одам, ҳаттоки эр-хотин учун ҳам алоҳида коса-ликоп бўлишини тўғри қабул қиламан. Алам қилгани, мени давраларига қўшишмагани, ошхонада ёлғиз қолиб кетганим бўлди.

Энди келиб-келиб лўлининг қўлига қараб хор бўлиб ўтирсанг-а... Лўлиям сени одам сонига қўшмаса, ундан ёмони йўқ экан.

Музлаткични очиб, ўзимга егулик изладим. Икки дона тухум олдим. Қарасам, қайнатилган қази ва мол тили бор экан. Тухумларни жойига қўйиб, улардан икки япроқдан кесдим. Кўк чой дамлаб, нон олдим...

Бироқ негадир иштаҳам тортмади. Бир бўлак тилни оғзимга

солиб узо-оқ чайнаб, зўрға ютдим. Қазининг ҳам бир япроғини жилвирқоғоз кавшагандай у лунжимдан бунисига айлантитарканман, негадир ўзимга ўзим ачиниб кетдим.

Лайлакқор уриб турган қишнинг сеҳрли кечасида ҳар қандай ташвишдан холи бир тўп шўх-шаддод қизалоқлар харитага бармоқ суриб шаҳар қидирганда ҳеч ишим Московга тушганмиди?

Иккиқат хотинини аравага қумғондай ўтқизиб олиб, яғир эшагини беаёв савалаб бораётган Мурод лўлидан чўчиб онамни қучиб олганим, Гулшан опам мени баттар ўтакамни ёриб “Она, дадасини эркасини мўлтонини қопига солиб берайлик, эвазига ҳамма олмақандимни ташлаб кетаман, деяпти”, деб қотиб кулгани ёдимга тушди. Кечқурун акам дорбознинг маҳсисидай юзлари тириш Мурод жўгидан олган пуфакни узатса, ушлашга ҳам таъбим тортмай, қўлларимни орқамга яшириб олган пайтим бир кун келиб шуларнинг эшигида чўри бўлишимни ўйлабмидим?

Дадамни, уйимизни, бирга рўза тутган кунларимизни эсладим. Ҳар рамазонда дадам икки жуфт қази олиб келарди. Ҳеч кимга ишонмай, ўзи ип билан чандиб, айлантириб игна уриб чиққач паст оловда қайнатар эди.

Ўша пайтлари бирорта опам ёки акам билан уришиб, аразлаб нонушта қилмасам, онам дадамга:

– Дадасининг эркаси туз тотмай, оч қоринга мактабга кетяпти...  
– деса, дадам аввалига панд-насиҳат қилиб:

– Ношукурчилик қилма! Худони қаҳри келади! Ношукурлик қилган одамга худо ҳамма нарсани бериб, хотиржамлигини олиб қўяди. Бир вақт келиб оғзимда ошим, кўзимда ёшим, деб йиғлаб юрма тагин, – дерди...

Мана ўша кун... Дадам айтган, мен қўрққан кун...

Отасизнинг оти оқсаркан...

Хотиралар гирдобига фарқ бўлиб, қазили ликопа кўзёшим томиб ўтирсам, кампир эшикдан бош суқиб:

– Нонуштага йигирма дақиқа вақт! Бўлмаса бошқа ишларга улгурмайсан, – деди жаҳли чиққандай бўлиб.

\*\*\*

*20 апрель*

Идиш-товоқларни ювиб, саранжом қилиб, чол ётган хонани тозалашга киришдик. Жилдини алмаштириш учун қўшқават ёстиқни кўтарсам, тагидан битта калта автомат ва тўппонча кўринди... Чаённи ушлаб олгандай бир зум ҳушим учиб, тўхтаб қолдим, танамни муздек тер қоплади. Аҳволимни кўрган кампир:

– Булар рўйхатдан ўтган қонуний қуроллар, хавотир олма, – деб таскин берган бўлди.

Бурчакдаги жавоннинг эшикларини очиб чанг-чунгини артаётсам, қуйи қутисида қисмларга ажратилган қурол-яроғларга кўзим тушди...

Қаерларга келиб қолдим?..

Кимлар билан яшаяпман?..

Булар қанақа инсонлар ўзи?..

Мени нималар кутяпти?..

Миямда айланган саволлар тинкамни қуритиб ташлади...

Тушлик тайёрлаш учун ошхонага ўтдик. Биринчисига карамшўрва, иккинчисига картошка ва нўхатдан бўтқа ҳозирлаб, гуруч ва маржумак қайнатиб, қўшимчасига мол гўштидан котлет пиширдик.

Кампир келинидан невараларини сўради. “Бугун сал кеч қолишдими? Ишёқмас Денисингга қўнғироқ қил!”

Денис – болаларга бириктирилган ҳайдовчи бўлиб, уларни хусусий боғчага олиб бориб, дарвоза олдида қўриқлаб кутиб турар, Макар ошпаз боғчахолаларнинг овқатига ишонмаганидан арзандаларни уйга тушлик учун олиб келтираркан.

Овқатни тайёрлаб бўлиб, жилдларни ювишга тушдим. Ундан кейин кампир бир қучоқ кийим-кечак олиб келиб ёнимга ташлади-да, дазмоллашни буюрди. Ички кийимларгача дазмол босиб, ҳар кимникини алоҳида-алоҳида ўз хонасидаги жавонига тахлаб қўйиш керак экан.

Бу ерда шахсият ҳам, ғурур ҳам бир тийин. Ишдан бўйин товлашга, талабларни рад этишга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ йўқ. Фақат иккита сўз ишлатилади: чақиришганида – “Лаббай”, иш буюришганда – “Хўп”.

Кутилмаганда дарвозахонада ўтирадиган қоровул кампирга қўнғироқ қилиб, кимдир мени сўраб келганини айтибди. Биргалашиб чиқиб қарасак, Алишер Шакаржон опа орқали Дилбарни топиб, телефонимни олиб келган экан. Бу мен учун умримдаги энг қадрли,

энг азииз ва кутилмаган совғалардан бири бўлди.

Телефонимни ёқишим билан Дилбардан бир дунё тавба-тазарру хатлари ёғилиб келди.

Уни қўйиб, дарҳол онамга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрадим, Шоира опам билан боғланиб, гаплашиб, кўнглим тинди.

Бу телефон деган матоҳ аллақачон бизнинг муҳим бир тана аъзомизга айланиб улгурибди. Усиз ҳаво етишмаётгандек, овқат тузсиз ва тахирдек, табиат бўёқларини йўқотган каби, ўзимиз дунёдан узилиб, ғафлатда қолгандекмиз...

Ажаб, кўчада қуш сайраса, уйда мушук миёвласа ҳам телефонингиз сизни чорлаётгандек туйилиб кетаверади. Шунақамасми?

\* \* \*

Уч кундан кейин Замира деган аёл пайдо бўлди.

У мураббийлигини тасдиқловчи ёрлиғини кампирга пешкаш қилиб, эгизакларга энага “лавозим”ини қўлга киритди. “Лавозим” деганим сабаби шуки, бу юмуш роҳатижон: отнинг калласидай маош, бекорчи вақт бир қоп, қиладиган иши эгизаклар боғчадан келгач кийимларини алмаштиришу об-ҳавога қараб келин билан сайрга олиб чиқиш...

Нега мен аввалроқ шуни билмадим, мен ҳам педагогман, дипломим бор деган худбинона ўй миямни таталаб ўтди. Ростини, кун бўйи чанг-ғуборга беланиб, орада ошхонада ёғ ҳидлаб, кўчага ахлат челаги кўтариб чопиб одам нафақат жисмоний, балки маънавий ҳам чарчайди.

Қолаверса, Замирахонининг биринчи кундан димоғ-фироқ қилиши, каминага бурнининг тагидан қараши, нигоҳини обқочиб гапириши ғашимга тега бошлаган эди. Айтишича, ҳеч қачон паст ишларни қилмаган, Тошкентда данғиллама ҳовли-жойи бор, пул учун эмас, фақат малака оширгани Московга келгану лўлилар қандай яшаркан деган маънода қизиқиб, шу жойни танлаган эмиш.

Бор-е, дедим, энди сениям ўйлаб юрагимни сиқайми?

Менга деса Фиръавнининг хотини бўлмайсанми! Сен ўз аравангни торт, менинг ғилдирагимга таёқ тикмасанг бас...

\* \* \*

## 21 апрель

– Бугун чолимнинг меҳмонлари келади, хизматда қоим турасан, бирортаси норози бўлиб кетмасин! Ҳаммаси тагли-тугли, жиддий одамлар. Губернатор ҳам келади. Уни кимлигини биласанми? Ҳа, балли! Уқдинг-а?

Меҳмонхона дастурхонини Макар келтирган маҳсулотлар билан безадим. Лариса уни унга, буни бунга қўй, деб кўрсатма бериб турди. Катта-катта лаганларда баракали қилиб турли ошкўк, қуш гўшти, пишлоқ ва колбаса қўйилди. Булар кўкпиёз ва саримсоққа ўч бўларкан.

Қўй гўшти ейишмайди.

Бурчакдаги ғилдиракли хонтахта ҳар хил спиртли ичимликлар билан лиқ тўла...

Бирин-кетин меҳмонлар кела бошлади. Ҳаммаси басавлат, кўплари хўппасемиз, баъзилари қулфсоқол қўйган.

Сочи тепага силлиқ таралган, кўзи кулиб турадиган кишига ҳаммаси хушомад қилиб, ҳар бир қадаҳ сўзи айтган одам уй эгаси қолиб унинг шарафига ичишни таклиф қиларди.

Қуриб кетгурлар паравозда туғилганми ё ҳаммомнинг мўрихонасидами, ҳаммаси баравар кимўзарга тамаки тутатаркан. Кулдонларни алмаштириб улгурмайман. Чой ва қаҳвани янгилагунимча кулдонлар дўмпайиб қолади.

Қуюқ овқат тортилгандан кейин ҳаммалари ҳовлига чиқиб, губернаторни кузатиб қайтишди.

Азза-базза бильярд ўйини бошланди. Пул тикиб, баҳслашиб, жанжаллашиб, хохлашиб ярим кечагача соққа думалатишди. Ўзларининг тилида мен ҳақимда ҳам бир нарсалар дейишганини ҳаммаси менга қараб қолганидан сездим. Лекин назарларида ёмонлик аломати пайқамадим.

Соат ўн икки бўлди. Нима бало, ҳаммаси хотини билан уришиб кўчага чиққанми, бирортаси кетаман демайди. Бу ёқдан уйқу қора булутдай босиб келяпти. Эрталаб бешда уйғонганим. Эртага... йўқ, бугун яна шу вақтда туришим керак. Ўлвор-е, дедиму ҳеч кимга

индамай, хонамга кириб таппа ташладим.

\* \* \*

– Тур! Нега талтайиб ётибсан? Нимага вазифангни охиригача бажармадинг? Сенинг ишингни мен қиламанми?!

Кўзимни базўр очдим, тепамда ялмоғиздеккина бўлиб чақчайганча кампир турибди. Соатга қарасам, уч бўляпти.

– Шартнома келишувида эрталаб бешдан йигирма биргача иш вақтинг, дейилган эди. Мен ўн иккигача ўтирдим, бешда иш бошлашим керак, чарчадим... – дедим.

Кампирнинг жини қўзиди:

– Бу уйда фақат мен мулоҳаза қиламан, мен буйруқ бераман, мен нима десам шу бўлади! – деб қўлимдан тортиб турғазди.

Яна қайтиб ётиб олдим.

Кампир асабийлашганидан кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бақриб, икки қўли билан билагимдан тортиб, бошларини сараклатиб, жазавага тушиб додлади. Тирноқлари қўлимга ботди, тирсагимдан қон сизиб, томчилай бошлади. Ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида кампирни итариб юбордим. Ахир боссангиз қурбақа ҳам “вақ” дейди-ку!

Кампир шайтонлаб қолди, аламидан турган жойида товукдай типирчилаб сакради, қўлини карнай қилиб аввал эрини, кейин ўғлини қичқириб чақирди.

– Мени урди! Хизматкорим менга қўл кўтарди! – деб эрига юзланди. Чоли қўл чатиштириб, толиққан кўзларини қисганча бефарқ турганидан ҳафсаласи қайтиб, ўғлига:

– Макар, бор, тўппончангни олиб келиб манави манжалақини отиб ташла! Ўзим бости-бости қиламан... Онангни хўрлашларига қандай чидайсан?! – деб кўзёши қилди.

Макар лўличалаб бир нарсалар деди. Билагимдаги жароҳатга ишора қилганидан у менинг тарафимни олаётганини тушуниб, тўппонча ваҳимам босилди. Кампир жаврай-жаврай қўл силтаб, хобгоҳига гумдон бўлди. Чол менга бирпас қараб турди-да:

– Қизим, билагингни ароқ билан артиб, боғлаб ол. Ким билади бу мегажиннинг тирноқларида қанақа вируслар борлигини, – деб

ўғлининг бўйнига дўстона шапатлаб қўйди.

Макар менга тушунарли бўлсин деди шекилли, русчалаб “Ҳозир хотинимга айтаман, анави тарбиячини уйғотади, ўша йиғиштирсин”, деб иккинчи қаватга чиқиб кетди.

\* \* \*

## 22 апрель

– Кўчадаги хазонларни супуриб, йўлнинг у четига тўплаб қўй. Эртага машина келиб олиб кетади! – деди кампир эртаси қовоқ осиб.

– Кўчанинг ишлари қоровулники эди-ку, – мен ҳам терсайдим.

– Кеча бешдан йигирма биргача иш вақтим дедингми? Менга қара, дедингми ё йўқми? Бас, энди шу вақт ичида нима иш айтсам қиласан! Алишеринг ҳам бир тийин!

Бўйнидан боғланган саркаш эчкидай судралиб кўчага чиқдим. Аслини олганда, супуришдан осон иш борми? Ҳаммаёқ асфальт, қўлингда қулинг ўргилсин супурги бўлса... Алам қилмаса бўлди. Гап шунда-да, алам қилганда-чи!

Жуда у айтган даражада инсофини ямлаб ютганлардан эмасман, кечаги хорлик паллам, ертўладаги абгорлик вақтим ҳечам эсимдан чиққани йўқ. Лекин хом сут эмганмиз-да...

Момақалди роқ гулдирамагунча кўкка қарамаймиз...

Шукур деган сўз шапалоқдан кейин келади...

\* \* \*

– Мен нонуштани хонамда қиламан, негадир эгим учиб, титраб кетяпман. Бону, илтимос, олиб чиқиб берақол! – Макар менга иккинчи қаватдан сўз қотди.

Бугун якшанба. Лўлича таомилга кўра келин болаларини олиб ота уйига кетган. Ҳадемай “бизникилар” ҳам Мамай лашкаридай бостириб келиб қолишади. Қиёматни ана ўшанда кўрасиз!

Ларисанинг қизчалари ўпиб токчага қўйгудай, бирам ювош, бирам ақлли, қанот битса фаришта мана шунинг ўзи, дейсиз. Анавилар бўлса, икки гуруҳга бўлиниб, уруш-уруш ўйнаганида ростакам қирғин-барот кўргандай бўласиз.

Хоналарда ўқ ўрнида олма, нок, норинжлар учади. Бир-бирларига тизиллатиб сув сепишади, башараларига торт чаплашади...

Ана ундан кейин шўрлик Бонужоннинг ҳолини тасаввур қилаверинг! Сувюқмас деворларни артган, гиламга сочиқ босиб намини қочирган, тит-пити чиқиб кетган ёстиқларни ўз ҳолига келтирган, ойналарни ярақлатиб дока сурган, ахлат челак кўтариб кўчага қатнаган ким? Кимлигини яхши биласиз...

Нонуштани патнисга жойлаб, юқорига кўтарилдим-у, остона ҳатлаб ичкарига кираман деганимда чап оёғим чети кўтарилиб турган гиламга илашиб, ўнг оёғим устидан босиб, ўмбалоқ ошиб беришимга сал қолди. Мувозанатни сақлайман деганимда патнис қалқиб, шакар ва туз солинган кўвачалар, арчилган бир жуфт тухум, қовурилган сосиска ерга тушиб сочилиб кетди... Тақсимчалар синмади-ю, бироқ шакардоннинг қопқоғи хонтахта оёғига тегиб, нақд иккига бўлинди...

Ана томоша! Шу етмай турувди ўзи! Кампир кўрса, теримга сомон тикади... Уф-ф, нима қилиб қўйдим-а? Намунча полпис бўлмасам! Серрайиб қолдим.

Компьютер кўриб ўтирган Макар бир қараб қўйдию ишини давом эттираверди. Унга қараб:

– Кечирасан, нохосдан бўлди. Атай қилмадим, – дедим.

У елка қисиб қўяқолди...

Йиғлаб-йиғлаб, “чаққон”лигим маҳсулотларини йиғиштирдим. Шакар ва туз сочаласидан чангютгич нонушта қилди.

Қайтадан тухум қайнатаётсам, кампир иккинчи қаватдан тушиб келди. Салом бердим. Истар-истамас алиқ олди. Оббо, чап томонидан турдими бу қарға, нима бало, бунча авзойи бузуқ, сезиб қолдимикан деб кўнглимдан ўтказдим.

Макар мени сотмади...

\* \* \*

## ***23 апрель***

“Кичкинтой-ширинтой”лардан қолган пачоқ ўйинчоқлару эзилган -нетган мева-чеваларнинг ўзи бир халта бўлди. Унга катталарнинг чиқиндиларини қўшиб, икки халта ахлатни ташлаб келгани кўчага чиқдим.

Қуёш худди бобомнинг бухори тиллосидай товланиб ботяпти. Ўша тангаларни эслаганинда вужудинга қандайдир илиқ ёғду югуради, лекин манави қуёшнинг кампир кўзгу олдида ёқадиган шамчалик ҳарорати йўқ.

Ҳовлидан эллик одимча наридаги сайҳонликда Лариса билан Замира қизчаларни сайр қилдириб юришибди. Иссиқ кийимлар кийганидан эгизаклар тўлпоқ пингвинларни эслатади.

Лариса мени кўриб бош ирғаб саломлашган бўлди, Замира эса ўзини кичкинтойлар билан тиллашаётгандай тутиб, орқа ўгириб олди.

Халталарни ташлашим билан қайдандир бир жуфт дайди пайдо бўлдию мен томон ҳовлиқиб кела бошлади. Бир қарашда биттаси Ленага ўхшаб кетди, четланиб, разм солсам, хайрият, бошқа экан.

Шоввозлар ҳовузга калла ташлагандай ўзини ахлат қутисига урди.

Яна бир марта истиффор айтиб қайтарканман, чўнтагимдан телефонимни олиб, Шоира опамга қўнғироқ қилдим. У ёқдан қизи Дилдора олди.

- Онанг қани, Дилдор?
- Қўшненикига чиқувдилар, чақириб келайми?
- Ҳай, майли, ўқишинг яхшими? Онанг яхшимилар? Уканг қалай?
- Яхши, ҳаммаси яхши...
- Нима қиляпсизлар?
- Укам билан тушлик қиляпмиз.
- Ҳа, нима еяпсизлар?
- Шу... нон...

Бўғзимга тошдек нимадир тиқилди. Ўксиб кетдим “Кейин яна қиламан”, деб телефонимни ўчирдим.

Ҳали ўзимга келиб улгурмай, чиқиндихона ортидаги сайҳонликдан итнинг дарғазаб ҳургани, боланинг чинқириви эшитилди. Жон ҳалпида ўша томон югурдим.

Бир ушоққина боланинг етовидаги пахмоқ кўппак олд оёқларини кўтарганча силтаниб, вовуллаб эгизакларга даф қилар, Лариса ердан тош қидирган бўлиб “Йўқол! Ўлдираман! Ҳой бола, маҳкам ушла!” деб бақириб-чақирарди. Замирахоним эса йўл четидаги дарахт ортига бекиниб олиб даф-даф қалтираб, “худойим”лаб турибди.

Мен бор кучим билан эгизаклар тараф чопдим. Етиб боришимга

итнинг занжири боланинг қўлидан чиқиб кетди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Хирсдай кўппакни хипчиндек болага ишониб бериб бўладими?

Ит тўппа-тўғри қизалоқлар устига ташланди. Мен унинг йўлига ғов бўлиб, телефонимни кафтимга қисганча, тумшуғи аралаш жон-жаҳдим билан туширдим. У “инғ” деган товуш чиқазиб, чапга оғдию “ғарч” этказиб болдиримдан тишлаб тортди. Ер музлама – сирғаниб елкам билан тушдим.

Кўппак учун энди мен асосий нишонга айланган, мени ғажиб ташлашдан бошқа муддаоси йўқ эди. Ётган жойимда бир лаҳза нажот истаб атрофга боқдим, Лариса болаларини кўтариб қочиб боряпти, икки-уч ўспирин тиржайганча томоша қилиб турибди.

Кўппак бўйнимдан олмоқчи бўлиб оёқларини жуфтлаганча ташланган эди, тирсагим билан ҳимояланиб қолдим. Унинг сўйлоқ тишлари кўз олдимдан чақмоқдай ярақлаб ўтди, юзимга илиқ, шилимшиқ сўлаги сачраганини сезгандай бўлдим, бир нафасдан сўнг ириллаб, елкамни тишлаб, силталай бошлади. Хаёлимдан ўтган оний фикр шу бўлди: “Мана, Бонужон, ажалинг қаерда экан... мана, кунинг битди...”

\* \* \*

## *24 апрель*

Кўзимни очаман десам, кучим етмади, қабоғим оғирлик қилди...

Ўзим узу-ун қувурми, қуюнми ичида буралиб-буралиб учиб боряпман. Шиддат зўридан кўзларимни юмиб олганман, бироқ ҳув олдинда бобом, дадам, “Хувайдо” бобо бир нималар деб гапираётганини жудаям аниқ-таниқ кўриб турибман, фақат овозларини илғаёлмаяпман.

Бобом кулиб, қўли билан имлаб, “Келавер, келавер”, деб ўзи қаёққадир ғойиб бўлди...

\* \* \*

Кўзимни очдим: ҳаммаёқ қор, еру осмон сутранг туман билан қопланган. Бошим айланиб кетди. Айланаверди, айланаверди. Менга

қўшилиб бутун олам, коинот айланишга тушди. Атрофимдан сайёралар ҳандалакдай бўлиб доира чизиб ўтаверди. Юлдузлар бошимдан мушакдай сочилаверди. Қулоғимга эринчоқ, сокин жарангдор товушлар урилаверди: “ғу-анг-нг”, “ғу-анг-нг”...

\* \* \*

Кўзимни очиб қарасам, қорақайин япроғига ўхшаган кулранг шарпалар сузиб юрибди. Бирдан улар орасида дадам бир замонлар менга совға қилган қўғирчоқ пайдо бўлди. Уни соч толаларигача, киприкларигача, лаъли жужунчасигача тиниқ-равшан кўрдим. Қўлимни чўзсам, чирпираб нари кетдию ҳув дўкон ёнида бечораҳол турган мушфиқ онанинг бозорга солинган хушбўй чақалоғига айланиб, катта-катта кўзларини мендан узмай тураверди. Ажаб, болачанинг билагидаги кўзмунчоқ ўрнида қоп-қора илон билагузукдек ўралиб олган эди...

Кимдир қўлимни оҳиста ушлади. Қарасам, дадам. Энгашиб манглайимдан ўпди: “Шошилма, қизим, ҳеч қаёққа шошма!”

\* \* \*

Бу сафар атрофимда бир гала ит тилини осилтириб иржайиб ўтирганини кўрдим. Орасида мени тишлаган кўппак ҳам бор эди...

\* \* \*

## *25 апрель*

Кечагидай эсимда: сувчечак аломат бергач, бобомниқидан ўз уйимизга олиб кетгани дадам келди.

Сочимни силаб, бобом билан бирпас суҳбатлашиб ўтирди. Гаплари асосан қўшни қизчалардан юққан муборак дард ҳақида, бу касалликни ҳар ким албатта бошидан ўтказиши шартлиги, йўқса ҳатто қабрга тушганидан кейин ҳам суягига тошиши ҳақида этни жунжиктирадиган мавзуда бўлди. Шу пайт ўймакор ёнғоқ эшик ғийқиллаб қияладию акамнинг тақир қирилган калласи кўринди. Бобом “Оббо, бунинг Хурушшов даюсни ўзи бўпти-ку”, деб кулди.

Ҳовлимизга етишга ўн-ўн беш одим қолганда, ердан чиқдимми, кўкдан тушдимми, жунлари кигизга ўхшаб битиб кетган сариқ ит пайдо бўлиб, бизга ташланиб қолди. Сал орқароқда келаётган дадам етиб келгунча биз ака-сингилни деворга тираб, қуруқ ва ваҳшатли овозда тинмай ҳовуллаб турди. Кейинги воқеа кўз олдимда икир-чикири билан сақланиб қолган: дадам раҳматли катта-катта одим отиш давомида эгнидаги тўқ кўк чопонини ечиб, қимирласак тишлашга шай турган кўппакнинг боши аралаш елкасига ташлаб, курашчилардай бор оғирлиги билан босиб, думалатди. Кейин тўнга ўроғлиқ ит бўйнини тирсаги билан эзиб, жондорнинг сўнги нафасигача қимирлашига қўймади. Фақат жон талашаётган бечора “хирқ-хирқ” деган бўғиқ товуш чиқарганча, икки орқа оёғи дастлаб тез-тез, сўнг борган сари секин силкиниб, охирда оҳиста ер тирнаб, қалтираб, ниҳоят бўшашиб, тек қотди.

Чопиб чиққан онам яна қайтиб уйга кириб, бир коса юзида қорақуя сузиб юрган сув олиб чиқди-да, аввал акамга, кейин менга ичириб, юзимизга, бўйнимизга бармоқлари билан сачратиб сепди.

Ҳансираб елкасидан нафас олаётган, қора терга тушган дадам чопонини ажратиб оларкан, “Мен-чи? Менгаям сувингдан бер”, деди.

Косанинг тагида қолган сувни ўз бошидан қуйиб, акамга қаради:

– Мирхонд, ҳўллаб қўймадингми?

Акам жавоб ўрнига итнинг иршайиб қолган бошига тепиб уйга қочди. Дадам менга юзланди:

– Ҳа, Бонужон, юрагинг тушдимми? И-е, нега э-энди йиғлаяпсан?

– Бечора ит... кўзларини қаранг... уям йиғлаяпти...

\* \* \*

### ***26 апрель***

Ларисанинг айтишича, ўн кун беҳуш ётибман.

Яна икки ҳафтадан кейин оёққа турдим...

\* \* \*

### ***27 апрель***

Инсоннинг умр йўлида ҳал қилувчи бурилиш нуқталари бўлади.

Ана шу ҳаёт-мамот чизиғида тақдиринг қай тарафга қараб кетиши тарбияннга, фитратингга, иродангга боғлиқ.

Мен атай қаҳрамонлик қилиш учун ит йўлини тўсмадим, азбаройи жужуқларнинг ҳимоясига бордим, агар, худо кўрсатмасин, кўппак бирортасини ғажиб ташлаганида менинг бу дунёда юришимдан маъно қолмасди. Мен бу ишни кимгадир яхши кўриниш, ишончга кириш, пул ишлаш учун эмас, савқим буюргани учун қилдим. Вассалом!

Аммо шифохонадалигимдаёқ менга муносабат мутлақо ўзгарди.

Ҳовлига кириб борарканман, чол тавозе билан бош эгиб, қўлимни ўпиб кутиб олди. Кампир менинг шарафимга ёзилган дастурхон устида бугундан бошлаб оила аъзолигига қабул қилинганимни, кимки мени хафа қилса, жазоланишини, менга даф қилган кўппак ўша куни қатл этилганини, бу даргоҳда хоҳлаган ишимни қилишим мумкинлигини тантанали эълон қилди.

Макар менга миннатдорлик сўзини қидириб тополмас, Лариса елкамдан қучиб, бошини бошимга тегизиб, дўстлик изҳор қиларди. Зиёфат поёнида сўнгги русумдаги телефон, бир жуфт “999” тамғали билагузук ва тилла соат тақдим қилишди.

Мен “лавозим”дан бўшатишган Замиранинг ўрнига ўтказилдим, мўмай маош эвазига эмин-эркин яшай бошладим. Фаррошлик ва ошпазликка оёқ-қўли чаққон иккита наманганлик қиз олинди. Уларни назорат қилиш, бошқариш менинг зиммамга юклатилди. Иккови ҳам камгап, бор-йўқлиги билинмайдиган саришта қизлар экан, тезда опа-сингилдек бўлиб кетдик.

Эртакларга ишонмайсиз, мўъжизага шубҳа билан қарайсиз, тўғрими? Мен эртаклар дунёсига бир ҳатлаб ўтиб олдим, дўзахдан жаннатга тушгандай бўлдим.

\* \* \*

**28 апрель**

Кампир биринчи маошимни тутқазди: минг доллар!

– Бу кўп, – дедим, – ололмайман!

– Бу кам, қизим, – деди у, – биз сендан жон қарздормиз. Керак бўлса, оғзингга сиққанини сўра, Макар шу заҳоти санаб беради. Ўлиб

кетишинг ҳам мумкин эди-ку... Бонужон, тортинма, сен ўзимизники бўлдинг.

Пулни шундайлигича Шоира опамга жўнатдим. У қарз деб олди, аканг чиқса, албатта, узамиз, тўйингга тўёна қиламиз, деди.

– Майли, яна юбораман, пулим кўп, бойвуччаман, – дедим ҳазиллашиб, – қанча керак бўлса, сўрайверинг, илтимос, укачаларимга яхши қаранг, едириб-ичиринг, кам қилманг...

Опам жим бўлиб қолди.

Сездим: йиғлаяпти...

\* \* \*

Кунлар судралиб, ойлар чопиб ўтаверди...

Вақтни осон ва тез ўлдирадиган кушанда – интернет!

Гоҳида кун бўйи компьютерга мук тушиб ўтираман, дунёнинг уёғидан кириб, буёғидан чиқаман, Сурияда қанақа қуроллар синаляптию Шимолий Корея АҚШга нима дўқ уряпти, Месси чемпионлар лигасида нечанчи голини урдию Суарес кимнинг қулоғини тишлаб олди – ҳаммаси кафтимда.

Эрталаб кўз очишим билан фейсбукка кириб, янгиликлар билан танишаман, шоу-бизнес юлдузларининг нима еб, нима ичганидан хабар топиб, бозорчи “шоир”ларнинг “виждон ҳайқириғи”дан баҳра оламан...

Аста-секин бу жозиб оламга асир тушиб, бангидай боғланиб қолганимни идрок қилсам-да, найлаки, қўлим компьютер тугмачаларига югуриб кетаверадиган бўлди.

Ўзим ҳам профиль очиб, менга иссиқ-совуғи йўқ масалаларга ҳам аралашадиган, муносабат билдирадиган, тортишадиган, тарафкаш қидирадиган бўлдим.

Кимдир четда ишлаб юрганларни ишёқмас, дордан қочганлар, ватангадо деб лой чаплаган экан, бирам асабим қўзиди, ўзимни тирик мисол қилиб келтирдим. Кўрган кўргиликларимни ҳам яширмадим, ҳар қандай шароитда ўзимга хиёнат қилмаганимни ёздим. Озгина мақтаниш бўлса-да, худо берган бир куни қадр топганимни, ҳозир моддият юзасидан ташвишим йўқлигини Европа сафаридида тушган суратларим билан далиллаб, саҳифамга қўйиб қўйдим. Албатта, юз-

қиёфам аён кўринмаган, асосан ҳашаматли “турмушим” акс этган расмларни танлаб жойлаштирдим.

Шу тариқа ғойибона дўстлар, хайрихоҳ ва танишлар орттирдим. Орада эски қадрдонларим ҳам чиқиб қолар, улар билан хотираларни ёд олиб ҳасратлашиб, кўнгил чигилимни ёзардим.

Лоп этиб корейлик дугонам Сужи профилимга дўстлик таклифи ташлаб турибди-ку! Ана интернетнинг каромати! Йўқ, корейсча унча эсимдан чиқмаган экан, уям ўзбекчани унутмабди, беармон гаплашдик.

Сужи турмушга чиқиб, ўғилчали бўпти, жудаям бахтли эмиш. Бир дунё расмларини юборди. Мен ҳам тарихимни қисқача айтиб, “ҳусни жамолим” учун истиҳола изҳор қилиб, маъқул суратларимдан жўнатдим. У Кореяга таклиф қилди, *“Кел, бирга ишлаймиз, яхши ҳақ тўлашади, мен кафил”*, деди. Мен унга *“Майли, кўрармиз, лекин ҳозирча тирикчилик жойида”*, деб ёзиб юбордим.

Ажойиб кунларнинг бирида профилимда кутилмаган бир мактуб пайдо бўлди: *“Салом, мен эски қадрдонингиз Олмоснинг курсдошиман, балки эшитгандирсиз, исмим Ёрмуҳаммад. Сизларнинг ўртангиздаги муносабатдан яхши хабарим бор. У ўзининг бахтсизлигини Сизнинг қадрингизга етмаганидан, ранжитганидан деб ҳисоблаб, адойи тамом бўлди. Бугун унинг ҳаёти ҳаёт эмас...”*

*Сиздан илтимос, Олмос билан боғланинг, у ҳозир Сизнинг эътиборингизга жуда муҳтож...”*

Бу хат юрагимга ғалаён солди. Яна бошвоқсиз саволлар миямни пармалай бошлади: нега? Нима учун? Нима бўлдийкан? Гулдай хотини, ғунчадай қизчаси бор эди-ку!

Дарров жавоб ёздим: *“Салом, илтимос, очикроқ айтинг, унга нима бўлди? Мумкин бўлса, телефон рақамини берсангиз”*.

У: *“Рақамини бераман, фақат мендан олганингизни айтманг. Биласиз-ку, у жуда ориятли, мағрур йигит. Қўнғироқ қилсангиз олмаса керак, чунки гапиролмайди. Яхшиси, СМС ёзинг. Рақами: +998(90) 942-01-94”*

Мен: *“Раҳмат! Лекин нима учун гапиролмайди дейсиз? Соғлиғи ёмонми?”*

У: *“Ҳа, ёмонмас... жуда ёмон... оғир”*.

Мен: *“Очиғини ёзаверинг”*.

У: “Саратон... Қизилўнгач саратони”.

Мен: “Худо асрасин! Нималар деяпсиз? Тавба денг!”

У: “Нима дей? Алдайми сизни? Бўпти, соппа-соғ, отдай!”

Мен: “Нега аччиқ қиласиз? Менинг аҳволимни тушунинг! У мен учун кимлигини билсангиз керак?”

У: “Билганим учун сизга хат ёздим. Олти ой бўлди, тўшакка михланиб ётибди. СМС ёзинг, илтимос. Биламан, ундан хафасиз, фақат одамгарчилик юзасидан икки энлик хат ёзинг”.

Қўнғироқ қилишга юрагим бетламади. Олса бир бало, олмаса минг...

СМС ёздим: “Ассалому алайкум, жума муборак! Мен Бонуман, Сизни излаб топдим. Соғлиғингиз яхшими? Оила тинчми? Қўнғироқ қилсам бўладими?”

Ҳар битта сўзни қайта-қайта тарозида тортиб, ранжитиб қўймай, озор етмасин деб танлаб-танлаб ёздим.

Ҳадеганда жавоб келавермади.

Кўнглимни ваҳм босди: кеч қолган бўлсам-а?

\* \* \*

## 29 апрель

Бугун эгизакларнинг туғилган куни.

Эрталабдан уларни ясантириб, шаҳар айландик, дўкон кездик. Муштдек бўлишса-да, нарса танлашади қақажонлар.

Бойлар учун мўлжалланган “Болалар дунёси” бозорига кириб, яна бир бор пул топиб ақл топмаган бандаларга беш кетдим. Худди шу кўйлакча оддий дўконда ўн доллар турса, бу ерда ўн беш баравар қиммат. Савдолашмай-нетмай, ёрлиғига қараб пулини тўлаб чиқиб кетишяпти азаматлар! Унақа десам, одамга муносабат ҳам шу-ку: “Сен фалон даврада юрганинг учун қийматинг баланд, сен эса эски бозордан харид қиласан, бекорчи саломим йўқ...”

Эгизаклар бўйларида баланд “Барби” қўғирчоғини танлашди. Лариса киприк қоқмай бир даста ақчанинг баҳридан ўтди. Бу маблағга қишлоқда узунқулоқ тўй қиласан одам. Ҳа, майли, бировнинг чўнтагидаги пулни санамаймиз.

Қайтишда қизалоқлар қўғирчоқларини қучоқлаб ухлаб қолишди.

Эсимга ўзимнинг Бонучам тушди.

Тахминан мана шу Лора ва Лара билан тенгдош пайтим туғилган кунимда роса ёмғир ёғганди.

Ўша даврда совға-салом, дастурхондан кўра “Бугун сенинг туғилган кунинг”, деган гапнинг ўзи қувончли эди.

Кечки пайт кийим-боши шалаббо дадам эшикдан кирасолиб “Қани дадасининг эркаси, буёққа келсин-чи, дадасини ўпиб қўйсин-чи”, деб чўнқайиб қучоғини очди. Чопқиллаб бордим. Дадам бошимни силаб, юзларимдан ўпди-да, қўйнидан малласоч қўғирчоқни чиқазиб, қўлида ағдариб “йиғлатиб” кўрсатди. Ўйинчоқни олиш ўрнига суюнганимдан хона бўйлаб қуёндай дикиллаб чопибман.

– Қани, бу қизчага нима деб исм қўясан, Бону? – дадам онамга маъноли қараб олди.

– Бону!

– И-я, буям Бону бўладими? Бир уйда иккита Бонуми?

– Ҳа, иккита бўлади. Мен кетсам уйда бу қолади. Йўқ, уям бирга кетади!

Ҳамма мириқиб кулди. Ўзим ҳам.

“Бону”ни қўлимдан қўймайман, кечаси қучоқлаб ётаман, опаларим “Бир кўра-ай”, деб ялинса ҳам бермайман, чунки у хафа бўлади, йиғлайди. У менинг энг яқин, энг яхши ўртоғим. Мен билан нарса талашмайди, уришмайди, юлишмайди. Фақат юзтубан тушса “инға”лаб йиғлайди, холос.

Бир ҳафта ўйнадимми, бир ойми, эсимда йўқ, бир куни уни йўқотиб қўйдим. Қидирмаган жойим қолмади. Ҳаммани оёққа турғаздим. Катта опам “Қўшнининг кучуги кўтариб кўчага олиб чиқиб кетди, қувиб етолмадим”, деди. Кучуги бор ҳамма ҳовлини акам билан айланиб чиқдик, топилмади. Дадам роса ачинди: “Хафа бўлма, қизим, кейинги туғилган кунингга ундан яхшисини олиб бераман”. “Йўқ, ундан яхшиси йўқ, ўзини келтириб беринг!”

Орадан анча вақт ўтиб, дадам том сувагани чиқиб, қўғирчоғимни топиб тушди. У қуёшда ўнгиб, ранги ўчиб кетган, юзлари тарам-тарам ёрилиб, пўст бойлаган, ёмғир-шамолларда униқиб, киприклари тўкилган, кўзларига қум тўлиб, бўрсиқиб, хунуги чиқиб кетган эди.

Сочига тароқ урсам, тагидан кўчиб чиқди. Бу менинг “Бону”м эмас эди. Онамнинг бағрида тонггача йиғлаб ётиб, эрталаб ухлаб

қолибман...

Уни томга ким отган бўлса экан-а?..

\* \* \*

Акам қўнғироқ қилди. Ишлари яхши эмиш.

Онамга, янгамга алоҳида пул жўнатибди.

– Икковларига бир хил – тенг жўнатгандирсиз? – дедим пичинг аралаш.

Акам довдиради. Ўзим ҳам ёмонман-да. Пул юбориш ўрнига, қарзга ботиб, муаммо яратиши ҳам мумкин эди-ку. Шукур, ақл битиб, озроқ бўлса-да онамни ўйлабди.

Умуман олганда, янгамга кўпроқ аташи тўғри, болалари ейман-кияман деган ёшда. Олдинда қаторлашиб тўйлар турибди, уй-жойни одамбашара қилиш керак.

– Бону, бобом тушимга кирибди, қўлида коса, менга узатиб, ма, ол, Бонуга берасан, дейди. Қўлимга олсам, коса тўла тош. Сумалакка солинадиган майда тош. Нега тушимга кирдийкан? Кўкламда бағишлаб сумалак қилсакмикан, Бону?

Менинг хаёлим бошқа ёқда эди.

\* \* \*

### **30 апрель**

Еганим ичимга тушмайди, юрагим зиқ, икки хаёлим телефонда. Акам қўнғироқ қилди, Шоира опам сим қоқди, онам билан гаплашдим, Алишер ҳол-аҳвол сўради, Дилбар узр сўраб хатлар ёзди, икки марта кимдир адашиб тушиб қолди...

Фақат... Олмосдан садо йўқ...

Юрагим қайнаб, Ёрмуҳаммадга яна хат ёздим: *“Тинчликми? У жавоб бермаяпти...”*

У: *“Кеча кўргани боргандим, аҳволи жуда оғир, хотини бошида йиғлаб ўтирибди. Бечора алаҳлайди холос. Кўнглингизга келмасину, келин ҳам айтди, нуқул Сизни йўқлаб сандироқлаб чиқармиш. Гаплашишнинг имкони бўлмади. Ўзига келса, ёзиб қолар...”*

Мен: *“У қаерда ётибди? Қайси шифохонада?”*

У: “Бошда Тошкентга олиб боргандик. Икки ойча нур билан даволашга уринишди. Кейин, фойдаси йўқ, деб уйга қайтарворишди. Ҳозир ўзимиздаги шаҳар шифохонасининг саратон касалликлари бўлимида...”

Мен: “Ростини айтинг, тузалишига умид борми? Нима қилиш керак? Балки, пул керакдир? Балки, чет элда шифоси бордир?”

У: “Умид деярли йўқ, буни ўзиям билади. Шифохонада вақт ўтяпти холос. Унга Сизнинг пулингиз керакмас, барибир олмайди. Чет элга чиқишга жуда кўп маблағ кетади...”

Мен: “Пулни сиз орқали берсам-чи? Сиз ўзим топдим, дейсиз?”

У: “Йўқ, мен бу ишни қилолмайман. Уни алдолмайман. Ҳеч қачон бировнинг ўртасига тушмаганман. Шайтон бор, гумон ёмон. Яхшиси, хотини билан гаплашинг. Уям кўнмаса керак, унияма ғурури бор, қолаверса, тарихингизни эшитган...”

Мен: “Илтимос, бирор чора топинг, дўстисиз-ку! Менга ноқулай... Лекин сиз у ҳақда хабар берганингиздан бери мен ҳам кун сайин хароб бўлиб боряпман...”

Олмосга кўнғироқ қилдим. Уёқдан қизил тугма босиб қўйилди.

Яна кўнглимга шайтон қинғир қўлини солди.

Тағин хат ёзишга мажбур бўлдим: “Олмос ака, мен Бонуман, наҳотки эслолмасангиз? Ўтиниб сўрайман, биттагина сўз ёзинг... Мени илҳақ қилманг!”

Яна жавоб йўқ.

Кўз олдимдан у билан танишган кунларим, мактубларим, дунёни унутиб сайр қилганларимиз, узук совға қилгани, ҳамма-ҳаммаси бир-бир ўтаверди. Ва ниҳояда ўткир ва ўйчан кўзлари жонландию шу билан хаёл кўзгусидан кетмай тураверди.

Ўзаро мактубларда изҳори ҳол бўлиб ёдга қўнган байт қалдирғочдай чарх уриб айланаверди:

*Кўнглум ёрилғай эрди торилғаб фироқдин,  
Эй вой, агар бу кўз ёшию оҳ бўлмаса...\**

\*\*\*

Лора билан қўғирчоқ-қўғирчоқ ўйинига берилиб кетибман.

Лара сал тортинчоқ эмасми, бир четда бизни томоша қилиб, чапак чалиб ўтираверади. Лора “Барби”лар орасида ўзича қўғирчоқ тахлит ўтириб олади, мен уни “таниёлмай”, гоҳ унисига, гоҳ бунисига гапириб, қучоқлаб кўраман. Атай Лорани четлаб ўтаман, хонадаги бошқа ўйинчоқлардан “Лорани кўрмадингларми?” деб сўраб, ўзим уларнинг тилида “Боғчага кетган”, “Кўчага чиқиб кетди”, “Хонтахта тагида” деб жавоб бераману овоз бериб “излай кетаман”.

Бу ўйин қизалоқларга олам-жаҳон завқ-шавқ берганидай, ўзим ҳам чалғиб, бироз кўнгил ёзаман.

Бир маҳал Лара телефонимни қўшқўллаб кўтариб келиб, қара, деб ияк қоқиб ишора қилди. Қарасам, хат келган. Юрагим қалқиб тушди: Олмосдан.

Очдим, бештагина сўздан иборат СМС: “Ваалайкум ассалом, мен яхшиман, ўзингиз-чи?”

Тўсатдан қайта-қайта қучоқлаб, юз-кўзи аралаш ўпа кетганимга эгизаклар ҳайрон. Худога шукур-е, хат ёзишга ярабдими, демак, шумхаёллар бекор. Худойимдан ўргилай, агар кеч бўлганида, кейинроқ эшитганимда ақлдан озишим турган гап эди. Ўзимни кечиролмасдим!

Дарҳол ёзишга тутиндим: “Худога шукур! Олмос ака, илтимос, тўғриси айтинг, нима қилиш керак? Нима қилай? Ҳозир имконим бор, керак бўлса, Москвага олиб келиб қаратаман. Керак бўлса, Европага борамиз. Хотинингиз ҳам бирга борсин. Унга салом айтинг. Жавобини интизор кутаман”.

\* \* \*

### *1 май*

Интизорлик узоқ чўзилди.

Ниҳоят яна жавоб келди: “Салом, опа, мен Олмос аканинг рафиқаси Ҳилоламан. Ўзлари яна ҳушдан кетдилар. Бизни эслаганингиз учун минг раҳмат! Самимиятингизга ишонганим учун очиғини ёзавераман: ҳаммамизнинг аҳволимиз оғир. Олти ойдан бери дўхтирлар сарсон қилишяпти. Асли тuzалмас дард экан, лекин одамга умид бериб, фақат пулингизни шилишаркан”.

Хат ярмида узилгани кўриниб турарди. Пича кутдим, давоми

келавермагач, ёздим: “Янга, бемалол тортинмасдан ёзаверинг, бу савдолар менинг ҳам бошимдан ўтган...”

Жавоб келди: “Ўзр, навбатчи врач эшикни очиб, тинчликми, деб сўраб қолди. Ичкари кириб, бемор ҳол-аҳволини текшириб, тавсия беришга ярамайди. Илгари, белимиз бақувват пайти ҳаммаси пойи патак эди. Пулинг бўлмаса, қадринг бир пул экан...”

Мен: “Ҳа, янга, ҳамма жойда шунақа. Ҳаммасининг ота-буваси – пул, дейишади. Бу касалликни ҳам пул бартараф қилиши мумкин. Қанчадан-қанча одамлар оёққа туриб кетганини эшитганман. Маблағ топилади... Сизнинг номингизга юборсам бўладими?”

У: “Опажон, мен сиздан тўғридан-тўғри моддий ёрдам олсам, хўжайиним икки дунёда кечирмайди. Мен худодан қўрқаман. Опажон, тўғриси айтсам, Тошкентда даволатиш учун уйимизни сотганмиз, ҳозир ижарада турибмиз. Қариндош-уруғлар қўлидан келганча қарашиб туришибди, аммо ҳамманинг ўз ташвиши, орзу-ҳаваси бор. Бугун ўзидан орттириб бировга ҳиммат қиладиган одамнинг ўзи йўқ. Кўпчилик бу отинг қурғур касалликни эшитиши билан ҳафсаласи совиб, оёқ узиб кетди. Яхшики, Ёрмуҳаммад каби чин дўстлари бор экан, хабар олиб туришибди. Сизга ҳам раҳмат, соғ бўлинг!”

Мен: “Шошманг, пулни кимга юборай ахир?”

У: “Билмасам, бирорта ишончли танишингиз йўқми бу ёқда? Мабодо жўнатсангиз ҳам, бўйнимизга қарз деб оламан. Худо хоҳласа, Олмос ака соғайиб кетса, бирга қайтарамиз, соғаймаса, болаларим билан ишлаб узамиз...”

\* \* \*

## *2 май*

Маврид топиб Ларисадан:

– Менга совға қилинган билагузук ва соатни сотсам оила ранжимайдими? – деб сўрадим.

У менга бирпас қараб турди-да:

– Қанча пул керак, айтавер, азизам, – деди.

– Икки минг, – дедим чўчинқираб.

У ўрнидан туриб, кийим жавони ғаладонини тортди-да, бир даста пул олиб, олдимга ташлади.

– Мана, ишлатавер!

Мен икки минг санаб олиб, қолганини қайтардим:

– Икки ойлик маошимни олдиндан олдим деб ҳисоблаймиз.

Унинг жаҳли қўзиди:

– Агар шунақа бўлса, бетимга тупур! Сен ҳалиям бизни яхши билмабсан. Сендан бир эмас, эҳтимол, икки, балки уч жон қарзимиз бор. Агар тиласанг, Макар сен учун ўзини отишга тайёр. Энди тушундингми, азизам?

У кўзимга қараб туриб, пулнинг қолганини қўйнимга тикиб қўйди.

\* \* \*

Онамга қўнғироқ қилиб ҳол-аҳвол сўрашгач, пул жўнатганимни, ким сўраганга тарқатавермай, фақат ўзига ишлатишини тайинладим.

Биламан, хўп дегани билан опаларим сал қовоқ-тумшуқ қилиб келса, борини тутқазворади. Ҳа ўзимнинг онажоним-а...

Онам Шоира опамни эслаб қолди.

– Яхши юрибди, тинч, қўлдан келганча қарашиб турибман, – дедим.

– Эри чиқай деяптими?

– Чиқай, деяпти-ю, бошлиқлари шошмай тур, деётганмиш.

Онам ҳазилимни тушунмади:

– Бошлиқларигаям айтинглар-да, уларам одам-ку. Лекин Шоира опанг жаннати аёл экан. Ўзи ҳам ота, ҳам она бўлиб... Унча-мунча одам чидамайди...

Ларисадан пул олган кунимоқ Шоира опамнинг ўзига беш юз, бировнинг омонати деб Олмос учун икки минг жўнатиб, янгага опамнинг телефонини ёзиб юборгандим.

Онам:

– Юсуфни эшитдингми, Бонужон? – деб қолди.

– Қайси Юсуфни айтасиз, она? – дедим ўзимни беписанд тутиб, гарчи гап ким ҳақида кетаётганини билиб турсам ҳам.

– Ўша Юсуф-да, савил! Ўзингни тентакликка соласан-а, Бону? Гапимни бўлмайтур, ўтлаб кетаман... Ўша Юсуфинг кеча оқшом ўзини осиб қўйибди...

– Йўғ-е, нега осади?

– Осадиган одам менга сабабини айтиб осадими? Итим биладими? Ўзи сув ўрнигаям ароқ ичиб, кўча-кўйда юмаланиб ётадиган бўлиб қолган эди, дейишяпти. Бизникигаям нуқул маст келарди. Ўтган ҳафта бир келиб эди, уйга кир десам, унамай, дарвозахонада йиғлаб берувди.

– Худо раҳмат қилсин...

– Ўзи буларни авлодида “вос-вос” бор. Амакилариям ўзини отиб қўйган. Қазисан, қартасан, дейди-ку...

Сиздан яширмайман, ичим ачиди. Мени бадном қилаёзган, ғийбатчилар қўлига тоғораю оташкурак тутқазган ўша аблаҳ бўлса-да, барибир бировнинг боласи, худойимнинг якканусха яратиғи...

Уч-тўрт кун ғаш бўлиб юрдим.

Пайшанбаликда ҳаққиға Қуръон ўқиб, дуо қилиб ичим сал ёришди.

\* \* \*

### **3 май**

Бировнинг хасми деган ибора бор.

Кўпчилик эркаклар буни хотинларга тегишли деб ўйлайди. Менимча, эркак ҳам шундай. Ҳарҳолда, аёллар мен тараф бўлиши аниқ: “Бу менинг хасмим, унга кўз тикма, яқинлашма, хаёлинггаям, тушинггаям киритма! Мен уни сенга бергунча, жон бераман ёки икковингнияжонингни оламан!”

Олмоснинг хотини – янга ёмон аёл эмас экан, лекин барибир ноқулайлик бор: у муносабатларимизни билади, рашк қилиши, қизғаниши аниқ. Ҳатто шу аҳволда ҳам.

Ўшан-чун мендан тўғридан-тўғри пул олгиси келмади.

Шу гапларни ёзаётиб қачондир Олмос айтиб берган латифа эсимга келди: бир аёлнинг уйига дугонаси меҳмонга келибди. Алламаҳалгача гурунглашиб ўтиришибди ҳамки, хонадон соҳибидан дарак йўқмиш. Хотин қўнғироқ қилса, “доирадан ташқарида” деган жавоб келармиш. Бетоқатланиб, ўзига ўзи “Бунақа одатлари йўғиди, тинчликмикан”, деса, дугонаси “Эринг кўзга яқин йигит, бирорта жонон билан топишгандир, ҳозир қаймоқлашиб ўтиргандир”, дебди. Хотиннинг бу гапдан эҳсонаси чиқиб, “Йўғ-е, нима деяпсан?”

Нафасингни шамол учирсин! Йўлда мошина-пошина уриб кетгандир”, деган экан.

Олмос ёнимиздан ўтиб кетаётган хушқомат қизга қараб қўйганида енгидан силтаб тортганимдан завқи жўшиб, шу латифани айтиб, охирида қўшимча қилганди: “Рашк иймон белгиси, рашк қилаверинг, хурсанд бўламан”.

Дадам баъзан ҳазил аралаш: “Ошсиз уй бор-у, рашксиз уй йўқ”, деб қўярди.

Ишқилиб, янга билан очиқ гаплашиш қийин, умуман, аёл билан аёл самимий бўлиши мушкул, йигит ва қиз тил топишиши осон, ўртада деворсиз сирлашиши, дардлашиши мумкин, аммо “Қиз болага қиз бола дўст бўлмайди ҳеч қачон”, дейилади-ку қўшиқда, а?

Яна Ёрмуҳаммадга хат ёздим: *“Салом! Безовта қилаётганим учун узр, лекин бошқа иложим йўқ. Аҳволи қалай? Бизда дори топиш осонроқ. Агар керак бўлса, номини ёзиб юборсангиз, топиб жўнатардим. Дўхтирлар нима дейишяпти?”*

У: *“Бугун эрталаб ёнига ўтиб келдим. Пул юборган экансиз, келин хурсанд, дуо қилиб ётибди. Анчагина қарзга ботишган экан, ҳақини қистаб жанжал кўтараётганларни тинчитдим, деди. Мендан бемаслаҳат фоизга пул олган экан, ўшайм болалаб кўпириб кетган, нима қилишга бошим гаранг, деб йиғлаб берди. Ажал човут солиб турса, одамнинг кўзига мол кўринадими? Ташвиши, муаммоси бор одам бахтли, кулфати бор инсон дод деса арзийди. Мен ҳам бор молу мулкимни совуриб, акамни қамоқдан яқинда чиқазиб олдим. Жон омон бўлса, мол топилади. Имконингиз борича Олмосга ёрдам қилаверинг. Муҳими, дўстим бир кун бўлсаям узоқ яшаса дейман. Агар қизчаларининг кўзчаларини кўрсангиз, жону жаҳонингиздан воз кечиб юборасиз. Сизга катта раҳмат! Дунёда ҳали муҳаббат, меҳр ва оқибат, инсонийлик борлигига мени ишонтирдингиз!”*

Шоира опамга қўнғироқ қилсам, ҳансираб, “Ҳозир поездга чиқяпман, ўзим қайтарвораман”, деди.

Беш дақиқалардан кейин телефоним зингиллади.

– Алў, опажон, тузукмисиз?

– Шукур, ўзинг дурустмисан? Акангни ёнига кетяпман-да сени ҳисобингдан...

– Яхши бориб келинг, салом айтинг!

– Омонатни эгасига кеча оқшом етказдим. Хотини келиб олиб кетди. Жуда бамаъни аёл экан. Деярли пешонамиз бир экан, дедим. Меники қафасда, сизники тўшакда, бахтимизга Бону бор экан, дедим. Йиғлаб-йиғлаб кетди. Бонужон, сени жонинг соғ бўлсин, ҳаммага ёрдам қиласан, худойим ёрлақасин. Бизниям қарздор қилиб ташладинг. Яхши кунингга қайтарармиз...

– Опажон, энг ёмон кўрган гапим шу “қарз”. Қўйинг, гапирманг шуни! Мени ишим яхши, топганимни нимаям қилардим. Хижолат бўлманг, ўзимдан, онамдан орттирганимни сизга юборяпман. Акам омон-эсон чиқса бўлди. Сизни, укаларимни юз-кўзида аввалги кулгини кўрсам, менга етади, опажон...

\* \* \*

### 5 май

Ёрмуҳаммад билан яна боғландим: *“Акангиз нима сабабдан қамалганди? Узр, саволим қўпол чиққан бўлса. Мениям бир акам “кесилиб” кетган. Дардлашай дейман-да... Балки, маслаҳат берарсиз, чиқазиб олдим, деганингизга қараганда, анча тажрибангиз бор...”*

У: *“Ҳа, бунақа тажрибани душманимга ҳам раво кўрмайман. Акамни савдогар дўстлари иғво уюштириб, қаматиб юборишди. Ғаламис, мараз одамлар кўп-да. Бировга ёмонлиги тегмайдиган, фақат ўз ишини биладиган ҳалол одамниям душманлари бўларкан. Ишлари юришиб кетганига кунлашиб, кимларгадир пора бериб, уйидан, машинасидан “қорадори” топтиришди. Ўн беш йил беришганди, тўрт йилда олиб чиқдим. Ўзиям у ер-бу ердасиз, нақ Жасликда ўтирди”.*

Мен: *“Мениям акам ўша ерда. Акамга ўн уч йил беришган. Жинояти – ноқонуний ишбилармонлик. Лекин айби йўқ. Мен аниқ биладим”.*

У: *“Очиқда юрганларнинг барчаси фаришта бўлмаганидек, уёқдагиларнинг бари ҳам жиноятчи эмас. Афсуски, кимнинг қанақалигига сиз билан мен берган баҳо ҳеч қаерга ўтмайди, инобатсиз. Акамга келсак, яхшики, омадим чопиб, шу соҳада ишлайдиган зўр “танка” топдим. Харажатсиз ҳаракатнинг қиймати – нолга тенг. Чиқимдан қочмадим. Уям беш бармоғини оғзига тикмади.*

*Асосийси, ваъдасининг устидан чиқди...”*

Мен: *“Агар менинг акамгаям ёрдамингиз тегса, ўша одамни ишга солишга кўмаклашсангиз, икки дунё савобига эришган бўлардингиз”.*

У: *“Узр, сизга айтгандим-ку, ўртага тушмайман деб. Савоб ишлайман деб маломатга қолиш ҳеч гапмас. Қолаверса, у инсон жуда катта одам. Илтимос билан борсам, ўзингнинг ишинг битди, энди бошқаларникини кўтариб келяпсанми, нима бало, бу соҳани бизнес қилиб олдингми, дейиши аниқ. Яхшиси, адвокат топинг. Тошкентда зўрлари бор”.*

Мен: *“Адвокатларнинг энг зўрлари бу ишга тишимиз ўтмайди, деб турибди. Болтани бўғинга ур, дейди. Илтимос, ёрдамингизни аяманг. Олижаноб инсон экансиз. Яхшилигингиз ерда қолмайди”.*

У: *“Яхшилигингиз ерда қолмайди?” Бу нима деганингиз? Сенгаям улуш бор демоқчимисиз? Кечирасиз, манзил бўйича адашдингиз! Мен унақа пасткашлардан эмасман! Яхшики, ўртада Олмос бор... Бўлмаса, шу гапингиз учун айтадиганимни айтардим! Хайр, саломат бўлинг!”*

Мен: *“Иби, мен асло ундай демоқчимасдим, агар шунақа маъно чиққан бўлса, узр сўрайман. Сизни ўзимга яқин олиб сирлашдим, ҳасратимни айтдим. Агар оғир ботган бўлса, кечиринг. Хўп, бошқа безовта қилмайман, яна бир бор узр”.*

\* \* \*

Бу Ёрмуҳаммад деганлари жуда тегманозик, инжиқ йигит экан-ку! Арзимаган гапга тўнини тескари кийиб, тумтайиб олганини қаранг.

Ҳар хил одам бор-да, балки, бировларга яхшилик қилиб куйганлардандир. Эҳтимол, қайтиб ҳеч кимга қайишмайман деб қасам ичиб қўйгандир. Барибир яхши иш бўлмади. Бир инсоннинг кўнглини оғритиб қўйдимми...

Шу дудмал хаёллар гирдобиди ўй суриб ўтирсам, телефоним “хат келди” деб бонг урди. Қарадим – Олмосдан: “Ассалому алайкум, Бону, яхшимисиз? Мен тузукман. Дўхтирларга худо инсоф бериб, астойдил қарай бошлашди. Юқоридан текширув бор шекилли. Томиримдан қанақадир ноёб дори юборишди, бирдан енгилладим. Икки ойдан бери сувичак орқали озиқланаётган эдим, шукур, бугун эрталаб

келинингиз пиширган товукшўрвадан икки қултум ютдим. Хатларингиз жавобсиз қолгани учун узр сўрайман. Ажаб дунё экан, соғ пайтинг на вақтни қадрлайсан, на нақдни. Ҳозир кичик қизим Рисолатнинг бошини силаб ўтирибман. Эрта унинг камолини кўрмаслигим аниқ-ку, бироқ одамда илинж жон билан чиқади шекилли, ҳечам шуларни, Сизни ташлаб кетгим келмайди. Хат ёзиб туринг, Сизнинг мактубларингиз мен учун жон озиғи... Ҳозирча хайр, имло хатолари учун узрлар сўралади. ”

Демак, унга мен пул жўнатганимни айтишмабди. Тўғри қилишибди, эркак одамнинг, айниқса, Олмоснинг ғурурига тегадиган ҳар қандай мурувват ҳақоратдай кўринади. Унинг ўзиям бировнинг ғурурини капалакдай авайларди, ўзганинг дилини оғритишдан кўра оғир жиноят йўқ, дерди. Фақат... бир марта ўзи билмасдан менинг иззат-нафсимга теккан.

Дадам бандалик қилганда таъзия изҳор этгани уйимизга келиб, дарвозахонада анча ўтирган, мен уни узоқдан кўриб руҳим энгиллашган, табиий, яқин бориб сўрашолмаган эдим. Кейинчалик шаҳарда кўришганимизда суҳбат ичида “Анча фақир яшаркансизлар, ҳовли-жой ҳам ўта қишлоқча қурилган экан. Мен сизни биринчи кўрганимда кийим-бошингизга қараб тузукроқ хонадоннинг қизи бўлса керак деб ўйловдим”, деганда дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетганди. Кейин у, “Йўқ, мен сизни ерга урмадим, сиз бутун борлигингиз билан кошоналарга муносибсиз, ўша саройни қуриш менинг вазифам демоқчиман”, деб вазиятни юмшатганди.

Қаранг, ёмонман-да, шу арзимас гап шунча йилдан бери хотирамда турган экан.

Ҳа, одамнинг кўнгли гулкапалак қанотидан нозик...

\* \* \*

### **6 май**

Наманганлик хизматчи қизлардан бири шошилишч қишлоғига кетадиган бўлиб қолди.

Ўтириб гаплашсам, уч йил бурун Кореяга ишга кетган акаси қайтиб келиб, синглиси четдалигини эшитиб уйларига ўт қўйворишига сал қопти. Онаси: “Тезда етиб келмасан, эҳвал чатто,

акан учинчи жаҳон уруши қилутти, одомла иснод қилади деб ўзини ўзи урутти, биласан, дидонгни пели бундаям бо”, деб қўнғироқ қипти.

Хулласи калом, қизгинанинг ҳисоб-китобини тўғрилаб, поездга чиқазиб юбордик. Кампир ёрдамчи ишчи кучи ҳақида сўз очиши билан кифтини келтириб, Шакаржон опамни тавсия қилдим. Розилик олиб, опамга сим қоқсам, телефони ўчиқ.

Денис билан дўконга бориб суриштирсам, бир ҳафта бурун уям юртга қайтиб кетибди. Оббо, дедим, бу кетишда Россияда фақат Дилбарлар қолади шекилли кўланкаси майдон бўлиб...

\* \* \*

### 7 май

Орадан икки-уч кун ўтиб профилимга яна Ёрмуҳаммаддан нома келди.

Хайрият-е, дедим, ҳарҳолда, хафалиги ёзилганки, хат битяпти. “Сендан мактуб олдим. Энди уни ўқиш шарт эмас”, деган шеър бор-ку, эслайсизми?

Айтганимдай, юмшабди йигит: *“Ўша куни қизишиб кетибман, хатларни қайта ўқиб шундай хулосага келдим. Ўйлаб кўрсам, сиз Олмосга беминнат кўмак беряпсиз, нега ўзингизга шундай беғараз ёрдам қайтмаслиги керак? Дўстим яхшилигингизни қайтара оладими, йўқми даргумон, лекин айни пайт Олмос номидан сизга эзгу жавоб қайтариш имкони менда бор-ку! Нега мен шундай савоб ишлаш имконини қўлдан бой беришим керак! Фақат битта шартим бор, мен қўлимга пул ушламайман, ишончли кишингиз орқали Олмоснинг хотинига етказсангиз, у бевосита иш битирадиган одамга узатади. Шунда, менимча, кўнгилхонлик бўлмайди. Айтиб қўяй, акангизнинг муддати анча экан, ҳар бир йилига алоҳида тўлов қилишга тўғри келади. Шу гап... Узрингиз қабул. Бизникини ҳам қабул этгайсиз...”*

Жоним кириб қолди, касал тузаламан деса шу-да! Шўрликкина опам бормаган эшиги, эгилмаган бошлиғи қолмади. Ҳар бир ишнинг ўз ечим вақти бор, деган гап шу жойда оқ яқтакка дўппидай мос тушди.

Рост-да, товуқ атрофида минг айлан, ўргил, хоҳласанг ўйинга туш, хоҳласанг сиқта, барибир йигирма кунсиз жўжа очмайди.

Опамга беш минг жўнатдим. У бизнинг ҳаракатимиздан беҳабар, қўлидаги пул эрининг озодлик тўлови, жон солиғи эканини билмасдан, янгани чақириб, санаб берибди. Янга менга сим қоқиб омонатни олганини, керакли одамга бугун-эрта етказишини айтиб, мени хотиржам қилди. Хайрлашаётиб, эрининг аҳволи сал бўлсаям ўнiglанаётганини, агар яна озроқ ёрдам бўлса, умри икки-уч ойга узайиши мумкинлигини билдирдию кўнглим қайта бесаранжом бўлди.

Бошим қотиб ўтирсам, Алишер йўқлаб қолди. Девонанинг ишини парвона ўнглабди дегандай, шу одам доим жонимга ора киради:

– Ватанга бориб келай, укам тўй қиляпти, ров бориб, ров қайтаман, – деди ака мендан рухсат олиб иш қиладигандай.

Қувониб кетдим:

– Акажон, фақат сизга ишонадиган бир юмуш бор, бир опамга тилла тақинчоқ етказиш керак.

– И-е, Бону, сенам лўлиларга қўшилиб тиллавоз бўлиб кетдингми? Нима, тақинчоқ савдосига тортишдими сени?

– Йўғ-е, хизматимга беришган нарсаларни юртга берворай, бу ерда эртага нима гап-нима сўз, худо билади.

– Макар сени қаҳрамонлигингни оғиз кўпиртириб айтиб берди. Ўзи мен одамни бир кўришда кимлигини биламан. Мақтаниш эмасу, одам зотини кўзидан ўқийман. Сендаям адашмадим, Бонужон...

Тиллаларимни қоғозга ўраб, елимтасма билан чирмадим, бир духоба қутичага жойлаб, эртасига Денис орқали Алишерга етказдим.

\* \* \*

Шоира опам кўзи тўқ, зодагон оиланинг фарзанди.

Икром акам опамни маликалардай эъозлаб, ҳеч нарсага зориқтирмай, керагидан зиёд қилиб тўкин олиб юрган. Мен уларнинг хонадонига борган дастлабки кунларим опамнинг кийимлари, зеб-зийнатларини кўриб эсим оғай деб қолган.

Бир хона лиқ тўла асл кийим-кечак, пардоз-андоз ашёлари, атирлар, чўгирмадек бир думалоқ қути олтин-кумуш тақинчоқлар... Опа менга “Хоҳлаганингни олиб тақавер, қиз бола нарса безаги билан, кейин, ёмон назар тақинчоғингга тушиб, ўшангга уради, сенга тегмайди”, дерди. Ҳозир эса худди бирор кор-ҳол рўй бергандай

ҳовлиқиб, мен юборган тиллаларнинг тагини суриштириб ётибди.

– Опажон, таги тоза, ўғирлаганим йўқ, меҳнатимга мукофот, – деб изоҳладим, – буларни қадрини ерга урмайдиган харидор топиб ўтказиш керак. Менга нақд пул жуда зарур, опажон, фақат сизни занжирларингизни сотган бозоримизга асло олиб борманг. Заргарларга сотинг, ёнингизда укангизми, бирор жигарингиз бўлсин. Тилло билан иш қиладиган одам худони унутади, алдаши, алмаштириб қўйиши ҳам мумкин. Анави қашқари балдоқдан узук яساتганимиз эсингиздами? Ярим тиллани уриб қолиб, тагин фалон пул берасанлар, деб ёқамиздан олган бурунбой бор эди-ку... Айниқса, ўшанинг ёнига борманг! Бошқалариям “Ташлаб кетинг, сотиб берамиз”, деса ҳечам кўнманг. Соатни икки мингдан камига берманг, қаранг, четларида дур кўзчалари бор. Билагузукни вазнига қараб олишса ҳам, беш мингдан камига кетмайди. Пишиқ бўлинг, илтимос. Тушундингиз-а?

Суҳбатимизни эшитган бегона одам Шоира деган қизча Бону деган холаси билан гаплашяпти деб ўйлайди. Начора, ҳаёт шу, бир пир, бир мурид...

Эсимга яна бобомнинг тангалари тушди. Қизиқ-да, уларни ўз кўзим билан кўрганман, ушлаганман, деразадан тарамланиб тушган кун нурига солиб, аксини деворда ўйнатганман. Агар амакимларга бўлиб берганида, овозаси чиқарди – ҳовдираб қолишарди.

Бобом раҳматли донишманд инсон эди, тиллаларини аросатга ташлаб, яширган жойини сир қилиб у дунёга олиб кетганига ақлим бовар келмайди.

Намунча бу тиллага ўч қиз экан деб қолдингизми? Ҳар қандай одамда озгина бўлса ҳам қимматбаҳо ашёларга, айниқса, олтинга ишқибозлик бўлади. Бир китобда ўқигандим, эрамиздан беш юз йил аввал ҳам Римда тилла тиш қўйиш урф бўлган экан.

Ҳайратим ошадики, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, одамбашара махлуқлар тиллани кўзга сурган. Америкадаги майа қабиласини биласиз, испанлар истило қилган пайти шўрликлар тилла тахтакачларини қучоқлаб жон берган экан. Менга эса тилла танга, биринчидан, аждодлардан келиб бобомнинг қўлига тушган мерос сифатида қадрли, қолаверса, мени жондан севган одам, қани, кимни мендан азиз тутиб сийлаб топшириб кетдийкан деган гумонли

изтиробим ҳам йўқ эмас.

Танга жумбоғи ажал чангалида кўкка кўтарилиб, бандаси ғафлатда қолган деган тахминга қарши далилим борки, бобом бир лаҳзада жон таслим этиб боқий оламга рихлат қилмаган, икки-уч кун тўшақда ётган, калимасини айтиб узилган.

Эс-ҳуши жойида эди. Демак, тилла сирини қариндошлардан кимдир билади...

\* \* \*

### 8 май

Шоира опам барибир бўшлиқ қипти. Камида етти минглик тиллани Саркис деган заргарга беш минг олти юзга кўтарасига бериб юборибди.

– Ҳеч ким ундан баланд баҳоламади, инсофлиси шу экан, – деди опагинам ўзини оқлаб.

– Майли, ёмон кетмабди, – деб қўяқолдим.

Ювилган ўсмани қошга қайтариб бўлармиди?

– Икки ярим минги ўзингизда турсин, олти юзини рўзғорга сарфланг, қолган икки яримини Олмоснинг хотини обкетади, – деб тасарруф қилдим.

Фейсбукка кирсам, Ёрмуҳаммад хат ёзибди: *“Ака пулни олиб хайрон бўлди, бу нима майнавозчилик, мен нос чекмайман, носвой пули керакмас, деб ранжиб қолди, яна шунча қўшилса, бошқа гап, амнистияга бу йил тушираман, йўғасам кейинги йилга қолади, деяпти”.*

Мен: *“Яна қанча бериш керак? “Йилига қараб”, деганингизга ўталмаган саккиз йилини чамалаб саккизта бўлади деб ўйлабман. Яна беш бериш керакми?”*

У: *“Ўзи шу ишга кўнглим чопмаганди, оҳангингизда зардани сезяпман, гўё мен еб, аллаким қуруқ қолаётгандай. Тушунинг, у жуда катта одам, битта улфатчиликка сиз берганча ақчани сарфлайди, ўғилчасини туғилган кунини Ҳавайи оролларида ўтказди. Сиз билан менга ён босиб, тағинам чегирма қилиб беряпти. Бошқасига борсангиз йигирмадан камига кетини кўтармайди. Пул бўлса, ҳаракат қилайлик, бўлмаса мениям хижолатга қўйманг”.*

Мен: “Узр, яна қовун туширдим шекилли. Ҳозирча, икки ярим минг бериб турсаму қолганини бир ҳафтада узатсам бўлмайдими?”

У: “Бонужон, биз Ғиждувонни отбозорида эмасмизки савдолашсак. Ё беш мингни яхлит беринг, ё беш мингни мен қайтариб олиб берай”.

Мен: “Хўп, эртага кечгача янгага етказилади. Сизни тушундим. Демак, акам сентябрга чиқиб қоларкан-да?”

У: “Сентябрь эмас-у, ноябрнинг бошларига уйингизга кириб боради худо хоҳласа. Лекин тезроқ ҳаракат қилиш керак. Бизнинг “танка” акангизни суриштирибди, аҳволи оғирмиш, сил касали бошланганга ўхшайди, дейишибди. Ҳар бир кун ғанимат...”

Пулни тақсимлашда сал шошибман-да... Унақа десам, Олмос шифтга қараб кун санаб ётган бўлса, опагинам ҳам, ўзи айтгандай, гадога салом бериб, сўрашиб ўтадиган даражада.

Энди онамдан сўрасамми? Акам ҳам жўнатиб турибман, деб эди.

Қишлоққа сим қоқдим, онаизорим ҳорғин товушда “Бонумисан, ўзингми?” деб қўйди. Гапни айлантириб, “Она, пулингиз борми ё юборайми?” десам, “Озгина бериб юборсанг соз бўларди, Гулшан опанг қизини узатмоқчи, мебель оламан деб уч кундан бери тирбанд қилади”, дея ёнчиғи қоқланганини маълум қилди.

\* \* \*

### 9 май

Юзимга чарм тортиб, яна Ларисадан пул сўрадим.

У одатига кўра ўткир кўзларини кўзимга қадаб, “Кечирасан-у, шунча пулни нима қиляпсан?” деб терговга тутди. Тағинам соат ва билагузукни соттирганимни билмайди, бўлмаса мени еб-ичиб қўярмиди...

Бор гапни айтдим:

– Акам қамоқда, яна бири саратонга чалинган, нима қилай, оилада сизлар туфайли топармон бўлганимдан кейин уларга қўл чўзмасам, қанақа одам бўламан?

Лариса “оила” сўзини эшитиб, ҳовридан тушди. Лекин менга дона-дона қилиб уқтира кетди:

– Бону, билиб қўй, пул тежамни яхши кўради. Уни оёқости

қилсанг, уям сени ертепки қилади. Маблағни шундай ишлатки, азизам, эртага фойдаси билан қайтиб келадиган бўлсин.

– Муаммоларни ёпиб олсам, худо хоҳласа, фермерлик қиламан.

– Қаерда, азизам? Юртингдами? Ер хусусийлашганми? Бўлиб берилганми? Сен яхшиси, савдо билан шуғуллан. Корейлик дугонангни расмини кўрсатувдинг, у нима иш қиларди?

– Эри билан зиравор қадоқлайдиган заводни бошқарарди. Ҳозир боласига қараяпти.

– Корейсларни бари савдогар, ишни кўзини билади. Азизам, ўша билан борди-келди қил. Тўхта, худди сен эртага кетадигандай, бугун хайрлашаётгандай гаплашяпмиз. Ҳали сенга Макар жавоб берадими, йўқми худога аён. У ичидагини сиртига чиқаравермайди-ку, лекин сени қаттиқ ҳурмат қилишини мен яхши биламан. Хуллас, қанча керак, азизам? Энди Макардан оламиз!

\* \* \*

Ёрмуҳаммад қаердандир Олмос иккимиз Арк ёнида тушган суратимизни топиб, менга юборди. Расм сифатсизроқ чиққан бўлса-да, иккимизнинг ҳам навқиронлигимиз, беғуборлигимиз, камтарлик нега, чиройимиз балқиб турибди, тағин... чароғон кўзларимизда ишқ шуъла сочяпти. Олмоснинг мен томон журъатсиз сал узанган қўли севгимизга ғубор қўнмаганидан, бир-биримизни қандайлар авайлашимиздан дарак.

Мен суратларни ёқтирмайман, кўзгуга қарагим келмайди. Сабабини сиз яхши биласиз. Аммо мана бу расм... ахир ҳаётимнинг энг ширин, энг сеҳрли, энг бахтиёр палласи бу!

Мана шу суратга орзиқиб, орзу қилиб қанча хуш хаёллар сурганимни, уни кўксимга босиб, кўзларимни юмиб энтикканимни, кейин... термулиб-термулиб кўзёшларим кипригимга парда солиб йиғлаганларимни ерда мен, кўкда худо билади.

У замонларда Олмос менинг Олмосим эди. Энди... Ҳа, майли...

Ҳол сўраб ёзган СМСимга биринчи бор узук-узук, лекин батафсил, баракали жавоб қайтди: “Ас.ал.! Бону, сиз билан қайта топишгунча ўтган кунларим ўнгидан келган даҳшатли тушдек эди. Кун сайин дармоним қуриб, кўзим хиралашиб бораётганини, юрагим, жигарим,

ўпкам қовжираб, бужмайиб, сой четида учрайдиган шўҳак тошдай мўрт тортаётганини ҳис қилиб ётардим”.

“Эй худо, дердим, тезроқ омонатингни олақол, бечора оилам, яқинларим мени деб хонавайрон бўляпти, уларнинг ҳам мушкулини тезроқ осон қил! Энг ёмони, қизчаларим менинг қоқ суяк ва теридангина иборат юзларимга чўчинқираб қараётгани, бегонасираб бораётгани эди. Ажаб савдо, одам сўнгги манзилга ёвуқ борганда, ё эси пасайиб бемаъни гапларни айтиб алжираб, ё сўкиб-қарғаниб, жигарларининг кўнглини совутар экан”.

“Ва ё мендай тўшакка михланиб одам қиёфасини йўқотиб, кўрқинчли кўриниш касб этиб, атрофдагиларни безиллатиб кўяркан. Бунда ҳам худонинг кароматини кўраманки, бандаси севиқли кишиси оламдан ўтса куйиб адо бўлмасин деб шундай совуқчилик санъатини қўлласа эҳтимол...”

“Бироқ энди мен Роббил олабийндан ёлвориб умр тилайман, тани-жонимда умид уруғлари ниш ураётганини, юрагим, жигарим, ўпкам қизалоқларим пуфлайдиган пуфакдай лаҳза сайин дуркунлашиб, кенгайиб бораётганини сезиб турибман. Балки, бу алдамчи таассуротдир, ахир шам ҳам сўниш олдидан бир ҳилпираб жонланиб олади-ку”.

“Эсингиздами, сизда алланечук илоҳий хислат бор, дердим. Ҳа, шундай, бунга яна бир бор амин бўлдим. Сиз билан боғланганимдан бери дўхтирларнинг муносабати ўзгарди, мени алоҳида шинам хонага кўчиришди, ноёб дориларни топиб келтириб, томизғи қилишяптики, буларнинг барида сизнинг ғойибона шарофатингизни кўриб тургандекман”.

“Яна бир гап, Бону, хайр ҳам қўшқанот бўлади, хотинимнинг айтишича, қайноғаларимнинг ишлари юришиб, “Аввал хеш, сўнг дарвеш”, деб менинг муолажамга ҳар иккови бир талай маблағ ажратибди. Мен дори кучи билан эмас, меҳр сеҳри билан соғайяпман. Ёрмуҳаммадга “дори керак бўлса, айтинглар”, дебсиз. Менга меҳрингиз, эътиборингиз ўта зарур... Дариғ тутмагайсиз...”

Бу хатга нима деб жавоб ёзиш мумкин? Мурғак болаларни кўрган одамнинг қалбида ўз-ўзидан аллақандай ачиниш, шафқат туйғуси уйғонади. Нега? Менимча, бунга, аввало, болачаларнинг ожизлиги, нотавадлиги боис бўлса, қолаверса, уларнинг оламдан беҳабарлиги,

ғофиллиги сабабдир.

Олмос айна шу ҳолатида мурғак ва ҳимоясиз, ташқи дунёдан узилган ғафлатдаги болакайнинг ўзгинаси эди.

*...йиғлагайман, ўзга нетгаймен?...*\*

\* \* \*

### **10 май**

Ёрмуҳаммад Олмосни кўргани боргани, ухлаб ётган жойида билдирмай расмга олганини айтиб, ўша суратни илова қилиб қўйибди.

Одам боласи шундай кўйга тушиши мумкинми? Фашистлар концлагеридаги жухуд асирлардан фарқи қолмабди. Танимадим. Бу суратда менинг Олмосимдан зарра ҳам жузъ кўринмади. Яхшиям, уйқу пайти тасвирга туширибди, йўқса унинг кўзларидаги ҳар қандай ифода мени адои тамом қилиши мумкин эди.

Шу қоқшол ҳолига нигоҳи чилпарчин экани аён, магарким қароқларида қувонч кўринса, бу ўн карра аянчли бўларди.

Мен: *“Ёрмуҳаммад ака, айёмингиз билан! Яхши одамсиз, амин бўлганман. Лекин нега бунақа расм жўнатяпсиз? Менда қасдингиз борми? Унинг мана шу ҳолатини кўрмаслик учун ҳар қандай кулфатга тайёр эдим. Гарчи бу дард шундай оқибат билан кечишини яхши билсам-да, барибир хаёлимдан мудҳиш манзарани имкон қадар ҳайдаб, узоқлаштириб юрувдим. Шоира опам “Бориб кўриб қўйсаммикан? Ўша шифохонада қўшним ишлайди, балки ёрдами тегиб қолар”, деганида ҳам унамаганим сабаби шунда эди. Опам Олмосни кўрса, аёлларга хос куйинчаклик билан менга ҳикоя қилиши, юрак-бағримни тилимлашидан қўрққандим...”*

Орадан бир неча дақиқа ўтказиб Ёрмуҳаммад Олмос билан талабаликда тушган расмини жўнатди. Буниси ярага туз сепгандек бўлди. Қандай йигит эди...

Рашк масаласида ёзганим эсингиздами? Ёнимиздан ўтаётган чиройли қизга қараб қўйганда енгидан тортганим? Ўша қиз ҳам менинг елкам оша Олмосдан кўз узмай ўтгани, балки, ғамзалар билан қош қоққани эҳтимолга жуда яқин. Унга бир қараган қиз яна бир қараши тайин эди. Баланд бўйли, елкали, оқ юзли, қорақош, қорақўз, қиррабурун ва дид билан пўрим кийинган барно йигитга қайси

бўйсара қиз қарамайди?

Бизнинг ишқ достонимиздан хабардор курсдош дугоналарим ҳам Олмосга суқ билан қараганини кўп кузатганман. Энди... бу аҳвол...

\* \* \*

Шоира опам кўнғироқ қилиб, узоқ ҳол-аҳвол сўради.

Одати шунақа, агар нозикроқ, муҳимроқ масалани кўтармоқчи бўлса, кириш сўзини сал чўзиб юборади.

– Бонужон, жонингдан айланай сени, кўнглиннга оғир олма, биламан, сен уни ҳалиям жонингдан ортиқ севасан. Биз аёллар шунақа, илк севгимизнинг қурбони бўламиз, эркалар буни икки дунёда тушунмайди. Хуллас, ғайирлик қиляпти, пулга куйяпти дема, сенга ачинганимдан айтяпман, икки ҳафта ичида шу-унча пул бервординг, бу ернинг ўлчамида сарфинг ҳаддан зиёд! Бунча маблағ билан бемалол Европага, Германияга обориб даволатса бўларди. Суриштирдим, Берлинда шу дарднинг шифо маркази бор экан, дунёда энг зўри шу дейишди. Шпэт-Швальбе деган машҳур онколог бошқараркан. Тузалиб келганларни ўзлари билан гаплашдим...

Тилимни тишлаб турибман, “Опам жоним, ўша пулларнинг аксари Икром акамни қутқаришга кетди, кузга бориб суюниб қоласиз”, деб айтолмайман-ку. Агар аввалбош опамга маслаҳат солганимда, ўламан обло, деб кўнмаслиги аниқ эди.

Биринчидан, Икром ака бундай ҳаракатни фойдаси йўқ деб айтган, иккинчидан, опам менинг мусофирчиликда “ўлай деб” топган топилдиғимни ғиштдек қилиб қинғир иш усталарига топширишимни ҳечам истамасди. Лекин ҳаракат қилмасдан, тақдирни оқим измига ташлаб қўйиш, кўрган тушга қувониб, қўлтиққа қўл солиб туравериш акага нисбатан мен томондан, энг камида, кўрнамаклик бўларди.

– Опажон, гаплашган эдик шекилли, бечоралар фоизга қарз олиб, роса ботишган экан, ўшани текислашяпти. Бундан буёғи катта харажатлари йўқ, худо хоҳласа, у оёққа туриб олса, қаторга қайтса, ҳамма ғуборимиз чиқиб кетади. Одамлар мачит солади, эҳсон қилади, бизниким савоб йўлидаги хайрия деб қўяқолинг.

– Жонимни қоқай, ўша мачит солганлар мол-мулки ошиб-тошиб кетганидан қилади, сенгина чумчуқдек жонинг билан ўрисни нонини

еб, пешонангни енгинг билан артиб бу пулни топяпсан. Сенга осонми? Тагин уйлама опам айниб қопти деб, меҳнатингга куяман-да, жондай синглимсан ахир...

\* \* \*

*11 май*

Одатимга кўра нонуштадан кейин онамга сим қоқсам, нари-бери ҳол сўраган бўлдию қувониб “Мана, Мирхонд ёнимда, гаплаш”, деб телефонни акамга берди.

– Ҳа, акажон, бир оғиз айтмасдан, қуённи расмини чизворибсиз? Одамлар баҳорда Россияга келса, сиз тескарисини қилипсиз-ку? Ё тез қайтасизми? Тинчликми ишқилиб?

– Ҳа, тинч, шукур, – унинг овозида шодлик бор эди, – ўзинг қалайсан? Ҳа, шошилинич бўлип қолли. Қачонгача оққулоқлардан панд еб юраман? Буёқда бола-чақа қийналиб кетди, худо ҳоким, қора қозон қайнаб қолар... Бошим жойнамозга тегадиган фурсатим ҳам етди. Онамиз ғанимат бўлип қолипти: эрталаб ундоқ, пешинда бундоқ...

– Янгам зўр келдими? Думингиздан тортдими? Хотин битта сизда бор-да!

– Бонужон, қаҳрингни қўзғатма, сен бўлмасанг, мен бўлмасам, ота уйга ким қарайди? Ўрисни об-ҳавосини кўтаролмай қолдим, белим ҳеч қўйвормайди.

– Шифо берсин ишқилиб. Мен ҳар эҳтимолга қарши кўча қоровуллигини банд қилиб тураман, агар ёстиқ бўйнингизга ботса, келаверасиз, – деб хайр-маъзурни қисқа қилдим.

Акам онамнинг ёнида бўлгани маъқулку-я, фақат менга қайтаётганини айтиб қўймагани бигиз урди. Битта қўнғироқ қилиб, икки оғиз гап айтиш қанча вақт олади?

Ичим ғашланиб қолди...

\* \* \*

Қизалоқлигимда Мирхондни ҳаммадан кўп яхши кўрардим. Доим унга эргашар, яхши нарсаларни илинар, бирор соат кўринмай қолса,

ҳовлини бошимга кўтарардим. Кенжа сингил бўлганим учунми, уям мени етовидан қўймас, дарахтларга тирмашиб, хомхатала меваларни юлқиб тушиб оғзимга тутар, музқаймоқчининг ўтараваси товушини биринчи бўлиб илғаб, мени кўтарганча кўчага югурарди.

Эркалигим сабаб хархашам кўп, гоҳида арзимаган нарсага опаларимни ёппа сўкишга тушарканим:

– Ҳамманг тентаксанлар! Тен-так-лар! – ҳақоратим акажонимга тегиб кетиб, кўнгли оғриб қолмасин десам керакки, шу заҳоти қўлини тутиб, – Мирхонд, сен тентакмассан-а? – деб уни “тентактўпи”дан ажратиб олганларимни онам эслаб айтиб юрарди.

Ўзи шунақа бўлади-ку, сиз кимнидир яхши кўрасиз ва у ҳам мени ўз-ўзидан ёқтириши керак деган хотиржам ишончингиз бўлади. Унинг шунчаки айтган сўзлари, қараши сизга каттароқ маъноларда кўринаверади.

Йигитларнинг меҳри ёмбидек яхлит бўладими? Фақат бир одамгагина аталадими?

Мирхонд уйландию менинг бор-йўғимни пайқамайдиган бўлиб қолди.

Қанча одамларга меҳр, ихлос, эътиқод қўйдим, оқибатда оқибат топмадим...

“Мирхонд, сен оқибатсиз эмассан-а?”...

\* \* \*

## **12 май**

Бир донишнамо одам “Бир жойим оғриб турмаса, ўзимни ёмон ҳис қиламан”, деган экан. Мен ҳам ҳаётим бир йилу уч ой мойлаб қўйилгандай силлиқ, ишқалсиз кетаётганидан хавотирланиб, охири бахайр бўлсин деб қўярдим.

Ростдан, уй соҳиблари билан муносабатлар ҳавас қилгулик, ойлик важҳидан зориқиш йўқ, ишим болажонлар баҳонасида дунё кезиб, денгизлар бўйида ҳаво янгилаш каби роҳатижон эди. Бироқ кўнгилда бойчечак соясидай ҳадик ҳам йўқ эмасди, ахир Бонужоннинг ишлари бир умр чамандагул бўлиши мумкин эмас-ку!

Айтганим бўлди: аҳён-аҳёнда “Ўзимга кўз тегмасин, илоҳо”, деб пайшанба-пиртак дуоларимни ўқиб юрувдим, кутилмаганда

валинеъматларим тагига сув кетди. Бирдан бесаранжомлик бошланиб, дарвозахонага қўшимча қоровул қўйилди.

Юз-кўзида ташвиш акс этган ҳар хил олазарак кишилар хонадонга серқатнов бўлиб қолди. Эски танишлар чол билан нималардир ҳақида қизғин баҳслашишар, гоҳо Макарни ҳам чақириб, узоқ суҳбатлашиб ўтиришарди.

Бу зиқ асабий вазият бизга ҳам кўчиб ўтди, наманганлик хизматчи қиз – Зилол бўғчасини тугиб, кетаманга тушиб қолди. Менга ўзаро гурунгда оқшом пайти бир гала турқи совуқ йигитлар дарвоза атрофида уймалашиб юрганини, биттасининг қўлида милтиқ кўрганини айтиб, кўзларини алмойи қилди: “Оя, мани сочим тим қоро, кўзим алвалидай думмало, тарбия кўрмаганла маниям лўлибашара деб пўқиллатиб отиб тешласа-я, абамми кўраманми?!”

\* \* \*

Дераза пардалари туширилган ним қоронғи хонада Лариса вазиятни менга тушунтирди:

– Бону, азизам, бизни иззатимиз битди, губернатор қамалди, душманларимиз бирин-кетин мансабга миниб, бизникиларни қувғин қияпти. Ҳовли сотилди, дўконлар ҳам эгасини топди. Руминияга қочяпмиз. Макар айтдики, агар рози бўлсанг, сенгаям чипта оламин, биз билан учасан...

Энди буларга эргашиб юртма-юрт санғишим қолувди. Айтишарди, лўлининг уйи бору, ватани йўқ деб. Осонгина “Руминияга қочяпмиз” эмиш... У менинг рангим ўзгарганини пайқаб, секингина:

– Азизам, ихтиёр ўзингда, мен ҳам Макарга Бону биз билан кетмаса керак, дегандим. Лекин истаган вақтингда қучоғимиз сен учун очиқ. Боғланиб, гаплашиб турамин. Алишерга айт, эрта тонг қоронғисида сени олиб кетсин, анави қизниям. Ҳозир лаш-лушларни йиғиштиришга ёрдам бервор, илтимос...

\* \* \*

**14 май**

Алишер Зилолга иш топиб берадиган бўлди, менга икки кун кейин

Тошкентга учишга чипта олиб келди:

– Пулларингни беш минг-беш минг қилиб “Вестерн”дан таниш-билишларингга юборамиз. Бирдан бунча яхлит пул бир кишининг номига борса, шубҳаланишади. Тақинчоқларинг кўпайиб кетибди, таваккал, ҳаммасини тақиб ол, индашмаса керак, сўрашса, ўзимни зийнатларим дейсан, – ака хаёлига келган гапдан завқланиб “пиқ” этиб кулиб олди, – жуда тиқилинч қилишса, кафтингизни тутинг, фол очиб бераман, деб қўяқоласан.

– Рўпара қилган ўзингиз-ку, яна куласиз, – дедим мен ҳам жилмайиб, – тағинам кийим-кечакларини олмадим.

– Олавермабсан-да, ўзимизда харидорлар бор эди, – Алишер ака хотинига тегишиб қаради. Аёли қўлидаги капгир билан ёлғондакам пўписа қилиб, қошларини кўтариб, “ҳап, сеними!” дегандай “ёвқараш” қилди.

Зилолнинг таъбири билан айтганда, “Оянинг лоямути” пишгунча фейсбукка кириб, “йўқланди”ларни текшира бошладим. Қаранг-да, худонинг қудрати билан интернетга шунақа ўрганибманки, ҳар соатда бош суқмасам, бир нарсалардан қуруқ қолаётгандай юрагим ҳовлиқади денг.

Кечадан бери биз фақирни ҳеч ким йўқламабди. “Қўйингни чўпонга ишон, лекин пичоғидан кўз узма”, деган мақолга амал қилиб, Ёрмуҳаммадга нома жўнатдим: *“Ассалому алайкум! Нима янгиликлар? Муддат яқинлашиб қолди-ку... Олмос қалай?”*

Маҳаллий телевизўрда собиқ губернаторнинг кирдикорлари, ҳамтовоқлари ҳақида кўрсатув берилаётган экан, “бизникилар” ҳам чиқиб қолса-я деган хавотирда юрак ҳовучлаб, охиригача кўрдим. Хайрият, қочиб қутулишибди шекилли. Яна фейсбукка қайтиб, йўқотган бир пой зирагини топиб олган келинчақдай бир ҳовлиқиб олдим: жавоб бор!

У: *“Салом! Катта билан кеча гаплашдим. Акангиз “катак”да ҳам мунтазам тартибни бузиб, ҳаракатимизга халақит қилаётган экан. Опангизга айтинг, учрашувга борганда тайинласин, ака ўзини тийиб олсин, бўлмаса айб ўзида қолади. Катта: “Бўлмаганга бўлишма дегани рост экан, бунақада “сўнгги қўнғироқ”қача ўтиради”, деяпти.*

*Олмос сизнинг шарофатингиз билан кун сайин ўнгланиб боряпти. Бирор ойлардан кейин оёққа туриб кетсаям ажабмас. Лекин*

келиннинг айтишича, яна бироз моддий кўмак керак эмиш. Қанчалигини аниқ айтмади. “Опадан сўрагани бетим чидамайди, ammo йўл ярмида муолажани тўхтатиш Олмос акамни тоғдан итариб юбориш билан тенг”, дейди. Менимча, кўп эмас, икки-уч минг кетса керак.

Катта билан индинга яна кўришаман. Бирор гап бўлса, ёзиб юбораман”.

Мен: “Яхши, опамга айтиб қўяман. Каттангизга айтинг, нима қилиб бўлса ҳам акани чиқариб берсин, мукофоти нақд.

Янга хижолат бўлмасин, айтган пулини қўлларига ўзим бераман. Эртага Тошкентга учаман. Худо хоҳласа, сиз билан ҳам юртда юзма-юз кўришиб, гаплашамиз...”

У қайтиб фейсбукка кирмади.

\* \* \*

### 15 май

Ўз уйингдаги ўлан тўшак бировнинг пар кўрпасидан минг марта аъло!

Долче вита\* қавми – ширинтомоқлар танда қўйган тамаддихоналарнинг довуғи дoston таомларидан татиб, пахта ҳашари мавсумида шийпондаги қоратол соясида ўтириб, қоқнон бўктирилган пиёва шўрва ичганларимни орзиқиб эсладим.

Қора денгиз бўйида биз учун махсус тикилган лўличодирда ўн кун ётиб, беармон чўмилиб, беозор қуёшдан тоб оларканман, хаёлимдан Хожа Уббоним кетмади...

Малайзиянинг сув урилган тандирдай иқлимидан лоҳас бўлиб, ҳолгинамга маймунлар йиғлаб, меҳмонхона ҳавосовутгичи нафасидан базўр ўзимга келиб, Ларисанинг раъйи билан тамаддихонага тушган пайтим чувак юзига териси ёпишган мўғулбашара киши чакка мускуллари ўйнаб-ўйнаб, қалин кўзойнак ортидаги ифодасиз кўзларини бир нуқтага тикканча бетиним кавшанаркан, унинг рўпарасида ялпайиб ўтирган тепакал лорс худди малай фили ноласидай шовқин солиб қоғозсочиққа такрор-такрор бурун қоққанини кўриб, дадажоним ўсмир опаларимга: “Пиёлани ювгач, алоҳида-алоҳида қўйинглар, бир-бирига тегиб чиқирласа,

меҳмонни кўнглига келиши мумкин”, деганлари хотирамда уйғониб, негадир ўксиб кетдим.

Буньоль кўчаларида Лья Томатина деб аталмиш ҳосил байрами чоғи бир-бирларини беаёв помидорбўрон қилиб, тўпиғига чикқан қизилбўтқада сирпаниб, ғайритабиий завқ жазбасида қийқириб юрган оломонни кўрганда ҳовлимиз ишкомига онам шода-шода иладиган “памадурқоқи” ёдимга тушди.

Нега шунақаман?

Нега доим дилимнинг бир чети хижил, ўқпати юлиб олинган каптардайман, имкон туғилиши билан ўзимнинг барханларим томон йилдиримдек учгим келаверади?

Балки, фикрим чеклангани, кимларгадир ошно мутлақ эркинлик туйғуси менга бегоналиги учундир...

Эҳтимол, эл қатори камсуқум-камхарж яшаганим, исрофни гуноҳи азим деб билганим сабабдир...

Ватан масаласига келсак... мен шу кўҳна тупроқда ҳурпайиб ўсган янтоқлар панасида дунёга келган хонгули қуралайи кабиман, тилло қумлар ўйнаган булоқларда кўз очган гулимоҳдайман.

“Ҳувайдо” бобом елкасини бериб ўтирган қудуқ ёқасига яшил бахмалдай ёпилган чимнинг серсоқол илдизларига попук томирларим тарам-тарам ўришу арқоқ бўлиб туташиб кетган.

Ҳужайраларим шу диёрнинг иқлимидан семириб, об-ҳавосидан атиргулдай очилган, ҳар бир заррам қишлоғим сувтомчисини танийди... фақат онамдай мунис ва мунир ўлкамнинг ҳур-ҳур шабадасигина тани-жонимга лаззат бахш этади...

\* \* \*

Онажоним ёнида елкаларига бош қўйиб ўтириб, кексаларга хос паришонроқ, ҳорғинроқ товушларини эшитиб томирларимда ҳузурбахш оқ шуъла оқаётгандай, ёшим ўттиздан ошган бўлсаям, қизалоқлик давримга, ўша қизамиқлар тошган пайтларимга қайтгандай бўлдим:

– Энди тузалмайманми, она? – дейман.

– Вой дадасини эркаси! Нима дейди бу? Нега тузалмас экансан? Тузалиб қопсан-ку, мана, кўзгуга қара!

Мен кўзгуга қарагани чўчийман. Бордию яна юзлари ажи-бужи одам қараб турган бўлса-я...

– Она, мени ким тузатди? Сизми? Дадамми? Ё бобожонимми?

– Худойим... Ўзи чевар, Ўзи зардўз...

– Ўзи тузатар экан, нега мени бунча қийнади?

– Бу синов-да, болам, Яратганнинг катта имтиҳони.

– Катта имтиҳонни катталарга берса бўлмайдими, онажон?

Онам кулимсираб, мени бағрига тортади. Мен мушукчадай мулойимланиб, илиқ ва хушбўй пинжга суқиламан.

Огоҳлантирувчи йўтал билан акам кириб келди. Қўлида амири қовун. Дадам раҳматли шу қовунни яхши кўрарди. Бозор кунлари қийиғига боғлаб, елкасида кўтариб кириб келар, “Дадасини эркаси лаган келтирсин-чи, опаларини чақирсин-чи, бир пуд асал обкелдим”, деб ўзи чақмоқлаб, тилигига икки энликдан кўндаланг пичоқ уриб, қўлимизга тутқазар, биз кесилган жойдан қайириб, бир оғзим-бир оғзим қилиб ураверардик.

Қовунга қараб, ўша кунлар акамниям эсида экан-да, деб ўйладим. Оғзимнинг суви келди.

Акам мени қучоқлаб, “Тошюраклар эридими, а? Московингни кимга ишониб омонат ташлаб келдинг, Бонужон?” деб юзларимдан ўпди. Аразим офтоб кўрган шабнамдай буғланди-кетди.

– Ўзиям, ёз бўйи денгизма-денгиз юрдингми дейман-а?

– Ҳа, шולי баҳона сув ичиб...

– Ёқибди сенга, туф-туф-туф! Она, тўйга ошпаз гаплашиб келаверайми?

Онам гап тагидаги гапни тушунмади:

– Тўй? Ҳовли тўйими? Уйинг битдими?

Акам негадир бир қизариб олди:

– Йўғ-а, ҳали иши бор... Бонуни тўйини айтаман...

Онам яна Юсуфни эслади, яхши йигит эди бечора, ёш ўлиб кетди, деб фотиҳа тортди. Менинг кайфиятим бузилганини кўрган акам усталар ҳали тушлик қилган йўқ эди, деб келтирган қовунини қўлтиқлаб кўчага шошилди.

\* \* \*

**16 май**

Бобур жияним ўғилчали бўпти.

“Чилласиям чиқиб қолди-ёв”, деди онам. Атаганимни олиб қўшалоқ қутловга отландим.

– Иби, вой-бў, шунча нарса кўтариб... овора бўпсиз-да, Бонужон, – холам қўлимдаги совғаларни авайлаб олиб, ичкарига қўйиб чиқди.

Бобур томорқада сув тараб юрган шекилли, шимининг почаси қайрилган, калиши лой аҳволда шошилиб келиб мен билан қўл бериб кўришди.

– Холажон, сизга неvara, Бобурга фарзанд, менга жиян муборак! Умри билан, ризқи билан бергани чин бўлсин! Қалай, суюниб ўтирибсизми? Янги меҳмон қайда?

Холам дами чиққандай уф тортиб, супа четига букланиб чўкди.

– Гўрда суюнаманми? Бу келин эмас, бошгинамга бало бўлди. Худо урган жўгининг ўзи экан. Лайлак тарбиянинг ўрнига нуқул гўшт берган эканми, фикри-зикри еб-ичишда! Қишни кунида олмага бало борми!

– Она, бошқоронғи бўлгандан кейин... дадам ҳам айтди-ку, – Бобур супага дастурхон ёзаркан, эътироз билдириб, ён тараф бир қараб қўйди.

– Нима? Келган кунлариёқ бошқоронғимиди? Оғироёқ хотин обкелганмидинг? Сен биласанми, мен биламанми?! Ўша мен айтган пайтда эркак бўлиб жавобини берганинда шунча гап йўқ эди! Бўғоз бўлмасидан, иссиғида қутулардик. Мана, энди шалтоғини бир умр тозалаб ўтасан!

– Узр, холажон, келин... кетдимми?

– “Кетдимми?” Шундай жаннат жойдан осонликча кетармиди? Қайнота ғинг деб оғиз очолмаса! Эрнинг аҳволи бу туриш! Моховканадай ёпишиб олди-ку! Ҳайдаб-сўкиб зўрға кетказдик.

Бўғриқиб кетган Бобур эшитилар-эшитилмас “Бир оғиз сўзингиз билан кетди-ку, она, Фарҳоджонни кўтариб”, деб яна томорқа томонга ўтиб кетди.

– Фарҳоджонмиш-а! Товуғимни отини Тўтиниса қўйдим, деган экан битта девона. Энди нимамиш, бу лайлаквачча алимент тўлатармиш. Бу бола бир жойда ишламаса, ойликчи бўлмаса, катта холамдан обераманми пулни?

Шу тобда менинг кўз олдимга холамнинг “катта хола”си – шол рўмол ўраган, бурнининг чап ёнида сўғали бор истарали момоннинг ромдаги сарғайган сурати келди.

– Бекор бўпти-да, ёшгина нарсанинг умри...

– Бонужон, бизга насиҳат-пасиҳат керакмас. Ҳамма иш ҳал бўлган! Бир ҳафтадан кейин маҳкамада ажрим бўлади. Ўзи, бошида тўй дарагини эшитиб кимдир “Икки-уч ойда келинчак кўзингизга хунук кўриниб қолади”, деб совуқ ният қилганди. Фаришталар кафт жуфтлаб турган экан-да! Тағин кўнглингизга келмасин...

Акажон, шугина маломатдан кўнглим оғрисинми? Бу кўнгилга не-не заранг таёқлару қирраш тошлар тегмади.

Энди уни бемалол палахмонга солиб кимсасиз томонларга отса ҳам бўлади.

\* \* \*

Шоира опам кўнғироқ қилганда шаҳар шифохонаси ёнида Олмоснинг хотини билан гаплашиб тургандим, ололмадим.

Бошига оғир мусибат тушган одамлар каби янга ҳам алланечук жонсарақ, кўзлари бежо эди. Мен бўлимга кириб Олмос билан бир оғиз салом-алиқ қилиб, ҳол сўраб чиқай, десам талвасага тушиб:

– Ҳечам, опажон, келганингизни эшитиб бўлари бўлди, “Мени бу аҳволда кўрсатманглар, унга нотавон, ғариб кўринишни истамайман. Ундан кўра ўлиб кетганим яхши”, деб қайта-қайта тайинлади. Орияти кучли-да, тағинам сиз пул бераётганингизни билмайди. Агар сезиб қолса, оламга ўт кетди, деяверинг. Тузалиб кўчага чиққанидан кейин кўришарсиз, опажон, – деб қолди жовдираб.

– Яна озгина кечикканингизда, ўзим кириб борган бўлардим. Яхшиям кутганим...

Янгага аталганини бериб, Шоира опамга кўнғироқ қилдим. Опам томдан тараша тушгандай:

– Юр, Бонужон, шаҳарга тушамиз, – деб қолди.

Мендан бекорчиси бор эканми? Дарров етиб бордим.

Дўкон айландик, рўзғорга майда-чуйда харид қилдик. Тушлик учун Лаби ҳовузга бориб, алоҳида бўлмага кириб ўтиргач, тараддудлана-тураддудлана:

– Гап бор, Бонужон, – деди овозини пастлатиб. Чойни қайтариб, тин олишга қўйиб, опамнинг оғзига қарадим, – сенга харидор чиқди, кўп қошингни чимирма, бу умр савдоси, қулоқ бер, қачонгача бошинг очиқ юрмоқчисан? Эрсиз хотин – тувоқсиз қозон деган гапни эшитгансан. Ҳали қариганинга иссиқ-совуғингга қарайдиган бола керак бўлади. Ҳозир кучинг бор, кексаликни ўйламайсан, лекин бу бўладиган гап...

– Ким экан у харидор? Биласиз-ку, менга камида шаҳзода бўлиши керак, ўшандаям бўйи бўйимга, ёши ёшимга, кўнгли кўнглимга мос бўлсин.

– Ўла қол-а сен! Ҳамма гапи ҳазил буни! Ҳаёт ҳам ҳазил бунга! Хўп, бундай қиламиз, сен аввал кўриш, ёқмаса, катта кўча, кетаверади. Салгина “жиз” этсаям, уёғи маслаҳат... Маъқул?

– Сизлар нима десаларинг шу, – дедим ўрнимдан туриб машҳур анъанага кўра. Опам майнавозчилигимга баралла кулиб юборди. Менимча, бу неча йиллардан бери биринчи кулгиси бўлса ажабмас...

Мажидбек Шоира опамнинг маҳалласида яшайдиган эски бойлардан бўлиб, ёши ўттиз бешларда, хотини бепушт чиқиб, ажрашган, ҳовли-жойи, улови бор, автосалонда менежер, ўзини тутиб олган олифтагина йигит экан.

Мени талабалик пайтим кўрганини, бир-икки йўл-йўлакай саломлашганини айтиб, “У пайтларда биздақаларни кўзга илмасдингиз, биз ҳам оғиз очгани ботинолмасдик”, деб такаллуф қилган бўлди. Кейин юзимга синчиклаб бир қараб олиб, “Ҳалиям ўзгармагансиз”, деб хушомадини янада силлиқлади. Шеърятни севишини, тарихга қизиқишини, спорт билан шуғулланишини, айниқса, футбол жони-дили эканини таъкидлаб, “Гоҳида чемпионат бўлиб қолса, ишдан таътил олиб, телевизўрга уйланволаман”, деб ўзи маза қилиб кулди.

Мен ҳам четда ишлаганимни, лўлиларга хизматкор бўлганимни, касаллигим тарихини қисқача айтиб бердим. Тўғриси айтсам, ёқди деёлмайману, ҳарҳолда, ўйлаб кўрса бўладиган номзод сифатида тасаввур пайдо бўлди.

Иш жойини эшитиб, машина сотиб олиш ниятимни айтганимда қўярда-қўймай, дўконига судраб қолди. Московда автосалонларга кўп кирганман. Дастлаб иш қидириб, кейин Лариса билан харид

қилгани борганмиз. Аммо ўзинг харидор бўлиб кирсанг, дўконнинг шифт чироқлариям бошқачароқ кўринаркан.

Бозор – шайтоннинг айвони, ҳамма фириб шу ерда.

Дўконга кирдигу Мажидбек сотувчига, мен харидорга айландим-қолдим. Тавба, чет автоларининг нархи Россиядан икки баравар қиммат экан. Ёқамни қўшқўллаб ушладим: бу баҳоларни қайси ақл тайин қиларкан? Мажидбек эса тўхтовсиз ўшанақа машиналарга мени рўпара қилиб, лаганга солиб, мақтагани мақтаган. Ларисанинг “Пежо”сига ўхшайдиган усти очиб-ёпиладиган автонинг эшигини қиялатиб, мени мажбур ўтқазди. Телефонига расмимни тушириб, ўзимга кўз-кўз қилди: “Бир қаранг, узукка кўз қўйгандай бўлдиларинг, бундан бошқаси ҳаром! Бор-йўғи етмиш минг туради...”

Илоннинг устига ўтириб олгандай ирғиб машинадан тушдим: “Бунақа пулим йўқ, уялтирманг...”

Мажидбекнинг кенг пешонаси кампирқовундай тиришди: “Унда, манави “БМВ”ни кўринг. “Пежо”нинг ярми бўлади”.

Менга ўзимизнинг “Нексия” кераклигини айтсам, лабларини пуриллатиб дам чиқарди: “Сизга ярашмайди-да, у қишлоқи дўмбоқчаларга кетади. Сиздек дўндиқ қизга...”

Мен ўйлаб кўришга вақт сўраб, “куёвтўра” билан хайрлашдим. У телефон рақамимни ижикилаб сўраб, кетмасимдан қўнғироқ қилиб текшириб, кейин рухсат берди.

Ўзимни Олмос олдида гуноҳкор ҳис қиляпман. Гўё аҳду паймонни мен бузаётгандай, унга хиёнат қилаётгандай, муҳаббат деб аталган атиргулнинг гулбарглари юлқилаб, оёқ остига сочаётгандай... хуллас, этагига лой теккан келинчақдай дилхира бўляпман.

Олмос ҳам ўз вақтида шундай туйғуларни кечирганмикан ё ўзини осонгина кечириб кетаверганмикан?..

Ҳаво етишмаяпти...

Ёмон бўляпман... кўнглим беҳузур...

Олмос билан хайрлаша туриб, “Ҳазрат, жавоб беринг, борақолай”, десам, у жаҳлланиб, “Қайтиб жавоб беринг деманг, бу жавобимни беринг дегани бўлади, фаришталарнинг фотиҳаси бор, тилчисиз, сўзни танлаб ишлатинг”, деб дакки берганди. “Унда рухсат берасизми, ҳазратим?” деб бош эгсам, жилмайиб, “Бу бошқа гап, маликам, сизга

изн бердик”, деб қўлини кўксига қўйгани бугунгидек кўз олдимда турибди.

\* \* \*

Икром акам авфи умумийга тушмади.

Изоҳ сўраб Ёрмуҳаммадга қайта-қайта хат ёздим – жавоб йўқ.

Янга: “Бу телефонни гапи эмас”, деганига юзма-юз кўришиб, бўлган гапни айтдим. У “Сизга айтсамми, йўқми деб турувдим, Ёрмуҳаммад акани обкириб қўйишибди”, деди хавотирли шивирлаб.

– Нега? – дедим, – нега қамашади?

– Менимча, акасининг душманлари яна тил бириктириб, энди укасига туҳмат уюштиришган. Уйидан варақа чиққанмиш.

Одамзодни қаранг, шумхабарни эшитиб, “Икром акам масаласида қўлга тушдимикан?” деган шубҳа ва ҳадик уйғонгани, варақа чиққанини билгач, тавба деб айтай, бирдан енгил тортдим.

– Бизнинг иш нима бўлади энди? Уйлари қаерда? Хотини, қариндошлари бордир? Суриштирайлик...

– Опа, бунақа модда билан ушланганларни уйини пойлашади. Бир балога йўлиқиб қолмайлик. Кутайлик-чи, вақт ўтсин-чи, унгача Олмос акам ҳам соғайиб қолар. Дўст сифатида у киши борса, биров гумонсирамайди.

Бу маслаҳат менга маъқул тушди. Кутамиз. Бошқа йўлимиз ҳам йўқ.

Шўрлик Шоира опам...

Бечора Икром акам...

Мен...

\* \* \*

### **17 май**

Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг уйи битади.

Акам оппоқ “Ласетти” олди. Янгамнинг оғзи қулоғида, жиянлар машинага яқинлашса, пашшакалтакни кўтариб қувлайди. Ҳаммадан онам хурсанд, бир кулади, бир йиғлайди. “Даданг бўлганда... умрини охиригача шайтонарава минолмай ўтди-я...”

Эҳ, онагинам-а, қариндош-уруғларга таламон бўлган “амиркони пул”ларига бунақа машинадан иккитаси келишини билмайди-да.

– Ака, – дейман, – ишқилиб, ҳайдашни биласизми?

– Эшак миниб юрган одамга темир нима? – акам қўлини белига қўйиб гердаяди. – Ўрганамиз-да. Мана, Феруз ҳам ҳўкиздай бўлиб қолди. Бирга ўқиймиз, ҳужжат оламиз.

– Сизни ҳужжатингиз бордир-а, – янгам ўзини овсарликка солиб, менга кесак отади, – ё уёқларни қоғози бизда ўтмайдими?

– Буни “қоғоз”и ҳамма ёққа ўтади, хотин. Ҳазиллашма, мошинаниям зўрлари келади ҳали, – акам “биз ҳамма гапдан хабардормиз”, дегандай онамга қараб кўз қисиб қўяди.

Опаларим, аммаларим, холаларим бирин-кетин тугун кўтариб, “қуллуқ бўлсин”лаб кела бошлади. Тўй эмас-у, тўйчиқ бўлиб кетди. Ҳаммаси машинани мени олиб берган деб ўйлаб, алоҳида эҳтиром кўрсатиб, икки юзимдан чўлпиллатиб ўпиб, “Биз томонларгаям кун чиқармикан?” деганга ўхшаш қочиримлар қилишди. Фақатгина катта аммам эски одатига кўра кафтини пешонамга босиб, тескари тарафини ўпди-да, кўзлари билан бўйимга ўлчов солиб:

– Энди чет-петга чиқиб юрма, куёв топиб, тўйни тезлаштир. Даданг тушимга кирибди, – дедию супанинг тўрига чиқиб ястаниб олди.

Гулшан опам сочларимни қулоғим ортига ўтказаркан, тартиб берган киши бўлиб, “Ҳамма нарсани фурсати бор, дегани шу-да, ростанам тўйни тезлат энди, ўзингга қараб, пардоз-андоз қилиб юр”, деб меҳр кўрсатди.

Феруз ёнимдан кетмайди.

– Апа, яна Московга қайтиб кетманг-а, шу ерларда юраверинг. Ана, мактабда ишланг, – дейди қўли билан мактаб томонни кўрсатиб, – энди дадам ҳам кетмайди. Ҳаммамиз маза қилиб яшаймиз, – кафти билан оғзини пана қилиб, қулоғимга, – дадам-чи, Твердан бир қоп пул билан келган, – деб шивирлаб, кўрсаткич бармоғини лабига кўндаланг қўяди.

Феруз билан қаймоқлашиб ўтирсак, телефон нағма қилиб қолди.

– Салом, яхшимисиз, Бону? Онангиз, акангиз, опаларингиз, амакилар, аммалар... – эҳтимоли бор қариндош турларини эринмай санаб чиқди Мажидбек.

– Эчки-улоқлар, сигир-бузоқлар, қўй-қўзичоқлар, қозон-товоқлар... ҳаммаси яхши. Мана, ёнимда Феруз ўтирибди. Уям яхши, – дедим энсам қотиб.

Ўз отини эшитиб, жияним бўйнини чўзди:

– Ким, апа?

– Битта бекорчи, – дедим телефонни узоқроқ тутиб.

Мажидбек муддаога ўтди:

– Шу дейман, Бону, машина олмасдан тўғри қиласиз, мана, менда бор-ку, икковимизга бўлади-да. Эр-хотин қўш хўкиз, сизда алоҳида, менда алоҳида авто бўлса, гап кўпайиб кетар.

– Ҳа, гап кўпаяди. Ҳозирам кўпайяпти.

У киноямни қулоғи ёнидан ўтказиб юборди.

– Шу дейман, Бону, қўлингиздаги пулни оилавий бизнесга тиксак. Мен қачонгача Назарбекни салоида бировларни машинасини силаб юраман? Келинг, пулингизни фоизга қарзга берайлик. Ҳозир йигирма фоизга ўйнаб-кулиб қарз кўтаришади. Ўн минггингиз бир ойда икки минг туғади. Юз минг – йигирма минг.

– Қаранг-а, жонни ҳузури бу ёқда экан-ку.

– Шунни айтаман-да, Бонужон, – Мажидбекнинг жони кирди. – Сиз қўлингизга кирсовун олмай таралло қилиб юраверасиз, мен хизматда. Тўйни Тошкентдаги “Эзидёр”да қиламиз. Ўтган йили бизни хўжайин шу ресторанда ўғлини уйлантирди. Тўйни охиригача Хуршидбекни ўзи турди. Бизам роса қистирдик.

Феруз тоқатсизланиб, юзимга қаттиқ қаради:

– Апа, тўй дейдими? Қанақа тўй? Ким ўзи бу?

Мен “Жим ўтир” деган маънода қўл қоқиб, елкасига уриб қўйдим.

– Қишлоғимизга сал узоқлик қилмасмикан? Амма, хола, опа, амаки, эчки-улоқлар бор...

– Уларга қишлоқда бошқа тўй қиламиз. Ахир орзу-ҳавас деган гаплар бор...

– Хўп, тўйни қачон қиламиз?

– Аввал бир-икки ой фоизимизни йиғиб, сал жамғаришиб олайлик. Ҳозирги тўйларга ҳазилакам пул кетмайди. Кейин, “Асал ойи”, “Никоҳ саёҳати” бор...

– Ҳа-а, шунақа денг... – энди бошлаб тузлайман деб турсам, Феруз телефонимни юлқиб олиб бақира кетди:

– Ўв! Ким бўлсанг ҳам қайтиб апамга қўнғироқ қилма! У сенга икки дунёда тегмайди! Тушундингми, пайтава?!

У томон бунақа “лутф”ни кутмагани аниқ, гангиб:

– Кечирасиз, ким бу? Тушунмаяпман, – деди.

– Уйингга бориб тушунтирайми, латта? Бўлди, йиғиштир тўрва халтангни, бу рақамни ўчириб ташла, яна апамга шилқимлик қилсанг, машинангни бомбардимон қиламан!

Мажидбекнинг телефони энди чилласи чиққан жўжадай қисқа-қисқа “ғуқ”иллаб қолди.

– Феруз, – дедим қулоғидан авайлаб тутиб, – шу ишинг яхшими? Қаерда ўргангансан бунақа дағдағани?

– Кинодан, апажон... – у талтайиб илжайди.

\* \* \*

### *18 май*

Шоира опамнинг қизи Дилдора билан рус тили дарсини такрорлаётсак, опам ҳовлиқиб кириб келиб, қўлимга телефонини тутқазди.

– Манавини қара, Бону, тавбангдан кетай...

– Олмосми? Ҳа, мана, янгаям ёнида турибди. Эски расм шекилли.

– Расмни қўй, Бонужон, мақолани ўқи!

– “Олмос, Ёрмуҳаммад, Султон, Абдусаттор, Қамариддин... “олим”, “фермер”, “табиб”, “адвокат”, “бемор”... ёки фирибгар”, – анқайиб, сарлавҳани қайта ўқиётувдим, опам телефонни олиб, ўзи давом эттира кетди:

– “Ўзини физика-математика фанлари дўхтири, дунё аниқ фанлари академияси аъзоси Султон Аъзамов деб таништириб, инглиз, француз, испан тилларида китоблари чоп этилгани, Эйнштейн назариясининг тескари формуласини кашф этгани, Нобель мукофотига номзоди қўйилгани ҳақида овоза тарқатган олим ҳақида эшитганмисиз? Эҳтиросига жилов сололмайдиган омма “Хайрият-е, ўзбекдан яна чиқибди-ку, отасига раҳмат, қўллаймиз, қувватлаймиз”, деб тўлқинланиб, баъзилари кўзига ёш олиб турганда, бошқа “йирик алломалар” Аъзамовнинг ҳаёти хавф остида, жигар циррозига учраган, хайрия қилайлик, пул йиғайлик, ҳисоб рақами мана бу, деб

бонг уриб турса... беморнинг аянчли суратлари тиркалса... тошюрак ҳам эрийдимми? Ҳа, балли! Ёки бир қарич ер дўппидан азиз бўлган Фарғонанинг Бағдодига бориб “Ўзим фермерман, Сирдарёда минг гектар ерим бор, ҳоким билан келишдим, ярим баҳосига ижара бераман”, деб паспорт нусхасию фермерлик ҳужжатларини дастурхондаги нон устига ташласа... “Кутилмаган бахт”дан каловланиб қолган деҳқон эл тахмондаги кўрпа қатига қўл тиқиб, дастмоясини чамалаб турган пайти қора “Прадо”дан тарвуз ютгандай салобатли акалар меҳмонни “излаб келиб”, “ҳалиги айтилган минг гектарни кўтарасига оламиз, мана соққа”, деб йириги тахланган жомадонни очиб турса... худо берадимми? Содда бағдодликлар “Прадо”дан тушганларга ўқрайиб, “саховатли фермер”га тавозе билан илжайиб, қайдан чиқди ёруғлик деб, “кимошди” савдосини бошлаб бермайдими?..

Дарди бедаво касалликлар шифохонаси ёнида кўрпа-тўшак қилиб, беморларининг тузалишини худодан сўраб илтижога ўтирганлар орасига кириб, “Узр, фалончи деган одам ораларингда йўқми? Менга қўнғироқ қилиб, Абдусаттор табибнинг қабулига олиб боролмайсизми, деб йиғлаганди. Табибнинг вақти йўқ, навбат кутганларнинг охирига кузда навбат келади, десам ҳам ёшгина болам жувонмарг бўлиб кетадимми, деб ҳўнграганига кечаси ухлолмай, бу ерга келган жойим... ҳа, майли, йўқ бўлса йўқ-да”, деса, эшик очилиб, ҳамширанинг қалпоғи кўринганида “Бизники узилган бўлса-я”, деб юрагини ҳовучига олиб ўтирган қоракўзлар “Ҳазрати Масих”нинг элчиси чопонининг барини чангаллаб, кўмак ўтиниб ялинмайдими?..

Ёки жигарбанди қамалиб қолган пулдорроқ одамни топиб, гап орасида “Яқинда туғишган акамни обчиқдим, ўн беш йилга кесилганди, йилма-йил нақд тўлаб қутқарволдим. Яхшики, бир инсофли “танка” рўпара кеп қолди. Анча арзонга тушди. Бу дунёда савобталаб яхши одамлар кўп. Лекин ўзим орага тушмайман, қўлимга пул ушламайман, бирорта яқинингиз орқали иш битиришга кўмаклашим мумкин”, деб турса, ака ё укасининг “қафас”даги хўрлигини ўйлаб, унинг болаларининг зорлигини кўриб турган қайси ўзбек молини қизғанади? Жониниям қўшиб берворар...

Мен ўзим бошқачароқ тузоққа тушганман. Укамнинг ҳужжатларини университет қабул комиссиясига топшириш учун

навбатда турсак, бир пўрим йигит келиб, “Сиз фалончи эмасмисиз?” деб қолди. “Йўқ”, дедим. У “Ҳа, майли, ўша фалончи шу ерда учрашайлик, оқ кўйлакка қизил бўйинбоғ боғлаб бораман, бир жияним ўқишга кирмоқчи, шунга ёрдамнингиз керак, телефон рақамингизни Ёрмуҳаммаддан олдим, деганди. Кийимингизга қараб ўшами деб ўйлабман...” деб чиқиб кета бошлади. “И-е, омад қуши бошингга қўнса, чучкирмай тур, афанди”, деб ортидан ҳаллослаб чиқдим. “Ака, биздаям шу муаммо, укамизнинг билими куя тушган пўстакдай... қўллаворинг, уёғини келишамиз...” дедиму қўлини қўйвормадим. У “Узр, мен сизни танимайман, анави одамга Ёрмуҳаммаднинг ҳурматидан хўп дедим. Нарх-навони кўриб турибсиз, олимпиадада Усайн Болт ўрнатган рекорд даражасига чиқди... Лекин яхши одамга ўхшаяпсиз, мана рақамим, эртага бир хабарлашайлик, мен танамга ўйлаб кўрай...” деб “Мерс”ини ўтатди. Биродарлар, хуллас, сезиб турганингиздай, қурттекина тўққиз мингга тушдим. Тўғри, пора бериш ҳам жиноят, лекин жиноятчини билиб туриб башарасини очмаслик гуноҳи азим. Майли, мениям жазолашсин, лекин Олмос, Ёрмуҳаммад, Султон, Абдусаттор, Қамариддин... ларни халқ олдида очиқ суд қилиш керак! Бунинг учун улардан биттасини қўлга олиш кифоя. Чунки мазкур номлар билан шайтонга дарс берган иблисваччалар, аслида, битта одам: Олмос!

Бу лаъин фейсбукда беш-олти ном билан ов қилади, эр-хотин жуфт калиш деганларидай, унинг “жуфти ҳалоли”ям бу жараёнда қарчиғай ролини ўйнайди. Мана сизга оилавий бизнес!

Бир вақтлар ўрис матбуоти машҳур комбинатор Остап Бендер тимсоли яратилишида Турғун Ҳасанов деган бизнинг юртдошимиз фаолияти асос бўлгани ҳақида ёзганди. Шукур, муносиб издош чиқиб турибди!

Мен икки йил унинг изидан тушиб, ўнлаб жабрдийдалар билан суҳбатлашиб, ниҳоят асл башарасини сизга ҳам очяпман. Кўриб қўйинг, дўстлар, фирибгарларнинг қаллоби, қаллобларнинг фирибгари, товламачилик оламининг қироли мана шу бўлади!”

Мақолага Олмоснинг ҳар хил давралардаги расмлари илова қилинган эди.

\* \* \*

## 19 май

Олмосга қўнғироқ қилдим, кўтармади.

СМС ёздим, жавоб келмади. Кейин пўписага ўтдим: “Янга, рақамни керакли одамларга бериб, манзилингизни, ҳозир қайдалингизни топтиришим мумкин. Сиз инсон ҳаёти билан ўйнашдингиз. Мен бу ишнинг охирига етмай қўймайман. Сизга эрингизнинг даволаниши учун берган пулларим бошқа мавзу. Лекин Икром акам масаласида фирибгарлик қилганингизни икки дунёда кечирмайман! Телефонни яхшиликча олинг!”

Ўша заҳоти менинг рақамим “қора рўйхат”га тушди. Кечга бориб телефонини бутунлай ўчириб қўйди. Энди фейсбукдан “Ёрмуҳаммад”га хат ёздим: “Ассалому алайкум, Олмос ака! Сизга қойилман! Етти ухлаб тушимга кирмаган ишлар бўлди”.

У: “Мен янгангизман. Фейсбукдаги мақоладан кейин Олмос акам ўз жонига қасд қилди. Ҳамманг бир инсоннинг уволига қолдинг! Сенларгаям худо бордир...”

Мен: “Қўйсангиз-чи, акагинам, шу тобда янгам бир қўлини столга тираб, елкангиз оша компьютердан кўз узмай қараб турганига ишончим комил... Хўп, жанозага қайга борай?”

У: “Опа, ростдан аҳволлари оғир. Жонлантириш хонасида ётибди, ҳуши ўзидамас...”

Мен: “Зўр малҳам бор – “олакула” деган! Ўшандан суриш керак... Биласизми, бир пайтлар тилла деб тақдим қилганингиз узук эртасигаёқ бармоғимни қорайтириб, жездан тайёрланганини ошкор қилганда, яъни миси чиққанда, бирорта фирибгар алдаб сизга қалбакисини ўтказгани аниқ деб ишонгандим. Ва сизни хижолатга қўймаслик учун онамнинг бир пойи йўқолган қашқари балдоғини заргарга бериб, худди ўшандай узук ясатиб, тақиб олгандим. Кейинчалик сиз бармоғимни ушлаб, “Узук қисмаяптими, Бонужон?” деб қайта-қайта сўраганингизда ҳам шубҳага бормаганман... Чунки у пайтлар мени самимий севганингизга гумоним йўқ эди, балки, чиндан ҳам яхши кўргандирсиз, эҳтимол, кейинчалик қора муҳит сизнинг қалбингизни эгаллаб, қаллобга айлантиргандир...”

У: “Бону, ҳозиргина ҳушимга келдим, наҳотки менга ишонмасангиз? Бу қуруқ туҳмат. Мендаям душманлар бор. Ўшалар

*кўролмасдан уюштирган...”*

*Мен: “Албатта, кимсан Эйнштейннинг хатосини тўғрилаган алломада шу нуфузга яраша душман бўлади-да. Устига-устак, саховатли тадбиркор-фермер, ҳожатбарор адвокат бўлиб қанча инсонларни ёруғликка олиб чиққан бўлсангиз. Боз устига, ўликни тирилтирадиган ҳозиқ табиб ҳам ўзингиз, давоси йўқ дардга чалинган рамақижон касал ҳам сизсиз. Балки, саратонга даво топиш учун фидойилик кўрсатиб, атай ўзингизга юқтириб, тажриба олиб бораётгандирсиз...”*

*У: “Бону, бир вақтлар мени деб урган юрагингизга қулоқ солинг. Менга ишонинг!”*

*Мен: “Сизнинг “ижодий портретингиз чизгилари”га билдирилган ўнлаб муносабатлар-чи? Йўл-йўлакай “тўр”га тушган лақмалар-чи? Ҳаммаси ўз манзилени, исми-насабини, воқеа содир бўлган кунни аниқ ёзиб турибди-ку. Ҳайф сизга!”*

*У: “Хўп, нима дейсиз? Мен сиздан қўлим билан пул олмаганман. Исбот қилолмайсиз! Рози бўлиб ўзингиз бергансиз, хайрия, эҳсон дегансиз. Шу қилган савобингизни жанжал кўтариб гуноҳга айлантирмоқчимисиз?”*

*Мен: “Менга сиздан ҳеч нарса керакмас. Сарф-харажатларимга розиман. Яхшиямки, Икром ака “операция”сидан на опамнинг, на акамнинг хабари бор. “Ғофиллик бандасининг бахти”, дегандингиз бир пайтлар. Бу ҳикматни бугун англатдингиз. Акам насиб қилган кунни чиқиб қолар... Фақат сизга битта саволим бор, шунга тўғри жавоб берсангиз бўлди.*

*У: “Худодан қўрқмайсизми, демоқчисиз-да?”*

*Мен: “Саратонга чалинмагансиз-а?”*

*У: “Йўқ, худо сақласин!”*

*Мен: “Хайрият...”*

*\*\*\**

– Бир йигитни дараги чиқдию униям йўқ қилдинг шекилли, қизижон? Қиз болага бошпаноҳ керак, ё бошқа кўз тутганинг борми?

– Йўқ, она...

– Эсим қурсин, ҳар сафар айтаман деб унутаман, даданг

раҳматли қизинг эрга тегса, бобосидан тўёна, васият қилиб кетган, деб бир қулоғи синган кўзача бериб эди. Ажаб одамлар, сен эски-тускига қизиққанингга жавон-павонга қўйиб қўяди деб ўйлаганми, худо билади. Бўғзидан қарасам, ичида пахтами, латтами бор эди.

– Қайда?! Қайга қўйгансиз?!

– Оғилдаги яламатуз турадиган токчага ташлаб, устига сомон босиб қўювдим.

Югуриб кирдим: токча шип-шийдам, туз ҳам, сомон ҳам йўқ. Ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилдим.

Бир вақтлар тўсинига чилвир ташлаганим устунга суяниб узоқ йиғладим: бобом, дадам, “Ҳувайдо” бобом ва... Олмосни ёдлаб...

\* \* \*

Олмос...

Мени кўнглим билан рақиб қилиб қўйдинг...

Кўнгил сен тараф, сенинг мудофаанг билан банд. Ақлим эса устимдан кулади. Ақлим айтадики, дастлаб тасодифан танишганинг пайт “Ётоқхонада турсангиз кераг-а?” деган СМСига “Йўқ, Эски шаҳардан Шоира деган саховатли опа топганман, даргоҳидан каминага ҳам жой теккан”, десанг, эрмакка хатлашиб турган одам дарров кўнғироқ қилиб, “Эрининг оти Икромиддин ака эмасми? Эҳ-ҳе, уларни бутун Бухоро танийди, лотереянгизга ютуқ чиқибди-ку”, деб бирдан жиддий муомалага ўтганини сезмаганмидинг? Кейинчалик қайта-қайта Икромиддин ака билан таништириб қўйинг, деб илтимос қилаверишдан асл мақсади “яқинларинг билан юзочди қилиш” эмас, сенинг воситангда янгибойлар ишончига кириб олиш бўлган, холос...

Қолган тафсилотлар ўзингга тан...

Ўйлаб кўр...

Кеч бўлса ҳам...

Акажон, мен ақлимга нима дей?

Кўнглимни қандай овутай?

\* \* \*

**20 май**

– Сенга нима бўлди, дадасини эркаси? Бир ҳафтадан бери уйдан чиқмайсан? Қовоқларинг шишиб кетибди, ким ранжитди?

– Ҳеч нима...

– Онам бечора Бонуни мошинга солиб айлантириб кел, сиқилиб кетди, етти пирга олиб бор, зиёрат қилсин, дейди.

– Борганман, зиёрат қилганман...

– Бирор камчилигинг бўлса, менга айт, тўғрилаб берай. Ё пул керакми?

– Рост гап керак...

– Қанақа рост гап?

– Пулларингиз қайдан келди?

– Нима?

– Пулларингиз қайдан келди, деяпман, кармисиз?!

– Сен ўйлаган жойдан, Бонужон... Насиб-да, насиб... Лекин ҳозир бозорда олтиннинг қадри анча тушган...

– Ҳа, мен учун у нарса тилла эмас, бобомдан, бобокалонимдан, аждодларимдан ёдгорлик эди. Қадри шунда...

– Менам шу авлодданман. Мениям ҳаққим бор...

– Васият-чи?

– Сенга пул керакми? Қанча берай?

– Акажон, ўтинчим шу, бир дона танга беринг, бўйнимга тумор қилиб осиб юрай... Бир донагина қолгандир?.. Бобомнинг қўли теккан, дадамнинг кафти ҳарорати кетмаган танга... Борми?

– ...

\*\*\*

### ***30 май***

Акажон, бугун онамнинг еттиси.

Доим ўлимни осонини бер, деб сўрарди. Муродига етди: сўрида опаларим билан ҳангома қилиб ўтириб, “Вой художоним-а”, дедию ёстиққа ёнбошлаб жон берди-қўйди.

Мана, сўнгги япроғим узилди. Дарахтимда на мева бор, на япроқ... Осмонга қарайман – уфқлар бўм-бўш...

Акажон, сизни топиб хат ёза бошлаганимда ташвишим ҳам, мақсадим ҳам бўлак эди. Ўшанда ёзганимдай, тақдир чорраҳасида

иккиланиб турардим. Чунки ўша пайт мен жуда бой эдим – умидим бор эди...

Икки ҳафта бурун йўлларимиз кесишиб, сафардан қайтарингизда вокзалда кўришиб, сиздан китоб олиб қолмоқчи бўлганимда яна кўп гапларни айтиб беришни кўзлагандим.

Сизни узоқдан кўрдиму, негадир бирдан шаштим тушди: дардимни дастурхон қилиб бу кишининг ҳам тоза бошини қотирдим, ҳеч кимга айтмаган ҳасратларимни тўкиб солдим, балки унга мутлақо қизиғим йўқдир, мендақалар сон-мингта-ку, деб иккиланиб қолдим.

Сиз кутиш залига кириб, атрофга аланглаб, мени қидирдингиз. Кейин тоқатсизланиб, қўнғироқ қилдингиз. Мен сизга кўринишга уялганимни, ўрнимга жиянимни юборганимни айтиб, китобни унга бериб қўйишингизни сўрадим.

Сиз ўзингизга қараб келаётган аёлни жилмайиб қарши олдингиз. Сўрашиб, китобни узатдингиз-да, бир-икки қадам босиб, илқис қайрилиб, “Бирор гапингиз бормиди менда?” деб сўрадингиз. У бош чайқагач, “Хайр, Бонуга салом айтинг”, деб шерикларингиз билан чиқиш йўлаги томон шошиб кетавердингиз.

Мен сизга китоб учун раҳмат айтишга қўнғироқ қилдим. Сиз “Жиянингиз жуда чиройли экан, ёшлигингизни кўргандай бўлдим”, деддингиз.

Акажон, ўша аёл... мен ўзим эдим...

\* \* \*

### **31 май**

Сиз билан ўн ойдан бери ошноман.

Деярли ҳар куни сизга мактуб йўллаб, ғойибона дардлашавериб ўз жигаримдай бўлиб қолдингиз.

Ўйловдимки, юрак кўзи билан кўрадиган одам мени, албатта, таниб олиши керак, қиёфам қандайлигининг аҳамияти йўқ, нигоҳимдаги ифодани бир қарашда ўқийди-да, “Тўхта, сен Бонусан-ку! Кўзларинг айтиб турибди-ку!” деб қувониб кетади...

Афсус... балки, бошқа жиддий муаммо билан хаёлингиз банд бўлгандир. Сиздан гина қилишга сираям ҳаққим йўқ. Лекин кўнгил экан-да...

Ҳа, акажон, мен тузалиб кетдим. Ўзи чевар... Ўзи зардўз...  
Худодан амр бўлса, мўъжиза муддати киприк қоққандай гап экан.  
Ҳамма ҳайрон. Ўзим ҳам лолман.  
Кўзгуга қарайману бу ким ўзи, дейман...  
Акажон, ҳеч кимдан хафамасман.  
Ҳаммани кечирдим... ҳаммасини...  
Мен ҳаётдан безганим йўқ, бировлардан зерикдим холос...  
Бу менинг охирги хатим.  
Қатъий қарорга келдим: жоним ва руҳим осойиш топадиган, ҳеч  
ким ҳеч кимни алдамайдиган, зуғум ўтказмайдиган, камситмайдиган,  
“Ҳувайдо” бобом айтгандай, одамлар тароқ тишларидек тенг бўлган  
жойга кетяпман.  
Энди қайтиш йўқ...  
Мени бу оламда яшамаган, ўзим ўйлаб топган хаёлий  
қаҳрамоним деб ҳисобласангиз ҳам майли...  
Ҳаммаси учун раҳмат сизга!..  
*...фақат битта доғ қолгандир... юрагимда...*

**Битди.**

**2016 йил  
Дўрмон.**